



Мундарижа * Содержание * Content

5	БОШ МУХАРИР МИНБАРИ
6	Исломов З.М. <i>Ислом манбаларида шахс психологияси хусусиятлари</i> <i>Psychological properties of personality in Islamic sources</i>
8	Умаров Б.М. <i>Вояга етмаган жиноятчи шахси типологиясининг психологик хусусиятлари</i> <i>Psychological characteristics of the personality of the juvenile offender</i>
14	Расулова З.А. <i>Қалин бериш одатининг яшовчанлик сири: этнопсихологик таҳлил</i> <i>The secret of qalin survivability: ethnopsychological analysis</i>
25	Мирқосимова М.М. <i>Замонавий таълим тамойиллари ва ўқитиш технологиялари</i> <i>Modern principles of education and teaching technologies</i>
32	Қасимова З.Х. <i>Педагогларда таълим менежерига хос креативлик сифатларини ривожлантириш йўллари</i> <i>Ways of development creative abilities by teachers inherent in education manager</i>
37	Назаров А.С. <i>Бошқарув фаолиятида қарорлар қабул қилишнинг психологик жиҳатлари</i> <i>Psychological features of decision-making management activities</i>
45	Жаббор А.М. <i>Талабалар томонидан диний матнлар талқин қилишнинг психологик хусусиятлари</i> <i>Psychological features of interpretation of religious texts by students</i>
49	Эргашев П.С. <i>Основные направления научных исследований отдела «Психологии религии и духовности» американской психологической ассоциации: аналитический дайджест</i> <i>The main directions of scientific researches of the division "Psychology of religion and spirituality" of American psychological association: an analytical digest</i>
56	Умаров Б.М., Маратов Т.Ғ. <i>Талаба ёшлар социал интеллектининг озига хос хусусиятлари</i> <i>Particular qualities of student youth social intelligence</i>
60	Насимджанова М.М. <i>Шахсда инкультурация жараёнининг этнопсихологик хусусиятлари</i> <i>Ethnopsychological features of the process of person inculturation</i>
66	Тойирова Л.И. <i>Эгизакларни ижтимоий-психологик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқлаш</i> <i>Differentiation of twins by socio-psychological characteristics</i>
72	Расулова Н.Т. <i>Ёш oilалар репродуктив маданиятининг шаклланиши ва такомиллашувига oid ёндашувлар</i> <i>Approaches to the formation and improvement of the reproductive culture of young families</i>



- 76 Турсунов Л.С.**
Эътиқод шахсининг ўзига хос хусусияти сифатида
Belief as a specific characteristic of a person
- 80 Ботирова Д.Б.**
Ижодкор талабалар эмоционал ҳолатларининг психологик хусусиятлари
Psychological features of the emotional state of creative students
- 84 Расулов А.И.**
Психодиагностик тестнинг амалиётда татбиқ этиши хусусиятлари
Features of the implementation of psychodiagnostic tests in practice
- 96 Алимов Х.М.**
Сохта тариқатлар: шахсга таъсири ва психологик механизмлари
False tariqas: influence to the personality and psychological mechanisms
- 101 Расулова З.А., Гулматов У.Х.**
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла фаолларининг oila-никоҳ муносабатларини мустаҳкамлашдаги ўрни
The role of self-government bodies of citizens and mahalla assets in strengthening family-marriage relations
- 108 Ганиева Г.В.**
Психологические аспекты диагностики компетенции магистра
Psychological aspects of the diagnosis of master's competence
- 115 Алимова У.Р.**
Аёлларда жароҳатдан кейинги стресснинг ўзига хос психологик хусусиятлари
Psychological features of post-traumatic stress in women
- 119 Улмасова Д.Х.**
Психологик муаммонинг мазмун-моҳияти ва уни ҳал этишида консуьлтант психолог шахсига қўйиладиган талаблар
The essence of the psychological problem and the requirements for the counseling psychologist in it's solution
- 125 Худойқулова Д.Б.**
Глобаллашув шароитида диний онг шаклланишининг психологик-педагогик хусусиятлари
Psycho-pedagogical features of the formation of religious consciousness in the context of globalization
- ИЛМІЙ МУШОҲАДА**
- 131 Турсунов Қахрамон, Мухамедов Тўлқинжон Джураевич,**
Сайловларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари
Socio-psychological aspects of elections
- 135 Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Дин психологияси ва педагогика" кафедраси фаолияти ҳақида**



БОШ МУХАРИР МИНБАРИ

Бошқа соҳаларда бўлгани каби Ўзбекистонда психология соҳасида ҳам бугунги кунда анчагина салмоқли ишлар қилинмоқда. Ватанимиздаги янгича инновацион ғоялар, ташаббуслар, инсоннинг психологик ресурсларидан унумли фойдаланишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Давлат ислохотлари биз психологлар зиммасига юксак масъулиятларни юкламоқда. Шу нуқтаи назардан олимларимиз томонидан бугунги замонавий психологиянинг янги йўналишлари ва долзарб муаммолари бўйича бир қатор назарий ва эмпирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ижтимоий-гуманитар соҳа йўналишларидаги ҳар бир олий ўқув юртларида инсон омили ва унинг шахс сифатидаги психологик камолотини тўлақонли таъминлашга қаратилган амалий тадбирлар ташкил этилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон психологлари ҳам ушбу тадбирларда ўзига хос фидойилик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Журналимизнинг мазкур махсус сони республикамизда ягона ва ўзига хос олий нуфузга эга бўлган Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси олимлари томонидан тизимли равишда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижаларига бағишланади. Зеро, тақдим қилинаётган ҳар бир илмий мақола замирида мазкур кафедра олимларининг илмий салоҳияти, фидойилиги, юксак интеллект ва истикболлари мужассамдир. Айниқса, психология фанлари доктори, профессор Умаров Баҳриддин Менгбоевич, доцентлар Расулова Зиёдахон Абдубориевна, Эргашев Пўлат Собирович, педагогика фанлари доктори, профессор Мирқосимова Марғуба Мирқобиловна, ҳамда, кафедра мудири педагогика фанлари номзоди, доцент Қосимова Зебо Ҳамидовналар раҳбарлигида кафедрада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Қуйида тақдим этиладиган барча илмий мақолалар кафедра олимлари раҳбарлигида олиб борилаётган истикболли тадқиқот ишларининг ҳосилидир. Албатта, ушбу тадқиқот натижалари Ўзбекистонда муайян даражадаги психологик билимларни эгаллашда, эътироф этишда ва тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади деб ўйлайман. Кафедра олимларига эса юксак илмий парвозлар тилаб қоламан.





Исломов Зоҳиджон Маҳмудович,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Илмий ишлар ва инновациялар бўйича
проректор, филология фанлари доктори, профессор

ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Барча диний таълимотларнинг мазмун-моҳияти онгли мавжудот – инсон ва унинг тарбиясига қаратилган. Асосий мақсад инсонларни гўзал хулқлар билан зийнатлантириш ва ёмон хулқлардан йироқ қилиб, улардан огоҳлантиришдан иборат. Авесто, Таврот, Забур, Инжил, Қуръони карим каби диний муқаддас манбаларда инсониятга мана шу зарур ва ўта мураккаб вазифанинг асосий қоидалари, унга эришиш йўллари баён этилган.

Ислом таълимотида хусусан, унинг муқаддас манбалари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда гўзал хулқларга оид оятлар ҳамда ҳадислар кўплаб келтирилган. Шунингдек, инсон зотини огоҳлантириш учун ғийбат, ҳасад, ёлғончилик, қотиллик, ўғрилик каби ёмон хулқлар ҳақида ҳам чуқур тўхталиб ўтилган. Инсон камолотида хизмат қилувчи тўғрилиқ, ростгўйлик, парҳезкорлик, сабрлилик, кечиримлилик, омонатдорлик, ваъдага содиқлик, хушмуомалалик, ҳамкорлик, аҳллик, шукрлилик, ҳаёлилик каби кўплаб хулқлар уни том маънодаги “Ҳазрати Инсон” даражасига олиб чиқади.

Манбаларда яхши хулқлар сирасида тўғрилиқка алоҳида урғу берилган. Уни касб қилган инсон икки дунёда шарафли ва азиз бўлади. Бу ҳақда Қуръони каримнинг “Ахқоф” сурасида **“Албатта, Раббимиз – Аллоҳ, – деб, сўнгра (тўғри йўлда) устувор бўлган зотлар учун хавф йўқдир ва улар қайғу ва алам чекмаслар”** деб таъкидланади. Ушбу мавзу ўнлаб ҳадисларда ҳам ўз баёнини топган. Жумладан, Имом Бухорий ривоят қилган бир ҳадисда шундай дейилади: *“Бир киши Расулulloҳ (алайҳис-салом)га келиб: Ё Расулulloҳ, менга насиҳат қилинг,- деди. Расулulloҳ (алайҳис-салом) унга ушбу қисқа мўъжаз жавобни бердилар: “Аллоҳга имон келтирдим дегин, кейин тўғри бўл”. Тўғрилиқнинг ўта муҳимлиги қуйидаги ҳадисда ҳам таъкидланади: “Одам боласи тонг оттирса, барча аъзолари тилга зорланиб: “Бизнинг ҳаққимизда Аллоҳдан қўрқ! Албатта, биз сенга боғлиқмиз. Агар сен тўғри бўлсанг, биз ҳам тўғри бўламиз. Агар сен қийшайсанг, биз ҳам қийшаямиз”, дейдилар”.*

Қайд этиш лозимки, шахс психологиясида нафс тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Чунки, шахс ўзини тарбиялаши натижасида, нафақат ўзини, балки, унинг ортидан бутун жамиятни ислоҳ қилиш имкони яратилади. Бу борада Қуръони каримда **“Кимки (бу) зулмидан кейин тавба қилса ва (ўзини) тузатса, албатта, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этади”** (Моид, 39). Бошқа бир оятда **“Эй, Одам авлоди! Агар сизларга ўзингиздан (инсон зотидан) бўлган пайғамбарлар Менинг оятларимни сизларга ўқиган ҳолда келсалар, (билиб қўйингизки) кимки тақволи бўлиб, (ўзини) тузатса, у (каби)ларга (охиратда) хавф йўқ ва улар ташвиш ҳам чекмагайлар”**, деб марҳамат қилинган (Аъроф, 35).

Одатда нафсни ислоҳ қилиш нотўғри ишлар қилинганидан ёки нотўғри йўлдан қайтгандан сўнг уни тарбиялашда намоён бўлади. Шу билан бирга, нафсни ислоҳ қилиш маънавий юксалиш омилларидан биридир. Имом Ғаззолий киши бошқалардаги турли нуқсон ва камчиликларни тузатишдан олдин, инсон ўзи ҳамда ўз нафсини ислоҳ қилишига тарғиб қилган.

Динимиз таълимотида нафсни ислоҳ қилиш билан бир қаторда, уни поклаш масаласига ҳам эътибор қаратилганини таъкидлаш лозим. Аслини олганда, мазкур тушунчалар бир маънони англатиш баробарида, бир-бирини тўлдириб келишини кўриш мумкин. Қуръони каримнинг “Шамс” сураси 9-оятда шундай дейилади: **“Ҳақиқатан, уни (нафсни) поклаган киши нажот топув”**.

Тўғри бўлиш, нафсни ислоҳ қилиш ва уни поклаш гуноҳга ботган, ҳаётда тушкун ҳолатга тушиб қолган кишиларга яхши томонга ўзгаришлари учун умид эшиklarини очиб берувчи имкониятлардан биридир. Ўз навбатида ўз нафсини ислоҳ қила бошлаган кишилардан умидсизликни йўқотади. Чунки, умидсизлик инсон қалбига жойлашса, уни яна ҳаётга қайтариш, турғунлик ҳолатидан чиқариш бир мунча қийин кечади.



Ушбу келтирилган ҳолатлар психология фанида қуйидагича талқин этилади. Ўзликни ва яхши ахлоқни фақат ички фикрлар йўли билан эмас, балки нафсни тарбиялаш, унга ҳоким бўлиш ва уни эгаллаш йўли билан қўлга киритиш мумкин.

Аҳиллик ва бағрикенглик каби инсоний қадриятлар, анъаналар муқаддас манбалар ҳамда алломалар илмий мероси, ижодида ўз аксини топган. Бу муҳим ва зарур инсоний қадриятлар ўзига ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, аҳиллик, меҳр-мурувват, эзгулик, раҳмдиллик, яхшилик каби қатор хислатларни ўзига жамласа, айнан улар юртимиздан етишиб чиққан алломалар илмий меросидаги асосий мавзулардан бўлган. Буни Имом Бухорий ва унинг "Жомеу-с-саҳиҳ", "Адабу-л-муфрад" номли тўпламларида, Имом Термизийнинг "Сунан" асарида, Абу Лайс Самарқандийнинг "Бўстону-л-орифин" ва "Танбеҳу-л-ғофилин" асарларида, Маҳмуд Замахшарийнинг "Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз вал-хутаб", "Навобиғу-к-калим", "Мақомот" асарларида, Алишер Навоий ижодиётида, хусусан, унинг "Арбаин", "Ҳайрату-л-аброр" каби фалсафий, дидактик асарларида, яна юзлаб бу табаррук заминимизда туғилиб жаҳон фани, адабиёти, санъати ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган олимлар ва уларнинг асарларида кўриш мумкин.

Бу борада Қуръони каримдан кейинги ўринда турувчи Имом Бухорий "Жомеу-с-саҳиҳ" асарини келтириб ўтиш ўринлидир. Унинг мавзулари айнан инсоний фазилатларнинг тўла қонли, кенг қамровли баёнидан иборат. Асарда ахлоқ, одоб, ота-онага яхшилик қилиш, ватанпарварлик, ўксик кишиларга меҳрибонлик қилиш, хушмомалалик, ширинсўзлик, ўзаро ёрдам, саховат, раҳмлилик, бағрикенглик каби мавзуларга алоҳида эътибор берилган. Улуғ муҳаддис тўпламдаги "Адаб" китобини меҳрибонлик мавзуси билан бошлайди. Инсон учун энг меҳрибон, азиз ҳисобланган ота-оналарга кўрсатилади меҳр-мурувват ҳадисларнинг марказида турган, шу боис айнан шу мавзуга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳадисларда энг яхши амаллар сифатида ота-онага яхшилик қилиш, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар билан аҳил, тинч яшаш, турли дину-диёнат вакилларига раҳм-шафқат қилиш ширинсўзлик, хушмуомилалик, ўзаро ёрдам, саховат кўрсатиш зарурлиги таъкидланади. Шунингдек, ҳар бир инсон ғийбат, мунофиқлик, сўкиш, гумон, кибр, аразлашиш каби ҳолатлардан йироқ бўлиши айтилади.

Инсонларнинг бири-бирига меҳр-мурувват, раҳм-шафқати туфайли улар орасида дўстлик ришталари боғланади. Ислоҳ манбаларида раҳм қилмайдиган киши қаттиқ қораланади. Расулulloҳ (с.а.в.): *"Силаи раҳм қилмайдиган киши жаннатга кирмайди"*, – дедилар.

Муҳаммад (с.а.в.) гўзал ахлоқ, юксак одоб соҳиби бўлганлиги боис ҳам ушбу мавзуларга алоҳида эътибор берганлар. Имом Бухорий ҳам айнан шу мавзуларга оид ҳадисларни тўлиғича тўплашга ва ўзининг асарларига киритишга ҳаракат қилган.

Одоб мавзусидаги кенг қамровли ҳадислар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Улар инсонларни том маънода одобли бўлишга, ота-она, қариндош-уруғ, ёру биродар, умуман, барча пок ниятли инсонларга меҳрли, шафқатли, саховатли бўлишга ундайди. Кишиларга эзгулик йўлида бирлашиб, яқдил жамоатчилик фикри шаклланишига ҳалақит беришидан юқори туриши, аксинча, унинг айнан яхшилик қилиш йўлидаги жамоатчилик фикрига йўл бериши уларга савоб ёзилишини асослаб беради.



Умаров Бахриддин Менгбобевич,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Дин психологияси ва педагогика"
кафедраси, психология фанлари доктори, профессор

ВОЯГА ЕТМАГАН ЖИНОЯТЧИ ШАХСИ ТИПОЛОГИЯСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада вояга етмаган жиноятчи шахси типологиясининг психологик хусусиятлари ва уларда деленквент хулқнинг намоён бўлиши ҳақидаги тадқиқот натижалари таҳлили баён этилган.

Калим сўзлар: шахс, шахс хусусиятлари, жиноятчи шахси, вояга етмаган жиноятчи шахси психологияси, деленквент хулқ, экстраверсия, невротизм.

Аннотация: В данной статье анализируются результаты исследования психологических особенностей типологии личности и проявления деленквентного поведения у несовершеннолетних преступников.

Ключевые слова: личность, личностные особенностей, криминальная личность, психология несовершеннолетних правонарушителей, деликатное поведение, экстраверсия, невротизм.

Abstract: In the state of the analysis of the emergence of psychologichesky typology of linguistics nesovershennoletnix prestupnikov and projections.

Key words: personality, personality traits, criminal personality, psychology of juvenile delinquents, delicate behavior, extraversion, neuroticism.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, ҳар бир инсон барча инсонларга хос бўлган хислат ва хусусиятларга эгадир. Шу маънода бошқа инсонларга хос бўлган хусусиятлар жиноятчи шахсига ҳам хосдир. Бироқ, жиноятчи шахсида бошқа одамларда учрамайдиган салбий хислат ва хусусиятлар мавжудки, улар жиноятчи шахсини бошқалардан ажратиб туради ва жиноятчи деган номга сазавор қилади.

Инсон ўз психик хусусиятларига кўра «жиноятчи» деган ижтимоий атамани зиммасига олишга доимий равишда маҳкум этилган эмас. Бироқ содир этилаётган барча жиноий ҳаракатлар мазмунида шахсининг психик хусусиятлари деб номланадиган субъектив омиллар ётади. Шу боисдан жабрланувчи шахси жиноятчилик жараёнининг субъектив элементи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунослик – суд жараёнида айбланувчининг жиноий ҳаракатларни содир этишида шахс ва унинг индивидуал-психологик хусусиятларини ойдинлаштириш талаб этилади. Нима учун жиноят шу шахс томонидан амалга оширилди? Нима учун мазкур жиноий ҳаракат айнан шу шахс томонидан содир этилди? Ушбу саволларга жавоб бериш табиий равишда жиноятчи шахси хусусиятлари ва уларнинг ушбу жиноий ҳаракатга дахлдорлигини ўрганиш ва таҳлил қилишни тақоза қилади.

Жиноятчи шахсини ўрганиш эса жиноятчиларнинг ўзига хос белгиларига, жиҳатларига кўра типларга бўлиш орқали амалга оширилади. Жиноятчи шахсининг ижтимоий-психологик типологиясини тузишда содир этилган жиноий хатти-ҳаракат мазмунида мавжуд бўлган психологик элементлар яъни, жиноятнинг содир этилишига сабаб бўлган вазият, жиноятга ундовчи мотив, мақсад ва жиноятни амалга ошириш усуллари ҳисобга олиниши лозим. Шунингдек, жиноятчи шахси типологиясини тузишда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олиниши мақсадга мувофиқдир.

1. Жиноятчи шахсининг умумий кўриниши.
2. Жиноятчи шахсининг муайян табақаси.
3. Жиноятчи шахсига хос бўлган психологик белгилар асосидаги жиноятчи шахси табақаси.

Жиноятчи шахси типологиясини аниқлашда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси меъёр ролини ўташи керак. Ижтимоий хавфлилик даражаси эса жиноий ҳаракатнинг ижтимоий қадриятларга қанчалик йўналтирилганлиги билан ҳам белгиланади. Ушбу йўналтирилганлик асоциал ва антисоциал кўринишида бўлиши мумкин. Бироқ, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик



даражаси нафақат жинойтчи шахсининг ижтимоий кадриятлари билан белгиланади, балки шахсининг психик ўз-ўзини бошқаришдаги ўзгаришларга ҳам боғлиқ бўлади.

Тадқиқотчи Н.И.Ейсенкнинг таъкидлашича, жинойтчи шахсининг бир-биридан фарқлиниши икки омилга боғлиқ бўлади. Улардан бири, индивиднинг янги алоқа ўрната олиш фаолиятини таъминловчи асаб тизимининг жавоб беришга тайёргарлик даражаси бўлса, иккинчиси, асаб тизимининг жавоб бериш кучи ва қувватини белгиловчи ва ушбу кучга қарши турувчи тормозланиш реакциясидир [6].

Жинойтчилик хулқини ўрганишнинг психологик йўналишида З.Фрейднинг «психо-аналитик» назарияси ўз даврида кенг илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборига тушганлиги билан ажралиб туради. Бу назарияга кўра, жинойтчилик хулқи шахсининг табиий инстинктив майлларига боғлиқдир – дейилади [2, 5]. З.Фрейд жинойтчилик хулқининг келиб чиқишини индивиднинг «Ид», «Эго» ва «Супер-Эго» ривожланиш босқичларида юзага келадиган патологик ўзгаришлар орқали тушунтиришга ҳаракат қилган. З.Фрейднинг таъкидлашича, биринчидан, шахсининг «Ид» ривожланишидаги камчиликлар «Эго» ва «Супер-Эго» ривожланишида номутаносибликларни келтириб чиқарса, «Ид» ривожланишидаги камчиликлар эса шахсни инстинктив эҳтиёжлар қулига айлантириб қўяди. Натижада шахс жинойтга ундовчи инстинктларни назорат қила олмайдиган бўлиб қолади. Оқибатда «Эго» ва «Супер-Эго» «Ид»нинг ҳукми остида қолади ва у истаган ҳаракатларни амалга оширишга мажбур бўлади. Иккинчидан, «Эго» ривожланишидаги номутаносиблик ўз навбатида индивидда ғайри ижтимоий хулқ-атвори шакллантиради. Кишидаги ушбу ғайри ижтимоий хулқ-атвор жинойтчиликнинг амалга оширилиши учун туртки вазифасини ўтайди. Учинчидан, «Супер-Эго» ривожланишида юзага келган қусурлар, камчиликлар шахсда вужудга келган жиноий ҳаракатларни бажариш истагининг амалга оширилишига туртки бўлади. «Супер-Эго» босқичидаги дағи барқарор, ҳар томонлама ривожланиш эса «Ид»нинг эҳтиёж ва талаблари қондирилишига имконият бермайди. Шу тариқа жиноий ҳаракатнинг содир этилиши шахсининг онгли фаолияти орқали бошқарилади ва унинг олди олинади.

Методика. Маълумки, жинойтчи шахсининг ижтимоий-психологик типологияси шахсининг ижтимоий муносабати маҳсули сифатида талқин қилинади. Демак, айтиш мумкинки, жинойтчи шахси типи ижтимоий воқеа-ҳодисалар маҳсули сифатида ифодаланади. Бироқ унутмаслик керакки, барча ижтимоий воқеа - ҳодисалар ҳам жинойтчи шахси типологиясини белгилаш учун асос бўлолмайди. Қачонки шахсининг онги, индивидуал-психологик хусусиятлари ва хулқ-атвори билан ижтимоий воқеа-ҳодисалар ўртасида детерминантлик юзага келса, жинойтчи шахси типологиясининг шаклланиши учун имконият туғилади. Шунинг учун ижтимоий воқеа-ҳодисалар шахс онги орқали филтрланиб индивидуал хусусиятлар билан тўлдирилгандан сўнггина жинойтчи шахси типини шакллантириш омилига айланиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, жиноий хатти-ҳаракатларнинг ўзгарувчанлиги ва намоён бўлиши шахсининг ижтимоий-психологик қиёфасига боғлиқдир.

Маълумки, вояга етмаган жинойтчи шахси типологиясини тузиш комплекс маълумотлар блокинни талаб қилади. Шунга кўра, биз вояга етмаган жинойтчи шахси типологиясини тузишда шахсининг криминоген муҳитга нисбатан деформациялашувни ва ушбу деформациялашувнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни микро муҳит характеристикаси, жинойтчи шахсининг илгариги хулқ-атвори ва ушбу хулқ-атворнинг жинойтчилик хулқи билан мослиги, уларнинг алоқаси, жинойтчи шахси онгининг ўзига хос мантикий жиҳатларини таҳлил қилиш натижаларидан фойдаландик. Шунингдек, тадқиқотимизда вояга етмаган жинойтчи шахси хусусиятлари тўғрисида экспериментал маълумотлар олиш ва уларни юқорида таъкидлаган манбалар орқали олинган маълумотлар билан солиштириш, тўлдириш мақсадида тадқиқотимизда Г.Айзенкнинг «Шахс характери хусусиятларини экспресс диагностика қилиш» методидан ҳам фойдаланилди.

Г.Айзенк тести орқали жинойтчи шахсининг характер хусусиятлари, невротизм, экстраверсия ва шу асосида шахс типларининг ўзига хос тавсифномаси ҳақидаги маълумотлар ўрганилди.

Эмпирик таҳлил. Айзенк тести натижаларига кўра, респондентларнинг 52,54 фоизда невротизм, 31,26 фоизда экстраверсия хусусиятлари намоён бўлди. (16,23 фоиз жавоблар «ёлғон» шкалалар салмоғига тўғри келди) (1-жадвал).



Ушбу маълумотлардан кўринадики, делинквент хулқли болалар ва ўсмирлардаги невротизм даражасининг юқорилиги айнан ушбу хусусият хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи асосий омил сифатида намоён бўлишини кўрсатади.

Жадвал № 1.

Делинквент хулқли болалар ва ўсмирларда экстраверсия, невротизм хусусиятларининг намоён бўлиши (% ҳисобида)

ТАЖРИБАГУРУҲИДА					
№	Шахс хусусиятлари	12-13 ёш	14-15 ёш	16-17 ёш	Ўрта
1	Экстраверсия	36,40	32,26	30,22	31,26
2	Невротизм	48,51	51,42	54,32	52,54
3	Ёлғон шкалалар	15,08	16,32	15,46	16,23
НАЗОРАТГУРУҲИДА					
1	Экстраверсия	51,62	52,54	56,20	54,26
2	Невротизм	22,74	23,82	25,54	24,43
3	Ёлғон шкалалар	25,63	23,62	18,25	21,31

Айзенк тести натижалари бўйича ўрганилган респондентларнинг катта қисми (14,42%) 15-шахс типига мансуб эканлиги аниқланди (2-жадвал). Улар доимий равишда нимадандир хафа бўлиб юрадиган, зикна, вайсаки, эзма, асоссиз равишда бировни айблашга, айбдор қилишга мойиллиги билан ажралиб турадиган, майдагап, бўлмағур нарсалардан тезда хафа бўладиган, бадқавок, баджаҳл, ўзига ишонмайдиган, қийинчиликлардан қочадиган, ўртоқлари давраси тор, лидерликка интилувчанлик хислатларига эга бўлган болалар ва ўсмирлар эканлиги аниқланди.

Бундай болалар ва ўсмирлардаги сержаҳллик, кўзгалувчанлик, ўзини кўрсатишга интилиш, эгоизм хислатлари низоли вазиятларда ўзини йўқотиб қўйишга, қалтис ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг амалга оширилишига сабаб бўлганлигини кузатамиз. Шунингдек, улардаги тажовузкорлик, ўч олувчанлик хислатлари эса бировларга озор етказиш, жисмоний жароҳатлаш, қасд олиш асосидаги жиноятларнинг содир этилишига асос бўлиб хизмат қилганлиги кузатилади.

Бу типга мансуб болалар ва ўсмирлар содир этган жиноий ҳаракатларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, уларнинг аксарияти безорилик-босқинчилик (32,20%), тан жароҳат етказишлик (23,62%), ўғирлик (26,30%) жиноятларини содир этганликларининг гувоҳи бўламиз (2-жадвал). Бундай ўсмирлар характеридаги ўзига хос хусусиятлар улар амалга оширган жиноий ҳаракатларда ҳам акс этганлиги кузатилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жиноятчилик хулқига эга бўлган болалар ва ўсмирлар ўзларига хос характер хислатлари билан бошқалардан ажралиб турадилар. Бундай характер хислатлари ёки уларнинг дастлабки белгилари намоён бўлганда педагог ва ота-оналар болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг шаклланаётганлигини англаб етиб, унинг олдини олишга қаратиладиган чора тадбирлар амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотимизда ўрганилган респондентларнинг 12,43 фоизи Айзенк тести бўйича 13-типга хос бўлган характер хислатларини намоён қилдилар. Делинквентлик даражаси 11,63%. Бундайлар мураккаб характерга эга эканликлари, қаттиққўлликлари ҳамда ички (ботиний) ва ташқи (зоҳирий) маънавий дунёсининг саёзлиги билан бошқалардан фаркланадилар.

Респондентларнинг 11,24 фоизи Айзенк тести бўйича 16-типга тўғри келди. Уларда делинквентлик даражаси 15,25% ни ташкил қилди (5-жадвал). Бу типдаги болалар ва ўсмирлар таъсирчан, ўч олишга мойил, ўзгаларга ва баъзан ўзига ҳам ишонмайдиган, камгап, писмиқ, ўзини ҳаддан ортиқ яхши кўрадиган, эгоист, пессимист, танқидий тафаккурга эга эмасликлари билан ажралиб турадилар.



Жадвал № 2.

**Респондентларда Айзенк тести бўйича шахс типларининг
жиноят турлари бўйича ифодаланиши (фоиз ҳисобида)**

№	Айзенк тести бўйича шахс типлари	Жиноят турлари				
		Ўғирлик	Безорилик ва босқинчилик	Тан жароҳати етказиш	Номусга тегиш ва унга ҳаракат қилиш	Қасдан одам ўлдириш ва унга ўриниш
1	4 - тип	28,62	32,40	10,81	20,52	7,64
2	9 – тип	36,21	30,62	10,20	14,42	8,55
3	13 – тип	13,0	26,24	30,33	20,24	10,20
4	14 – тип	8,40	32,0	29,21	18,26	12,10
5	15 – тип	26,30	32,20	23,62	12,44	5,43
6	16 – тип	10,61	16,33	22,62	34,0	16,44
7	17 – тип	36,23	6,40	16,50	28,24	12,62
8	20 – тип	8,90	36,42	28,60	14,65	11,42
9	32 - тип	15,25	32,70	19,22	16,20	16,63

Демак, бундай ўсмир характеридаги таъсирчанлик, эгоистлик ва танқидий тафаккурга эга эмаслик ҳолатлари уларни муаммоли вазиятларда макбул йўлни топа олмасликка олиб келади. Натижада уларда кучли руҳий кўзғалиш вужудга келиб, ўзгалар билан тортишувга, келишмовчиликка, жанжалга боришлари мумкин. Бировлар билан келиша олмай қолишлик эса улар характеридаги ўч олиш хислати таъсири остида жиноий хатти-ҳаракатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўлишича, ўрганилган респондентларнинг 5,66 фоизи Айзенк тести бўйича 4-типга мансубдирлар. Бу типга мансубларнинг делинквентлик даражаси 5,72% ни ташкил қилади. Бундай болалар ва ўсмирларда безовталиқ, хавотирланувчанлик, ўз-ўзига нисбатан ишонч ҳиссининг йўқлиги, ўзгалардан паноҳ, ёрдам кутишлиқ, калондимоғлик каби характер хислатлари кузатилади. Шунингдек, улар янги муҳитга қийинчилик билан мослашадиган, ҳаракатлари суст, фаол турмуш тарзини хуш кўрмайдиган, воқеа–ҳодисаларга драматик тус берувчи эканликлари билан ҳам бошқалардан ажралиб турадилар.

Бу типга мансуб бўлган болалар ва ўсмирлар фаолиятини ўрганиш натижаларига асосланиб хулоса чиқариш мумкинки, улардаги янги муҳитга тез мослашаолмаслик хислати кўплаб низоли вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг натижасида улар атрофдаги кишилар, ўқитувчилари ва ота-оналари билан тез-тез жанжал, тортишувларга бориб турадилар. Бу ҳолат уларда ижтимоий муҳит ва воқеа–ҳодисаларига нисбатан ижтимоий-психологик дезадаптациаланишни келтириб чиқаради. Оқибатда улар тез-тез уйдан сўровсиз кетиб қолиш ва бир икки кунлаб уйга келмаслик, мактабга боришдан бўйин товлаш каби салбий одатларга бериладилар. Ушбу ҳолатни мантиқий жиҳатдан таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бундай одатларга берила бошлаган болалар ва ўсмирлар аста-секин турли хил жиноий гуруҳларга қўшилиб кетиш ёки ўзларининг назоратсизликларида фойдаланиб спиртли ичимлик истеъмол қилиш, тамаки чекиш ёки наркотик моддаларни қабул қилишдек зарарли одатларга ҳам берилиб кетишлари мумкин. Бундай зарарли одатларга берилган ўсмир жиноятчилик кўчасини ҳам танлаши шубҳасиздир.

Тадқиқотимизда қўлланилган Айзенк тести натижалари, жиноятчи ўсмир шахси ва хулқ-атвори, улар ҳақида ўрганилган маълумотлар ҳамда статистик ва вояга етмаганларнинг жиноий ҳаракатлари бўйича қўзғатилган тергов материалларидан олинган маълумотларга асосланиб, жиноятчилик хулқига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсининг 10 хил кўринишдаги ижтимоий-психологик типологияси аниқланди. Улар қуйидагилардир:

1. Кучли руҳий ҳаяжонланиш, импульсивлик ва ёш даври хусусиятларига кўра жиноятни содир этувчи жиноятчи шахси типи.

2. Тасодифий, тўсатдан пайдо бўладиган хулқ–атвор мотиви асосида жиноий ҳаракатни амалга оширувчи жиноятчи шахси типи.



3. Ўзига ортиқ даражада ишонч асосида жиноят содир этувчи шахс типи.
 4. Жиноий ҳаракатга совуққонлик билан қараш оқибатида жиноий ҳаракатни амалга оширувчи жиноятчи шахси типи.
 5. Ўзгалар таъсири остида жиноий ҳаракатни содир этувчи жиноятчи шахси типи.
 6. Ижтимоий хавфли ҳисобланган жиноятчи шахси типи (антисоциал).
 7. Қонунбузарлик одат тусига айланган жиноятчи шахси типи.
 8. Муайян ижтимоий вазиятларга мослаша олмаслик туфайли содир этадиган жиноятчи шахси типии.
 9. Ғаразли мақсадлар асосида жиноий ҳаракатни амалга оширувчи жиноятчи шахси типи.
 10. Ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида жиноий ҳаракатни содир этувчи жиноятчи шахси типи. (қизиқиш, қараш, моддий асос, бировнинг баҳоси ва муносабати асосида)
- Қуйида ушбу шахс типларига хос бўлган хусусиятлар ҳақида қисқача тухталиб ўтамиз.

Шахсининг кучли руҳий ҳаяжонланиши ва қўзғалувчанлик хусусиятига кўра, жиноий ҳаракатларни содир этувчи жиноятчи типи (импульсив). Ушбу типга мансуб бўлган жиноятчи болалар ва ўсмирлар тадқиқотимизда 18,60 фоизни ташкил қилди. (3-жадвал)

Бу типга хос психологик хусусиятларга эга бўлган жиноятчи болалар ва ўсмирлар камдан-кам ҳолатларда қонунбузарлик қилишлари билан характерланадилар. Улар томонидан амалга оширилаётган қонунбузарлик кўпинча тасодифий характерга эгалиги билан ажралиб туради. Бундай болалар ва ўсмирларда муқаррар салбий эҳтиёжлар, қизиқишлар мавжуд бўлмайди. Улар қонунбузарлик ҳаракатини тасодифан содир этганлиги учун кейинчалик ўзларининг қилган ишларидан афсусланадилар. Жиноий ҳаракатлари мазмунида беғараз қизиқиш, бирор нарсага эга бўлишга нисбатан итилиш ётганлиги сабабли уларнинг жиноий ҳаракатлари мазмунида қасд олиш, ёвузлик, ёмон ният бўлмайди. Бу типга мансуб болалар ва ўсмирлар кучли эмоционал қўзғалувчанликка, енгил фикрлашга, ўз-ўзини идора эта олмай қолишликка мойил бўладилар. Бу хусусиятлардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, бундайлар ҳали жиноятчилик кўчасига бутунлай кириб кетмаганлигидан уларни бу йўлдан қайтариш чорасини имкон қадар эртароқ амалга ошириш зарур. Шунингдек, уларнинг кучли ҳиссий қўзғалувчанлик, ўз-ўзини бошқара олмаслик хусусиятларга эга эканликларини ҳисобга олиб, ота-оналар, ўқитувчилар, низоли вазиятларда уларни назорат қилиш, тўғри маслаҳатлар беришлари мақсадга мувофиқдир.

Тасодифан пайдо бўлган ҳулқ-атвор мотиви асосида жиноятни содир этувчи жиноятчи типи. (14,32%) Бундай болалар ва ўсмирлар асосан ўзгарувчан характерлиги, ҳаётий мақсад ва интилишларининг қатъий ва муқаррар эмаслиги, жиноий ҳаракатлари ситуатив характерга эгалиги билан ажралиб турадилар. Улар жиноий ҳаракатларни кўпинча гуруҳий тарзда амалга оширадилар. Ўзларининг бу ҳаракатларини улар дўстлик, содиқлик, бурч ва ўзаро ёрдам тариқасида тушунадилар. Шунингдек, улар катталарга (ота-она, ўқитувчи) нисбатан танқидий муносабатни хуш кўрадилар. Улар гап қайтаришга, қайсарлик қилишга мойилдирлар.

Жиноий ҳаракатга совуққонлик ва эътиборсизлик билан қараш асосида жиноий ҳаракатни содир этувчи жиноятчи шахси типи. (13,24%) Бундай шахс типига мансуб вояга етмаган жиноятчилар совуққонлиги, эътиборсизлиги, чуқур мулоҳаза юритмаслиги, муқаррар ҳаётий интилишларининг йўқлиги, интеллектуал ривожланганлик даражасининг сустлиги, оғир характерлиги, иродасизлиги, ўзгарувчанлиги, атрофдагилар, ота-она ва дўстларига нисбатан бепарволиги билан бошқалардан ажралиб турадилар. Шунингдек, улар босиқ ва вазминлиги, дўст орттиришни хуш кўрмаслиги, қайсарлиги билан ҳам характерланадилар. Улар жиноий ҳаракатларининг оқибатини кўпинча ўйламасдан, ўзининг ҳаракати билан кимгадир озор етказётганлигини англаб етмасдан, гўёки ҳеч нарса бўлмайдиган қабилида амалга оширадилар.

Бундай характердаги жиноятчилик ҳулқига эга бўлган болалар ва ўсмирлар билан профилактик тадбирларни олиб боришда, энг аввало, уларда мустаҳкам иродавий ҳислатлар, қатъий дунёқараш, фикр-мулоҳаза юритиш хусусиятларини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ўзига ортиқ даражада ишониш туфайли жиноят содир этувчи шахс типи (12,20%). Бундайлар мағрурлиги, лидерликка интилувчанлиги, атрофдагиларга қаттиққўллиги, кекчи ва қасоскорлиги, фаоллиги, ғайритабiiй воқеа-ҳодисаларга қизиқувчанлиги, совуққонлиги,



бошқалар фикрига этиборсизлик билан қарашлари билан характерланадилар. Айзенк тести бўйича улар 22-шахс типига тўғри келади. (3,94%). Делинквентлик даражаси 4,07% га тенгдир.

Улардаги манманлик, ўзига бино қўйиш, биринчиликка интилиш хислатлари кўпинча зўравонлик, босқинчилик ва номусга тегиш каби жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, бундайлар криминоген груҳларга қўшилиб кетиш ва ўзига хос гуруҳлар ташкил этишлари мумкинлиги билан ҳам ажралиб турадилар.

Муайян ижтимоий вазиятларга нисбатан мослаша олмаслик туфайли содир этадиган жиноятчи шахси типи. Айзенк тести бўйича 15-типга хос жиноятчилик хулқига эга бўлган бундай болалар ва ўсмирлар характер хусусиятига кўра, иродасиз, тафаккур хусусияти суёт, педантик хусусиятли, ҳар нарсадан шубҳаланадиган, ўзгалар фикр-мулоҳазаларига этиборсиз, назари пастлиги, қайсарлиги билан фарқланадилар. Улар дунёқараш доираси торлиги, манманлиги, фикр юритиш жараёнининг суёт ривожланганлиги боис ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисаларига нисбатан мослашишда қийинчиликларга учрайдилар. Кўпинча улар томонидан содир этиладиган жиноий ҳаракатлар ситуатив характерга эга бўлиши кузатилади.

Ижтимоий хавфли ҳисобланган жиноятчи типи (3,05%). Уларда ноахлоқий хулқ, агрессивлик, ғаразли мақсадлар, бировларга озор етказиш, бошқаларни камситиш шафқатсизлик, ўч олишга мойиллик хислатлари анча ривожланган бўлади. Улар ўз жиноий ҳаракатларини бажариш учун қулай имкониятлар излайдилар. Алкоголизм ва наркотик моддаларга берилиш, ғайритабиий моддаларга ўта ўчлик улардаги яна бир характерли жиҳатлардан ҳисобланади.

Жадвал № 3.

Вояга етмаган жиноятчи шахси типологиясининг қиёсий таққосланиши ва делинквентлик даражасининг ифодаланиши

№	ШАХС ТИПЛАРИ	Айзенк тести бўйича шахс типлари	Делинк-вентлик даражаси	Фоиз ҳисобида
1	Кучли руҳий ҳаяжонланиш, ёш ва қўзғалувчанлик хусусиятига кўра жиноят содир этувчи жиноятчи шахси типи	15-тип	13,32	18,60
2	Тасодифий, тўсатдан пайдо бўладиган хулқ-атвор мотиви асосида содир этувчи жиноятчи шахси типи	13-32 типлар	11,63	14,32
3	Ўзига ортиқ даражада ишонч асосида содир этувчи жиноятчи шахси типи	14-20 типлар	8,24	8,56
4	Жиноий ҳаракатга совуққонлик билан қараш натижасида содир этувчи шахс типи	16-тип	11,25	13,24
5	Ўзгалар таъсири остида жиноятни содир этувчи жиноятчи шахси типи	4-тип	10,32	12,20
6	Ижтимоий хавфли жиноятчи шахси типи	15-тип	2,24	3,05
7	Қонунбузарлик одат тусига айланган жиноятчи шахси типи	9-тип	3,46	4,24
8	Муайян вазиятларга мослаша олмаслик асосида жиноятни содир этувчи шахс типи	4-тип	5,72	6,62
9	Ғаразли мақсадлар асосида жиноятни содир этувчи шахс типи	16-22 типлар	4,07	4,94
10	Ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида содир этувчи жиноятчи шахси типи	17-тип	11,24	14,23

Тадиқотимиз натижаларига кўра, бундай хусусиятли болалар ва ўсмирлар асосан талончилик, босқинчилик, номусга тегиш ва наркотик моддаларга боғлиқ бўлган жиноятларни кўпроқ содир этишликлари билан ажралиб турадилар.

Қонунбузарлик одат тусига айланган жиноятчи типи (4,21%). Бундайларда билиш жараёни ва эстетик қизиқишлар суёт ривожланган бўлади. Мактабга бормаслик, сўровсиз уйдан чиқиб кетиш, турли хил кунгл очар кечаларда қатнашишга ўчлик одатлари кузатилади.



Спиртли ичимликка ружу қўйиш, нос ва тамаки чекиш ва ҳатто баъзан норкотик моддаларни ҳам истеъмол қилиш одатлари кузатилади. Улар ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларини ўйламайдилар. Кўча ва турли хил криминоген гуруҳлар ҳаёти, турмуш тарзи улар учун аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Бундай жиноятчи болалар ва ўсмирларнинг жиноий ҳулқ-атвори мотивлари онгли ва криминал характерга эга бўлади. Психик регуляция (ўз- ўзини бошқариш) жараёни уларда йўл-йўриқ кўрсатувчи (установка) вазифасини бажаради. Уларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари олдиндан ўйланган, режали бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айнан ушбу типга мансуб жиноятчи болалар ва ўсмирлар ижтимоий хавфли бўлиб ҳисобланадилар, улар жиноятчиликни касб қилиб олишга улгурган болалар ва ўсмирлар ҳисобланади. Улар билан профилактик ишларни мутахассислар (психолог педагоглар, ҳуқуқшунос ва психиатрлар) томонидан тузилган махсус дастур асосида олиб бориш яхши натижа беради.

Хулоса. Вояга етмаганлар шахси типологиясини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларига асосланиб хулоса қилиш мумкинки, жиноятчилик ҳулқига эга бўлган вояга етмаганлар шахс типологиясига кўра, асосан кучли руҳий ҳаяжонланиш, ёш ва қўзғалувчанлик хусусиятига кўра жиноят содир этувчи жиноятчи шахси типи, ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида содир этувчи жиноятчи шахси типи, жиноий ҳаракатга совуққонлик билан қараш натижасида содир этувчи шахс типларига тўғри келади. Улар шахси типологиясидаги характеристика эса болалар ва ўсмирларнинг ёш даври хусусиятларига кўра изоҳланади.

Адабиётлар:

1. Асеев В.Г. Мотивация поведения и формирования личности. – М., 1976. – С. 79-83-84.
2. Ведерников Н.Г. Личность обвиняемого и подсудимого. – М., 1998. – С. 6-7.
3. Змановская Е.В. Девиантология (психология отклоняющегося поведения). – М., 2007, 4-ое издание. – 285 с.
4. Игошев К.Е. Типология личности преступника и мотивации преступного поведения. – Горький, 1979. – 147 с.
5. Eysenck H.J. Crime and personality: an empirical study of the three factor theory. British Journal of Criminology. – 1970. 10. – P. 225-39.
6. Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари (Монография) – Т., 2008. – 215 б.



Расулова Зиёдахон Абдубориевна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика”
кафедраси, психология фанлари доктори

ҚАЛИН БЕРИШ ОДАТИНИНГ ЯШОВЧАНЛИК СИРИ: ЭТНОПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Аннотация: Мақолада илк бор қалин бериш одатининг этнопсихологик хусусиятлари очиб берилган, ўзбеклар мисолида қалиннинг яшовчанлик сири сабаблари ва бугунги кундаги зарурияти қалин бериш ва уни бекор қилиш билан боғлиқ одатлар ҳамда унинг ҳажми кўрсатилган ҳолда ўрганилган.

Калит сўзлар: қалин, сут пули, ичкуёв, куч куёв, қариши қуда, бел қуда, бешик қуда, қулоқ тишлаш, қаллиқ ўйини, этнопсихологик хусусиятлар.

Аннотация: В статье в первые раскрыты этнопсихологические особенности калыма, на примере узбеков выявлено причины сохранения калыма, исследованы обряды связанные с калымом и его необходимость на сегодняшний день.

Ключевые слова: калым, плата за молоко (“сут пули”), “ичкуёв”, “қариши қуда”, “бел қуда”, “бешик қуда”, “қулоқ тишлаш”, “қаллиқ ўйини”, этнопсихологические особенности.



Abstract: In the article were first disclosed the ethnopsychological features of qalin, on the example of Uzbeks revealed the reasons for the preservation of kalym, studied the rituals associated with kalym and its necessity in today.

Key words: qalin, bride-money, sut puli, ich kuyov, qarshi kuda, bel kuda, beshik kuda, kulok tishlash, qalliq yini, ethnopsychological features.

Мавзунинг долзарблиги. Марказий Осиё халклари келиб чиқиши ва тарихий бир ҳудудда яшаши билан бир-бирларига боғланган. Улар бир ҳудудда шаклланганлигига қарамай, ўзларининг ўзига хос ижтимоий ва этномаданий анъаналарига, урф-одатларига, шу билан бирга, оила ва никоҳ муносабатларига эгадирлар. Кўплаб олимлар Марказий Осиё ва Қозоғистон халқининг оила-никоҳ муносабатлари ва анъаналарини ўрганганда, одатда, қалин бериш масаласига ҳам эътибор берганлар. Бу масалага, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг ярмигача катта эътибор қаратилган. Аммо XX асрнинг ўрталаридан бошлаб қалин бериш одати фақатгина никоҳ қуришнинг асосий шартларидан бири сифатидагина эътироф этилиб, аксарият адабиётларда шунга ўхшаш умумий гапларни учратиш мумкин, холос. Бу ҳозирги кунда ҳам кўзга ташланади. Афсуски, психологлар томонидан бу одат деярли ўрганилмаган. Шу сабаб қалиннинг этнопсихологик хусусиятлари, унинг сақланиш сири, таъсири ҳали ҳамон тадқиқ қилиб, очиб берилмаган. Шунини айтиш керакки, сўнгги йилларгача, айниқса, Совет даврида никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатларга диний, эскилик сарқити сифатида қаралиб, уларнинг кўпчилиги ортиқча (керакмас) деб саналган. Шуларнинг ичида қиз узатиш билан боғлиқ бўлган қалин бериш одати энг кўп қораланган, десак ҳам бўлади. Қалин бериш одати собиқ Совет даврида фақатгина қораланиш билан чекланмасдан, унга астойдил кураш ҳам олиб борилган. Бу одат ҳозирда ҳам маъқулланмайди, аммо собиқ Совет давридан фарқли ўлароқ ҳозир бу одатни қораловчи ва оқловчилар бор. Айнан шунинг учун ҳам қалинни ўрганишда биз бу одатнинг ижтимоий-иқтисодий, психологик хусусиятларига, унинг ижобий ва салбий томонларининг таҳлилига, унинг ўзбеклар ҳаётида тутган ўрни, зарурияти, умуман, ҳозирги кунга қадар сақланиш сабабига асосий эътиборни қаратдик.

Қалин – никоҳ тўйида қиз учун куёв томонидан бериладиган пул, мол, буюм ва шу кабилардир. «Қалин» туркий сўз бўлиб, «қиз учун тўланадиган ҳақ» ёки «келин томонга бериладиган моддий ёрдам» деган маънони англатади [11: 382]. Қадимги туркий тилда қалин сўзининг вазият ва матнга кўра, кўп сонли, саноксиз, гуруҳ, тўпланиш, кенгаш, оломон, йўғон, зич маънолари бўлган. Анъанага биноан қалин миқдори ҳам маълум бир қоидаларга бўйсунган. Қиз томон ўзи истаган қалин талаб қилавермаган. Қалин одатда уруғ кенгаши, оқсоқоллар томонидан белгиланган. Шунга асосан, А.Мусақулов қалин сўзининг луғавий, тарихий маъносини уруғ кенгаши белгилаган ва йигит томонидан қиз томонига бериладиган анъанавий тўлов, деб изоҳлайди [12: 53].

Қалин ислом динидан анча аввал пайдо бўлганлиги сабаб ҳам, динга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши ҳам қалин каби ибтидоий расм-русумларни йўқолиб кетишига ёки ўзгаришига таъсир кўрсата олмаган. Балки бундай одатларга диний тус беришга ҳаракат қилган. Шу тарзда қалин ислом дини тан олган ва феодал-патриархал давлати жамоатчилиги фикри томонидан тасдиқланган қадимий одат сифатида сақланиб келмоқда.

Совет ҳукумати ўрнатилгач, то сўнгги йилларгача қиз узатиш билан боғлиқ бўлган қалин бериш одати ўзбек халқи тарихи, урф-одатларини камситувчилар учун катта баҳона бўлиб келди. Ўзбекларда ҳанузгача қизларни мол, буюм ёки қул сифатида сотиш қолдиқлари учраб туради, ўтмишда эса бу одат жуда ривожланган эди, деганлар учун ҳам асосий дастак қалин масаласи бўлди [Қаранг: 15, 24, 8, 10, 7, 14]. Мустақиллик йилларида ҳам қалинга аёлларни камситувчи одат сифатида қараб келиняпти [Қаранг: 3, 16 ва б.]. Албатта, ҳозир қалин собиқ Совет давридагидек қораланмайди, балки уни танқид қилувчилар, оқловчилар, шунингдек, унга бефарқ қаровчилар пайдо бўлгандир.

Октябрь тўнтаришидан (1917) кейинги дастлабки даврда аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилиши натижасида хотинларнинг ташаббуси билан никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъволари кўпая бошланган бўлса, кейинчалик бу кураш хотин-қизлар оммасининг кўпчилиги бўлиб қалинга ҳам қарши курашидан иборат бўлди [16]. Бироқ қалинга қарши кураш фақат тарғибот-ташвиқот ишлари билан кифояланиб қолмади.



Биринчи марта, 1921 йил 14 июнда Туркистон АССРда қабул қилинган декретда қалин қонуний равишда ман этилди. Аммо Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида бу ҳақда ҳеч нарса қабул қилинмади. Кейинчалик бу тақиб Марказий Осиё ва Қозғистон Республикалари жиноят кодексида ўз аксини топди. Никоҳ ҳуқуқида белгиланган шартларни ҳимоя қилишда Ўзбекистон ССРнинг 1926 йил 1 июлдан амалга киритилган Жиноят кодексининг маҳаллий-маиший жиноятларга бағишланган махсус бобида қалин тўлаш (273-модда), қўшхотинлик (275-модда) ва бошқа жиноят составлари кўрсатилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида қалинга қарши ҳеч қандай модда киритилмаган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг асосий қоидалар бобининг 8-моддасида шундай дейилган: «Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади» [26: 6].

1926 – 1927 йилларда эски турмушга қарши «Хужум» компанияси кенг авж олдириб юборилди. Бу компания ҳам хотин-қизларни озодликка чиқаришда, ҳам Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда янги турмушнинг таркиб топиш масаласини ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Совет ҳукумати тугаётган маҳалда ҳам дин, қадимги маросимлар билан бўлган кураш тўхтамади. Буни биз «Ислом. Справочник»идан ҳам билишимиз мумкин. Унда бу ҳолат қуйидагича ёзилади: «СССРда қалин тўлаш одати тугаб бораётган ўтмиш сарқитларидан биридир. Лекин қалин ҳали ҳам бошқа яширин шаклларда учрайди. Айрим совет республикаларида қалин тўлаган ва олганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Қалин ва унинг кўринишларига қарши мурасиз кураш олиб бориш ҳозирги кунда ҳам муҳим вазифадир» [4: 191].

Қалинга қарши кураш ҳеч қандай ўзининг натижасини бермади, десак хато бўлади. Совет даврида пайдо бўлган «қизил тўй», «комсомол тўй» каби янги тўйларда қалин ёки сут пули кўп ҳолларда берилмаган. Аммо, шу билан биргаликда, аҳолининг ичида уни пинҳона бериш ҳам давом эттирилган.

Собиқ Совет ҳукумати қанчалик даражада қалинни йўқ қилишга уринмасин, у барибир деярли ҳамиша мавжуд бўлган. Қалинни сут пули, куёв совғаси деб атаган ҳолда унга амал қилаверишган. Қалин бериш одати ибтидоий даврдан то ҳанузгача шунчалик даражада муҳим ҳисобланганки, уни ҳеч қандай қонун ва тарғибот-ташвиқот ишлари ҳаётдан чиқариб ташлай олмаган. Нима сабабдан?

С.П.Поляков ушбу «ёмон» одатнинг сақланиш сабабини ҳеч ким тушунтирмаган, деб ёзган эди [17: 161]. Илмий изланишларимиз натижасида биз бугунги кунда қалин бериш одатининг сақланиш сабабини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Методика. Бу борада биз махсус тадқиқот ўтказдик. Тадқиқот Тошкент шаҳри 10 та туманининг 55 та маҳалласида 355 нафар оилада, шунингдек, таққослаш мақсадида Ўзбекистоннинг барча вилоятида 454 нафар оилада ўтказилди. Тадқиқотда жами 1618 нафар киши қатнашди. Унда қуйидаги методлардан фойдаландик: *типологик*; ҳар бир масалага объектив баҳо бериш нуқтаи назари заминида *қиёсий* ва *комплекс таҳлил* этиш; *даврлаштириш* усули; *қузатув* методи – ташқи, ички; *бевосита сўров* – оғзаки сўров, суҳбат ва стандартлаштирилган сўров – мазкур тадқиқот учун махсус ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик, этнографик сўровнома (ИПЭС); *билвосита сўров* – ёзма сўров – мазкур тадқиқот учун махсус ишлаб чиқилган ярим очик ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС); *экспедиция*; *ёзма манбаларни ўрганиш*; *таржимаи ҳол*; *генетик-тарихий* методлар.

Эмпирик таҳлил. Қалин тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида синалиб ҳаётий эҳтиёж туфайли пайдо бўлган, фақат ислом динидаги халқлар учунгина хос бўлмаган одатлардан биридир. К.Шониёзов «К этнической истории узбекского народа» номли асарида, ўзбек халқи тарихидаги никоҳ ҳақида шундай ёзади: «... ўзбекларда, шу жумладан, қипчоқларда никоҳ эндогам, яъни уруғ доирасида бўлган. Қизни ўз уруғидан ташқарига бермасликка ҳаракат қилганлар. Бу одат иқтисодий мулоҳазалардан келиб чиққанга ўхшайди. Қиз бола турмушга чиққанда ота мулкidan сеп сифатида ўз улушини олган. Бундан ташқари, ота вафотидан сўнг ҳам қиз бола шариат бўйича ота мулкнинг бир қисмига эғалик қилган. Қиз боланинг бошқа уруғга берилиши мулкнинг бир қисмини бошқа уруғга ўтишига олиб келган... Икки ака ёки



икки опа-сингил болалари ўртасидаги никоҳ энг кўп тарқалган ва кўнгилдагидек иш бўлган. Никоҳнинг қалин тўлаш билан боғлиқ тури жуда кенг тарқалган. Қалинини аниқлашда аввал никоҳланувчиларнинг уруғи бўйича яқинлиги ҳисобга олинган» [25: 302-308]. Аммо катта қалин эвазига қизларни бошқа уруққа узатиш ҳоллари ҳам учраган [19: 35]. Бу одатнинг негизида уруғ-аъзоларининг катталари ўтиб кетгандан кейин уруғни мустаҳкамлаш, ўзаро алоқанинг узилиб қолмаслиги ҳам кўзда тутилган.

Демак, қалин олиш одати тарихан уруғнинг яхлитлиги, уруғ мулкини сақлаб қолиш эҳтиёжидан келиб чиққан, қизларни камситмаганлар, балки уларга улуш ажратилган. Бу улуш ҳатто қиз узатилгандан кейин ҳам сақланиб қолган, одатдагидан кўпроқ қалин қиз бошқа уруғдаги йигитга узатилганда талаб қилинган. Бундан мақсад қизни пуллаш ёки куёв томонни шилиш эмас, балки қиз олиб кетган ва ота вафотидан сўнг олиб кетиши мумкин бўлган улуш ўрнини маълум даражада қоплаш, уруғ мулкига мумкин қадар зарар етказмаслик бўлган. Ўзбекистоннинг кўпгина туманларида йигит ва қиз фотиҳа қилинган куни қалин пулидан келганларга тарқатиб чиқилган. Бунга сабаб шундаки, азалдан тўйлар ҳам одатда бир уруғ доирасида қолган. Мантиқан олганда уруғ жамоаси ҳеч қандай иқтисодий зарар кўрмаган. «Ўроқлининг тўйида сўйлоқлининг (ўроқли, сўйлоқли – уруғ номлари) неси бор?» каби мақоллар ана шу одатнинг ифодасидир [12: 53].

Баъзи тадқиқотчилар қалинни аёлларнинг жамиятда кадр-қимматини иш кучи сифатида баҳолаш билан боғлиқ одат деса, айримлари аёлларнинг ижтимоий тенгсизлиги бошланиши билан юзага келган, деган фикрни билдирадилар. Умуман олганда, Совет даврида қалин тўлаш ўтмишнинг энг жирканч одатларидан бири, тарихан ибтидоий уруғчилик ва қулдорлик даврига хос қиз болани сотиш анъанасига бориб тақаладиган, қизнинг инсоний кадр-қимматини ерга урадиган одат ҳисобланган [4: 191]. Бугунги кунда ҳам бундай нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайдиганлар (айниқса, Ғарб дунёсида) учрайди.

Ф.Отаҳўжаевнинг ёзишича: «Қалинни тўлагач, никоҳ аҳдини тузиш келиннинг ота-онаси учун муайян фойда келтириб, камбағал оиладаги куёвнинг аҳволига жуда оғир таъсир этган... Қалин аёлларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситиб, уларни олди-сотди объектига айлантирган. Келиннинг ота-онаси қизи бой-бадавлат эрга тегишидан манфаатдор бўлганлар. Ёши ўтган куёвлар келин учун кўпроқ қалин ва маҳр ажратганлар. Шунинг учун ота-оналар ўз қизларини кўпинча бой-бадавлат қарияларга бериб, ёш қизнинг умри хазон бўлишига сабабчи бўлганлар. Шундай қилиб, ким кўп қалин тўлаб, маҳр ажратса, у қизнинг эгаси саналиб, ўша кишига эрга чиқишга мажбур эди. Қалин бевосита келиннинг отаси тасарруфига тушиб, келиннинг қалинига ҳеч қандай ҳаққи бўлмаган, маҳр эса бевосита келиннинг шахсий мулки ҳисобланган» [16: 39].

Ғафур Ғулом [38: 12-14] ва Ҳакима [39: 5] ўз мақолаларида қалин эвазига камбағал оилалар ёш қизларини (14 – 18 ёшдаги) «сотадилар» ва «сотилган» қизларга тўланган қалиннинг энг кам миқдори 200 ва 270 руб. ни ташкил қилади, деб ёзадилар. Қалин келинни сотиб олиш учун тўланади, деган фикрни М.О.Косвен, Н.А.Кисляков, М.Кэмп каби олимлар ҳам билдирган [Қаранг: 7: 214, 6: 66, 40: 118]. С.П.Поляковнинг фикрича, ота келинни қалин ҳисобига сотиб олиб ва тўй харажатларини кўтариб, ўғилни ўзига боғлаб қўяди. Шу билан ўғил отасининг қилган бу «совғасини» «қайтариши» керак бўлади. Ўз навбатида, ўғил отасининг руҳсатисиз келин билан ажрашиши ҳам мумкин эмас. Бу билан қалин, тўй ва шунга ўхшаш нарсалар янги оилани ота-онага нафақат «бурч» билан, балки ижтимоий ҳам боғлаб қўяди [17: 164].

А.Табышалиева қалинни тўлаш аёлларга нисбатан мол-мулкка, эри ва унинг барча қариндошларининг шахсий мулки сифатида муносабатда бўлишни очик кўрсатади, деб қалинга ўзининг салбий фикрини билдиради ва шу нарсани қўшимча қиладики: «Шунинг учун болалар ҳам эри ёки унинг қариндошларига тегишли бўлганлар» [20: 27].

Айтилган гапларда ҳам жон бор. Ҳақиқатан ҳам юқорида келтирилган маълумотларни архив ҳужжатлари [Қаранг: 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37] ҳамда турли манбалар [23: 4, 13] тасдиқлайди. Аммо юқоридаги гапларнинг ожиз томонлари ҳам мавжуд. Масалан, «олди-сотди объекти»га эътибор берсак. Қалинда келин сотиб олинади, деган қарашга қарши жавобан рус олимининг ўзи – С.Н.Абашин эр-хотин Наливкинларга изох берган ҳолда Ўрта Осиёда қалиннинг, яъни куёв томон келин томонга қиладиган барча совғаларининг ҳажми келин олиб



келадиган сепга тўғри келади, деб ёзади [1: 156]. Қалин ҳақида асосан салбий фикрда бўлган А.Табышалиева ва эр-хотин Наливкинлар ҳам бу фактни тан олганлар [Қаранг: 13: 202, 20: 27]. А.Табышалиеванинг ўзи қалинни фақат салбий тушуниш нотўғри бўлади, дейди. Жамиятнинг ўзгариши билан қалиннинг ҳам вазифаси ва тузилиши ўзгарди. Муаллиф қалин кўпинча ёшларнинг сепига ишлатилинади ва олинган нарсалар ёш оиланинг дастлабки йилларида ёрдам берарди, деб тан олади [20: 87]. Ўз навбатида, Г.С.Тошева ҳам ўз илмий изланишлари натижасида қалин пулига қарши бу қадар кураш олиб боришга ҳожат йўқ эди, деган хулосага келади. Чунки халқ ўртасида «қалин пули – қаллик пули» деган нақл юради. Шу ибора ҳам қалин пулининг қалликқа, янги оилага сарфланишини кўрсатади. Ахборотчилар билан ўтказилган мулоқотларда Қашқадарё воҳасида қалин пули асосан келиннинг бош-оёқ сарпоси ҳамда янги оиланинг уй жиҳозларини сотиб олишга сарфланган [22: 28, 30].

Н.П.Лобачёва ҳам ўзбек тўйлари ҳақида маълумот берар экан, қалин Совет даврида тақиқланганига қарамасдан, ҳали ҳам тўйларда берилишига урғу беради. Н.П.Лобачёванинг ёзишича, аҳолининг ўзи буни «тўйнинг харажатларини келин-куёвнинг сарпо-суруғига, уй-жиҳозларига кетади», деб тушунтиради. Аммо у буни оқламаган ҳолда, қалинни икки ёш ўртасида тўсиқ бўлишини, ҳатто собиқ Иттифок кулаганидан кейин ҳам таъкидлайди [9: 58-60]. М.А.Бикжанова наманганлик ўзбекларда қалиннинг бир қисмини келиннинг ота-онаси кўпинча ўзига олиб қолса-да, у сеп тайёрлашга кетади, деб ёзади [2: 28]. Демак, собиқ Иттифокда қалиннинг амалда бўлиши тан олинган, унинг сабаблари ҳам кўрсатилган, аммо улар қалинни оқлаши мумкин эмас эди.

М.Кэмп ҳам шуни қайд қиладики, Совет ҳукумати ўрнатилгач, «барча мажбурий қурилган никоҳлар ва ёш узатилган қизларни қалин одати билан боғлаш осон бўлган» [40: 119]. Ҳақиқатда ҳам коммунист ва большевиклар қалин бериш одатининг салбий томонидан унумли фойдаланишган ва барча мажбурий қурилган никоҳларни, ёш қизларни узатишларни, аслида уларнинг сабаби бошқа бўлса ҳам, қалин билан боғлайверишган. Ўзбеклар орасида мажбурий қурилган никоҳларни бугунги кунда ҳам учратиш мумкин. Аммо ҳозир буни ҳеч ким қалин бериш одати билан боғламайди. Большевик реформаторлари барча тўй харажатларидан фақат қалинга нисбатан кураш олиб борганлар. Аммо қизнинг сепига шак-шубҳасиз табиий, нормал, мақбул (қабул қилса бўладиган), пок харажат деб қаралган [41: 113].

Шуни айтиш керакки, юқоридаги гапларнинг аксарияти фақат ўтмишга тегишли бўлиб қолди. Чунки бугунги кунда ўзбекларда қалиннинг қиймати анча пастга тушиб кетган ва аксинча, келин сепи кўпайиб кетган. Албатта, бу Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига тегишли эмас. Масалан, ИПЭСдан олган маълумотларимизга кўра, Хоразм, Бухоро каби вилоятларда уларнинг урф-одатларига кўра, куёв томон қизнинг сепини ҳам кўтаради. Қиз томон қиладиган сепнинг энг каттаси Тошкент шаҳрида бўлиб, 2005 – 2007 йилларда қиз томон тўйга, агарда барча тўй харажатларини ҳисобга олса, сеп билан бирга ўртача ҳисобда 7000 – 8000 \$ пул сарфлаган. Бу дегани, қиз томоннинг тўйга кетадиган харажатлари, агарда ошиб кетмаса, куёв томоннинг тўй сарф-харажатлари билан камида тенг келади.

Тўғри, қалин нафақат ижобий, балки салбий томонларга ҳам эгадир. Ўтмишда никоҳ тўйида қалин миқдорининг катталиги, уни тўлашнинг қийинлиги тўйнинг ҳатто йиллаб чўзилишига сабаб бўлган. Қалин тўлаб уйланиш, албатта, оғир бўлган. Баъзида қалиннинг катта миқдорини узиш учун куёв келин хонадонига ишлаб бериши шарт бўлган. Аммо биз қалинни кескин танқид қилишдан қочиб, шуни айтишимиз мумкинки, қиз узатиб, қалин олиб ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам ҳеч бир оила бойиб қолмаган. Аксинча, қиз узатган оилалар маълум муддат, баъзан йиллар мобайнида моддий қийинчиликларга дуч келганлар. Ўтмишда ёш қизларнинг қарияларга берилишига келсак, «беш қўл баробар эмас» деган мақолга таянган ҳолда, ҳамма оила ҳам қизини қарияларга беравермаган. Қалин ҳажмини аниқлашда куёв оиласининг моддий ҳолати, қариндош ёки бегона эканлиги эътиборга олинган. Ҳатто қалин қораланган «Ислом. Справочник»ида ҳам қалиннинг қанча бўлиши қудаларнинг шартлашуви, уларнинг жамиятдаги мавқеи ва табақасига боғлиқ бўлган, деб тан олинади [4: 191]. Тўғри, ўтмишда қалин камбағал йигитларнинг уйланишига тўсқинлик қилган. Унинг устига камбағаллар бойларга нисбатан кўпроқ ҳам бўлган. Аммо уларга нафақат қалин, балки бошқа маросим ва одатлардаги харажатлар ҳам тўсқинлик қилгандир. Агар қиз томон қалинини сўрамаса, оилага тўй оғирлик қилиши мумкин эди.



М.Тохтаходжаева куёв томоннинг энг катта харажатлари қалинга бориб тақалади, деб ёзади ва қалин ҳажми, этнографларнинг маълумотига кўра, 25 йил давомида (1960 йилларнинг ярмидан 1990 йилларгача) 23 бараварга кўтарилди, деб қўшимча қилади [21: 210]. Бу, албатта, ҳақиқатга тўғри келмайди. 1-жадвал бизга қалиннинг нархи ўтмишга нисбатан тушиб борганини кўрсатади.

XIX асрнинг 80-йилларида ҳамма ҳам қалинни рублда бермаган, унинг қийматига тўғри келадиган тилла тангада ҳам берганлар. Бу даврда 40 – 60 рублга 1 та от берган. 700 рублга қизнинг бутун сарпосини қилса бўларди.

XX асрнинг 70-йилларида 1 \$ – ўртача ҳисобда 70 копейкага тенг бўлган. 1500 – 2000 рублга 1 та от, 100 – 200 рублга 1 та қўй берган. 2003 йилда 1 \$ нинг ўртача қиймати 1000 сўмга тенг келган. 1 та қўй 100.000 – 200.000 сўм бўлган. 2004 йили 1 \$ нинг ўртача қиймати 1050 сўмга тўғри келган. 2005 йили 1 \$ нинг ўртача қиймати 1150 сўмга тўғри келган. Қўй 200.000 – 400.000 сўм атрофида бўлган. 2007 йили 1 \$ нинг ўртача қиймати 1300 сўмга тўғри келди. 2002 – 2003 йилларда камдан-кам ҳолларда 400 – 800 минг сўм берувчи оилалар учраган, одатда, улар аҳолининг ўта бой қатламига мансуб бўлган. 2007 йилга келиб, нарх-навонинг ўтган йилларга нисбатан ўзгаришини инобатга олса, бу ерда қалиннинг нархи баланд кўринса-да, унинг қиймати аввалдагидек қолган.

Шуни айтиш керакки, 2007 йилдан куёв томон қалинни берганда тўй маҳсулотларининг пулини ҳам, яъни маҳсулотнинг (ошнинг хоми – қўй, гуруч, сабзи, пиёз ва ҳ.) ўрнига пулни ёки тўй маҳсулотларини эмас, балки фақат қўй ўрнига унинг пулини қалинга қўшиб берадиган оилалар кўпайишни бошлаган. Бундай ҳолларда, ҳатто оддий оилаларда қалиннинг нархи 1 млн. – 1 300 000 сўмгача чиқиб кетган. Лекин куёв томон бундай пулларни, «қалин, қўй, тиктириш пули, тўй маҳсулотлари ҳаммаси бирга», деб беради. Қиз томон бу пулларни қўйга, матоларни тиктиришга ёки тўй маҳсулотларига сарфласа, у ҳолда қалинга ҳеч қанча пул қолмайди. Бу ерда биз қалиннинг фақат расмийчилик учун бажарилишини кўрамиз.

Жадвал № 1.

Тошкент шаҳрида қалин (сут пули)нинг берилиши

	<i>Камида</i>	<i>Ўртача</i>	<i>Кўпида</i>
XIX асрнинг 80-йиллари¹	200 руб.	300 – 400 руб.	500 – 650 руб.
XX асрнинг 70-йиллари	150 – 400 руб.	500 – 600 руб.	800 – 1000 – 1800 руб.
XX асрнинг 80-йиллари (+1990)	400 руб.	500 – 600 руб.	1000 – 1500 руб.
2002 – 2003 йил	50 минг сўм ²	100 – 150 минг сўм	200 – 300 – 400 – 800 минг сўм
2005 йил	100 минг сўм	200 минг сўм	500 минг сўм
2007 йил	200 минг сўм	300 – 400 минг сўм	780 000 – 1 300 000 сўм
2013	2 800 000 – 4 200 000 сўм	5 600 000 сўм	8 400 000 сўмдан бошлаб
2014	3 800 000 – 5 700 000 сўм	7 600 000 сўм	11 400 000 сўмдан бошлаб

2014 йилга келиб эса, деярли барча оилалар ана шундай йўлни тутяпти. Натижада тошкентликларда никоҳ маросимлари тизимида янги русум шаклланиб, бугунги кунга келиб у оммавий тус олди. Фақат юқоридаги рўйхатга яна келинга қилиниши керак бўлган сеп ҳам

¹ Ўзбекистон Давлат Архив фондларини кўриб чиққан ҳолда қалиннинг ўртача қиймати берилди (Қаранг: Ф. И-36, Р. 1, Й. 2947; Ф. И-36, Р. 1, Й. 1864).

² 1994 йилда Ўзбекистон Республикасида пул реформаси ўтказилиб, миллий валюта қилиб сўм киритилган, шунинг учун қалин қиймати бу ерда катта кўриняпти.



қўшилган. Эндиликда қалин, қўй, тиктириш пули, тўй маҳсулотлари ва келин сепига ҳаммаси бўлиб ўртача ҳисобда 7 600 000 сўм берилмоқда. Аммо шу пулнинг маълум қисмини, масалан, 3 000 000 сўмини қиз томон куёв томонга қайтариб, куёв сарпони ўзлари қилишларини айтаётган оилалар ҳам қўпайиб бормоқда. Сабаби 7 600 000 сўмга қиз томон ҳам қизига сарпо қилиши (матоларни тиктиришга кетадиган пул ҳам шунинг ичида), ҳам ошга кетадиган масаллиқларни олиши, ҳам қўй олиши ва унинг устига куёвга ҳам сарпо қилиши керак бўлади. Сўзсиз, бу ерда қалин пули ҳақида гапиришга ҳожат йўқ.

Ҳозирги кунда, айниқса, қалин мустаҳкам ўрнашган Тошкент шаҳрида қалиннинг қиймати шунчалик даражада тушиб кетганки, келиннинг сарпоси эса шунчалик даражада ошиб кетганки куёвнинг берган қалин пули деярли ҳеч нарса бўлмайди, у фақат расмийлик учун бажарилмоқда. Берилган озгина пулга қиз тараф куёвнинг ўзига ва куёв тарафга сарпо олиши керак. Аммо бу пулларнинг ўзи сарпо олишга ҳам етмайди. Шунинг учун ҳам, кўпинча қалин ёки сут пулини қиз тараф ўзининг кам-қўстига ишлатади. Шу сабаб биз қалинни аёлларни шаънини, қадр-қимматини камситадиган, олди-сотди объектига айлантирадиган одат, деб қарамасдан, балки уни қиз томонга қўмаклашиш, тўйнинг оғир қисми тушиб қолмаслиги учун берилади, деб ҳам тушунамиз.

Ҳатто рус олимларининг ўзи қалиннинг катта қийматини эр-хотиннинг ўзбошимчалик ва бесабаб ажралишлардан кафолатлайди, деб сабабини тушунтирадилар [Қаранг: 13, 6, 17: 164]. Ўтмишда қалиннинг маълум бир қисми тўлангандан кейин ҳам, камдан-кам ҳолларда никоҳ бекор қилинган. Чунки қиз томон рад жавобини берса, берилган қалинни қайтариши керак, йигит томон рад жавобини берса, тўлаган қалинидан воз кечиши керак бўлган [40: 24]. Худди шу ҳолат келин ё куёвнинг бевақт ўлими юзасидан ҳам бўлган. Бундай ҳолда қалин қайтармасликнинг бошқа йўли бўлган: агар куёв вафот этса, келин унинг акаси ё укасига турмушга чиқади (*левират*), агар келин вафот этса, куёв унинг синглисига ё опасига уйланади (*сорорат*), баъзида бундай ҳолларда куёв берилган қалин пулига яна озгина ҳақ қўшган [6: 67-68]. Агарда никоҳ қуриш билан хотиннинг уйдан кетиши ўртасида анча вақт ўтган бўлса ҳам, қалин қайтарилган. Агар эр ажралиш истагини билдириб, хотинини уйдан ҳайдаса, у ҳолда эрнинг қалин сўрашга ҳаққи бўлмаган.

Шунинг учун ўзбек оилалари ва умуман, Ўрта Осиёликлар ичида ажралишлар жуда кам бўлган. Қолаверса, эр ўзига иқтисодий зарар қилмасдан, ёқтирмаган (ё яна бошқа сабаблар бўлиши мумкин, масалан, ўртада фарзанднинг йўқлиги) хотинини талоқ қилишдан кўра, унинг устига яна бир ўзи ёқтирган хотин олишни афзал кўрган (албатта, бу ҳаммага тегишли эмас). Буни биз салбий оқибат деб тушунишимиз лозимми ёки ижобий, айтиш қийин. Ҳамма ҳар хил баҳолайди. Аммо хотин эрининг ёмонлигидан азоб тортиб, туғилган уйига қайтиб келганда, унинг отаси қалинни куёвга қайтармаслик учун қизини уйда қабул қилмаса ва шу билан уни бир умрга шу никоҳда бахтсиз яшашига сабабчи бўлса, бу албатта, қалиннинг салбий оқибатига киради. Лекин ҳар доим ҳам шундай бўлавермаган, ҳамма оталар ҳам бундай иш тутмаганлар [5: 195].

Ҳозирда, аксинча, ажралишлар борган сари қўпайиб бормоқда, чунки уларга ҳеч нарса тўскинлик қилмайди. Ажрашганда эр хотинидан қалин пулини талаб қилмайди, ҳаттоки хаёлига ҳам келтирмайди, шу билан биргаликда, «ажрашсам қалин хотинимда қолиб кетади», деган ўй ҳам эрни хавотирга солмайди. Яъни, қалин ажралишда ва умуман, тўйда ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

С.Н.Абашиннинг маълумотида, бугунги кунда қалинни «қолоқлик» ва «орқага қайтиш»нинг намоён бўлиши, деб ўйлаётганлар ва у билан курашишни талаб қилаётганлар нуқтаи назари оммабоп бўлмаяпти. Қалинни «этник» ва «ўзига хос» маданият қисми, деб тушунганлар ва уни қонунлаштириш лозим деганларнинг сони эса ортиб бормоқда. Бу ерда нафақат ўзбеклар (бунга мустақиллик даврида диннинг кучайиши ҳам сабабчидир), балки Марказий Осиё халқлари ҳам инобатга олинапти. Бугунги кунда очик равишда қалин – келин томоннинг харажатларини қоплаш учун тўланади, деб қаралмоқда [20: 107].

Қалин ва маҳрни қонунлаштиришга бўлган хоҳишни эса ташқи «ёмон» таъсирдан тозалашга интилиш деб тушунса бўлади. С.Н.Абашиннинг ёзишича: гапирилган қалин – бу ҳақиқий қалин эмас, балки қандайдир ғалати яратилган, бузилган, нотўғри талқин қилинган ва ҳоказо нарсадир. Уннинг ўзи бунга шундай жавоб қайтаради: «... кўрсатингларчи, қаерда ва қачон қалин бузилмаган, нотўғри талқин қилинмаган кўринишда мавжуд бўлган. Мен бундай



асосли мисолларни билмайман». С.Н.Абашиннинг фикрича, «қалин» қонунлаштирилса, бу янги ҳодисанинг тажрибага сунъий киргизиш билан баробар бўлади. Бунинг эса ҳеч қандай аҳамияти йўқ [1: 160].

Ўзбекларнинг қалинга бўлган муносабати ҳақида гапирадиган бўлсак, бу одат Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий ва психологик жиҳатдан маълум фарқланишга эга бўлганлиги сабаб, уни салбий дейиш қийин. 2-жадвалда келтирилган жавобларга умумий хулоса қилиб айтадиган бўлсак, агар Тошкент шаҳрида 2007 йил ўтказган тадқиқотимизда 50 % аҳоли қалинни асосан одат сифатида бажариб, шу билан биргаликда, ундан иқтисодий мақсадларни ҳам кўзлаган бўлса, бугунги кунга келиб, у 58,3% ни ташкил қилди. Лекин аёллар билан эркеклар жавобини солиштирганда шу нарса маълум бўлади-ки, эркеклар қалинга, асосан, тўй маросимларининг ичидаги бир одат сифатида қарашади. Фақатгина қиз узатган эркеклар қалинсиз қизнинг ота-онасига тўй оғирлик қилиши мумкин, деган фикрни билдирадilar (ўзларининг бошларидан ўтказганларидан кейин). Аёлларда эса аксинча. Улар қалинга, асосан, қиз ота-онаси учун тўйда кўмак бўладиган одат сифатида қарашади. Шунинг учун ҳам қалинга аёлларни хўрловчи одат сифатида қараш асосан эркекларга тегишли. Қалинга салбий фикрни билдирганларнинг аксарияти ва уни ҳозир йўқ бўлиб кетган, деб жавоб берганлар бошқа вилоятлик ўзбеклар бўлиб, уларда қалин одати йўқолиб кетгандир. Тадқиқот ҳисобига кўра, улар жуда кам фоизни ташкил қилади. Умумий ҳисобда қалинни хўрловчи, керакмас, ортиқча одат, деб билганлар 30,8% ни ташкил қилса, бу фикрга қўшилмай, уни нотўғри, деб билганлар 54,2% (аёллар – 73,3, эркеклар – 35%) дир. Қалин ҳам мусулмонлар бажариши шарт, ҳам тўй қилишда иқтисодий ёрдам берадиган одат, деб ҳисоблайдиганлар 67,5% бўлса, бу фикрни нотўғри деб биладиганлар 29,1% ни (аёллар – 28,4%, эркеклар – 30%) ташкил қилади. Шу билан бирга, унга шунчаки одат сифатида кўр-кўрона амал қилаётганлар 66,7% дир.

Жадвал № 2.

Ўзбекларнинг қалин бериш одатига бўлган муносабати (фоиз ҳисобида)

№	Бугунги кунда қалин:	Тўғри			Бирон нима дейиш қийин			Нотўғри		
		У	А	Э	У	А	Э	У	А	Э
1	Барча мусулмонлар бажариши шарт бўлган одат	44,2	53,3	35	12,5	10	15	13,3	11,7	15
2	Қалинни одат сифатида бажариш зиён қилмайди, унинг нархи паст	35	45	25	14,2	13,3	15	11,7	8,3	15
3	У фақат расмийлик юзасидан бажариладиган одат бўлиб қолган	31,7	38,3	25	12,5	10	15	15,8	16,7	15
4	Қалин бўлмаса, қизнинг ота-онасига тўй қилиш жуда оғир бўлади	23,3	31,7	15	14,2	8,3	20	15,8	16,7	15
5	Қалин аёлларни хўрловчи одат, уни йўқотиш керак	12,5	5	20	8,3	11,7	5	30	40	20
6	Қалин билан сут пули ўзи бир нарса бўлиб, ҳозирда керакмас, ортиқча одатлардир	18,3	11,7	25	10,8	11,7	10	24,2	33,3	15
7	Қалин ҳозир йўқ бўлиб кетган, аммо онанинг сут пулисини бериш керак	16,7	18,3	15	19,2	18,3	20	16,7	18,3	15

Ўз навбатида, бугунги кунда қалинга бўлган муносабатда ижтимоий, иқтисодий ва психологик жиҳатдан фарқланиш бўлиши билан бирга, унинг сақланиши ёки йўқолиши



борасида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Хусусан, "Қалинни йўқотиш мумкинми?" деган саволга респондентларнинг жавобини қуйида келтирилган 1-расмда кўриш мумкин. 1-расмнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, синалувчиларнинг 48,3% (аёллар – 36,7%, эркеклар – 60%) ўзларининг ҳар хил жавоблари билан қалиннинг йўқолишига ишонсалар, 33,3% (аёллар – 53,4%, эркеклар – 20%) қалинни сақланиб қолишига ишонч билдирадилар. Ўз навбатида, унинг сақланишини билмайдиганлар 7,5% ташкил қилади. Қалин ҳозир йўқ бўлиб кетган-ку, деган жавобни эса бошқа вилоятлардан келган ўзбеклар жавоб берган. Демак, кўпчилик тошкентлик ўзбеклар қалинни вақти келиб ўзи йўқ бўлиб кетишига ишонадилар. Эътиборлиси, аксарият эркеклар қалин одатининг йўқолишига ишонч билдирган бўлсалар, кўпчилик аёллар унинг сақланиб қолишига ишонадилар.

Тадқиқотимиз натижаларини умумий хулоса қиладиган бўлсак, агар кўпчилик қалинни аёлларни ҳўрловчи одат деб ҳисоблаган бўлса, аслида у асосан аёлларнинг "хоҳиши" билан яшаб келмоқда. Агар аксарият эркеклар қалин аёлларнинг нарҳини белгилаб, уни олди-сотди объектига айлантиради, деса, аёллар уни иқтисодий ёрдам сифатида қабул қиладилар. Шу билан биргаликда, аёллар унга никоҳ тўйи маросимлари тизимидаги бир одатга қарагандек амал қилишади. Бу эса қалин бериш одатининг анъанага айланганини кўрсатади.



1-расм. Ўзбекларнинг қалиннинг йўқолиб кетишига бўлган муносабати (фоиз ҳисобида)

Ҳатто эр-хотин Наливкинлар ҳам шуни қайд қиладиларки, қалин бериш одати бу ерларда шунчалик ўрнашиб олган эдики, уни тўламаслик уят ҳисобланган. Ҳатто қалин миқдори баланд бўлган қизлар бу билан мақтанганлар ҳам [13: 209]. Қалин бериш қизнинг ота-онаси учун ҳатто иззат-икром деб ҳам ҳисобланган. Қалиннинг нарҳи қанчалик даражада баланд бўлса, бу шунчалик даражада қиз ота-онасининг ҳурмати баланд эканлигини кўрсатган [20: 27]. Шуни айтиш керакки, бундай ҳолатни бугунги кунда Тошкент шаҳрида ҳам кўриш мумкин. Тадқиқот ўтказилаётганда баъзи бир ахборотчилар уларга қалин пули кам берилганидан ҳатто хафа бўлганларини билдирганлар ва аксинча, катта пул бериб олинганлар эса мақтаниб гапирганлар.

Хулоса. Юқоридагилардан биз қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли ҳудудларда ҳар хил миқдор ва мазмунда тўйдан олдин қалин бериш одати сақланган.

2. Қалин қиз томонга тўйнинг оғирлиги тушиб қолмаслиги учун керакдир. Қиз томон қалин олиб ҳеч замон бойиб қолмаган, аксинча, қиз чиқарган хонадон "ўғри урган уй"га ўхшаб қолади. Қолаверса, қиз олиб қалин тўлаган оила қиз узатганда, қиз бўлмаса, неvara узатганда



қалин олади. Халқ урф-одатларининг адолатли характери турмушнинг ана шундай давомийлигида, авлодлар ҳаётида учрашида намоён бўлади.

3. Қалин бериш одатининг яшовчанлик сири унинг табиий эҳтиёжларидан келиб чиққанлигидадир. Ана шунинг учун ҳам турли тазйиқлар, ноўрин танқидларга қарамай, бу одат ҳалигача сақланиб қолган, албатта, ҳозирда у ўтмишдагидан фарқли ўлароқ расмий тус олган.

4. Бугунги кунда қалин ўзбекларда деярли ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Қалин миқдори тўйни белгилаш муддати, унинг ўтказилиш тартиби, икки ёшнинг оилавий ҳаётига таъсир қилмайди ҳамда тўйнинг бўлиш ё бўлмаслигини, ажрашиш ё ажрашмасликни ҳал қилмайди. Халқ қалинга фақат урф-одатлардан бири, деб қараб, ўтмишдан қолган мерос сифатида унга амал қилади.

5. Қалин кейинги йилларда ўз моҳиятига кўра, келинга тўланадиган тўлов воситаси эмас, балки уни ҳозирда «куёв совғаси», «сут ҳақи», тўй компенсацияси, деб замонавийлашган шаклда намоён қилмоқдалар.

6. Қалин пулининг миқдори қудалар ўртасида муҳокама қилинмайди.

7. Қалиннинг яшовчанлик сири қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

– *менталитет*;

– *анъана*;

– *стереотип*;

– *иқтисод* (бугунги кунда ўзбекларда у рамзий тус олган).

Ўзбек халқининг менталитети туркий негизли халқ эканлиги, (туркийликка хос) жанговарлик, кенг бағирлилик, саховатпешалик, хотамтойлик сингари жиҳатлар урф-одат, маърака-маросимларимиз шакли мазмунида, айниқса, яққол ифодалангандир. Тантанали саналарда оммавий зиёфатлар уюштириб, халқни сийлаш, марҳумларни хотирлаб ош тортиш, кичик йиғинлардан кўра катта йиғин ва жамоавий тадбирларни афзал кўриш, йиллар мобайнида бориңи йиғиб-териб элга тарқатишдан завқ-сурур туйиш фазилатлари қадим туркий одатлардандир. Ўзбек халқи жамоа манфаатлари, жамоатчилик фикри доирасида, анъана ва урф-одатларга содиқлик негизларида бирлашишга мойил ва шунга интилувчи халқдир. Зеро, анъаналарнинг ўзи ҳам жамоатчилик фикрининг барқарорлашган ифодасидир. Демак, ўзбек халқининг урф-одат, анъаналарга қаттиқ риоя қилиши ҳам унинг менталитетига боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда қалинга анъана, одат сифатида амал қилиб келинмоқда. Бу ердан стереотип келиб чиқади, ҳамма амал қилган одатни бажармасликнинг иложи йўқ. Ўз навбатида, иқтисодий томондан ҳам (оз бўлса ҳам) бу қулайдир.

Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатдики, тўйларда синалган урф-одатларни эмас, балки сарф-харажатларни қисқартирсагина, тўйнинг ҳеч кимга оғирлиги тушмайди. Шуни айтиш лозимки, вақт ўтиши билан керакмас, ортиқча маросим, анъана ва урф-одатлар ўз-ўзидан йўқолиб боради. Шу ўринда қалин ҳам, агарда унинг халққа оғирлиги тушиб, у керакмас, ортиқча бир одатга айланса, давлатнинг аралашувисиз ҳам, тарғибот-ташвиқот ишларисиз ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Адабиётлар:

1. Абашин С.Н. Калым и махр в Средней Азии. О «границах» в социальных отношениях / Человек и право. Книга о Летней школе по юридической антропологии (г. Звенигород, 22-29 мая 1999 г.). – М., 1999. – С. 155-161.
2. Бикжанова М.А. Семья и семейный быт в колхозе И.В. Сталина Айкыронского сельсовета Чартакского р., Наманганской области: Дисс... канд. истор. наук. – Тошкент: ЎзССР ФА Тарих инс., 1959. – 180 л.
3. Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 320 б.
4. Ислон. Справочник / Усмонов М.А. таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбек Совет энциклопедияси бош ред., 1987. 2-нашри. – 208 б.
5. Кисляков Н.А. Калым и приданное у таджиков // Родовое общество: Этнографические материалы и исследования. – М., 1951.
6. Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1969. – 240 с.



7. Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. – Тошкент: ЎзССР ФА нашр., 1960. – 240 б.
8. Лобачёва Н.П. Брак / Семейный быт народов СССР / Отв. ред. Т.А. Жданко. – М.: Наука, 1990. – С. 448-461.
9. Лобачёва Н.П. Некоторые черты семьи хорезмских узбеков в середине XX в. // ЭО. – М., 1999. – № 3. – С. 51-66.
10. Лобачёва Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. – М.: Наука, 1975. – 140 с.
11. Махмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. – III том. Т., 1963.
12. Мусакулов А. Қалин // Мулоқот. – 1993. – №11-12. – Б. 52-53.
13. Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Типография императорского университета, 1886. – 244 с.
14. Народы Средней Азии и Казахстана / Под. ред. С.П. Толстов, Т.А. Жданко, С.Л. Абрамзон, Н.А. Кисляков. В 2-х т. – М.: АН СССР, 1962. Т. 1. – 768 с.
15. Окмуродов Т. қайта қуриш шароитида меҳнат, турмуш ва мафкуравий тарбия. – Тошкент: Фан, 1990. – 132 б.
16. Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 172 б.
17. Поляков С.П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе / Мусульманская Средняя Азия. Традиционализм и XX век. – М., 2004. – С. 3-179.
18. Салаева Н. Хоразм оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари: Психол. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – 162 варак.
19. Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА Тарих инс-ти, 1999. – 139 варак.
20. Табышалиева А. Отражение во времени. (Заметки к истории положения женщин Центральной Азии) / Предисловие Э. Шукурова. – Бишкек: Турар, 1998. – 136 с.
21. Тохтаходжаева М. Утомленные прошлым. Реисламизация общества и положение женщин в Узбекистане. – Ташкент, 2001. – 352 с.
22. Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2002. – 182 варак.
23. Узбеки. (Народы России. Среднеазиатские народы) / Природа и люди. Иллюстрированный журнал, литературный, научный и политический. 1880, декабрь.
24. Умурзокова О. Социалистик турмуш ва халқ анъаналари. – Тошкент: Ўзбекистон КП МКнинг нашр., 1967. – 32 б.
25. Шаниязов К. Узбеки – карлуки (Историко-этнографический очерк). – Ташкент: Фан, 1964. – 195 с.
26. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: (2007 йил 1 майгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2007. – 192 б.
27. ЎзР МДА, Фонд-И-17, рўйхат-1, йиғма жилд-3763.
28. ЎзР МДА, Фонд-И-17, рўйхат-1, йиғма жилд-3112.
29. ЎзР МДА, Фонд-И-17, рўйхат-1, йиғма жилд-3217.
30. ЎзР МДА, Фонд-И-17, рўйхат-1, йиғма жилд-3519.
31. ЎзР МДА, Фонд-И-17, рўйхат-1, йиғма жилд-3215.
32. ЎзР МДА, Фонд-И-17, рўйхат-1, йиғма жилд-3242.
33. ЎзР МДА, Фонд-И-17, рўйхат-1, йиғма жилд-3448.
34. ЎзР МДА, Фонд-И-17, рўйхат-1, йиғма жилд-3611.
35. ЎзР МДА, Фонд-И-17, рўйхат-1, йиғма жилд-3612.
36. ЎзР МДА, Фонд-И-17, рўйхат-1, йиғма жилд-3558.
37. ЎзР МДА, Фонд-И-36, рўйхат-1, йиғма жилд-2947.
38. Гафур Ғулом. Ғам тугуни // Янги йўл. 1928. – № 11 – 12. – Б. 12-14.
39. Ҳақима. Хотинлар ҳуқуқини помол [поймол] қилувчи // Янги йўл. 1929. – № 2. – Б. 5.
40. Kamp M. The new woman in Uzbekistan: Islam, modernity, and unveiling under communism. – Seattle & London: University of Washington press, 2006. – 332 p.



Mirqosimova Marg'uba Mirqobilovna,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi "Din psixologiyasi va pedagogika"
kafedrası, pedagogika fanlari doktori, professor



ZAMONAVIY TA'LIM TAMOIYILLARI VA O'QITISH TEXNOLOGIYALARI

Annotatsiya: Maqolada barkamol avlodni shakllantirishga xizmat qilyvchi zamonaviy ta'lim texnologiyalari uchun asosiy omil sanaluvchi ta'lim tamoyillari mazmun mohiyati yoritilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim, barkamol avlod, o'qitish texnologiyalari, bilim, malaka, metod, usul, shakl, vosita, modulli o'qitish, interfaol ta'lim, pedagogik kompetentlik, elektron pedagogika.

Аннотация: В данной статье исследованы принципы образования и суть педагогических технологий как основной компонент при подготовке гармонично развитого поколения.

Ключевые слова: образование, гармонично развитое поколение, педагогическая технология, принципы образования, навыки, методы, формы, модульное образование, компетентность, электронная педагогика.

Abstract: The article highlights the content of education, which is a key factor in the education of young people in modern education.

Key words: education, harmonious generation, learning technologies, knowledge, skills, methods, methods, forms, tools, module training. interactive teaching, pedagogical competence, electronic pedagogy.

Mavzuning dolzarbligi. Har qanday jamiyatda barkamol avlodni tarbiyalab, voyaga etkazish va uni ma'lum kasbga yo'naltirish og'ir va mashaqqatli mehnat evaziga amalga oshiriladi. Bu mashaqqatli mehnat uzluksiz ta'lim va tarbiyaviy faoliyatning mahsulidir. Jamiyat taraqqiyotida tarbiyaning o'rini izohlab, yurtboshimiz quyidagi fikrlarni bayon etganlar: "Ta'lim-tarbiya – ong mahsuli, lekin ayni vaqtda ong darajasi va uning rivojini ham belgilaydigan omildir. Binobarin ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirmasdan turib, ongni o'zgartirib bo'lmaydi. Ongni, tafakkurni o'zgartirmasdan turib esa biz ko'zlagan oliy maqsad – ozod va obod jamiyatni barpo etib bo'lmaydi". Yoshlarni o'qitish va tarbiyalash, zamonaviy bilimlarga ega bo'lgan yuksak malakali kadrlarni tayyorlashda ayniqsa, o'qituvchining tarbiyachi sifatidagi o'rni beqiyosdir. Bugungi kunda dunyo miqiyosida axborot kommunikatsiya tizimining yuksak darajada rivoj topib borayotganligi boshqa sohalar qatorida ta'lim jarayoniga ham kirib kelib, uni yanada sifatli tashkil etishga o'z ta'sirini ko'rsatayotganligi barchamizga ma'lum. Bunday sharoitda inson faoliyatining nazariy va amaliy qirralari ham uzluksiz yangilanib turishi tabiiydir. Pedagogik faoliyat ham alohida va murakkab mehnat turi sifatida bundan mustasno emas. Pedagoglar o'z faoliyatlarida kafolatlangan natijadialarni qo'lga kiritishga intiladilar. Natijada innovatsion ta'lim texnologiyalariga ehtiyoj kuchayadi. Bu jarayon zamonaviy ta'lim tamoyillarini taqazo etadi.

Barkamol avlodni tarbiyalash – "Ta'lim to'g'risdagi" Qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dastiri"da Respublika ta'lim xodimlari zimmasiga o'ta mas'uliyatli vazifalar yuklagan. Prezidentimiz tomonidan kelajak avlod tarbiyasiga berilayotgan katta e'tibor ta'lim tizimi va pedagoglar zimmasiga ulkan vazifalarni yuklaydi. Bu vazifalarni amalga oshirish chuqur bilim va katta mahoratni talab etadi. Ta'lim tizimiga yangiliklarni olib kirish, pedagogik texnologiyalar, interfaol metodlar, modulli o'qitish, innovatsion texnologiyalardan unumli foydalanish bugungi kun ta'limi oldiga qo'yilgan muhim vazifalardir.

Hozirgi vaqtda ta'lim jarayonida o'qitishning zamonaviy metodlari keng qo'llanilmoqda. O'qitishning zamonaviy metodlarini qo'llash o'qitish jarayonida yuqori samaradorlikka erishishga olib keladi. Ta'lim-tarbiya jarayonida har bir mashg'ulotning maqsadi va vazifasidan kelib chiqib, didaktik ta'minotini e'tiborga olgan holda ta'lim metodlarini to'g'ri tanlash va qo'llash muhim ahamiyat kasb etadi. An'anaviy o'qitish shakllari va samarali tajribalardan foydalangan holda ta'lim oluvchilar faoliyatini faollashtiradigan metodlar bilan boyitish ta'lim oluvchilarning o'zlashtirish darajasini ko'tarilishiga olib keladi. Buning uchun mashg'ulot jarayoni oqilona tashkil qilinishi, ta'lim beruvchi tomonidan ta'lim oluvchilarning motivatsiyasini oshirish, faolligini muttasil rag'batlantirib turilishi, o'quv materialini kichik-kichik bo'laklarga bo'lib, ularning mazmunini ochishda "aqliy hujum", "kichik guruhlarda ishlash", bahs-munozara, muammoli ta'lim, "yo'naltiruvchi matn", "loyiha", rolli



o'yinlar" kabi interfaol metodlarni qo'llash orqali ta'lim oluvchilarni amaliy faoliyatga jalb etish bilim, ko'nikma, malakalarning puxta shakllanishiga zamin yaratadi. Ta'lim metodi ta'lim maqsadini yoritishga xizmat qiladi, u yordamida ta'lim mazmunini o'zlashtirish yo'llari ifoda etiladi, o'qituvchi va o'quvchilarning o'zaro harakati, xususiyati aks ettiriladi. Metod, bir tomondan, ta'lim maqsadiga erishish vositasi sifatida namoyon bo'lsa, boshqa tomondan, boshqariluvchan o'qish faoliyatini amalga oshirish sharti hisoblanadi.

Metodika. Har qanday ijtimoiy jamiyatda yosh avlod tarbiyasi muayyan maqsad asosida tashkil etiladi. Ta'lim-tarbiyaning maqsadi ta'lim oluvchilarni faollashtirish orqali ijtimoiy jamiyat taraqqiyoti, uning rivojlanish yo'nalishi, ijtimoiy munosabatlar mazmunidan kelib chiqib belgilanadi. Mustaqillikning ilk kunlaridan boshlab ushbu muammo respublikamiz pedagog va psixolog olimlari diqqatini jalb etdi: M.Taxtaxodjaeva, J.Yuldashev, O.Musurmonova, S.Nishonova, N.Ortiqov, R.X.Jo'raev, N.X.Azixodjaeva, U.N.Nishonaliyev, M.S.Saidahmedov, B.L.Farberman, H.Ishmatov va boshqalarning tadqiqot ishlarini eslash mumkin.

Interfaol metodlarni ta'lim jarayonida qo'llash muammolari haqida A.G.Rivin va V.K.Dyachenko tomonidan jamoaviy o'qitish, D.B.Elkonin, V.V.Davidov, L.V.Zankovlar tomonidan ilgari surilgan rivojlantiruvchi innovatsion ta'lim to'g'risidagi qarashlar nazariy va amaliy ahamiyat kasb etdi. Shu bilan birga boshqa innovatsion ta'lim texnologiyalari, didaktik o'qitish usullaridan ta'lim jarayonida aralash foydalanish (A.I.Goncharuk, V.L.Zarina), evristik o'qitish (A.V.Xutorskoy) dialogik madaniyatni shakllantirishga yo'naltirilgan texnologiyalar (V.S.Bibler, S.YU.Kurganov), loyihalash, tanqidiy yondashuvni tarkib toptirishga yo'naltirilgan texnologiyalardan ta'lim amaliyotida keng foydalanilmoqda. Ta'lim amaliyotida o'qitishning quyidagi texnologiyalaridan ham unumli foydalanilmoqda:

1. Modulli o'qitish.
2. Interfaol ta'lim.
3. Pedagogik kompetentlik.
4. Elektron pedagogika.

Empirik tahlil. Modulli o'qitish – o'qitishning istiqbolli tizimlaridan biri hisoblanadi, chunki u ta'lim oluvchilarning bilim olish imkoniyatlarini va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish tizimiga eng yaxshi moslashgandir.

An'anaviy ta'limda o'quv maqsadlari pedagog faoliyati orqali amalga oshirilsa, ya'ni bilim berishga yo'naltirilgan bo'lsa, modulli o'qitishda ta'lim oluvchilar faoliyati birinchi o'ringa chiqadi, kasbiy faoliyatga yo'naltiriladi. Modulli o'qitish texnologiyasining an'anaviy o'qitishdan farqli xususiyatlarini quyidagi jadval orqali tavsiflashga harakat qildik (1-jadval).

Jadval № 1.

An'anaviy o'qitish texnologiyasiga asoslangan	Modulli o'qitish texnologiyasiga asoslangan
Bir tomonga yo'naltirilgan axborot. Bir tomonlama muloqot (darslik→ o'qituvchi→o'quvchi) <input type="checkbox"/> Axborot olish <input type="checkbox"/> Xotirada saqlash Ma'nosini tushunmagan holda mexanik tarzda yodlash.	Fikrlash va amaliy faoliyat orqali tahsil olishda faol ishtirok etishni rag'batlantirish. <input type="checkbox"/> Ikki tomonlama muloqot, ta'lim maqsadlariga o'zaro hamkorlikda faol izlanish orqali erishish. <input type="checkbox"/> Tahlil qilish orqali ma'lumotni eslab qolish <input type="checkbox"/> Bilim va ko'nikmalarni namoyish etish <input type="checkbox"/> Mazmunni tushunish va hayotga bog'lash, amalda qo'llash.

Modulli o'qitish ta'limning quyidagi zamonaviy masalalarini har tomonlama echish imkoniyatini ham yaratadi:

- Modul - faoliyatlik asosida o'qitish mazmunini optimallashtirish va tizimlash dasturlarni o'zgaruvchanligi, moslashuvchanligini ta'minlaydi;
- o'qitishni individuallashtirish;
- amaliy faoliyatga o'rgatish va kuzatiladigan xarakterlarni baholash darajasida o'qitish samaradorligini nazorat qilish;
- kasbga qiziqtirish asosida faollashtirish mustaqillik va o'qitish imkoniyatlarini to'la ro'yobga chiqarish.

Modulli o'qitish samaradorligi quyidagi omillarga bog'liq:

- ta'lim muassasasining moddiy-texnik bazasi;
- malakali professor-o'qituvchilar tarkibi darajasi;



- tinglovchilar tayyorgarligi darajasiga;
- kutiladigan natijalar bahosiga;
- didaktik materiallarning ishlab chiqilishiga;
- modullar natijasi va tahliliga [1: 26].

Modulli o'qitish – o'qitishning istiqbolli tizimlaridan biri hisoblanadi, chunki u o'quvchilarning bilim imkoniyatlarini va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish tizimiga eng yaxshi moslashgandir [2: 11].

Modulli o'qitish, ta'limning quyidagi zamonaviy masalalarini har tomonlama yechish imkoniyatini yaratadi.

– Modul – faoliyatlik asosida o'qitish mazmunini optimallashtirish va tizimlash, dasturlar o'zgaruvchanligi, moslashuvchanligini ta'minlash;

- o'qitishni individuallashtirish;
- amaliy faoliyatga o'rgatish va o'qitish samaradorligini nazorat qilish;
- o'quvchilarni kasbga qiziqitirish asosida faollashtirish, mustaqil o'qitish imkoniyatlarini to'la ro'yogga chiqarish.

– Modulli o'qitish samaradorligi quyidagi omillarga bog'liq :

- ta'lim muassasasining moddiy-texnik bazasi;
- malakali professor-o'qituvchilar tarkibi darajasi;
- o'quvchilar tayyorgarligi darajasi;
- kutiladigan natijalar bahosi;
- didaktik materiallarning ishlab chiqilishi;
- modullar natijasi va tahlili.

Modulli o'qitishda, o'quv dasturlarini to'la, qisqartirilgan hamda tabaqalashtirish orqali, bosqichma-bosqich o'qitish imkoniyati yaratiladi, ya'ni o'qitishni individuallashtirish mumkin bo'ladi. Modulli o'qitishda quyidagi maqsadlar nazarda tutiladi:

- o'qitishning uzluksizligini ta'minlash;
- o'qitishni individuallashtirish;
- o'quv materialini mustaqil o'zlashtirish uchun yetarli sharoit yaratish;
- o'qitishni jadallashtirish;
- fanning samarali o'zlashtirilishiga erishish.

Modulli o'qitish, fanning asosiy masalalari bo'yicha umumlashtirilgan ma'lumotlar beruvchi muammoli va yo'riqli ma'ruzalar o'qilishini taqozo etadi. Ma'ruzalar o'quvchilarning ijodiy qobiliyatini rivojlantirishga qaratilmog'i lozim.

Modul amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari ma'ruzalar bilan birga tuzilishi, ular ma'ruzalar mazmunini o'rganiladigan yangi material bilan to'ldirilishi kerak.

Modulni o'qitishning samaradorligini oshirish uchun o'qitishning quyidagi usullarini qo'llash mumkin:

- muammoli muloqotlar;
- evristik suhbatlar;
- o'quv o'yinlar;
- loyihalash va yo'naltiruvchi matnlar va hokazo.

O'qitishning modul tizimi mazmunidan uning quyidagi afzalliklari aniqlandi:

- fanlar va modullar bo'yicha o'qitish uzluksizligining ta'minlanishi;
- modullararo metodik jihatdan asoslangan muvofiqlik o'rnatilishi;
- fanning modulli tuzilishi tarkibining moslanuvchanligi;
- o'quvchilarning qobiliyatiga ko'ra tabaqalanishi (dastlabki modullardan so'ng, o'qituvchi ayrim o'quvchilarga fanni individuallashtirishni tavsiya etishi mumkin);
- axbortni "siqib" berish natijasida o'qitishni jadallashtirish, auditoriya soatlaridan samarali foydalanish va o'quv vaqti tarkibini, ma'ruzaviy, amaliy (tajribaviy) mashg'ulotlar, individual va mustaqil ishlar uchun ajratilgan soatlarni optimallashtirish.

Buning natijasida, o'quvchi yetarli bilim va ko'nikmalarga ega bo'ladi.

O'qitishning modulli texnologiyasi o'qitishning qabul qilingan tamoyillariga muvofiq ishlab chiqilishi va amalga oshirilishi kerak.

Ta'lim tamoyillarini tizimlashtirishga bo'lgan yondashishlarda quyidagicha fikrlar bildirilgan.



M.N.Skatkin ta'lim tamoyillarini quyidagicha belgilaydi: ilmiylik, har tomonlamalik, hayot bilan aloqadorlik, tabaqalashtirish, tizimlilik, o'quv fanlari orasidagi o'zaro aloqadorlik [3: 63].

N.X.Avliyov modulli o'qitish jarayonini faoliyatlilik, tizimli, qiziqitirish, modullilik, muammolilik, kognitiv vazuallilik, xatoliklarga tayanish tamoyillariga muvofiq ishlab chiqishi lozim, deb ta'kidlaydi [4: 41].

Modulni o'qitishning samaradorligini oshirishga erishish uchun o'qitishning quyidagi usullarini qo'llashni tavsiya qiamiz:

- muammoli muloqotlar;
- evristik suhbatlar;
- o'quv o'yinlar;
- loyihalash va yo'naltiruvchi matnlar va hokazo [5: 37].

O'qitishning modul tizimi mazmunidan uning quyidagi afzalliklari aniqlanadi:

- fanlar va fanlar ichidagi modullar orasidagi o'qitish uzluksizligini ta'minlanishi;
- har bir modul ichida va ular orasida o'quv jarayonini barcha turlarining metodik jihatdan asoslangan muvofiqligini o'rnatilishi;
- fanning modulli tuzilish tarkibining moslanuvchanligi;
- tinglovchilar o'zlashtirishi muntazam va samarali nazorat (har qaysi moduldan so'ng) qilinishi;

– tinglovchilarning zudlik bilan qobiliyatiga ko'ra tabaqalanishi (dastlabki modullardan so'ng o'qituvchi ayrim tinglovchilarga fanni individallashtirishni tavsiya etishi mumkin);


– axborotni «siqib» berish natijasida o'qitishni jadallashtirish auditoriya soatlaridan samarali foydalanish va o'quv vaqti tarkibini ma'ruzaviy amaliy (tajribaviy) mashg'ulotlar individual va mustaqil ishlar uchun ajratilgan soatlarni – optimallashtirish.

Interfaol ta'lim ta'lim samaradorligini oshirishning eng maqbul yo'li sifatida e'tirof etiladigan ta'lim turi va o'qitish shakli sanaladi.


Interfaollik talabalarning bilim, ko'nikma, malaka va muayyan axloqiy sifatlarni o'zlashtirish yo'lida birgalikda, o'zaro hamkorlikka asoslangan harakatni tashkil etish layoqatiga egaliklari. Mantiqiy nuqtai nazardan interfaollik, eng avvalo, ijtimoiy sub'ektlarning suhbat (dialog), o'zaro hamkorlikka asoslangan harakat, faoliyatni olib borishlarini ifodalaydi.

Mantiqiy nuqtai nazardan interfaollik, eng avvalo, ijtimoiy sub'ektlarning suhbat (dialog), o'zaro hamkorlikka asoslangan harakat, faoliyatning olib borishlarini ifodalaydi.

Interfaol TT ta'lim jarayonining asosiy ishtirokchilari – o'qituvchi, talaba va talabalar guruhi o'rtasida yuzaga keladigan hamkorlik, qizg'in bahs-munozalar, o'zaro fikr almashish imkoniyatiga egalik asosida tashkil etiladi, ularda erkin fikrlash, shaxsiy qarashlarini ikkilanmay bayon etish, muammoli vaziyatlarda echimlarni birgalikda izlash, o'quv materiallarini o'zlashtirishda talabalarning o'zaro yaqinliklarini yuzaga keltirish, "o'qituvchi – talaba – talabalar guruhi"ning o'zaro bir-birlarini hurmat qilishlari, tushunishlari va qo'llab-quvvatlashlari, samimiy munosabatda bo'lishlari, ruhiy birlikka erishishlari kabilar bilan tavsiflanadi. Interfaol TTni qo'llashda suhbat quyidagi shaxslar o'rtasida tashkil etiladi:




1-rasm. Interfaol TTni qo'llashda tashkil etiladigan suhbat (dialog)



2-rasm. Axborotlarni taqdim etishda xilma-xil metod, vositalarning samarali, o'rinli, maqsadga muvofiq va o'zaro moslikda qo'llashga erishish omillari

Interfaol TT mohiyatiga ko'ra suhbatning "talaba – axborot-kommunikatsion texnologiyalar" shaklida tashkil etilishi talabalar tomonidan mustaqil ravishda yoki o'qituvchi rahbarligida axborot texnologiyalari yordamida bilim, ko'nikma, malakalarning o'zlashtirilishini anglatadi.


O'quv jarayonining interfaol TTga asoslanishi bir qarashda nihoyatda oddiy, sodda, hatto "bolalar o'yini" kabi taassurot uyg'otadi. Biroq, bunda o'qituvchining ma'lum darajada quyidagi omillarga ega bo'lishi talab qilinsa, shu bilan birga interfaol TTni qo'llash samaradorligi quyidagi ikkilamchi omillarga ham bog'liq:



3-rasm. Interfaol TTni qo'llash samaradorligi bilan bo'g'liq ikkilamchi omillar




O'qituvchi ta'lim jarayonida interfaol TT yordamida talabalarning qobiliyatlarini rivojlantirish, mustaqillik, o'z-o'zini nazorat, o'z-o'zini boshqarish, samarali suhbat olib borish, tengdoshlari bilan ishlash, ularning fikrlarini tinglash va tushunish, mustaqil, ijodiy, tanqidiy fikrlash, muqobil takliflarni ilgari surish, fikr-mulohazalarini erkin bayon qilish, o'z nuqtai nazarlarini himoya qilish, muammoning echimini topishga intilish, murakkab vaziyatlardan chiqib olish kabi sifatlarni shakllantirishga muvaffaq bo'ladi. Eng muhimi, interfaol TTni qo'llash orqali o'qituvchi talabalarning aniq ta'limiy maqsadga erishish yo'lida o'zaro hamkorlikka asoslangan harakatlarini tashkil etish, yo'naltirish, boshqarish, nazorat va tahlil qilish orqali xolis baholash imkoniyatini qo'lga kiritadi.



4-rasm. Interfaol TTning asosiy belgilari

Izoh: Refleksiya (lot. "reflexio" – ortga qaytish, aks etish): kishining o'z xatti-harakatlari, ularning asoslarini tushunib etishi, fahmlashiga qaratilgan nazariy faoliyati; bilishning alohida faoliyati; shaxsiy kechinmalari, his-tuyg'ulari va o'y-xayollari mohiyatini fikrlash orqali anglash).

Ta'limni tashkil etishga interfaol yondashuvni qaror topdirish uchun pedagoglar bir qator shartlarga rioya etishlari zarur. Ular:




5-rasm. Ta'limni tashkil etishga interfaol yondashuvni qaror topdirish uchun pedagoglar rioya etishlari zarur bo'lgan shartlar

Izoh: Stullar kichik va katta doira shaklida joylashtirilganda kichik doirada talabalar, katta doirada ekspert guruhi joylashadi.



Bugungi kunda jahon ta'lim tizimida interfaol TTning quyidagi shakllaridan foydalanilmoqda:



Eng an'anaviy interfaol TT quyidagilar sanaladi:

1. Interfaol metodlar: "Keys-stadi" (yoki "O'quv keyslari"), "Blits-so'rov", "Modellashtirish", "Ijodiy ish", "Munosabat", "Reja", "Suhbat" va b.

2. Strategiyalar: "Aqliy hujum", "Bumerang", "Galereya", "Zig-zag", "Zinama-zina", "Muzyorar", "Rotatsiya", "T-jadval", "Yumaloqlangan qor" va h.k.

3. Grafik organayzerlar: "Baliq skeleti", "BBB", "Konseptual jadval", "Venn diagrammasi", "Insert", "Klaster", "Nima uchun?", "Qanday?" va b. [6: 17].

Xulosa. Bozor munosabatlari sharoitida mehnat bozorida ustuvor o'rin egallagan kuchli raqobatga bardoshli bo'lish har bir mutaxassisdan kasbiy kompetentlikka ega bo'lish, uni har jihatdan takomillashtirib borishni taqazo etadi. Zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanish orqali nafaqat ta'lim natijalari sifati kafolatlanadi, balki ta'lim samaradorligiga erishiladi, ta'limni modernizatsiyalash imkoni yaratiladi. Ta'lim oluvchilarning shaxs sifatidagi rivojlanishi jadallashadi, pedagog va talabalarning o'zaro hamkorlikdagi faoliyatlari ham samarali yakunlanadi.

Adabiyotlar:

1. Скаткин М.Н. Методология и методика педагогических исследований. – М.: Педагогика, 1994. – 150 с.
2. Avliyoqulov N.X. Kasbiy fanlarni modulli o'qitish texnologiyasi. – Toshkent: «Yangi asr avlodi», 2004. – 106 b.
3. Юзвичене П.А. Теория и практика модульного обучения. – Каунас, 1992.
4. Бородин Н.В., Самойлова Е.С. Модульные технологии в профессиональном образовании. Учебное пособие. – Екатеринбург, 1998. – 26 с.
5. Ибатулина Л.Ф. Технология модульного обучения // Профессиональное образование. – М. №4. – 2002. – С. 11.
6. Cohen L., Manion L., Morrison K. Research Methods in Education. – New York: Routledge is an imprint of the Taylor & Francis Group, an informa business, 2007.



Касимова Зебо Хамидовна,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Дин психологияси ва педагогика"
кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент*

ПЕДАГОГЛАРДА ТАЪЛИМ МЕНЕЖЕРИГА ХОС КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада бой эмпирик материал тўпланган бўлиб, хориж тажрибасидан таълим менежерининг креатив тафаккурини ривожлантириш масаласига бўлган илмий ёндашувлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: креативлик, таълим менежери, SWOT-таҳлил методи, креатив тафаккур, педагог, олий таълим муассасаси, самарадорлик, мезон, таълим-тарбия жараёни, натижа, ноанъанавийлик, касбий сифат.

Аннотация. В данной статье собран богатый эмпирический материал, позволяющий анализировать научные подходы зарубежных ученых к вопросу развития креативного мышления менеджера образования.

Ключевые слова: креативность, менеджер образования, SWOT-анализ, креативное мышление, педагог, высшее учебное заведение, эффективность, критерий, учебно-воспитательный процесс, результат, нетрадиционность, профессиональное качество.

Abstract: This article has collected rich empirical material that allows us to analyze the scientific approaches of foreign scientists to the issue of developing the creative thinking of an education manager.

Key words: creativity, education manager, SWOT-analysis, creative thinking, teacher, higher education institution, efficiency, criterion, educational process, result, non-traditional, professional quality.

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий шароитда таълим ва тарбия жараёнларининг сифатли, самарали ташкил этилиши ижтимоий зарурат сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Мазкур заруратнинг қондирилиши педагогларнинг юқори даражада касбий компетентлик, маҳорат ва малакаларга эга бўлишларини тақозо этади. Педагогларнинг таълим жараёнига креатив ёндашувлари талабаларда таълим олишга бўлган қизиқишни, мотивацияни юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш фаолиятларини фаоллаштиришга ёрдам беради. Қолаверса, талабаларнинг мутахассис сифатида креатив сифат, ижодкорлик кўникма, малакаларини фаол ўзлаштиришлари учун зарур шароитни яратади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятга эга бўлишлари учун талабалар йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради.

Педагог ўз олдида муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади. Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциалини янада ривожлантиради.

Шахсининг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра жараён тарзида намоён бўлади. Касбий етуқлик инсон онтогенезининг муҳим даврларида касбий камол топиш, ривожланиш ғояларининг қарор топиши (14-17 ёш)дан бошланиб, касбий фаолиятнинг яқунланиши (55-60 ёш)гача бўлган жараёнда кечади. Ижодкор шахсининг



шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенези – туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақазо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ.

Маълумки, касбий камол топиш жараёни касбий тажрибанинг ошишига олиб келади. Касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг интеграцияси сифатида акс этади. Бирок, касбий-ижодий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқишни эмас, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан хабардор бўлиш, креатив тафаккурни ривожлантириш ва иждодий характерга эга шахсий сифатларнинг етарли даражада ўзлаштирилишини талаб этади.

Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин. Ўқитувчининг ижодкорлиги эса касбий фаолиятни ташкил этишга иждодий (креатив) ёндашувида акс этади. Сўнгги йилларда ушбу ҳолат педагогнинг креатив тафаккури тушунчаси билан ифодаланмоқда.

Креатив тафаккур – педагогнинг анъанавий фикрлашдан фарқли равишда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилиятидир.

“Креатив тафаккур” қуйидаги икки ҳолатни кафолатлай олиши зарур:

1) ўқитувчилар томонидан ўқув фанларини паст ўзлаштираётган ва уларни ўрганишни зерикарли деб ҳисоблаётган талабалар эътиборларини фан асосларини ўзлаштиришга жалб этиш;

2) ўқитувчиларга талабаларда креатив фикрлаш ва иждодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиладиган стратегия ва воситаларни тавсия этиш орқали аудиторияда улардан самарали фойдаланишлари учун имконият яратиш.

Методика. Ўқитувчининг ижодкор ва креатив бўлиши ёки бўлмаслиги эмас, балки дарсларни ижодкорлик, креативлик руҳида ташкил этиши, янги ғояларни таълим жараёнида синаб кўришга интилиши зарур. Дарсларда ўқитувчи “креативлик йўл харитаси”га кўра қуйидаги 4 та йўналиш бўйича ҳаракатланади ва улардаги ҳаракатлар педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар (Патти Дрепреау) саналади: 1) иждодий фикрлаш кўникмаларини намоён этиш; 2) талабаларни ўқув фанларини қизиқиш билан ўзлаштиришга рағбатлантирувчи стратегиялардан фойдалана олиш; 3) инновацион ёндашув ва педагогик масалаларнинг ечимини топишга креатив ёндашиш; 4) кутиладиган натижа [3: 48].

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида жорий қилинган тажриба асосида, яъни таълим сифатини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзоси сифатида “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси профессор-ўқитувчиларининг креатив потенциалини SWOT-таҳлил методи ёрдамида ўрганиб чиқдик. Боиси, кафедра тасарруфидаги фанлар мазмунини айнан дин психологияси нуқтаи назаридан шакллантириш ва ислом академияси талабаларига соҳага оид билимларни беришда муаммо ва қийинчиликлар учраётганлигини эътироф этиш лозим (1-жадвал).

Кўпгина ўқитувчилар ўзларида креативлик қобилиятини мавжуд эмас, деб ҳисоблайдилар. Буни икки хил сабаб билан асослаш мумкин: биринчидан, аксарият ўқитувчилар ҳам аслида “креативлик” тушунчаси қандай маънони англатишини етарлича изоҳлай олмайдилар; иккинчидан, креативлик негизида бевосита қандай сифатлар акс этишидан бехабарлар.

Хорижий мамлакатларда барча соҳаларнинг мутахассислари каби ўқитувчилар ҳам ўзларида креативлик сифатларининг мавжудлиги ва унинг даражасини аниқлаб боради. Бунинг учун улар Э.П.Торренс томонидан 1987 йилда асосланган ва шахснинг креатив тафаккурга эгалигини аниқловчи тестдан ўтади. Мазкур тест шахс креативлиги ва унинг даражасини иждодий фаолиятни ташкил этишдаги фаоллик, тезкор фикрлаш, ўзига хос (оригинал)лик ва такомиллашганлик каби мезонлар бўйича баҳолаш имкониятини яратади.



Жадвал № 1.

“Дин психологияси ва педагогика” кафедраси профессор-ўқитувчиларининг креатив потенциали

<p>S – кучли томони</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Кафедра педагогларининг креатив потенциали юқори 2. Педагогик жараёнда инновация усулларидан фойдаланиш имкони юқори 3. Педагогик фаолиятни ҳам илмий, ҳам маънавий-маърифий фаолият билан барабар олиб бориш 4. Кафедрада илмий салоҳият 56 %ни ташкил этиши 5. Академия битирувчиларини касби бўйича ишга жойлаштиришда уларнинг молиявий имтиёзларга эга эканлиги 	<p>O - имкониятлари</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Кафедра тасарруфида психологик консультациялар ўтказиш учун ҳамда фанлардан ўқув режада кўзда тутилган лаборатория машғулотларини ташкил этиш учун ўқув лабораториясининг мавжудлиги 2. Республика миқёсида дин психологи мутахассисларга эҳтиёж кун сайин ортиб бораётганлиги. 3. Кафедра жамоасида ички психологик муҳитнинг яхшилиги 4. Академия талабаларининг психология туркум фанларига қизиқишининг юқори эканлиги
<p>W – кучсиз томони</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Динишунослик ва психология фанлари ўртасидаги интеграция жараёнларидаги муаммолар 2. Ахборот оқимининг жадаллашуви сабабли топшириқларни бажаришда вақт бюджетидан рационал фойдалана олмаслик 3. Фанлардан электрон ўқув қўлланмаларини яратишда АКТ бўйича компетентликнинг етишмаслиги 	<p>T- хавф-хатар (тўсиқлар)</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Маънавий таҳдидлар кучайган шароитда ёшларни психологик жиҳатдан тарбиялаш муаммолари 2. Талабалар ўртасида деструктив диний ҳуқ-атворнинг олдини олиш бўйича психопрофилактик чора-тадбирларни амалга ошириш 3. Соҳага доир хорижий манбаларни таржима қилишда уни ментал хусусиятлар ҳамда мафкуравий жиҳатдан тизимга мослаштириш масалалари

Айни ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, ҳар бир шахс табиятан креативлик қобилиятига эга. Хўш, ўқитувчилар ўзларида креативлик қобилияти мавжудлигини қандай намоён эта олишлари мумкин? Бу ўринда Патти Драпеау шундай маслаҳат беради: “Агарчи ўзингизни “креатив эмасман”, – деб ҳисобласангиз, ҳозирданок креатив тафаккурни ривожлантиришга қаратилган дарсларни ташкил эта бошлаганингизни маслаҳат бераман. Аслида, гап сизнинг ижодкор ва креатив бўлганингиз ёки бўлмаганингизда эмас, балки дарсларни креативлик руҳида ташкил этишингиз ва янги ғояларни амалда синашга интилишингиздадир” [3: 39].

Патти Драпеау нуктаи назарига кўра креатив тафаккур, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. *Ҳар томонлама фикрлаш* талабалардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда *бир томонлама фикрлаш* эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креатив тафаккурни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш).

Эмпирик таҳлил. Креативлик термини англия-америка психологиясида 1960-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ж.Гильфорд ўзининг тадқиқотларида креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- фикрнинг равонлиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);



- кизикувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- ҳаёл қила олиш, фантастлик (фантазия) [6: 115].

М.Н.Гнатко креативликни кишининг ижодий имконияти, социал-ижодий фаолликни намоён қила олиш қобилияти билан шартланган киши индивидларининг қандайдир махсус хислати деб қарайди.

Ижод тушунчасини белгилашда у жараён — натижа тавсифидан, креативликни белгилашда эса субъект — шартлилик тавсифидан фойдаланади.

Ижод мезонлари, унинг психологик механизмлари, ижодий тафаккурнинг ривожланиш техникаси В.А.Кан-Калик, Я.А.Пономарев, С.Ю.Степанов, Т.В.Фролов ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Кен Робинсоннинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” (Аззам, 2009 й.) саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайлнинг (1989й.) ёндашуви нуктаи назаридан ифодаланса, “креативлик - муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир [4: 81].

Бошқа ҳар қандай сифат каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил шакллантирилиб ва ривожлантирилиб борилади. “Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизда ноанъанавийлик, кизикувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йе, 2000 й.). Гарчи ғарблик ва шарқлик олимларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгалликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012).

Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва қамрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётининг муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ. Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлишини тақозо этади.

Сўнгги йилларда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида ўқувчи ва талабаларда креативлик сифатларини шакллантириш масаласига алоҳида, жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг асослари Брунсон (2010 й.), Кен Робинсон (2007 й.), Фишер, Фрей (2008 й.), Бегетто, Кауфман (2013 й.), Али (2011 й.), Треффингер (2008 й.) ва бишқалар томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар, уларнинг натижаларидан кўриш мумкин.

Биргина Кен Робинсон томонидан 2007 йилда тайёрланган “Мақтаб креативликни барбод этишми?” номи видео лавҳани YouTube сайтида 5 млн марта томоша қилинган. Қолаверса, ўқитувчилар креативлик асосларини ўрганишга жиддий киришганлар (Бегетто, Кауфман, 2013 й.). Ўқитувчиларда педагогик фаолиятни креатив ёндашув асосида ташкил этиш, кўникма, малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга доир адабиётлар чоп этилмоқда, Таълим департаменти томонидан тайёрланган видео лавҳаларга асосланувчи ноанъанавий дарслар ташкил этилмоқда (Али, 2011; Таълим департаменти, 2013 й.).

Салмоқли амалий ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, кўпчилик ўқитувчилар ҳали ҳануз ўзлари ва талабаларда креативлик сифатларини қандай қилиб самарали шакллантириш кераклиги юзасидан етарлича тажрибани ўзлаштира олмаётдилар.

Таълим тизимини бошқариш органлари ҳар йили таълим муассасаларида юқори самарадорликка эришиш масаласига эътибор қаратади. Ана шу мақсадда ўқув дастурлари ишлаб чиқилади, ўқув адабиётларининг янги авлоди, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилади. Бу эса ҳам талабалар, ҳам ўқитувчиларнинг касбий ўсишларига ёрдам беради. Олиб бориладиган амалий ҳаракатлар талабаларда ютуқларга эришиш, олға интилишга бўлган



эҳтиёжни муайян даражада юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш қобилиятларини бир қадар ривожлантиришга ёрдам беради.

Бироқ муаммо шундаки, ўқув йилининг охирига келиб, олий таълим муассасаларида талабаларнинг фанларни ўзлаштиришларида юқори даражадаги ижобий натижалар кузатилмаяпти. Кўплаб талабаларнинг таълим олишга нисбатан қизиқиши йўқолиб бормоқда. Бунинг натижасида ўқитувчилар ҳам аввалгидек завқу-шавқ билан касбий фаолиятни ташкил этишни ўйлашмаяпти. Таълим тизимини бошқарувчи органлар томонидан таълим олишга нисбатан хоҳиш-истаги бўлмаган талабалар, бу каби таълим олувчиларни ўқитишни истамаётган педагоглар фаолиятини ўзгартириш борасида янгидан-янги чора-тадбирлар белгиланса-да, аҳвол ўзгаришсиз қолмоқда.

Бунинг сабаби нимада? Балки дарсларнинг аввалдан ўйлаб, режалаштирилиб қўйилиши талабалар учун қизиқ бўлмаётгандир, балки таълим мазмунининг муайян қилинган солинганлиги талабалар учун ҳеч қандай стимул бермаётгандир, рағбат билдирмаётгандир. Ўқув машғулотларининг аввалдан режалаштирилишидан воз кечиш талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асосий омил бўлар. Ўқув машғулотларида етишмаётган омил – **креативлик** саналади [3: 37].

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, педагогларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш икки томонлама аҳамиятга эга. Биринчидан, улар ўзларидаги мавжуд креативлик сифатлари, уларнинг даражаси борасида аниқ тасаввурга эга бўлади, иккинчидан, улар томонидан ташкил этилаётган таълим жараёнининг сифати ҳамда самарадорлиги хусусида бир тўхтамга келиш мумкин. Шунингдек, креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш орқали педагогларнинг бу борадаги фаолиятлари йўналишларини белгилаш имконияти юзага келади.

Замонавий шароитда Ўзбекистон Республикасида баркамол шахс ва малакали мутахассисни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилаётган бир даврда олий таълим жараёнида таълим менежери креатив тафаккурини ривожлантириш долзарб ижтимоий муаммо саналади.

Таълим менежерининг креативлигини ривожлантиришда таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, таълимда миллий ва умуминсоний кадриятларга таяниш, шахсга йўналтирилган таълимдан самарали фойданиш асосида педагогларнинг креатив сифатларини такомиллаштириш талаб этилади.

Таълим жараёнининг муҳим омили бўлган педагогик таъсир, унинг креативлиги шахсда алоҳида сифатлар, хислатларни тарбиялашгагина эмас, балки шахсни яхлит шакллантиришга қаратилган умумий технологик жараённинг асосини ташкил этишига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Таълим менежери креатив тафаккурини ривожлантиришнинг методик таъминоти ва амалиётдаги ҳолатини ўрганиш натижасида таълим мазмунини шахсга йўналтирилган таълим нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш педагогларни таълимий ҳамкорлик тамойилларига мувофиқ хорижда малака оширишларини ташкил этиш, таълим жараёнини илғор технологиялар, миллий ва жаҳон педагогикаси тажрибалари асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлигини асослайди.

Таълим менежерларининг креатив сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришнинг моҳияти ҳамда асосий фикр ва ғояларини педагогика туркум фанларининг дастур, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар таркибига киритиш ҳамда таълим жараёнига жорий этиш зарур.

Олий таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида “Креатив педагогика”, “Олий мактаб психологияси”, “Педагогик квалиметрия” каби модулларнинг соатини барча йўналишларда кўпайтириш тавсия қилинади.

Адабиётлар:

1. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности. – СПб.: СПбГУТД, 2006.
2. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009. – 165 с.



3. Drapeau P. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
4. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: "Сано стандарт" нашр., 2015. – 81 б.
5. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси / Монография. – Т.: "Фан ва технология", 2013.
6. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ТДПУ, 2013. – 115 б.
7. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари. – Т.: Фан, 2006.
8. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: "Фан", 2005.
9. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – Б. 38-42.
10. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси // Uzluksiz ta'lim. – Т. 2006. 6-сон. Б. 102.
11. Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб.пособие. – Киров: АНОО "Межрегиональный ЦИТО", 2013. – 212 с.

Назаров Азамат Соттарович,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Дин психологияси ва педагогика"
кафедраси ўқитувчиси



БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада бошқарув фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнининг психологик хусусиятлари ва бу борада олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи психологик маслаҳатларни баён этилади.

Калим сўзлар: шахс, персонал, менежер, шахснинг индивидуал хусусиятлари, менежмент, қарор қабул қилиш, бошқарув қарорлари, онгли танлов, детерминизм, индетерминизм.

Аннотация: В настоящей статье раскрываются психологические особенности принятия управленческих решений, а также представлены психологические рекомендации по повышению эффективности процесса принятия управленческих решений, основанных на результатах проводимых экспериментальных работ.

Ключевые слова: личность, персонал, менеджер, индивидуальный особенности личности, принятие решений, управленческие решения, осознанный выбор, детерминизм, индетерминизм.

Abstract: This article describes the psychological features of management decision-making, as well as psychological recommendations to improve the efficiency of management decision-making based on the results of experimental work.

Key words: personality, staff, manager, individual personality traits, making decisions, conscious choice, determinism, indeterminism.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар инсоният тафаккурида ўз аксини топади. Фан ҳам ижтимоий онг шакли сифатида ўз замонасига хос хусусиятларни акс эттиради. Шу маънода ҳозирги замон психология фани ривожига кескин бурилишлар содир бўлмоқда. Муайян давргача назарий масалаларга асосий эътиборни қаратиб келган психология бугунги кунда қатор амалий вазифаларни ҳал этиш сари қадам қўйди.



Бундай вазифалар, охир оқибат инсоният манфаати одамларга қулайликлар яратиш йўлидаги хайрли ишларни амалга ошириш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг бугунги тарихи демократик давлатни шакллантиришга асосланган. Мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида демократик ислохотларни талаб этадиган жараёнда халқнинг ана шу муҳим жараёнда фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида, иқтисодий муносабатлар, мулкчиликнинг янги шакли вужудга келган вақтда бошқарув тизимини ўз миллий тараққиётига мос равишда ўзгартириб келмоқда. "Бошқарув тизимининг самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш сифатини сезиларли даражада ошириш, уларнинг ижроси устидан назоратнинг таъсирчан механизмини жорий этиш" бошқарув тизимини ислох қилишнинг асосий йўналиши деб тан олинди.

Замонавий бошқарувда қарорларини тўғри тайёрлаш ва қабул қилиш ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-психологик ва иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида бошқарув самарадорлигига эришиш иқтиёратини яратади.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни юқори малака ва амалий иш тажрибасини талаб қилувчи меҳнат фаолиятининг алоҳида туридир. Одатда, бошқарув қарорлари қабул қилиш бирон-бир мақсадга йўналтирилган бўлиб, маълум қоида, аниқ ҳаракатлар доирасида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви соҳасида қарор қабул қилиш жараёни демократик негизини тадқиқ этишнинг долзарблиги қатор объектив сабаблар билан боғлиқ:

Биринчидан, республикада амалга оширилаётган ислохотларда давлатнинг бош ислохотчилик ролини эътиборга олган ҳолда давлат бошқаруви соҳасида қабул қилинаётган қарорларни изчил ўрганиш - давр талаби эканлиги.

Иккинчидан, давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бошқарув қарорлари қабул қилиш бугун ҳаётини заруриятга айланмоқда.

Учинчидан, мустақиллик даврида мамлакатимизда қабул қилинаётган бошқарув қарорлари моҳиятини таҳлил этиш Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-психологик жараёнларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва истиқболли йўналишларни белгилаш имконини беради.

Тўртинчидан, аҳолининг қарорлар қабул қилиш жараёнидан хабардорлиги, улар томонидан назорат қилиниши, уларнинг бошқарувдаги иштироки келгусида ҳамжамият олдида жавобгарлик ҳиссини уйғотишга замин яратади.

Ислохотларни самарали амалга оширишда дунё фанларининг ютуқлари, ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси билан бир қаторда миллий бошқарув анъаналаридан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳоҳ стратегик ислохотлар бўлсин, ҳоҳ кундалик фаолиятда қабул қилинаётган қарорлар бўлсин, уларни самарали амалга ошириш, кутилаётган, аниқроғи, режалаштирилаётган натижаларга аниқ ва равшан эришишнинг замини ушбу қарорлар тайёрланаётган вақтда уларга эътиборни талаб қилади. Пухта ўйланган, вазият ривожланиши олдиндан ҳар томонлама таҳлилдан ўтган ҳолда қабул қилинган қарорлар кўзланган натижага эришишда йўлнинг ярмини ўтиш деса бўлади. Яъни, тўғри қарор қабул қилиш мақсадга эришиш имқониятини кенгайтиради.

Дарҳақиқат, шу ўринда соҳибқирон Амир Темурнинг сўзларини эслаш ўринли: «Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўллари мўлжаллаб қўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, чинлик-чидамлик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда охирига етказардим» [1, 2].

Маълумки, ташкилотни бошқаришнинг асосий жиҳатларидан бири, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва улар ижросини таъминлашдир. Бошқарув қарори ташкилотдаги бирон объектни кўзланган мақсадга мувофиқ равишда бир ҳолатдан, иккинчи ҳолатга келтириш билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам бошқарув қарорлари ташкилотнинг истиқболлини, тараққиётини белгиловчи асосий ижтимоий-психологик, иқтисодий омиллардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий фан йўналишларида бошқарувда қарор қабул қилиш, қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини илмий тадқиқ этишга ҳаракат қилинмоқда.



Қарор қабул қилиш жараёнининг психологик жиҳатини билиш мавжуд босқичларни янада самарали амалга ошириш имконини беради. Гап шундаки, тўғри қарор қабул қилиш ва уни самарали равишда жорий этиш учун раҳбар психологик жиҳатдан ҳам маълум амалларга риоя қилиши керак. Бу тадбирнинг асосий мазмуни шундан иборатки, раҳбар муаммоли вазият ҳақида маълумот йиғар экан, муаммо ҳақида бирламчи тасаввур - информацион модел ярата бошлайди. Бу моделнинг ҳақиқатга ва мавжуд вазиятга қанчалик мослиги олинаётган маълумотнинг тўла-тўқислиги, ҳар томонламалигига боғлиқ.

Демак, юқорида келтирилган бу фикрлар биринчи навбатда қарорлар қабул қилишда инсон омилининг энг устувор эканлигини билдирса, иккинчидан, ҳар бир инсонни ўз иш фаолиятида юзага келадиган муаммоли вазиятларни ҳал этишда муҳим қарорларларни қабул қилиш орқали ўз ички имкониятини, фикр қилиш лаёқатини аниқлаш ва бу борада зарур амалларни бажариш имкониятининг яратилишини ҳам билдиради. Таъкидлаш мумкинки, мазкур мавзу доирасидаги тадқиқот ишимиз долзарб аҳамиятга эга.

Бошқаришда қарор қабул қилиш моделлари, технологиялари ва унинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳамда «Қарорлар қабул қилиш» атамаси илк бор XX асрнинг 30-йилларида Америкалик олимлар Ч.Бернард, Э.Стин ва бошқлар томонидан қўлланилган. Улар ижтимоий ва ташкилий жараёнларни номарказлаштиришни таърифлашда ушбу атамдан фойдаланишган. XX асрнинг 60-йилларида мазкур назария Г.Саймон ва Д.Марчлар томонидан ривожлантирилди. Ҳозирги кунда иқтисод, социология, сиёсатшунослик, ижтимоий психология соҳаларида ижтимоий жараёнларни моделлаштириш назарияси доирасида ушбу назариянинг турли йўналишлари ишлаб чиқилмоқда. [1,3,4]

Бошқарув қарорлари қабул қилиш масаласи, оқилона ва самарали қонунлар қабул қилиш ҳамда бошқа ҳужжатлар тайёрлаш жараёни азал-азалдан олимлар эътиборини ўзига тортиб келган. Давлат бошқаруви назариясининг шаклланишига Афлотун, Каутилья, Шан Ян каби қадимги мутафаккирлар улкан ҳисса қўшганлар. Лекин, аслида, илк бор қарорлар қабул қилишнинг махсус назариясини ишлаб чиққан мутафаккир – Арасту ҳисобланади. Айнан Арасту қарорлар қабул қилиш жараёнини тавсифловчи категориялар мажмуини ифодалаб берган ва бу жараённинг назарий асосини ишлаб чиққан. У ўз таҳлилида «мулоҳазакорлик» (phronesis) ва «онгли танлов» (proairesis) тушунчаларидан келиб чиққан. Арасту қарашларига кўра, инсоннинг тафаккур қилиш қобилияти икки хил кўринишда: назарий донишмандлик ва амалий мулоҳазакорлик шаклида намоён бўлади. Шунга асосан, фундаментал фаннинг асосини назарий донишмандлик ташкил этса, татбиқий билимлар амалий мулоҳазакорликка таянади.

Иккинчи асосий тушунча - «онгли танлов» белгиланган мақсадга эришиш йўлини излаётган инсон фаолиятининг ихтиёрий табиати ва ноаниқлигини ўзида ифода этади. Арасту таъкидлаганидек, қарорларда пировард мақсадгина қамраб олинмайди, балки, кўпроқ шу мақсадни амалга ошириш воситаларига урғу берилади. Шундай қилиб, Арастуга кўра, бошқарув қарорлари қабул қилиш таҳлилий-амалий фаолият ва тадбиқий фан бўлиб, биринчидан, мақсадга мувофиқ воситаларни оқилона ва онгли танлашга йўналтирилган; иккинчидан, ноаниқлик, ихтиёрийлик ва эркин танлов шароитида мақсадга эришишнинг энг самарали йўллари топишга йўналтирилади.

Манбалардан маълум бўлишича, давлат қарорларини оқилона ва мақсадга мувофиқ равишда қабул қилиш масаласи уйғониш даври мутафаккирлари (Н.Макиавелли, Ж.Боден ва бошқалар) ва маърифатпарварлар (Т.Гоббс, Б.Спиноза, Ж.Ж.Руссо ва бошқалар) томонидан изчил ўрганилган. Жумладан, давлат қарорларини турларга ажратиб, Н.Макиавелли ва Т.Гоббс ҳукмдорларнинг маслаҳатчилари ва уларнинг маслаҳатлари ҳақида фикр юритади. Б.Спиноза ва Ж.Ж.Руссо вакиллик органлари ҳамда халқ йиғинларида овоз беришнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилади, Ж.Боден эса қарор қабул қилишда социал шароитни ҳисобга олиш заруратига тухталади. Мазкур муаллифларнинг фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган [11, 12, 13].

Қарор қабул қилиш жараёнини психологик таҳлил этиш масаласи, авваламбор, бошқарувчи ёки ижрочининг фаолиятини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шундан келиб чиқиб, мазкур мақсадни амалга ошириш учун раҳбар ва ходимга қўйиладиган талаблар, уларни бажаришга мойиллик ва қарор қабул қилиш фаолиятида мақбул йўлни



танлашни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ижтимоий-психологик ва шахс хусусиятларини ўрганиш зарурати туғилади.

Жаҳон фани бошқарув қарорлари қабул қилиш назарияси билан боғлиқ нуфузли илмий салоҳиятга эга. Хусусан, В.Н. Спицнадельнинг "Самарали қарорлар қабул қилиш назарияси ва амалиёти", О.И.Ларичевнинг қарорлар қабул қилиш назарияси ва услублари» ҳамда Э.А.Смирновнинг «Бошқарувга оид қарорлар» китобларида қарор қабул қилиш жараёнига оид назарий фикр-лар ва амалий кўрсатмалар салмоқли ўрин эгаллаган.

А.И.Соловьёвнинг «Сиёсатшунослик, сиёсий назария, сиёсий технологиялар», В.И.Кноррингнинг «Бошқарув назарияси, амалиёти ва санъати», Д.П.Зеркин ва В.Г.Игнатовларнинг «Давлат бошқаруви назарияси асослари», Г.В.Пушкарёвнинг «Сиёсий менежмент», маҳаллий олимларимиздан Э.Ғ.Ғозиев "Менежмент психологияси", И.Махмудовни "Бошқарув психологияси" ва Н.Боймуродовни "Раҳбар психологияси" номли асарларда бошқарув соҳасида бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнининг моҳияти ва хусусиятлари очиб берилган [1, 5, 7, 8].

Аммо, бошқарув фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнининг ижтимоий-психологик жиҳатлари бугунги кунда жаҳон психология фанида етарлича ўрганилмаганлиги кўзга ташланади.

Қарорлар қабул қилиш назариясига тухталишдан аввал "қарор" тушунчасига, хусусан, "бошқарув қарори" тушунчасига изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, қарор қабул қилиш деб, инсон фаолиятининг муқобил йўллардан яхшисини танлашга қаратилган алоҳида турини тушунамиз. "Қарор" сўзининг турли таърифлари мавжуд. Лунда қилиб айтганда, қарор – бажарилиши лозим бўлган ишнинг аниқ бир йўлини танлаб олишдир. Бошқача айтганда, қарор - у ёки бу йўлни танлаб олишда бир тухтамга ёки фикрга келишдир.

"Қарор, – деб ёзади Э.Смирнов, - инсоннинг ақлий фаолияти маҳсули бўлиб, у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга оширишга олиб келадиган хулосасидир. Қарор муайян мақсадга қаратилган бўлиб, бирор қисқа ёки узоқ муддатли вазифани амалга оширишга, содир бўлаётган жараённи давом эттиришга ёхуд тухтатишга йўналтирилган бўлиши мумкин". Демак, қарор – инсон ақлий фаолиятининг маҳсули бўлиб, унинг фаолиятини режалаштиради, тартибга солади [9].

Қарор қабул қилиш – мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, муаммони англаш, адекват¹ мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун восита танлашдан иборат.

Қарор қабул қилиш деб, биз инсон фаолиятининг муқобил йўллардан бири - яхшисини танлашга қаратилган алоҳида турини тушунамиз. Ушбу ёндашув танлаб олиш жараёнида қуйидаги учта элемент мавжуд бўлишини тақозо этади:

- ҳал бўлиши лозим бўлган муаммо;
- қарор қабул қиладиган шахс ёки жамоа;
- танлаш учун бир неча муқобил вариантлар .

Ушбу элементлардан бири бўлмаса, танлаш жараёни ҳам бўлмайди. Лекин бу қарор қабул қилинмайди, дегани эмас, балки бунда онгли қарорга нисбатан бошқача турдаги қарор қабул қилинади.

Бошқарувда қарорлар қабул қилиш турли даражада (индивидуал ёки ташкилий) жараён сифатида қандай қабул қилинишига боғлиқ ҳолда қарорлар қабул қилишнинг тўртта моделини ажратиш кўрсатиш мумкин [1-жадвал].

Жадвал № 1.

Бошқарувда қарорлар қабул қилиш даражалари

«ШАХСИЙ ЧЕКЛАНГАН РАЦИОНАЛЛИК» МОДЕЛИ (индивиднингқониқиши)	РАЦИОНАЛ МОДЕЛЬ (ташкилийфаоллашиш)
СИЁСИЙ МОДЕЛЬ (индивидуал фаоллик)	«ТАШКИЛИЙ ЧЕКЛАНГАН РАЦИОНАЛ» МОДЕЛЬ (ташкilotнингқониқиши)

¹ Адекват – (лот. *adecvat* – айнан акс эттириш, тенглаштирилган) – мувофиқ, тенг, эквивалент. Билиш назариясида адекват ўзининг асл нусхасига – объектга мувофиқ келадиган образ, билим деб ҳисобланади, шунга кўра, ишончли бўлиб, объектив ҳақат табиатига эга.



Раҳбарнинг қарор қабул қилиш усули. Муаммоларни ижобий ҳал қилиш қобилиятидан маҳрум бўлган раҳбар ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг ривожланишини назорат қилиши мумкин, аммо уни юқори даражага олиб чиқа олмайди. Ижодий фикрловчи раҳбар вазиятни бошқара олади. Раҳбарнинг жамоа фикрини ўрганиб, муаммолар бўйича қарор қабул қилиш усули куйидагича бўлади:

1. Қарорнинг илмий асосланганлиги. Қарорларни муайян ишлаб чиқариш шароитини таҳлил қилишдан келиб чиқиб, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳозирги замон фан ютуқлари асосида қабул қилиш керак.

2. Қарорларнинг бирлиги. Одатда, асосий масалалар билан бирга, кичик масалаларни ҳам ҳал этишга тўғри келади.

3. Қарорларнинг адолатлилиги, ҳаққонийлилиги. Қарорлар фақат раҳбарларга берилган ҳуқуқ- даражасидагина қабул қилиниши мумкин.

4. Қарорларнинг тўғри йўналтирилганлиги. Ҳар қайси қарор ижрочиларга тушунарли, шунингдек, кимга мулжалланганлиги аниқ бўлиши керак.

5. Қарорларнинг ихчамлиги. Ахборотлар билан ишлаш вақтини тежаш мақсадида ихчам, аниқ қарорлар қабул қилинади.

6. Қарорларнинг вақти бўйича аниқлиги. Раҳбар ўз қўл остидагиларга топшириқларнинг бажарилиш муддатини аниқ кўрсатиб бериши керак.

Қарорларнинг тезкорлиги. Бундай қарорлар бир дақиқада, яъни ишлаб чиқариш ҳолати талаб қилганда қабул қилиниши мумкин.

Бошқарув қарорлари эса бошқарув жараёнида турли масалалар юзасидан турли даражада хилма-хил моҳият ва мазмунга эга бўлган якуний ҳулосадир. Яъни бошқарув қарорлари - раҳбар томонидан қабул қилинган, аниқ натижага эришиш мақсадида белгиланган тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган ҳамда бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжат. Бошқарув қарорлари қарор, фармон, фармойиш, буйруқ; ва бошқа ҳужжатлар кўринишида бўлиши мумкин.

Методика. Маълумки, муаммоли вазиятларда қарорлар қабул қилишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан қарор қабул қилувчининг шахс ва индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, биз олий таълим тизими бошқарув ходимларининг шахс ва индивидуал-психологик хусусиятларини (темперамент, характер, муносабатлар) ўрганишга ҳаракат қилдик. Бунинг учун биз тадқотимизда А.Кеттелнинг "16 омилли шахс хусусиятларини ўрганиш сўровномаси"дан фойдаландик. Сўровнома 16 омиллардан иборат. Жумладан: Шахсга хос ва ижтимоий шакланган хусусиятлар: Одамовилик-киришувчанлик; Интеллект салоҳияти; Ҳиссий беқарорлик - ҳиссий барқарлик; Бўйсинувчанлик – доминантлик; Босиқлик – экспрессивлик; Ҳиссиётга берилиш – ҳулқни кучли назорат; Уятчанлик – дадиллик; Қаттиққўллик – кўнгилчанглик; Ишонувчанлик – шубҳаланув-чанлик; Амалиётчилик – ижодкорлик; Чўрткесарлик – дипломатлик; Ўзига ишонганлик – хавотирга мойиллик; Консерватизм – радикализм; Мустақиллик – қарамлик; Ўзини назорат қилишнинг паст-юқорилиги; Стрессга мойиллик.

Эмпирик таҳлил. Тадқиқотимизда бошқарув қарорларини қабул қилувчи раҳбар шахси хусусиятларини аниқлаш бўйича Р.Кеттел методикаси натижаларига кўра, олий таълим тизими бошқарув фаолиятида қарор қабул қилувчиларнинг шахс хусусиятлари орасида қарорлар қабул қилиш самарадорлигини оширишда иштирок этадиган бир қатор жиҳатлар аниқланди:

1. А-омили. Раҳбарнинг «Одамовилик – мулоқотга киришувчанлик» хусусияти унинг фаолиятга тайёргалик жараёнининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Респондентларнинг айнан ушбу хусусияти "дадиллик" билан (4,92) ижобий боғланиш ҳосил қилди. Бошқарувчилик ва қарорлар қабул қилиш жараёнида мулоқотга киришувчанлик хусусиятининг ўсиши (6,47) уларнинг қўл остидагилар ва иш юзасидан мулоқотга киришувчилар билан бевосита ишлаш жараёнида дадиллик ва журъатнинг ўсишига сабаб бўлиши мумкинлиги кузатилмоқда.

2. В – омили. «Интеллект» кўрсаткичининг олий таълим тизимида бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи ходимларида пастлиги (3,46) фаолият давомида «ҳиссий беқарорликни ўсишига сабаб бўлиши (5,21), «интеллект» кўрсаткичининг ошиши эса ўзаро муносабатларда доминантлик хусусиятини ортишига хизмат қилади. «Интеллект» кўрсаткичининг ошиши ўз



ўрнида бошқарувчида дадиллик хусусиятининг шаклланиши ишончли ички алоқадорликда кўришимиз мумкин. Интеллект даражасининг пасайиши муаммоли вазиятларда қарор қабул қилишда самарадорлик даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин [2-жадвал].

3. С – омили. Хиссий бекарорлик амалий фаолиятдаги шубҳаланувчанликнинг ортиши бошқарувчиларнинг хиссиётларга берилишига (6,92) сабабчи эканлигини ҳамда муайян бошқарувчилик фаолияти вазифаларни бажаришда ва қарорлар қабул қилишда қарамлик хусусияти кўрсаткичининг ортишига, ўзини назорат қилиш хусусиятининг пасайишига сабаб бўлар экан. Хиссий барқарорлик ўз хатти-ҳаракатларини кучли назорат қилиш хусусиятини шакллантириш эҳтимолини намоён қилади (6,96).

4. Е – омили. Бўйсинувчанлик – доминантлик хусусиятининг ортиши (6,89-7,22) ўзаро муносабатларда «дипломатлик» кўрсаткичини ортишида акс этар экан.

Жадвал № 2.

Р.Кеттел тести бўйича респондентларда шахс хусусиятларининг намоён бўлиши (фоиз ҳисобида)

ОМИЛЛАР	ШАХСГА ХОС ВА ИЖТИМОЙ ШАКЛАНГАН ХУСУСИЯТЛАРИ	КЎРСАТКИЧЛАР	
		ПАСТ	ЮҚОРИ
<i>МД (тестнинг аниқлик даражаси)</i>	Тўғри ёки ёлғонга мойил	46,7	53,3
A	Одамовилик-киришувчанлик	4,92	6,47
B	Интеллектуалсалоҳияти	3,46	5,21
C	Хиссийбекарор - хиссий барқарорлик	6,92	6,96
E	Бўйсинувчанлик – доминантлик	6,89	7,22
F	Босиқлик – экспрессивлик	6,68	7,10
G	Хиссиётга берилиш – ҳулқни кучли назорат	8,46	6,61
H	Уятчанлик – дадиллик	5,98	7,19
I	Қаттиққўллик – кўнгилчанглик	6,84	6,49
L	Ишонувчанлик – шубҳаланувчанлик	8,50	5,08
M	Амалиётчилик – ижодкорлик	4,76	4,26
N	Чўрткесарлик – дипломатлик	4,88	5,14
O	Ўзига ишонганлик – хавотирга мойиллик	6,56	7,74
Q₁	Консерватизм – радикализм	5,86	6,30
Q₂	Мустақиллик – қарамлик	3,86	4,18
Q₃	Ўзини назорат қилиш паст-юқори	5,63	6,52
Q₄	Стрессга мойиллик юқори-паст	9,80	7,53
	ЖАМИ:	100%	100%

5. F – омили. Босиқлик-экспрессивлик F (6,68-7,10%) хусусияти респондентларни ғайрат, умумий хатти-ҳаракатларининг кўринишларини характерлаган ҳолда, уларда хавотирга мойиллик ва ригидлик хусусиятларини мавжудлиги ҳақида ахборот берди.

6. E – омили шахснинг ўз хатти-ҳаракатларига ишонч(6,56-7,22), мустақиллик ҳамда етакчилик хусусиятларига талаб қўйган ҳолда ушбу хусусиятлардан иборат эканлигини тасдиқлаш билан бир қаторда уларни вазият ва ҳолат таъсирига бўйсинувчан, ўзига ишонч хиссини камлигига ишора қилади.

7. N – омили. Чўрткесарлик дипломатлик хусусияти айрим бошқарув фаолияти билан шуғулланувчиларда (5,14-4,88%) хиссиётларни очик намоён қилиш, ўзаро муносабатларга киришишнинг қийинлиги, инсонларнинг ички оламини тушунишдаги ожизлик, қўполлик хусусиятларининг кучли ривожланганлигига ишора қилади.

8. Q₄ – омили стрессга мойиллик омили шахсни стрессга чидамлилиқ хусусияти – Q₄ (9,80-7,53)нинг кўрсаткичи респондентларда зўриқиш аломатларини мавжудлигини тасдиқлади.



9. М – омили. Фаолият жараёнидаги амалийлик. М хусусиятини таҳлил қилишга хизмат қиладиган (4,26-4,76) омили натижалари респондентларда воқеа ҳолатларни абстрактлаштириш, аниқ вазият ва реалликдан қочиш, завқ-шавққа берилувчанлик аломатлари мавжудлигидан далолат беради

10. Q₁ – омили. Консерватизм-радикаллик – (5,86-6,30) бошқарувчида эгилувчанлик хусусиятининг пастлиги, бирор ҳолат ёки вазиятга берилишни кучлилигига ишора қилди.

11. Q₂ – омили. Респондентларда мустақиллик даражасини (4,18-34,83%) ўзида ифодалаган ҳолда ушбу кўрсаткич жамоага қарамликни юқорилигини кўрсатди.

12. Q₃ – омили. Ўз хатти-ҳаракатларни назорат қилиш – (6,52-54,53%) кўрсаткичи респондентлардаги ички конформликнинг пастлиги, белгиланган ижтимоий ва қонуний талабларни амалга оширишдаги масъулиятсизликдан далолат беради.

Шахс хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида биз бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи ходимлар фаолиятида салмоқли аҳамиятга эга бўлган омилларнинг кўрсаткичларини (А,В,С,Л,М,Н,О,Q₁,Q₄) ўртадан бироз паст эканлигини кузатдик. Шахс хусусиятларининг ривожланганлик кўрсаткич-ларини бундай тарзда намоён бўлиши, бошқарув фаолияти билан шуғулланувчиларда фаолиятга доир муҳим хусусиятларнинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказибгина қолмасдан, балки келажакда бу соҳада маҳоратга эришишга ҳам тўсқинлик қилиш мумкин деган хулосани шакллантиради. Қолаверса, бошқарувчилик фаолияти билан шуғулланувчиларда муайян фаолиятларда иккиланиш, икки хил фикр бирлиги, аниқ йўналиш ола билиш хусусияти яхши даражада эмаслиги ҳолати кузатилди.

Шунингдек, бошқарувчилик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг бир қисмида ҳиссий омилларга толерантликнинг пастлиги, ўзига ишонмаслик, тез ҳаяжонланиш, асабийликка мойиллик асаб тизими кучсизлар ҳам учраб туришлиги кузатилди. Бундайларнинг фаолиятларини таҳлил қилганимизда уларнинг шахслараро муносабатларида келишмовчилик, тортишувлар кўп кузатилиши кўзга ташланди. Табиийки, улар жамоадошлари, касбдошлари ва бошқа инсонлар даврасида яққаланиб қолиш, ўз яқинлари ва сирдошларига эга бўлмаслик ҳолатларига бошқаларга қараганда кўпроқ дуч келишади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, бошқарувчилик фаолияти билан шуғулланувчи раҳбарлар шахсига хос бўлган индивидуал-психологик хусусиятлар уларнинг шахслараро муносабатлар тизимида, бошқарувчилик фаолияти самарадорлик даражасининг ошишига ўз таъсирини кўрсатади.

Хулоса. Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни такомиллаштириш истиқболлари бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормокда. Давлат ва жамият бошқаруви демократик тамойиллар, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти фонуниятлари асосида ривожлангани сари бошқарув қарорлари ушбу қонуниятларга мос тарзда ишлаб чиқишини тақозо этади, бу ўз ўрнида бошқарув самарадорлигига эришиш имкониятини яратади. Шунингдек, бошқарув қарорларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, уни такомиллаштириш ва бу соҳада замонавий раҳбар кадрлар тайёрлаш, уларда оқилona бошқарув қарори қабул қилишга доир кўникма ва малакани шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бошқарув қарорларини қабул қилишда куйидаги ижтимоий-психологик жиҳатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир деб ўйлаймиз:

1. Қарор қабул қилиш жараёнининг психологик жиҳатини билиш мавжуд босқичларни янада самарали амалга ошириш имконини беради. Тўғри қарор қабул қилиш ва уни самарали жорий этиш учун раҳбар психологик жиҳатдан ҳам муайян мезонларга риоя қилиши керак.

2. Мамлакатимизнинг янгилаш босқичида ислохотларни жадаллаштиришга асос бўла оладиган бошқарув қарорлари қабул қилиш йўлидаги изланишлар, тадқиқотлар, илмий текшириш ишларини (психологик ва педагогик жиҳатдан ҳам илмий изланишларни) олиб боришни йўлга қўйиш лозим

3. Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни назарий билимларни ижодий тасаввурга ва олдиндан кўра билиш қобилияти билан уйғунлаштириб, тадбиқий технологияларни амалий кўникма ва малакалар билан мутаносибчилигини таъминлашни йўлга қўйиш.

4. Тажриба ва кузатув натижаларининг кўрсатишича, бошқарувчилик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг бир қисмида ҳиссий омилларга толерантликнинг пастлиги, ўзига ишонмаслик, тез ҳаяжонланиш, асабийликка мойиллик, асаб тизими кучсизлар ҳам учраб



туришлиги кузатилди. Бундайларда ўз-ўзига нисбатан ишонч, ижтимоий ва психологик фаолликни ошириш талаб этилади.

5. Қарор қабул қилиш жараёнида ўрганилаётган объектларга нисбатан раҳбарлар креатив кўникмалар, яъни билимларни бевосита борлиқдан олиш, ностандарт вазиятларда муаммони ҳал этишнинг ҳаракат усуллари ва эвристик методларини танлай билиши қабул қилинаётган қарорнинг муваффақиятини таъминлашда иштирок этади.

6. Бошқарув қарорларини қабул қилишда қатор ижтимоий-психологик хусусиятларни: демографик, миллий таркибнинг этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олиш, маълум кадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий-психологик онгини ҳисобга олиш, қарорлар қабул қилишда бошқарувчининг касбий маҳорати, ижтимоийлашув даражаси, тафаккур хусусиятлари ва раҳбар ходимларда инсон омилига эътиборни қаратиш психологиясини шакллантириш ва бошқаларни инобатга олиш лозим.

7. Ҳар қандай даражадаги раҳбар ўз ҳуқуқ ва бурчларини, масъулият ва жавобгарлигини тасаввур қилиш керак. Шунингдек, раҳбар бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни ижро этишга доир демократик ва миллий этнопсихологик кадриятларга хос бўлган бошқарув малакалари ва кўникмаларини эгаллаган бўлиши лозим.

8. Қарор қабул қилишда инсон омили юқори ўринда турар экан, бу жараённинг асосий иштирокчилари, яъни қарор қабул қилувчи (раҳбар) ва мутахассисларнинг (ходимлар, экспертлар) профессионализм даражасини ўстириш, бунга шарт-шароит яратиш ва уни раҳбатлантириш мақсадга мувофиқ.

9. Жамоадаги психологик муҳитнинг ишга ижобий таъсирини назарда тутиб, унга эътиборни кучайтириш ва мутахассис психологларни жалб этиш. Бошқача айтганда бошқарув қарорларининг ижтимоий-психологик жиҳатларини Ўзбекистон ва жаҳон тажарибасини таққослаган ҳолда ўрганиш ва бу соҳада илмий тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш.

10. Қарор қабул қилишда шахснинг характер ва темперамент хусусиятларининг ўрни ва таъсири яққол кўзга ташланади.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов У.Ф. ва б. Персонални бошқариш. – Т.: Шарк, 1998.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарк, 2000. Б. 72-90.
3. Бирман Л.А. Управленческие решения. Учеб.пособие. – М.: Дело, 2008.
4. Вертакова Ю.В., Козьева И.А., Кузбожев Э.Н. Управленческие решения: разработка и выбор. – М.: Кнорус, 2009.
5. Ларичев О.И. Теория и методы принятия решений. Учебник. – М.: Логос, 2000.
6. Ломакин А.Л. Управленческие решения. – М.: Форум- Инфра, 2005.
7. Махмудов И. Бошқарув психологияси. – Т.: YUNAKS-PRINT, 2006.
8. Омонов Б.С. Менежмент асослари ва бошқарув қарорлари. – Т.: ТДАМ, 2006.
9. Смирнов Э.А. Управленческие решения. – М.: Инфра-М., 2001.
10. Цыгичко В.Н. Руководителю о принятии решений. – М.: 2007.
11. Чередниченко И.П., Тельных. Н.В. Психология управления. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2004.
12. Kondon J.W. Agendas, Alternatives, and Public Policies. – Update Edition, with an Epilogue on Health Care: Pearson New International Edition, 2014.
13. Lasswell H. Power and Personaliti. – N.Y., 2009.



Jabbor Alisher Musirmon o'g'li,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi "Din psixologiyasi va pedagogika"
kafedrası ilmiy izlanuvchisi

TALABALAR TOMONIDAN DINIY MATNLAR TALQIN QILISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Mazkur maqolada matnlarning inson psixikasiga ta'siri, shu jumladan, diniy matnlarni talqin etishning psixologik jihatlarini talabalar misolida o'rganish natijalari keltirildi. Tadqiqot davomida diniy matnlarni idrok etish sohasi uchun yangi bo'lgan usullardan foydalanildi, diniy matnlarning boshqa matnlardan farqli jihatlarini bayon etildi va diniy matnlarni talqin qilish jarayonidagi birliklar aniqlandi.

Kalit so'zlar: diniy matnlar, talqin, psixologik xususiyatlar, talaba, idrok etish, usul.

Аннотация: В данной статье представлены результаты научного изучения влияния текста на психику человека, в частности, на примере студентов описаны данные исследования психологических аспектов интерпретации религиозных текстов. В исследовании применены новые для области изучения текстов методики, раскрыты различия религиозных текстов от другого вида текстов, определены единицы интерпретации религиозных текстов.

Ключевые слова: Религиозные тексты, интерпретация, психологические особенности, студент, восприятие, метод.

Abstract: This article summarizes the impact of texts on human psychology, including the study of students' psychological aspects of interpreting religious texts. The study used new methods for understanding religious texts, highlighted the differences in religious texts from other texts, and identified units in the interpretation of religious texts.

Empirik tahlil. Sotsial intellektning sof va tabiiylik holati shaxs aqliy qobiliyatining umumiy mahsuli sanaladi. Biz tadqiqotimizni amalga oshirishda oliy ta'lim tizimida tahsil oluvchi o'spirin yoshdagi talabalarni tanlab oldik. Tadqiqot davomida nafaqat talabalarining kasbiy yo'nalishlari va yosh xususiyatlariga, balki ularning jins xususiyatlariga ham e'tiborimizni qaratdik. Quyida tadqiqot natijalari tahlili xususida so'z boradi. 1-jadvalda Psixologiya ta'lim yo'nalishi talabalari sotsial intellektining o'ziga xosligini o'rganishning umumiy ko'rsatkichlari keltiriladi.

Talabalar sotsial intellekti ko'rsatkichlarining umumiy natijasiga ko'ra, „Psixologiya ta'lim yo'nalishi“ talabalarining „Muloqot ishtirokchisining xissiyoti, fikri va niyatlarini tushunish“ qobiliyati bo'yicha ko'rsatkichlari 3,55 ga teng ko'rsatkichni belgiladi. Bu esa inson xulq – atvorini anglashga o'rtachadan yuqori qobiliyatga ega ekanligini anglatadi. Ular ta'lim jarayonida o'qituvchilar, rahbariyat, talabalar, hamkasblari va atrofidagi insonlar bilan bevosita muomala va muloqot masalalarini yaxshi olib borishi va xulq – atvor meyorlariga amal qilishi va natija qay tarzda tugallanish oqibatini oldindan ko'ra bilish qobiliyati orqali shakllantirganlar. Bu esa ularning muomaladagi real vaziyatdan kelib chiqib, uning nima bilan yakunlanishini baholay olishi, ba'zan odamlar bilan kutilmagan, notipik holatlarda xatti – harakatlarni prognoz qilishda yanglishishlari ham



mumkinligi, ammo ular oldilariga qo'ygan maqsadga erishishida o'z rejalarini puxta ishlab chiqa olishligini anglatadi.

Jadval № 1.

**Psixologiya yo'nalishi talabalari sotsial intellekti umumiy natijalari
(Student-t mezoni bo'yicha)**

	Shkalalar	X	σ
1	Muloqot ishtirokchisining xissiyoti, fikri va niyatlarini tushunish	3,55	0,51
2	Noverbal xulq – atvorni tushunish	3,40	0,59
3	Verbal ekspressiyani tushunish	2,95	0,51
4	Shaxslararo o'zaro tasirlashuvni tahlil etish	2,60	0,50
5	Umumiy ko'rsatkich	2,95	0,22

Talabalarining "Noverbal xulq-atvorni tushunish" bo'yicha ko'rsatkichi 3,40 esa ularni shaxslararo munosabatlarni yaxshi anglashi, insonlar bilan bo'lgan murakkab va qiyin vaziyatlarni tahlil eta olish qobiliyatga egaligi, muloqot ishtirokchisining kechinmalari, maqsadi va holatlarini mantiqan tushunish qobiliyati va noverbal tarzda kechishi, atrofida qilarni imo -ishorasiga ko'ra to'g'ri baholay olish qobiliyatini o'stirishga imkoniyati borligini ko'rsatmoqda. Bu esa noverbal xulq-atvorning sezgirligi oshishi va boshqalarni tushunishga imkon beradi.

Talabalarining „Verbal ekspressiyani tushunish“ bo'yicha umumiy ko'rsatkichi 2,95 ni tashkil etishi boshqa subtest natijalariga ko'ra ozroq quyi ko'rinish olganligini ko'rsatadi. Lekin shunga qaramasdan standart ball ko'rsatkichiga ko'ra shaxslararo munosabat xarakteriga ko'ra bir – biri bilan suhbatlashadigan insonlarni tez va yaxshi tushunishga moyilligi, o'zaro hamkorlik jarayonida va muomalasida insonlarning bir-biriga ko'rsatadigan o'zaro aloqalarini aks ettirishga egaligi va muloqot jarayonida har qanday insonlar bilan til topishib ketishga imkoniyatlari borligini ko'rsatmoqda.

To'rtinchi shkala „Shaxslararo o'zaro ta'sirlashuvni tahlil etish“ bo'yicha 2,60 qiymatga ega bo'ldi. Bu subtest natijalari xulq-atvorning meyordagi qobiliyatning quyi darajasini ko'rsatsa-da, lekin shaxslararo vaziyatni yaxshi anglashga qobiliyatlikni bildiradi. Shu bilan bir qatorda insonlar orasidagi murakkab vaziyatlarni tahlil eta olishi, ularni rivojlanishini mantiqan tushuna olishi va murakkab vaziyatlarni muloqot ishtirokchilarining ishtirokiga qarab baholay olish imkoniyati borligini ko'rsatmoqda.

Psixologiya ta'lim yo'nalishida tahsil oluvchi talabalarining to'rtta subtest bo'yicha umumiy o'rtacha ko'rsatkichi 2,95 ni tashkil etidi. Bu ko'rsatkich 3 subtest bilan bir xil natijani aks ettirdi. Psixologiya yo'nalishi talabalarining umumiy sotsial intellekt ko'rsatkichi, sotsial intellektning meyoriy ko'rsatkichiga ko'ra o'rtacha sotsial intellekt ya'ni meyorda ekanligini ko'rsatib berdi. Bu esa shaxslar bilan muloqot jarayonini amalga oshirishda ularning hissiy kechinmalari, holatlari va vaziyatlarini to'g'ri anglash va tushunish qobiliyatining me'yorda ekanligidan dalolat beradi.

Talabalar sotsial intellektining umumiy ko'rsatkichlariga ko'ra "Jahon iqtisodiyoti va Xalqaro iqtisodiy munosabatlar ta'lim yo'nalishi"da tahsil oluvchi talabalarining birinchi subtest, ya'ni „Muloqot ishtirokchisining xissiyoti, fikri va niyatlarini tushunish“ qobiliyati ko'rsatkichlari 3,05 ni ko'rsatdi. Bu esa standart ballga ko'ra ular xulq-atvorining o'rtachadan meyordagi qobiliyatga ega ekanligini belgiladi. Ular ta'lim jarayonida o'qish faoliyati bilan birga o'qituvchilar, jamoa, talabalar va atrofida shaxslar bilan ijtimoiy munosabatlarga kirishish jarayoni, muloqot hamda muomala munosabatlarini tekis ketishini ta'minlay olishi o'rta darajada ekanligini ko'rsatmoqda.



Jadval № 2.

Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar yo'nalishi talabalari sotsial intellekti umumiy natijalari (Styudent-t mezoni bo'yicha)

№	Shkalalar	X	σ
1	Muloqot ishtirokchisining xissiyoti, fikri va niyatlarini tushunish	3,05	0,68
2	Noverbal xulq – atvorni tushunish	2,85	0,58
3	Verbal ekspressiyani tushunish	2,30	0,80
4	Shaxslararo o'zaro tasirlashuvni tahlil etish	2,45	0,51
5	Umumiy ko'rsatkich	2,40	0,50

Bu holatlar ularda xulq-atvor oqibatlarini oldindan ko'ra olish va boshqalar haqida tez mulohaza chiqarish biroz qiyinchilik tug'dirishi, lekin muomaladagi real vaziyatlardan kelib chiqib, uning nima bilan yakunlanishini baholay olishiga imkoniyati borligini ko'rsatmoqda. Ular ba'zan odamlar bilan kutilmagan, notipik holatlarda xatti-harakatlarni prognoz qilishda yanglishishlari mumkinligi, ammo qo'yilgan maqsadga erisha olish imkoniyati borligi va o'stirishga egaligini belgilamoqda.

Talabalarining "Noverbal xulq-atvorni tushunish" bo'yicha o'rtacha ko'rsatkichlari 2,85 ni ko'rsatishi standart ball bo'yicha xulq-atvorni o'rtacha meyorda qobiliyatga yaqin ekanligini ko'rsatmoqda. Ular shaxslararo munosabatga kirishishda suhbatdoshlarining kechinmalarini, maqsadi va holatlarini mantiqan tushunish murakkabroq kechishini anglatmoqda. Shu bilan bir qatorda noverbal harakatlarni yaxshi anglamasliklari oqibatida so'zlarni tushunishi qiyin kechishi, lekin noverbal xulq-atvorning sezgirligini oshirishi va o'stirishi, boshqalarni tushunishiga imkoniyati borligini ko'rsatmoqda.

Talabalarining „Verbal ekspressiyani tushunish“ bo'yicha ko'rsatkichi 2,30 ni ko'rsatishi, inson xulq-atvorini anglashga o'rtachadan past qobiliyatga ega ekanligini ko'rsatmoqda. Bu esa ularda suhbatdoshi bilan bo'ladigan muloqot jarayonining har xil vaziyatlarini ham bir hilda qabul qilishga moyilligi borligi, muloqotdagi sheriklarini gapini tushunishga qiynalishi va noo'rin gapirib qo'yish hollari borligini ko'rsatmoqda.

To'rtinchi subtest bo'yicha ya'ni „Shaxslararo o'zaro ta'sirlashuvni tahlil etish“ bo'yicha 2,45 ni tashkil etmoqda. Bu ham standart ball bo'yicha xulq-atvorning o'rtachadan quyiroq ekanligini ko'rsatadi. Ular shaxslararo munosabat masalalarini va shaxslararo o'zaro ta'sirlashuvni tahlil qilish qiyin ekanligini va shu bilan bir qatorda insonlar orasidagi o'zaro ya'ni oilada, ishda, jamoada va do'stona munosabatlarda moslashish qiyinroq kechishini anglatmoqda.

Jahon iqtisodiyoti va Xalqaro iqtisodiy munosabatlar yo'nalishi talabalarining to'rtta subtest bo'yicha umumiy ko'rsatkichi 2,40 ni tashkil qilmoqda. Bu esa ularda o'rtachadan past sotsial intellekt ya'ni o'rtacha kuchsiz ekanligini ko'rsatmoqda. Umumiy ko'rsatkichga ko'ra ular shaxslararo munosabatga kirishishda boshqalarning hissiy kechinmalari, emotsional holatlari va xatti – harakatlarini tushunish qobiliyati o'rtacha kuchsiz ekanligini anglatadi.

Xulosa. Psixologiya yo'nalishida tahsil oluvchi talabalar sotsial intellekti „inson-inson“ tipi sohasidagi kasblarda psixologlar ham faoliyat yuritishi ya'ni yangi kasbiy sharoitda bu kasbni ular egallashlari bilan belgilanishi, Iqtisodiyot yo'nalishi talabalarida esa yangi kasbiy sharoitlarda boshqa motivatsion jabhalarda faoliyat yuritishi bilan belgilanishi mumkin. Psixologiya yo'nalishi talabalari ko'rsatkichi gomogen tipdagi guruhga, Iqtisodiyot yo'nalishi talabalari ko'rsatkichi esa getrogen guruhga yaqinligini ko'rsatdi. Talabalar sotsial intellekti ulardagi umumiy intellekt va shaxslilik xususiyatlari bilan hamohang tarzda rivojlanishi, ularning shaxsiy kamolotini o'sishiga yordam berishi mumkin.

**Adabiyotlar:**

1. Karimov I.A. Inson, uning huquq va erkinliklari oliy qadriyat. – Toshkent: O'zbekiston, 2006. – 105 b.
2. Kaylene C. Social-intelligence. – California: California state university, 2010. – 265 p.
3. Шарафутдинова Х.Ғ. Ақлий қобилият психокоррекцияси. – Тошкент: Соғлом авлод учун, 2006. – 124 б.
4. Шарафутдинова Х.Ғ. Ақлий қобилият диагностикаси ва психокоррекцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 116 б.



Насимджанова Махсума Мажидовна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Дин психологияси ва педагогика"
кафедраси ўқитувчиси

ШАХСДА ИНКУЛЬТУРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада шахсда инкультурация жараёнининг кечишии респондентларда ўтказилган Дж. Финнининг этник айнанликни ўлчаи методикаси ҳамда Г.У.Солдатова ва С.В.Рыжкова томонидан ишлаб чиқилган "Маданий қадриятлар дифференциали" методикалари натижаларини таҳлил қилиш асосида очиб берилган.

Калим сўзлар: инкультурация, социализация, шахс, мадания, ижодкор шахс, миллий мансублик.

Аннотация: В статье анализируется процесс инкультурации личности по результатам проведенных исследований на респондентах с помощью методики этнической идентификации П. Финни и методики «Культурно-ценностный дифференциал» разработанной Г.У.Солдатовой и С.В.Рыжковой.

Ключевые слова: инкультурация, социализация, личность, культура, творческая личность, национальная принадлежность.

Abstract: The article analyzes the process of personal inculturation according to the results of studies on respondents using the method of ethnic identification of P. Finney and the methodology "Cultural-value differential" developed by G.U. Soldatova and S.V. Ryzhkova.

Key words: inculturation, socialization, personality, culture, creative person, national affiliation.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги даврда миллий тикланиш мафкураси шаклланаётган жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит соғломлашаётган, миллий қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эрки тикланаётган, иқтисодий куч-қуввати намоён бўлаётган бир шароитда баркамол инсон деганда шундай ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган, ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, ҳаёт гўзалликларини ҳис эта оладиган эркин ижодкор шахс тушунилади.

Халқимизнинг миллий онги, миллий гурури ўсиб, маънавий дунёси кундан-кун бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга имконият яратмоқда. Бугунги кунда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир.

М.В. Живогляд (2007) инсоннинг ўз маданиятига кириш жараёнини этник ижтимоийлашув ёки инкультурация терминлари билан изоҳлайди. Этник ижтимоийлашув деганда у этнос менталитетининг инсонга таъсирини, унинг ўз халқи анъаналари, тарихи, маданияти, она тилисини ўзлаштириб бориши ва бу жараён давомида ўзининг миллий мансублигини англашини назарда тутлади.



Ўз халқи маданиятини ўзлаштириш жараёнида шахс камол топади. Бу борада Л.С.Виготский, Б.Г.Ананьев, В.С. Мухина, Я.А. Коменский, К.Д.Ушинский, П.П.Блонский, А.С.Макаренко, С.Т. Шацкий, В.А.Сухомлинскийлар билдирган ғоялари эътиборга сазовор. Бу олимларнинг тадқиқотлари шахс шаклланиши индивиднинг ижтимоий-маданий тараққиётининг тугал мақсади эканлиги ҳақидаги тасаввурларни бойитади [1].

А.И.Кравченко (2002) фикрича, инкультурация термини маъносининг ноаниқлиги туфайли танқидга учраган, чунки у “ижтимоийлашув” терминининг ўрнида қўлланилган, унинг келиб чиқиши эса тўғридан тўғри жамият ва маданиятни қарама-қарши қўйишга интилиш билан боғлиқ. Чет эл адабиётларида ҳали ҳануз инкультурация ва ижтимоийлашув тушунчалари ўртасидаги аниқ чегараланишлар берилмаган. Инкультурация тушунчаси кенг тарқалмади ва нисбатан америка антропологиясида қўлланилди (Кравченко, 2002).

Инсон – ижтимоий мавжудот. У ҳаётининг дастлабки кунлариданок, ўзи каби одамлар орасида камол топади, турлича ижтимоий ўзаро таъсирларга киришади. Ижтимоий мулоқотнинг биринчи тажрибасини инсон гапиришдан олдин эгаллайди. Социумнинг бир бўлаги сифатида у ўз шахсининг ажралмас қисми бўлган маълум субъектив тажрибага эга бўлади. Ижтимоийлашув – индивид томонидан ижтимоий тажрибани ўзлаштириш ва кейинчалик фаол ўзгартириш жараёни натижасидир. Психология нуктаи назаридан ижтимоийлашув бевосита синовдан ўтказилган ва кузатиш натижасида олинган ижтимоий тажрибанинг механик акс этиши сифатида қаралмаслиги лозим. Чунки, бу тажрибани ўзлаштириш субъектив характерга эга эканлигини англатади. Бир ижтимоий вазиятни идрок қилиш турлича кечиши табиий. Турли шахслар объектив бир хил вазиятлардан турлича ижтимоий тажриба олишлари мумкин. Мазкур ҳолат икки қарама-қарши жараёнлар – ижтимоийлашув ҳамда индивидуализация бирлигига асосланади. Ижтимоийлашув жараёни инсонлар мулоқоти ва биргаликдаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бу жараён махсус ижтимоий институтларда ҳам, турли норасмий бирлашмаларда ҳам амалга ошиши мумкин. Махсус ижтимоий институтларга мактаб, касб-хунар билим юртлари, турли ташкилотлар ва бирлашмалар киради. Шунингдек, ижтимоийлашиш ўчоқларидан бири оиладир. Ижтимоийлашиш ҳам бошқариладиган, мақсадга йўналтирилган, ҳам бошқарилмайдиган, стихияли характерга эга бўлиши мумкин [2].

Хорижий - маданий антропология ва психология индивиднинг ўз маданияти, вакилларига когнитив, эмоционал ва хулқий жиҳатдан ўхшашлик асосида шаклланишини, маданиятга хос бўлган дунёни тушуниш ва хулқ - атвори ўзлаштириш жараёни инкультурация билан боғлаб изоҳлайди. Шахснинг “окультурациясида” дунё ҳақидаги тасаввурларга асосланган, маданий тажрибани эгаллаш давомида шаклланган ва унинг ёрдамида, ўз халқи маданиятининг олий қадриятларини ўзлаштириб, дунёвий муносабатлар киришиш усулларини эгаллаши марказий ўрин эгаллайди [5].

Инкультурация – «индивиднинг ўз этник жамияти ва маданиятига кириши натижасида “ўсиши” ҳисобланади». Ушбу жараёнда ижтимоий маданий атроф - муҳитни ўзлаштириш рўй беради: функционал объектлар, фаолият, мулоқот усуллари, норматив таълим. У бирламчи ва иккиламчи босқичларни ўз ичига олади. Инкультурациянинг биринчи босқичида тарбия амалга оширилиб, болада нормал ижтимоий - маданий ҳаёт учун зарур бўлган адекват кўникмалар шакллантириш мақсадида таъсир кўрсатилади. Бу босқичда маданиятнинг барқарорлиги сақланади [3].

Инкультурация терминига аниқлик киритишнинг мураккаблиги шундаки, у жуда кўп фан тармоқлари – ижтимоий психология, этнопсихология, этнография, ижтимоий антропология, этнопедагогика ва ҳ.к. лар томонидан ўрганилади.

Методика. Тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида биз Финни методикасидан фойдаландик. Мазкур методика этник идентификация (айнанлаштириш)нинг намоён бўлишини ўрганади. 12 та тасдиқлаш зарур бўлган фикрларга текширилувчилар “тўлиқ қўшиламан”, “қисман қўшиламан”, “тўлиқ қўшилмайман”, “қисман қўшилмайман” каби жавоб вариантларидан бирини танлаб жавоб беришлари сўралади. Барча саволлар бўйича жавобларнинг ўртача қиймати этник идентификация кўрсаткичи ҳисобланади. Бундан ташқари, этник айланишнинг когнитив ва аффектив компонентлари ҳам аниқланади.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида биз “Маданий қадриятлар дифференциали”



методикасидан фойдаландик. Мазкур методика Г.У. Солдатова ва унинг ҳаммуаллифлари томонидан ишлаб чиқилган. Маданиятни психологик универсал ўлчаш доирасидаги қадриятлар йўналишларини аниқлашга мўлжалланган мазкур тест бир неча шкалаларни ўз ичига олади.

“Гуруҳга йўналганлик – ўзгага йўналганлик” шкаласи гуруҳ ичида бир-бирини қўллаб-қувватлаш, гуруҳга бўйсунуш ва анъанавийлик параметрлари асосида қараб чиқилади. Ўзгаришларга йўналганлик “маданиятдаги ўзгаришларга очиқлик ва ўзгаришларга қаршилик” диапазонида қаралади. Бир-бирига йўналганлик, толерантлик “тинчликсеварлик-агрессивлик” диапазонида, эмоционаллик эса “самимийлик-совуқлик” диапазонида ҳамда эришиш мотивацияси “кўнгилчанлик-рақобатлашуш” диапазонида қараб чиқилади. “Кучли ижтимоий назорат – заиф ижтимоий назорат” доирасида жамиятдаги таъқиқланган ва бошқарувчи стандартларга бўйсунуш ва нуфузнинг аҳамияти каби параметрлар текширилади [4].

Тадқиқотда олинган маълумотлар SPSS дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди (ўртача қиймат, стандарт огиш, Крускал - Уоллис мезони) ва натижалар сифат жиҳатидан талқин этилди.

Тадқиқотимизнинг мақсади - шахсда инкультурация ва аккультурация жараёнларининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот гипотезаси. Шахсдаги инкультурация жараёни ундаги этник идентификациянинг когнитив ва аффектив компонентлари шаклланганлиги билан ўзаро алоқадор бўлиши эҳтимол.

Тадқиқот объектини 18 ёшдан 69 ёшгача бўлган турли ёш даврлари вакиллари ташкил этди. Тадқиқотда жами 504 нафар синалувчилар иштирок этди. Шулардан, ўзбеклар 60,9%ни, руслар 22,2%ни қозоқ миллати вакиллари эса 14,3%ни ташкил этди.

Тадқиқотнинг методологик асосларини детерминизм принципи (С.Л.Рубинштейн, тарихий-маданий концепция), (В. Агеев, Н. Лебедева, А. Леонтьев, Ю. Платонов, Л. Почебут, С. Рижова, Г. Солдатова, Г. Старовойтова, Т. Стефаненко), психологияда қиёсий-маданий ёндашув принципи (Дж. Хофстед, Г. Триандис); ижтимоий айнанлик принципи (Г. Тэджфел, Дж. Тернер) ташкил этди.

Тадқиқот метод ва методикалари бир қатор ташкилотларда ўтказилган бўлиб шулардан, асосан Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиали талабалари, профессор-ўқитувчилари ва ходимлари иштирок этдилар. Респондентларнинг асосий қисмини талабалар ва ўсмир ёшлар ташкил этди. Бунга сабаб сифатида талаба ёшларда тадқиқот ўтказиш имконияти ва шароитининг бир мунча яхшилиги ва улардаги қизиқиш сабаб бўлди. Катта авлод вакиллари турли хил касб эгалари бўлиб, бунда биз ўқитувчидан тортиб, қончилик касби билан шуғулланувчи синалувчиларни кузатишимиз мумкин. Респондентлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қиладилар. Респондентларнинг ота ва оналарининг миллатига келадиган бўлсак, ўзбекларда ҳам рус миллати вакиллари ўртасида ҳам турли миллат вакиллари оила қурганликларини кузатишимиз мумкин. Шунга боғлиқ равишда респондентларнинг сўзлашув тили ҳамда ўз маданияти ва миллатини идрок этиши ҳам шаклланган.

Эмпирик таҳлил. Тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида бизлар П. Финнининг “Этник айнанликни ўлчаш” методикасини ўтказдик. Бу методика икки шкаладан иборат бўлиб, бу шкалалар когнитив ва аффектив шкалалардир, бундан ташқари бизлар турли миллат вакилларида ташкил топган респондентларимизнинг умумий кўрсаткичларини ҳам Крускал-Уоллис мезони асосида ҳисобладик. Методика саволларига жавоб беришдан аввал респондентларимиздан этник келиб чиқишлари нуқтаи назаридан ўзларини қайси миллат вакили деб ҳисоблашлари сўралди. Ўзларини ўзбек миллати вакили сифатида кўрсатган респондентларимизнинг 4 нафари яъни 12% ўз этник келиб чиқишлари нуқтаи назаридан қайси миллат вакили эканликларини билмасликларини таъкидлаганлар. Энди бевосита методикадан олинган натижаларга қайтадиган бўлсак, методиканинг когнитив шкаласи бўйича қозоқ миллати вакиллари юқори кўрсаткични намоён этганлар. Улардан кейинги ўринда ўзбек миллати вакиллари шундан сўнг рус миллати вакиллари кўрсаткичлари намоён бўлган.



1-расм. Фин методикасининг когнитив шкаласи бўйича олинган натижалар (Крускал-Уоллис мезони бўйича)

Аффектив шкала бўйича ҳам қозоқ миллати вакиллари юқори натижаларни кўрсатганлар. Бу эса қозоқ миллати вакилларининг ўз халқлари ва бошқа халқларнинг урф - одатлари билан анъаналари ҳақида кўпроқ маълумотга эга эканликларини ҳамда ўз этник гуруҳларини гуруҳ аъзоси сифатида баҳолай олиш имкониятларини билдиради.



2-расм. Фин методикасининг аффектив шкаласи бўйича олинган натижалар (Крускал-Уоллис мезони бўйича)




3-расм. Финни методикасидан олинган умумий натижалар (Крускал-Уоллис мезони бўйича)

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида биз Г.У.Солдатованинг "Маданий кадрятлар дифференциали" методикасини респондентларимизда ўтказдик. Бу методика 5 та шкаладан иборат бўлиб, булар гуруҳга ўз-ўзига ориентирлашиш, ўзгаришларга очиклик, ўзгаришларга ёпиқлик, келажакка ориентирлашиш, ўзаро таъсирга берилиш - ўзаро таъсирдан қочиш, қучли



ижтимоий назорат ва заиф ижтимоий назоратдир. Биз тадқиқотимиз натижаларини Крусскал-Уоллис мезони асосида таҳлил этдик.

Гуруҳга ўз-ўзига ориентирлашиш шкаласи бўйича рус миллати вакилларида ишончли фарқлар аниқланган бўлиб, руслар ўзларини бир-бирларни қўллаб қувватловчи, жамоага бўйсинувчи ва унга ориентирлашувчи халқ сифатида кўрсатганлар. Ўзбек ва қozoқ миллатларида эса бу кўрсаткич бир мунча пастроқ.



4-

расм.


**Гуруҳга ўз-ўзига ориентирлашиш шкаласи бўйича олинган натижалар
(Крусскал-Уоллис мезони бўйича)**

Ўзгаришларга очиқлик ва ўзгаришларга ёпиқлик шкаласи бўйича турли миллат вакиллари ўртасида ишончли фарқлар кузатилмаган. Уларнинг натижалари бир-бирига яқин кўринишга эга бўлган.



**5-расм. Ўзгаришларга очиқлик ва ўзгаришларга ёпиқлик шкаласи бўйича олинган
натижалар (Крусскал-Уоллис мезони бўйича)**


Келажакка ориентирлашиш шкаласи бўйича қozoқ миллати вакилларида ишончли фарқлар кузатилган бўлиб, бу ушбу миллат вакиллариининг келажакка кўпроқ интилиб яшашларни кўрсатади.



**6-расм. Келажакка ориентирлашиш шкаласи бўйича олинган натижалар
(Крусскал-Уоллис мезони бўйича)**




Ўзаро таъсирга берилиш - ўзаро таъсирдан қочиш шкаласи бўйича ҳам қozoқ миллати вакилларида ишочли фарқлар аниқланди. Бу уларни ўзларини муносабатларга киришувчан, тинчликсевар, бағрикенг, очикқўнгил халқ деб баҳолаганликларини кўрсатади.



7-расм. Ўзаро таъсирга берилиш — ўзаро таъсирдан қочиш шкаласи бўйича олинган натижалар (Крусскал-Уоллис мезони бўйича)

Кучли ижтимоий назорат ва заиф ижтимоий назорат шкаласи бўйича ишончли фарқлар аниқланмаган лекин бу шкала бўйича қozoқ миллати вакиллари ўзларини юқори баҳолаганлар.



8-расм. Кучли ижтимоий назорат ва заиф ижтимоий назорат шкаласи бўйича олинган натижалар (Крусскал-Уоллис мезони бўйича)

Юқоридаги икки методика натижаларидан ҳам кўриш мумкинки синалувчиларда инкультурация жараёнининг кечиши ундаги этник айнанлигини англаши билан боғлиқ. Бундан ташқари ўз маданияти этник келиб чиқиши ҳақида билиш инсоннинг ўз маданиятини ва ўзгалар маданиятини адекват баҳолаш имкониятини беради.

Хулоса. Ҳар бир жамият атроф-муҳит билан ўзаро таъсирга киришиш жараёнида маълум тажрибага эга бўлади. Бу эса жамоанинг муайян вақт ва маконда мавжуд бўлишига замин яратади. Жамоа ўз тажрибасини келгуси авлодларга икки хил йўл билан – ирсий ва ноирсий йўл билан узатишдан манфаатдор. Ирсий бўлмаган ахборотнинг узатилиши инкультурация жараёнида амалга оширилади ва бутунлай ўргатишга асосланган бўлади.

Инкультурация ва социализация жараёнлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва биргаликда юз бериши мумкин. Ҳар бир инсон ўз индивидуал тараққиёти жараёнида маълум маданиятга мансуб социализация ва умумий инкультурацияга эришади. Ҳозирги даврда инсон инкультурация ва социализациясиз жамиятнинг аъзоси сифатида мавжуд бўла олмаслиги аниқ. Шунинг учун биз бу жараёнларни четлаб ўта олмаймиз. Инкультурация натижасида инсон ўзини ўраб турган ижтимоий муҳитда мустақил ҳаракатланишга, аввалги аجدодлар қолдирган маданият предметларидан фойдаланишга, жисмоний ва ақлий меҳнат натижалари билан ўртоқлашишга бошқа одамлар билан ўзаро ҳамжиҳатликка қодир бўлади. Мазкур хусусиятлари билан одам бошқа маданият вакилларида ажралиб туради. Социализация жараёни натижасида



инсон жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланади, яъни талаб этилган ижтимоий ролларни мустақил бажаради, бунда маданий хусусиятларга эътибор берилмайди. Инкультурация жараёnlари ҳам, социализация жараёnlари ҳам асосан махсус ўқитиш давомида эмас, балки катталар раҳбарлигида ва ўз тажрибасига суянган ҳолда боради. Фақатгина улардан баъзиларигина махсус ижтимоийлашув институтлари — мактаблар, олий ўқув юртларида юз беради.

Аккультурация — маълум маданиятдаги одамларнинг бир бирларига ўзаро таъсири жараёни, шунингдек маданиятлардан бирининг камроқ ривожланган деб идрок қилиниши, бошқа маданият элементларининг кириб келиши ёки янги маданий феноменларнинг юзага келишидир. Аккультурация кўпинча қисман ва тўлиқ ассимиляцияга олиб келади.

Этнопсихологияда аккультурация тушунчаси: а) бир этник жамоа вакилларининг бошқа бир этник жамоа анъаналари, урф одатлари, турмуш тарзи ва маданиятига ижтимоий психологик адаптацияси жараёнидир; б) бир жамият аъзоларининг миллий-психологик хусусиятлари, маданиятининг бошқ бир жамиятга таъсири натижасидир. Демак,

1. Сўзлашув тили инсоннинг ўз маданиятини англаши ва қабул қилишига таъсир қилади ва шу асосида инсоннинг маданиятга бўлган муносабати шаклланади.

2. Респондентларимизга айниқса, ёшларга бегона маданиятнинг таъсири мавжуд. Бу эса аккультурация жараёнининг жадал кечаётганлигини кўрсатади.

3. Инсоннинг ўз маданиятини ўзлаштириши яъни инкультурация жараёни этник айнанликнинг когнитив ва аффектив компонентлари қай даражада ривожланганлиги билан боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Арутюнян Ю.В., Дробижева Л.М., Сусоколов А.А. Этносоциология. — М.: Аспект-Пресс, 1999. — 271 с.
2. Криско В.Г. Этническая психология. — М. Академия, 2002 г.
3. Чубрик Е.О. Русский детский фольклор как средство ранней инкультурации. Автореф. канд. культурологии. — Владивосток, 2007. — Б. 18.
4. Социально-психологические аспекты изучения этнической идентичности / Т.Г. Стефаненко. — March 1, 1999.
5. Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. Учебник для высших учебных заведений. — М.: Институт психологии РАН, 1999. — 320 с.



Тойирова Лайло Изатовна,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика”
кафедраси ўқитувчиси*

ЭГИЗАКЛАРНИ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИГА КЎРА БИР-БИРИДАН ФАРҚЛАШ

Аннотация: Мазкур мақолада эгизакларнинг бир биридан фарқли жиҳатларни аниқлашда психологик хусусиятлари ва уларда шахслик омилларини тавсифловчи сабабларини генетик ва муҳит таъсирида намоён бўлиши ҳақидаги тадқиқот натижаларини назарий таҳлили баён этилган.

Калит сўзлар: шахс, психологик хусусиятлари, эгизак, эгизаклар психологияси, монозигота, дизигота, ижтимоий муҳит, психологик ривожланиши.

Аннотация: В данной статье представлен теоретический анализ результатов исследования генетических и экологических последствий психосоциальных особенностей близнецов и причин их личностных качеств при выявлении различий.

Ключевые слова: личность, психологические особенности, близнецы, психология близнецов, монозигота, дизигота, социальная среда, психологическое развитие.



Abstract: This article presents a theoretical analysis of the results of a study of the genetic and environmental consequences of the psychosocial characteristics of twins and the reasons for their personal qualities in identifying differences.

Key words: personality, psychological characteristics, twins, twin psychology, monozygote, dizygote, social environment, psychological development.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, инсоният учун азалдан эгизаклар олами ўзига хос ғаройиботларга бойдек туюлган. Шунинг учун, эгизаклар ўзининг сир синоатлари билан ҳали ҳануз олимларни, тиббиётчиларни, физиологларни, биологлар билан бирга психологларни тадқиқотлар олиб боришга ундаб келади.

Эгизаклар энг бахтли инсонлардир. Улар дунёга келганлариданоқ ёлғиз бўлмайдилар, ёнларида шериклари бўлади. Ёш болалар орасида эгизаклар тез эътиборимизни тортади. Иккита бир хил болакайга мўжизага қарагандек бир зум термулиб қоламиз. Аммо шундай эгизаклар ҳам борки, бўй-басти, кўриниши, тери ва соч ранглари турлича бўлади. Уларга қараб, “Булар эгизак туғилиб, алмашиб қолган эмасми?” – деймиз. Тиббиёт эса бу ҳолатга нормал қарайди. Сабаби оддий: эгизаклар икки турга бўлинади – монозиготали ва дизиготали. Монозиготали эгизаклар битта тухум хужайра уруғланиши билан иккига бўлинишидан ҳосил бўлади. Уларнинг жинси ҳамда кўриниши бир хил бўлади. Дизиготали эгизаклар икки тухум хужайрадан ривожланган бўлади. Натижада, бизни хайратлантирадиган иккита икки хил фарзандлар дунёга келади.

Умуман олганда, ер юзида 60 миллиондан ортиқ эгизаклар истиқомат қилиб уларнинг учдан бири икки томчи сув каби бир-бирларига ўхшайдилар. Бу монозиготали деб аталувчи эгизаклар бўлиб, уларда генларнинг тўплами деярли бир хилдир. Эгизакларнинг бошқа типи бўлган дизиготали эгизаклар генларининг ярмигина бир-бирлариникига ўхшайди. Эгизаклар психологияси мураккаб соҳа сифатида муайян вақт ичида кузатув асосида, шунингдек, турли хил диагностик тестлар орқали амалга оширилади.

Эгизаклар психологиясини ўрганиш учун улар устида бир қанча тадқиқотлар олиб борилди. Бу тадқиқотлар асосида олимлар эгизакларни ўрганар экан, бир қанча методикалар орқали эгизакларни бир-биридан ажратган ҳолда кўп илмий ишларга қўл уришди. Эгизаклар методи ёрдамида ўрганилганда уларнинг ривожланишида атроф-муҳит генетик жиҳатлари ҳисобга олинган. Натижа шуни кўрсатдики, генетик жиҳатдан олиб қараганда эгизаклардаги хусусиятлари бир-бирига ўхшайди. Мисол тариқасида эгизакларнинг биттасини бир йил давомида бошқа муҳитга мослаштириш учун уларни бир-биридан ажратишган. Улар бир йил давомида тадқиқотчилар томонидан кузатувда бўлишган. Шу вақт давомида бирининг ҳаётида учраган тассодифлар иккинчисида ҳам содир бўлган.

Дарқайқат, эгизакларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини ўрганадиган бўлсак, улар ўртасидаги фарқланиш билан бир қаторда бир жинсли ёхуд турли жинслилиги қараб қийслаш муаммолари ётади. Шу билан бирга Ўзбекистон шароитида бу масалага кам тўхталиб ўтилганлиги билан диққатимизни ўзига тортади. Биз муаммони ўрганилаётганда нимага эътиборимизни қаратамиз.

Биринчидан: Эгизакларнинг ривожланиш кўрсаткичларининг минталетит билан боғлиқлиги. Яъни эгизакларнинг ҳар бир ёш хусусиятларида кўзга кўринадиган ижтимоийлашув масаласи ётади.

Иккинчидан: Эгизакларнинг психологиясидаги ўхшашлик ёхуд қарама-қарши томонларнинг характердаги хусусиятлари, уларнинг қайси хужайрада шаклланганлиги билан боғлиқ тарзда эътироф этиш.

Яъни бу мавзунинг долзарблик даражаси сифатида бу масалага кам тўхталиб ўтилганлиги билан ажралиб туради.

Эгизаклар доим бири-биридан устун бўлмаслиги учун бир хил нарсага эга бўлишни истайдилар. Тадқиқотчилар Роуз (Rose) ва Дитто (Ditto) (1983) шуни аниқладиларки, монозиготали эгизаклар ёшнинг катталашуви билан яқинлари ёки ўзининг ўлимини ўйлаб қўқувга тушишда бир-бирларига ўхшаб қолсалар дизиготали эгизакларда эса бунинг аксини кўришимиз мумкин экан [1: 19].



Эгизакларга ўзгача муносабат кўрсатилганлиги туфайли улар эрта болаликдан ўзига хос атмосферада улғаядилар. Атрофдагиларнинг кўпчилиги эгизаклар жуфтлигини бир-биридан ажратиб бўлмайдиган бутунлик сифатида идрок этиб, болалардаги фарқларга эътибор бермайдилар уларни фамилиялари ёки битта исм билан чақирадилар. Баъзи бир манбаларда кўрсатиб ўтилганидек, оилавий муҳитда ота-оналарнинг мурожаат этиши дизиготали эгизакларга нисбатан монозиготали эгизакларда ўхшаш бўлар экан.

Эгизаклар илк болалик даврида ва хаттоки кейинроқ ҳам бир-биридан ажралиб қолишни истамай, бир хил кийим киядилар, бир хил ўйинларни ўйнайдилар, бир хил китоблани ўқийдилар. Бу "реакция" ёки "эгизаклик эффекти" – ўзини эгизак жуфти билан айнанлаштириш ундан фарқланиб қолмасликка уринишни юзага келтиради. Бу реакциянинг акс этиши монозиготали ва дизиготали жуфтликларда фарқланади: монозиготали жуфтликлар ўртасида дизиготали жуфтликларга нисбатан яқинроқ алоқалар ўрнатилган бўлади. Туғилганданок эгизакларнинг ўртасида ака- сингилларнинг оддий муносабатидан фарқланувчи белгиланган муносабатлар юзага келади. "Эгизаклик ҳолати" эгизакларнинг ривожланиши, ота-оналари ва атрофдагилар билан муносабатида катта из қолдиради [2: 89].

Р. Зазонинг кўрсатишича, эгизаклар жуфтлиги атроф-муҳит ва бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари билан характерланувчи ўзларининг микро дунёларини юзага келтиради. Ўзига хос эгизаклар муҳити эгизаклар ўртасида оддий ака сингилларникидан фарқли яқин интим муносабатлар ўрнатилишига олиб келади. Бу алоқалар шунчали кучли бўладики, хаттоки эгизагидан вақтинча ажралишни улар онадан ажралиш каби ўткир қабул қиладилар [2: 56].

Эгизаклар жуфтлиги аъзоларнинг ўзаро муносабатларида тўртта формани ажратиш мумкин: 1) эгизаклар дивергенциясига олиб келувчи рақобат, 2) эгизакларнинг яқинлашувига ва уларнинг бир-бирига боғланиб қолишига олиб келувчи ва ўзаро тўлдирувчи бўйсунуш, 3) тенг ҳуқуқлилик, 4) эгизаклар петтернлари установақсининг тўлиқ мос келишига олиб келувчи конформлиқдир. Шу жумладан, эгизаклар жуфтлигини кўпинча психологлар 3 тоифага бўлишади "жуфти бир бирига боғланган эгизаклар", "ёқин индивид жуфтлиги", "бир биридан ажралиб турувчи жуфтлик" деб ажратадилар. Статистик маълумотларга қараганда, эгизаклардан қайси бири биринчи туғилса, ўша лидер бўлар экан. Чиндан ҳам, бир пайтда пайдо бўлиб, тенг вақтлар ичида ривожланганига қарамай, бир неча дақиқа олдин дунёга келган бола "ака" ёки "опа" деб аталади. Аммо бу ақлий ривожланиш, ҳаёт йўлида ҳар доим ҳам тўғри келавермайди. Эгизаклар болалигида бир бирига суянади, улғайгач эса ўз шахсиятини шакллантиришга, мустақил бўлишга интиладилар. Бироқ, бир бирини "мия радиоси" орқали хис қилиш сақланиб қолади. Олисда бўлсалар ҳам касалликни юктира оладилар, атроф муҳитни бирдек қабул қиладилар. Устунлик масаласига қайтадиган бўлсак, бу болаларнинг жинси билан ҳам боғлиқ. Ўғил-ўғил эгизакларда тўнғичи "ҳоқимият"ни қўлга олишга интилади, қиз-қиз эгизакларда устунлик эмас, ҳамкорлик мақсади кучли бўлади, ўғил-қиз эгизакларда ўғил бола, биринчи ё иккинчи туғилганидан қатъий назар, лидерликка интилади.

Методика. Мавзуга мувофиқ илмий тадқиқот ишида FPI- шахс сўровномаси методикаси қўлланилди. Бу методика И.Фаренберг, Х.Зарг, Р.Гампеллар томонидан яратилган бўлиб, ўзаро боғлиқ бўлган шахслилик омилларини тавсифловчи, омилли таҳлил натижалари асосида юзага келтирилган 12 та шкаладан иборат.

FPI сўровномаси (В формаси) Ленинград Давлат Университетининг психология факультетида Гамбург Университети билан илмий ҳамкорлик қилиш келишуви асосида олиб борилган тадқиқотлари билан боғлиқ тарзда мослаштирилган ва модификация қилинган. Модификация қилиш давомида шунингдек, венгер психологи Ф.Корди ҳам қатнашган. Ушбу шахслилик сўровномаси асосан илмий тадқиқотлар учун яратилган бўлиб, бунда 16PF, MMPI, EPI каби машҳур сўровномаларнинг қурилиши ва қўлланилиши тажрибаси ҳисобга олинган. Сўровнома шкалалари омилли таҳлил натижалари асосида шакллантирилган ва ўзаро боғлиқ омилларнинг мажмуасини акс эттиради.

Сўровнома ажтимоий, касбий адаптация ва ҳулқни бошқаришда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган сифатларни диагностика қилишга мўлжалланган. В формаси тўлиқ формасидан икки баробар камроқ саволга эгаллиги билан фарқланади. Сўровномадаги



саволларнинг умумий миқдори 114 тани ташкил қилади. Саволларнинг ичида биттаси шкалаларнинг ҳеч бирига тааллуқли эмас ва бу савол текширувчи характерга эга. Сўровноманинг 1 – 9 шкалалари асосий шкалалар бўлиб, 10 – 12лари эса интеграциялашган шкалалар ҳисобланади. Интеграциялашган шкалалар асосий шкалаларнинг саволларидан тузилган бўлиб, баъзида сонлар эмас ҳарфлар билан белгиланган. Ушбу сўровнома индивидуал тарзда ёки синалувчилар гуруҳларида ўтказилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эгизакларнинг бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятини мақсадга йўналтирилган тарзда фаоллаштириш зарурияти билан асосланган бўлиб, ҳаётий фаолиятнинг турли соҳаларида эгизакларнинг она қорнида ривожланишидан бошлаб алоҳида тавсиялар берилган. Эгизакларнинг ижтимоийлашувини ўрганишнинг эмпирик натижалари алоҳида назарий қарашлар: шахс психологияси, умумий психология, умр давлари ва, дифференциал психология курсларига киритилиши мумкин ва қўлга киритилган натижалар ҳаётий қийинчиликларни енгиш учун эгизаклар муаммосини фаоллаштириш психодиагностикасида, шунингдек, эгизаклар психологиясини ривожлантиришга доир илмий методик маълумотларни тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

Бу тадқиқот ишида 20 жуфт касбий йўналишга эга бўлган ўсмир эгизак ўқувчилар иштирок этиши ва уларнинг бир-биридан фарқланувчи хусусиятлари, етакчи компонентлари, функциялари, алоҳида белгилари ўрганилди.

Эмпирик таҳлил. Тадқиқотимизга кўра, 1-жадвал кўрсаткичларини умумий таҳлил қилганда, 1-жадвал бўйича сўралганларнинг эмпирик тадқиқот ишида FPI-шахс сўровномаси методикаси қўлланилди.

Жадвал № 1.

FPI-шахс сўровномаси бўйича кўрсаткичлар таҳлили

	Н	Мин	Мак	Ўртача	Стандарт оғиш	Ассиме трия	Эксцесс
ёши	40	16.00	18.00	16.90	0.84	0.19	-1.56
асабни қай даражада бузилиши	40	2.00	13.00	6.37	3.06	0.51	-0.85
асабланиш меъёрдан чиқиши	40	2.00	9.00	5.55	1.99	-0.33	-1.13
тушқунликка тушиш	40	2.00	12.00	7.30	1.89	-0.52	1.35
таъсирланиш	40	2.00	9.00	5.97	1.94	-0.31	-0.73
мулоқотмандлик	40	3.00	12.00	7.72	2.50	-0.12	-0.43
мувозанат	40	3.00	9.00	6.35	1.40	-0.49	-0.03
ғазабнинг тезлиги	40	3.00	9.00	6.47	1.53	-0.91	0.25
тортинчоклик	40	2.00	9.00	5.90	2.01	-0.23	-0.93
очиклик	40	5.00	11.00	7.97	1.90	0.038	-1.21
экстраверсия-интраверсия	40	4.00	10.00	6.95	1.72	0.429	-0.73
эмоционал лабиллик	40	3.00	11.00	7.42	2.19	-0.69	-0.24
маскулинлик фемининлик	40	4.00	12.00	8.02	2.10	0.10	-1.12

Сўровнома натижаларига кўра эгизаклардаги бир-биридан фарқловчи хусусиятлар бир нечта факторлар орасида яъни тушқунликка тушиш 7,30, мулоқотмандлик 7,72, очиклик 7,97, эмоционал лабиллик ва маскулинлик-фемининлик каби омилларда кўзга ташланди. Ассиметрия ва эксцесс кўрсаткичларига кўра, эгизакларда 12 та шкалага мувофиқ фарқли томон кузатилмади. Бунда нормал тақсимланиш қонуни мавжуд.



Жадвал № 2.

FPI-шахс сўровномаси бўйича кўрсаткичлар таҳлили (ўғил-қиз кесими асосида)

	Жинси	Н	Ўртача	Стандарт оғиш
Ёши	Эркак	11	16.81	0.75076
	Аёл	29	16.93	0.88362
асабни қай даражада бузилиши	Эркак	11	6.45	1.91644
	Аёл	29	6.34	3.42549
асабланиш меъёрдан чиқиши	Эркак	11	6.18	1.47093
	Аёл	29	5.31	2.13982
тушқунликка тушиш	Эркак	11	8.09	1.37510
	Аёл	29	7.00	2.00000
таъсирланиш	Эркак	11	6.63	1.28629
	Аёл	29	5.72	2.10266
Мулоқотмандлик	Эркак	11	6.00	2.60768
	Аёл	29	8.37	2.16158
мувозанат	Эркак	11	5.72	1.10371
	Аёл	29	6.58	1.45202
ғазабнинг тезлиги	Эркак	11	4.90	1.86840
	Аёл	29	7.06	0.84223
тортинчоклик	эркак	11	6.00	2.72029
	аёл	29	5.86	1.72635
очиклик	эркак	11	8.27	1.55505
	аёл	29	7.86	2.03055
экстраверсия-интроверсия	эркак	11	6.00	1.41421
	аёл	29	7.31	1.71346
эмоционал лабиллик	эркак	11	8.81	1.25045
	аёл	29	6.89	2.25745
маскулинлик фемининлик	эркак	11	7.72	2.32770
	аёл	29	8.13	2.04807

Эгизакларнинг шахс сўровномасига кўра умумий ўртача кўрсаткичи қуйидаги факторлар орасида яъни тушқунликка тушиш эркакларда 8,09 аёлларда 7,00 даражани, мулоқотмандлик аёлларда 8,37 даражани, ғазабнинг тезлиги 7,06 ни, очиклик эркакларда 8,27 даражани, экстраверсия-интроверсия аёлларда 7,31 ни, эмоционал лабиллик 8,81 даражани ва маскулинлик-фемининлик эса аёлларда 8,13 қийматни ташкил этди. Олинган натижалардан шу нарсани кузатиш мумкинки, сўровномалар орасидаги шкалаларнинг кўпчилигида аёллардаги натижалар эркакларга қараганда, озгина фарқ билан юқори даражада эканлиги намоён бўлди. Сўровнома натижаларига биноан, жтимой касбий адаптация ва хулқни бошқаришда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган сифатларни диагностика қилишга мувофиқлашган.

FPI-шахс сўровномаси бўйича корреляцион кўрсаткичлар қуйидаги факторлар орасида асабни қай даражада бузилиши шкаласи тушқунликка тушиш (0,528), тортинчоклик (0,490), эмоционал лабиллик (0,495) шкалалари билан, асабийлик шкаласи очиклик (0,498) билан, тушқунликка тушиш шкаласи тортинчоклик (0,566) ва эмоционал лабиллик (0,751) шкаласи билан, таъсирланиш шкаласи очиклик (0,563), экстраверсия-интроверсия (0,475) билан, мувозанатлашганлик шкаласи очиклик (0,531) ва экстраверсия-интроверсия (0,505) шкаласи билан, ғазабнинг тезлиги шкаласи маскулинлик-фемининлик (0,456) шкаласи билан, очиклик шкаласи эксироверсия-интроверсия (0,453) шкалалари билан ўзаро корреляцион алоқаларга киришаётганлигини кўришимиз мумкин.



Жадвал № 3.

FPI-шахс сўровномаси бўйича корреляциялар кўрсаткичлари таҳлили

	ёши	асабни кай даражада бузулиши	асабланиш меъёрдан чиқиши	тушқунликка тушиш	таъсирланиш	мулоқотмандлик	Мувозанат	газабнинг тезлиги	Тортинчлик	очиклик	экстраверсия-интраверсия	эмоционал лабиллик	маскулинлик фемининлик
ёши	1	0.134	-0.104	0.164	-0.096	.157	-0.121	0.256	0.176	-0.178	0.032	0.315(*)	0.103
асабни кай даражада бузулиши		1	-0.110	0.528(**)	0.317(*)	-0.204	-0.019	0.048	0.490(**)	-0.109	-0.011	0.495(**)	-0.443(**)
асабланиш меъёрдан чиқиши			1	0.111	0.308	-0.138	0.213	-0.046	0.084	0.496(**)	0.075	0.121	0.149
тушқунликка тушиш				1	0.225	-0.355(*)	0.027	-0.217	0.566(**)	0.002	-0.403(**)	0.751(**)	-0.336(*)
таъсирланиш					1	-0.403(*)	0.407(**)	-0.022	0.216	0.563(**)	0.475(**)	0.111	0.251
мулоқотмандлик						1	0.196	0.302	-0.363(*)	-0.012	0.312	-0.249	-0.018
мувозанат							1	0.170	0.194	0.531(**)	0.505(**)	0.000	0.187
газабнинг тезлиги								1	0.099	0.048	0.435(**)	-0.031	0.456(**)
тортинчлик									1	0.227	-0.098	0.411(**)	-0.169
очиклик										1	0.453(**)	-0.065	0.205
экстраверсия-интраверсия											1	-0.299	0.396(*)
эмоционал лабиллик												1	-0.180
маскулинлик фемининлик													1

Изох: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, эгизакларнинг бир биридан фарқли ва фарқли бўлмаган психологик хусусиятларини FPI- шахс сўровномаси методикаси орқали математик статистик таҳлил куйидаги натижаларни берди:

1. Тадқиқот объектларидаги ўсмир эгизак ўқувчиларининг (9-ва 11-синф ўқувчилари мисолида) 12 та сифат шкала асосида шахслилик хусусиятларининг ўзига хос умумий-типик кўрсаткичлари аниқланганда шу нарса аён бўлдики, ўқувчиларида ($n=40$) шахслараро муносабатга индивидуал психологик хусусиятларига асосланган фаол-ижобий муносабат кўрсаткичлари кўринди. Олинган бу маълумотлар эгизак шахсининг шахслараро муносабатда бир-бирига нисбатан мотивацияси имкониятлари ҳақида тегишли илмий тасаввурларни шакллантиришга хизмат қилади.

2. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган ва маълум илмий-амалий аниқликлар киритилган фаол-ижобий хусусиятлар кўрсаткичлари Ўзбекистонда эгизакларга нисбатан эътибор индивидуал-психологик заруратни янада равшанроқ тасаввур этишга имкон бериши билан бирга мавжуд жамоа қатламининг ижтимоий-психологик самарадорлигини ва истикболларини белгилаш учун муҳим аҳамият касб этади.

3. Тадқиқот сўнгида илгари сурилган илмий мулоҳазалар асосан ўз тасдиғини топди: яъни, шахслараро муносабат тизимининг шаклланиши ўзига хос индивидуал, ҳудудий ва ёш хусусиятларига эга бўлиши аниқланди.

**Адабиётлар:**

1. Зырянова Н.М. Близнецы вступают во взрослую жизнь // Семья и школа. – 2007. № 9.
2. Малых С.Б., Сибурина А.Ю. Я или МЫ: Как растить близнецов. – М.: Генезис, 2008 – 89 с.
3. Психологические очерки о близнецах / Семенов В.В., Кочубей Б.И., Егорова М.С., Зырянова Н.М., Пьянкова С.Д. – М., 2003. – 56 с.
4. www.koob.ru



Расулова Нилуфар Тулкуновна,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Дин психологияси ва педагогика"
кафедраси ўқитувчиси

ЁШ ОИЛАЛАР РЕПРОДУКТИВ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИГА ОИД ЁНДАШУВЛАР

Аннотация: Мақолада ёш ўзбек оилалари репродуктив маданиятини шаклланишида тарихий ва замонавий ёндашувлар ўрганилиб, унинг этнопсихологик хусусиятлари очиб берилган, репродуктив маданиятнинг бугунги ҳолати ва ўзбеклар ҳаётидаги ўрни таҳлил этилган, ўтмиш мутафаккирларимиз фикрлари келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: репродуктив маданият, репродуктив хулқ, хомиладорлик хусусият.

Аннотация: В статье исследуется репродуктивная культура в узбекских семьях, раскрывается его этнопсихологические особенности, сделан психологический анализ нынешнего состояния. Приведены воззрения мыслителей Востока.

Ключевые слова: репродуктивная культура, репродуктивное поведение, этнопсихологические особенности.

Abstract: The article examines the reproductive culture in Uzbek families, reveals its ethno-psychological characteristics, makes a psychological analysis of the current state. The objections of the thinkers of the East are given.

Key words: reproductive culture, reproductive behavior, ethno-psychological characteristics.

Мавзунинг долзарблиги. Қадимдан этнопсихологик хусусиятимизнинг асосий омилларидан бири, ёш оиланинг юзага келишида уни репродуктивлик хусусиятини аввалги авлодларнинг сажарасидан келиб чиқиб, талқин этилиши десак, хато булмайди. Маскур масалани муваффақиятли ҳал этиш орқали оиладаги муносабат ҳамда оилаларнинг репродуктив маданиятини ўз-ўзидан шаклланганлигини миллий тарихимиз зарварақларида ҳам кўришимиз мумкин.

Халқимиз азалдан ўзининг болажонлиги, серфарзандлиги билан фаркланиб келган. Одамларнинг дунёқараши, ижтимоий онги, турмуш тарзи, ўзаро муносабатларининг шаклланишида, шунингдек, никоҳ-оила муносабатлари, туғилиш, репродуктив хулқ, оилани режалаштириш, кўп болалилик кабиларга муносабатнинг шаклланишида аҳолининг қайси динга эътиқод қилиши ҳам муҳим рол ўйнайди. Ислонда никоҳсизлик қораланади, фарзандли бўлиш Худонинг инсонга берган олий неъмат ҳисобланади. Нафақат бизнинг миллат, худудда, балки бутун Ислон оламида кўп фарзандли оналарга алоҳида ҳурмат билан қаралади. Мусулмон халқларида кўп болалилик аънаналари "Болани берган Худо, ризқини ҳам беради, деган каби ақидалар билан мустаҳкамланиб боради" деган таълимотга амал қилинади, ислон дини таъсирида шаклланган репродуктив аънаналар халқ оғзаки ижодиёти наъмуналари мисолида авлоддан-авлодга узатилиб келинган. Бундай аънаналар, қадриятлар ўтмиш мутафаккирларимиз асарларида янада сайқалланиб, одамларнинг репродуктив хулқи, репродуктив фаолиятини белгилаб келган.

Дунёга машҳур Моварауннаҳр худудиди, репродуктив фаолият ва туғилиш муаммосини ўрганиш, бу масалага оид фикрлар буюк ўтмишдошларимиз ал-Бухорий, ат-Термизий,



Бурхониддин Марғинович, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Абул Қосим Фирдавсий, Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш ва бошқаларнинг асарларида кенг ёритилган. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Назарий таҳлил. Ўтмиш мутафаккирларимиздан Бурхониддин Марғинович асарларида репродуктив фаолиятга оид фикрларни кўришимиз мумкин. Масалан, у ўзининг машҳур “Ҳидоя” асарининг [1: 645] “Никоҳ китоби” бўлимида, “Ҳомиланинг ҳеч қандай гуноҳи бўлмагани учун уни ҳам ҳурмат қилишади. Шу боис уни олиб ташлаш ҳам жоиз эмас”, – деб таъкидлайди [1: 662].

Бурхониддин Марғиновичнинг мазкур асари минг йиллардан буён Ислом ҳуқуқшунослигида асосий ҳуқуқий манбалардан бири ҳисобланиб келинган. Ҳозирда ҳам ислом қонунчилигида бу асар юқори мавқеalarda туради. Унда фарзанднинг дунёга келиши ва тарбиясининг ҳуқуқий жиҳатлари ўринли тарзда ёритиб берилган. Жумладан, бола дунёга келганидан кейин, унинг ҳуқуқларидан бири она сутти билан озиқлантириш ҳаққини, Бурхониддин Марғинович “Гўдакнинг ҳомилалик ва сутдан ажратиш вақтининг муддати ўттиз ойдир” (яъни икки ярим ёш)–деб кўрсатади [1: 749].

Исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш, ҳозирги замон тили билан айтганда, эркак ва аёлларнинг контрацептив маданияти, контрацептив усуллардан фойдаланишни Бурхониддин Марғинович “Азл” тушунчаси билан ифодалаб, унга: “Азл – жинсий алоқа вақтида аёл ҳомиладор бўлиб қолишдан хавфсиралганда эркак ўз сувини аёлнинг баданидан ташқарига оқизишига айтилади. Бунда аёлнинг розилиги шартдир”, – деб уқтиради [1: 761].

Албатта, бу каби усуллар замонавий контрацептив воситалар орасида у қадар самарали ҳисобланмасада (бу усулдан фойдаланиш ҳолатлари ҳозир ҳам йўқ эмас), лекин Марғиновичнинг минг йиллар муқаддам ёзилган асарида исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш, бу ўринда аёлнинг розилигини шартлаш каби мулоҳазалари ўша давр учун бекиёс аҳамиятга эга бўлиб, уни аёлларнинг репродуктив фаолиятини режалаштириш муаммоси тарихига қўшилган улкан ҳисса деб ҳисоблаш мумкин.

Ўтмишимизнинг яна бир йирик алломаси, тиббиёт илмининг буюк донишманди Абу Али ибн Сино (980-1037) аёлларнинг репродуктив фаолиятининг тиббий жиҳатлари, она ва бола саломатлигини таъминлаш ҳақида, ўз аҳамиятини ҳеч бир замонда йўқотмайдиган бебаҳо фикр мулоҳазаларини билдириб кетганки, улар минг йиллардан буён бутун дунё илмий жамоатчилиқ диққат марказида бўлиб келмоқда. Аллома ўзининг машҳур “Тиб қонунлари”дан олдинроқ ёзган “Тиббиёт ҳақида” достонида, она ҳомиласидаги бола руҳияти ҳақида, эмизикли болалар ҳақида ёзар экан, бу даврларда она ва бола парваришини тўғри амалга ошириш боланинг саломатлиги ва онанинг репродуктив фаолиятига ижобий таъсири хусусиятларини кўрсатиб ўтган. Ибн Синонинг она ва бола саломатлиги, туғилиш масалалари, репродуктив фаолиятга оид мулоҳазаларини унинг “Уй хўжалиги” асарида ҳам кўришимиз мумкин [2: 84].

Мазкур асар аввалида, аллома ҳайвонлар ва одамлар ҳуқуқидаги ўхшашликлар ва тафовутлар ҳақида ёзар экан, кейингиларининг олдингилардан фарқи сифатида оила қуриши, фарзандларни дунёга келтириши, уларни илм-ҳунарли кишилар қилиб тарбиялаш лозимлиги ҳақида ёзади. У оилада бола тарбияси, ота-оналарнинг, улар ким бўлишидан (шоҳми – гадоми) қатъий назар асосий мажбурияти эканлигини таъкидлайди. “Одам ўз фарзандлари ёрдамига муҳтож бўлади, чунки улар (фарзандлар) уларнинг кексалигини енгиллаштириши ... Ота вафотидан сўнг, фарзандлари унинг номини улуғлаш лозим” деб таъкидлайди [2: 86].

Ибн Сино ўзининг машҳур асари “Тиб қонунлари”ни биринчи жилдининг “Тарбия ҳақида”ги бўлимида, боланинг туғилганидан то оёққа турганигача қилинадиган тадбирлар ҳақида ёзар экан, бола дунёга келган илк онларданоқ у билан амалга ошириладиган гигиеник муолажалар, киндик гигиенаси, чўмилтириш, болани йўргаклаш, уқалаш, кўкрак сутти билан озиқлантириш қандай аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб беради [3: 75].

Ибн Сино ўз кузатишлари ва тажрибаларига асосланган ҳолда бола саломатлиги учун она суттининг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини, бу борада қандай тадбирларга амал қилиш лозимлигини кўрсатиб берган. Унинг репродуктив фаолият ҳақидаги фикрлари қуйидаги мулоҳазаларда яққол намоён бўлади. Ибн Сино, агар онада ўз фарзандини эмизишга монелик



қиладиган омиллар мавжуд бўлса, болани эмизиш учун эмизувчи танлашда, эмизувчи аёл шахси, унинг психологик хусусиятлари ҳақида ёзиб, у аёлнинг ёши бола онаси ёшига тенг бўлиши, унинг ташқи кўриниши гўзал бўлиши, у ҳам шу бола туғилган вақтларда болалик бўлган бўлиши, боласининг жинси ҳам шу бола жинсига муносиб бўлиши кабиларни таъкидлайди.

Ибн Синонинг: “Энди эмизувчига қўйиладиган шартларни баён қиламиз: эмизувчининг ёшига қўйиладиган шартлардан бошлаймиз. Биз айтамызки, эмизувчининг энг яхши ёши 25 билан 35 орасидадир. Чунки бу ёш жувонлик, соғлиқ ва етуклик ёшидир” [3: 77] – деб уқтиришида, бугунги кунларимизда тиббиёт ходимлари, демографлар ва аёлларнинг репродуктив фаолиятини тадқиқ қиладиган бошқа мутахассислар томонидан таъкидланаётган, аёлларнинг репродуктив фаолияти учун энг мақбул деб ҳисобланган 25-35 ёш, бундан минг йиллар муқаддам буюк мутафаккиримиз Ибн Сино томонидан қайд этиб ўтилганлигини гувоҳи бўламиз.

Ўтмиш мутафаккирлари ишлари билан танишар эканмиз, уларда оилани режалаштириш, соғлом авлодни дунёга келтириш, репродуктив фаолиятни мувофиқлаштиришга оид қўплаб аҳамиятли фикр-мулоҳазаларни ўқишимиз мумкин.

Яна бир буюк бобокалонимиз, Амир Темур бекиёс буюк давлатни барпо этиш ва уни бошқариш билан айна вақтда, бола тарбияси, насл саломатлиги, соғлом авлодларни дунёга келтириш масалаларини ҳам эътиборидан четда қолдирмаган. У ўз ўғитларида “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насибанинг бузилишига таъсир этган, дебон шу покиза йўлни тутдим”, – деб таъкидлайди [4: 58].

Оила, никоҳ, фарзанд кўриш, серфарзандлилик масалаларига бизнинг халқимизда азал-азалдан катта эътибор бериб келинган. Бунга, эрамиздан аввалги VII – VI асрларда яшаган Зардушт томонидан асос солинган, халқимизнинг илк қомусий асари “Авесто”да ҳам жиддий аҳамият берилган. Жумладан, мазкур асарнинг “Вендидот” қисмида, эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю аммо уйланмаса, унга тамға босиш ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишлик, баъзан бундай эркакни қопга солиб калтаклаш лозимлиги қайд этилади. “Авесто”да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза ва авлодни бенуксон сақлаш учун шундай қилинган. Кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла 2-3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовор, деб уқтирилади [5: 12].

Турон замин юртимизда яшаб ижод этган мутафаккирларимизнинг туғилиш масалаларига, аёлларнинг репродуктив фаолияти масалаларига, умуман оилада боланинг туғилиши ва уни тарбияланиши масалаларига оид фикр-мулоҳазаларини қўплаб келтириб ўтиш мумкин. Бу фикр-мулоҳазалар қанчалик аҳамиятли ва бугунги кунларимиз учун ҳам қанчалик ўринли бўлмасин, лекин улар ижодида аёлларнинг репродуктив фаолияти муаммоси махсус илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Айниқса, диний ижтимоийлашув шароитида ёшларда репродуктив маданиятни шаклланишининг ижтимоий-психологик жиҳатлари деярли тадқиқ этилмаган.

Репродуктив фаолиятни илмий тадқиқ этиш турли соҳалар тадқиқотчилари томонидан кенг қўламда ўрганилаётган муаммолар қаторига киради. Ҳозирги замон оилаларида кузатилаётган болалар сонининг камайиб бораётганлиги, мазкур муаммонинг юзага келтирувчи омиллар, сабаблар, мотивларни чуқурроқ ўрганиш заруратини келтириб чиқарди.

Ҳозирги замон оиласи репродуктив функцияси механизмлари, қонуниятларини ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқотлар, муаммонинг психологик жиҳатлари ҳозирча етарли даражада тадқиқ этилмаганлигини кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда сўнгги ўн йилликларда одамларнинг репродуктив онги, репродуктив установкаси, репродуктив хулқи каби муаммолар кенг қўламда тадқиқ этилмоқда.

Репродуктив фаолият муаммоси талқинига бағишланган тадқиқотлар таҳлили, репродуктив фаолиятнинг демографик, иқтисодий, социологик жиҳатларини ўрганишга оид қўплаб адабиётлар мавжудлигини кўрсатади. Мазкур муаммонинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, айниқса у ёки бу миллат мисолидаги этнопсихологик жиҳатларига оид тадқиқотлар жуда камдир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, репродуктив фаолият мазмуни ва моҳиятини,



уни психологик механизмларини ўрганиш психологик нуқтаи назардан тадқиқ этилиши лозим. Улар психологик тадқиқотлар предмети доирасига киради.

Замонамизни етакчи психологларидан Э. Ғозиев томонидан оиланинг энг нозик масаласи бўлиши репродуктив маданиятга беътибор эмасликлари асарларида акс эттирилган. Олим ёш оилаларни репродуктив маданиятларини шакллантиришда катта авлодни роли бекиёслигига алоҳида урғу бериб ўтган. Шунингдек, ёш оилаларни мустахкам бўлишида фарзандлар родини таъкидлаб, уларни сони қанчалик кўп бўлса, оила мустахкамлиги таъминланиш таъкидланган [6: 66].

Ёш оима, психология фанлари доктори З.Расулова, ўзининг “Оила психологияси” китобида “Никоҳнинг дастлабки йилларида ёш оиланинг шаклланиши ва эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари” бобида ёш оиланинг репродуктив хусусиятларига урғу бериб ўтган. “Бахтли оила” ҳақидаги тушунчага урғу бериб, оила қуйидагиларни таъкидлайди: “Жинсий алоқа яхши бўлса, демак ҳамма нарса яхши бўлади — деб ҳисоблаш. Фақат бу оиланинг ўзи билан оила бахтли бўла олмайди. Бир-бирига ишониш, бир-бирини тушуниш каби бундан-да муҳим омиллар бор” [7: 95]. Мазкур фикр орқали муаллиф оилада фарзанднинг роли алоҳида аҳамиятли эканлигига эътибор қаратганлигини англашимиз мумкин.

Ўзбекистонда ёш оилаларнинг репродуктив маданиятини шакллантиришга хизмат қилувчи ташкилотларнинг борлиги алоҳида диққатга сазовор: “Оила маркази”, Хотин-қизлар қўмитаси, “Соглом она” жамғармаси шулар жумласига киради.

Репродуктив маданият муаммосини тадқиқ этишнинг ҳозирги босқичида, асосий эътибор ёш оилага, ёш онага қаратилиши бежиз эмас. Чунки айнан оналар аҳоли сонининг қайта тикланишини таъминлайди.

Мавзуга оид манбаларда, оиладаги болалар сони ҳақида гап юритилар экан, “кутилаётган болалар сони”, “исталган болалар сони” ва “идеал болалар сони” каби жумлалар қўлланилади. Кутилаётган болалар сони – бу оиланинг хоҳиш-истаги ва имконияти билан асосланган болалар сонидир. Оиладаги болаларнинг исталган миқдори эса – бу шароитдан қатъий назар, шахснинг хоҳиш-истаги билан шартланган (асосланган) болалар сонидир. Болаларнинг идеал сони эса – бу жамият манфаатларини ифода этувчи ва мамлакатдаги демографик вазият билан шартланган болалар сонидир.

Шундан келиб чиққан ҳолда репродуктив маданиятнинг фақат болани дунёга келтириш билангина чекланиб қолмай, уни генератив хулқ тарзида кўришни, яъни ўзбек ёшларида улар фарзандли бўлганларидан сўнг унинг тарбиясига қандай муносабатда бўлишлигини, уларнинг бола билан ўзаро муносабатлари генератив хулқнинг бошқа кўринишлари хусусиятларини ҳам қамраб олишини англади.

Хулоса. Демак,

1) болаларга эҳтиёж шахснинг психологик хусусияти бўлиб, у туғилишнинг социоген ва психоген мотивлари заминидан юзага келади;

2) мавзуга оид адабиётлар шарҳи репродуктив маданият ва репродуктив хулқ муаммоси бўйича, кўплаб тадқиқотларнинг мавжудлигига қарамай бу тушунчалар моҳиятини талқин қилиш борасида ягона қарашнинг (концепциянинг) мавжуд эмаслигини кўрсатади. Репродуктив маданият ва репродуктив хулқ, ўзида ҳар хил сифатли мураккаб тузилишли ҳодиса сифатида қаралиши ва ўрганилиши керак;

3) халқимизнинг неча асрлардан буён ардоқлаб келаётган анъаналари ичида никоҳ муносабатлари қадрият тарзида намоён бўлиб у ёшларимизни ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишига ҳиссасини қўшиб келмоқда. Оилада репродуктив маданиятни шакллантириш ўз навбатида ўзбек оилаларининг янада мустахкам бўлишига фарзандларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига асос бўлади.

Адабиётлар:

1. Марғиной Бурхониддин. Ҳидоя. 1-жилд. – Т.: Адолат, 2000.
2. Абу Али Ибн Сина. О домоводстве. В кн. Антология педагогической мысли Узбекской ССР / Сост. С.Р.Раджабов, К.Х.Хашимов, К.М.Муминходжаев, С.К.Каримова. – М.: Педагогика, 1986.



3. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 1-жилд. – Тошкент, 1992.
4. Темур Амир. Амир Темур ўғитлари / Тўплам. Туз. Б.Аҳмедов, А.Аминов. – Тошкент: Наврўз, 1992.
5. Ҳомидий Х. Қўҳна шарқ дарғалари / Бадий-илмий лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1999.
6. Ғозиев Э. Онтогenez ва дифференциал психологияси. – Тошкент, 2015.
7. Расулова З. Оила психологияси: ўқув қўлланма. – Тошкент, 2019. – 368 б.



Турсунув Лутфилла Сайфуллаевич,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика”
кафедраси, психология фанлари номзоди

ЭЪТИҚОД ШАХСНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ СИФАТИДА

Аннотация: Мақолада шахснинг ижтимоий хусусиятларидан эътиқодга психологик нуқтаи назардан ёндашилиб шахснинг шаклланиши ва комил инсон бўлиб етишишида эътиқоднинг аҳамиятига урғу берилган. Эътиқоднинг психология тармоқларида ва ўзбек психологлари томонидан назарий ва амалий жиҳатдан ёндашувлари умумлаштирилган.

Калит сўзлар: эътиқод, ишонч, доминантлик, шахслик, ундаш, йўналтириш.

Аннотация: В статье раскрывается роль веры на формирование и развития социальных черт человека. А также рассмотрены теоретические и практические подходы веры и убеждения, в психологических отраслях и узбекских психологами.

Ключевые слова: вера, убеждение, доминирование, личность, направление, поощрение.

Abstract: The article reveals the role of faith in the formation and development of social traits of a person. And also, the theoretical and practical approaches of faith and belief in psychological branches and Uzbek psychologists are examined.

Key words: faith, belief, dominance, personality, direction, encouragement.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзлигини англаб етган шахс борки уни қуршаб турган нимагадир қаттиқ ишониши ва эътиқод қилиши табиий хол. Одам зотини бошқа жонзотлардан фарқлаб турувчи омиллардан бири ҳам у томонидан ниманидир муқаддас деб тан олиниши ва онгли равишда эътиқодини йўналтиришидир, десак хато бўлмайди.

Назарий таҳлил. “Эътиқод” араб тилида “ишониш” ва “ишонч” маъносини англатади. Қадимдан Шарқ мутафаккирлари томонидан шахс эътиқодига турлича ёндашувлар орқали турлича шарҳ бериб келинган. Ана шундай таърифлардан энг мукаммали ханафий мазҳабининг машҳур алломаси Али Қори “Ал – Фикҳул Акбар” га қилган шарҳида акс этган: “Аслида бирор нарсага эътиқод қилиш учун уни ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган даражада яхши билиш керак. Бунинг учун аввало ўша нарсани идрок қилиш керак. Кейин эса ўша ҳиссий идрок илмий маърифатга айланиши лозим. Сўнгра замон ўтиши, бошқа далилларнинг собит бўлиши ила ўша илмимиз тасдиқланади ва унга бўлган ишончимиз кучли бўлади. Мазкур илмга бўлган ишонч онгимизда мустаҳкам равишда қарор топганидан сўнг у бизнинг ақлимизга ва қиладиган ишларимизга ўз таъсирини ўтказадиган бўлади. Қачонки маълум бир илм бизнинг фикримизга айланиб, ҳис-туйғуларимизни йўллайдиган ва ҳаракатларимизни бошқарадиган ҳолга етганда ақийдага айланган бўлади. Демак, ақийда илмга асосланган бўлиши лозим”.

Али Қорининг таърифидан ва замонавий ижтимоий фанлар тадқиқотларидан хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, эътиқод ақл назоратидаги онгли фаолият кўринишида амалга оширилиши керак. Эътиқодни кўр-кўрона амалга оширилиши шахсда мутаассиблик ёки манкуртлик касалига мубтало бўлиши аниқ.

Халқимиз мулоқот тилида учраб турадиган шундай иборалар борки унда эътиқод сўзи ихтиёрсиз равишда қўлланилади. Мисол учун “Шу табибга эътиқодим бошқача”, “Шу устозимга эътиқодим ортиб бормоқда” ёки “Шу дорига эътиқодим юқори” ва ҳоказолар.



Юқорида келтирилган Али Қори тавсифи билан халқимиз ишлатадиган иборани мантикий қиёслаб кўрсак қуйидагича хулоса чиқаришимиз мумкин: табибдан шифо топишимизга шубҳамиз йўқ, уни яхши биламиз, табиб муоалажасини яхлит идрок эта оламиз бунга далилларимиз бор ва ишончимиз юқори. Табибнинг ҳузурига борганимизда у бизга қисман бўлсада тўғри ташхис қўйиши бизнинг ақлимиз ҳамда даво топишга йўналган онгли йўрикномамиз (установка) асосида йўналган фаолиятимизга ўз таъсирини ўтказди. Шундан сўнг биз “ихлосим юқори” деган сўзни ўрнига “этиқодим юқори” деган иборани ишлатиб юборганимизни сезмай қоламиз. Шахснинг ўзига хос ижтимоий хусусияти ҳисобланадиган этиқод баъзи ижтимоий фанларда қуйидагича талқин этилган:

Этиқод сўзи лотинча *veritas* (ҳақиқат, воқелик, ҳаққоният) ва *vents* (зеҳнли, адолатли) деган сўзларга мос келади. Кимга — нимага ёки кимгадир — нимагадир этиқод қилиш индивид, гуруҳ, омма руҳиятининг (этиқод қилувчи субъектларнинг) қатъий ишониш, шаксиз ишонч ва умид орқали ифодаланувчи алоҳида ҳолатидир.

Фаолиятнинг алоҳида турлари ва умуман ҳаёт мазмуни мақсадга эришишда этиқод предмети сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу ниманингдир, қандайдир воқеанинг ёки воқеалар ривожининг сўнгги натижаси яқинлашуви ва бошқа шу кабилар бўлиши мумкин. Бунда қўйилган мақсадга эришиш ҳақидаги аниқ ахборот тақчиллиги шарти мавжуд бўлади. Этиқоднинг мазмуни у фаолият кўрсатадиган турли соҳаларда турлича бўлиб, аниқ ҳаракат предмети билан боғлиқдир. У одам ҳаётий фаолиятининг ҳар қандай соҳасида — сиёсий соҳасида, масалан, харизматик сиёсий арбобга этиқод; иқтисодиётда — муваффақиятга ишонч, мисол учун, ишлаб чиқарилган маҳсулотни фойда эвазига сотиш; ахлоқда — ахлоқий идеалларга этиқод қилиш; баддииятда — тасвирланган воқеалар ва образларнинг ҳақиқийлигига ишониш ва бошқалар. Ҳеч бир одам, агар у ҳеч нарсага — жоннинг қутқарилишига, билимнинг кучига, инсонга ва ҳ. к. ишонмас экан, тўлақонли биоижтимоий объект сифатида мавжуд бўлолмайди. Инсонга табиий майл, рефлекс, идрок, ақлдан ташқари нимагадир ёки кимгадир — тақдирга, ялпи бахтга эришиш мумкинлигига ва бошқа шу кабиларга ишониш хусусияти ҳосидир.

Теологияда этиқод — этиқодни теологик жиҳатдан англаш илоҳий ёзувларни шарҳлаш, шунингдек илоҳий матнлардан нисбатан мустақил бўлган “этиқод ва тафаккур”, “этиқод ва хатти-ҳаракат”, “этиқод ва ирода” ва бошқа шу каби муаммоларга бағишланган назарий ишланмаларни яратиш орқали амалга оширилади. Этиқод таълимот сифатида, яъни диний ақидалар ва ҳаётий тажриба сифатида кўриб чиқилади. Шундай қилиб, этиқодни теологик жиҳатдан шарҳлаш оламни ва инсонни яратган, Ўзи ҳақидаги билимларни очиш қобилиятини одамларга берган энг мукаммал хилқат сифатида худога мутлоқ ишонишдан иборатдир.

Фалсафа фанида шахс этиқодининг қонунийлигини яхлит ҳолда аниқлашга интилинади. Бунда масалага уни ёқлаш ёки бетараф қолиш, нигилистик, атеистик нуқтаи назардан ёндашиш мумкин. Шу муносабат билан этиқодни илмий жиҳатдан баҳолашда рационал услуб имкониятларидан максимал даражада фойдаланишга чақириқлар кўп учрайди.

Фалсафий-теологик ёндашувга мувофиқ этиқод таркибидаги билим, энг аввало, Худонинг мавжудлигига бўлган ишонч шу билимнинг ўзаги сифатида рационал далиллар билан асослашга ҳаракат қилинади. Фидеизмнинг турли вариантлари шунга киради. Фидеизм (французча *fideisme* ва лотинча *fides* — ишонч) этиқод фақат илоҳий ҳақиқатнинг ёки диний этиқод анъаналарининг нуфузи билан белгиланиши керак, дея таъкидлайди. Фидеизм нуқтаи назарига кўра диний билимнинг табиати ақлдан устун туради ва шу сабабли уни на асослаб бўлади, на тафаккур билан таъриф этиб бўлади.

Ўзбекистон психология фани ривожига катта хисса қўшиб келаётган устозимиз Э.Ғ.Ғозиев этиқодга берган таърифларига эътибор қаратадиган бўлсак: “Этиқод одамнинг шахсий қарашлари, ҳулқ-атвор тамойиллари, илмий дунёқарашларига асосланиб ҳаракат қилишга ундовчи англашилган эҳтиёжлар мажмуидир”. Мазкур таърифда муаллиф этиқодга учта асосий нуқтага алоҳида эътиборимизни қаратади. Булар илмий дунёқарашлар, ҳаракат қилиш ва ундовчи англашилган эҳтиёжлардир.

Этиқод шаклида юзага келадиган эҳтиёжларнинг мазмунини одамни қуршаб турган табиат ва у яшайдиган жамият ҳақидаги билимлар ҳамда уларни муайян даражада шахс томонидан англаш асосида ҳосил бўлади ва аста-секин турли ташқи таъсирлар ёрдамида такомиллашиб боради.



Шуни алоҳида такидлашимиз лозимки, ҳар бир шахсни бошқа шахслардан ажратиб турадиган индивидуаллик ва такороланмаслик хусусияти ўз тузилишига эга эканлигидир. Мазкур тузилманинг биринчи асосини ички дунёсини ифодаловчи хулқ-атвори типолологияси ташкил қилади. Ушбу талқинга кўра "эндопсихика" шахснинг психик тузилишининг ички қисмлари сифатида психик элементлар ва функцияларнинг ўзаро боғлиқлигида акс этади. Унинг негизда инсоннинг нерв-психологик тузилиши билан "эндопсихик" айнан бир нарса деган тушунчани тасдиқлаш ётади, гўёки у одам шахсининг ички механизмини юзага келтиради.

Шахс психик тузилишининг иккинчи асосини "экзопсихик" қисми бўлиб, у шахснинг ташқи муҳитга нисбатан муносабатини, шахсга қарама-қарши бўлган барча жихатларини, шахслараро ва объектив муносабатини белгилайди. "Эндопсихика", ўз навбатида, шахснинг таъсирланиши, хотира, тафаккур, ҳаёл каби билиш жараёнларининг хусусиятларини, иродавий зўр бериш хислатларини, ихтиёрсиз ҳаракатларни ва шу каби фазилатларини акс эттиради. "Экзопсихика" эса ўз таркибида шахс муносабатларининг тизимини ва унинг қизиқишлари, майллари, идеаллари, маслаҳи, устунлик қилувчи, ҳукмрон ҳиссиётларини, эгаллаган билимларини, тажрибаларни ва шу сингариларни камраб олади.

"Эндопсихика" ва "Экзопсихика" ни мутаносиб шаклланиб бориши ўз навбатида олий инсоний туйғуларни юзага келтиради. Айнан ана шу туйғулар ичида шахснинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган эътиқоди психология фанида кам ўрганилган. Ҳолбуки эътиқод шахснинг ижтимоий ўзликларида бир ҳисобланади.

Юқорида такидлаб ўтилган "Эндопсихика" ва "Экзопсихика"ни қонуниятлари асосини ташкил этувчи нерофизиологик қонуният мавжудки, унда инсон бошмиясининг ҳар бир нерв маркази бевосита иштирок этмай иложи йўқ. Эътиқодни юзага келиши учун аввалом бор бир нерв марказини бошқа нерв марказларидан устунликка (доминанта) эришиши лозим. Ана шу нерв марказидаги устунликни юзага келтирувчи "Эндопсихика" ва "Экзопсихика"ни таъсири аста-секинлик билан нимагадир нисбатан эътиқодни юзага келтиради. Мазкур доминантаниликни кучи ўз навбатида шахсга берилган йўриқнома (установка)га боғлиқ бўлади. Йўриқнома таъсирида дастлаб тушунчалар юзага келса, тушунчалар асосида йўналган ҳаракатлар амалга оширилади. Назарий ва амалий билимлар бир – бирини тўлдириши натижасида малака ҳамда ақлий (онгли) фаолият юзага келади. Ана шу онг остида амалга ошириладиган фаолиятни шахс фикран таъкидлаб туриши натижасида бош миyaning аксари қисмида доминантанилик юзага келиб, амалга ошираётган фаолиятидан шахснинг лаззатланиш ҳамда хотиржамлиги юзага келса, амалга оширолмаган ҳолларда асабийлашиш ёки ўзини гуноҳкордек ҳис этиш юзага келади. Баъзан йўриқнома (экзопсихика) асосида доминантанилик бирор – бир ғояга нисбатан шу даражада устунликка эришиши мумкинни, натижада шахснинг ўзлигини унитиши табиий ҳолга айланади. Шахс ўз-ўзини ишонтириш орқали (эндопсихика) ҳам, ўзлигидан маҳрум бўлиши руҳиятшунослик фанида илмий асосланган.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ҳар қандай эътиқод моҳиятини аввал ташқи таъсир, сўнгра эса ички кечинмалар ташкил этар экан.

Шахснинг психик тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучлари инсоннинг ҳаёт — фаолияти давомида ўзгариб турувчи эҳтиёжлари билан ана шу эҳтиёжларни қондиришнинг ҳақиқий имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак эътиқод ижтимоий эҳтиёж таъсирида юзага келадиган шахснинг ижтимоий хусусияти бўлиб, вақт ўтиши билан у шахснинг ўзига хос хусусияти сифатида намоён бўлади.

Одатда шахсни ривожлантириш, шакллантириш, таркиб топтириш, камолотга етказиш мавжуд қарама-қаршиликларни, зиддиятли вазиятларни енгил, иродавий зўр бериш, зўриқиш, танглик, жиддийлик ҳолатларини бошқариш, ўзини қўлга олиш орқали ушбу фаолиятни амалга оширишнинг оқилона, омилкор воситаларини ўзлаштириш, эгаллаш натижасида вужудга келади. Буларнинг барчаси имитация (таклид), идентификация, рефлексия, стереотипизация, таълим, ўқитиш, ўқиш, ўрганиш, ўргатиш, сабоқ олиш, ўзлаштириш, мустақил билим олиш жараёнида юзага келтирилади. Мазкур ҳолатда аниқ фаолият орқали эҳтиёжни қондириш қонуний равишда янада юксакроқ, юқори босқичдаги янги хусусиятга эга бўлган барқарор эҳтиёжни юзага келтиради. Бошқа эҳтиёжлардан юқорида турувчи эҳтиёж шахсни бевосита ва билвосита онгли фаолиятга ундаб шахсни ана шу фаолиятдан лаззатланиш ҳиссини юзага келтиради. Мисол учун касбига эътиқоди юқори бўлган ўқитувчи ҳар бир дарсини маҳорат



билан ўтиши билан бирга шогирдларига ҳам алоҳида меҳр кўрсата олади. Умуман олганда касбига эътиқод қўйган шахс борки, эл назаридан четда қолмайди.

Ёшларда мустаҳкам эътиқод шаклланишидан аввалом бор миллат ва давлат манфатдор бўлиб, келажакда миллати ва давлатини дунё тан олишига эътиқодли ёшлар сабабчи бўлишади. Шунинг учун ҳар бир ёшда Ватанга ва миллатга эътиқодни мустаҳкам қилиб тарбиялаш эртанги кун пойдевори мустаҳкамлигини таъминлаб беради. Касб-хунарга нисбатан эътиқод — миллий хунарамандчиликнинг такомиллашуви ва давомийлигини таъминлаб беради.

Юқоридаги эътиқодлар билан бир қаторда ота-она ва устозга нисбатан эътиқодни шакллантириш орқали миллий қадриятларни ҳар томонлама ёшлар онгига сингдиришга эришиши мумкин. Шахсдаги бир эътиқод иккинчи эътиқодни юзага келишига сабабчи бўлишини кузатилади. Зотан, мисол учун шахсни ота-онага бўлган эътиқоди қанчалик юқори бўлса, устозига бўлган эътиқоди ҳам шунчалик юқори бўлади. Устозга ихлос ва эътиқоди юқори бўлган ёшларда касб-хунарга бўлган эътиқод ҳам юқори бўлиши табиий. Ота-онага бўлган эътиқоди юқори бўлса яшаётган ҳудудга ва Ватанга бўлган эътиқоди ҳам юқори бўлишини таъкидлаш жоиз.

Ёшларда эътиқоднинг шаклланиши халқимиз қадриятларининг ажралмас қисми бўлган тарбия ва таълим ташкил этиши қадим-қадим замонлардан то шу кунгача миллий педагогикамизда алоҳида талқин этилади.

Шахс эътиқодининг мукамаллик касб этишида қуйидаги омиллар алоҳида аҳамият касб этади:



Хулоса. Шундай қилиб, эътиқодни ёшларда шакллантириш ва такомиллаштириш ҳамда мустақил, демократик, ҳуқуқий жамият кишисига хос бўлган миллий, ҳудудий маънавият, руҳият ва қадриятларнинг қонуниятларига, хоссаларига, механизмларига асосланган шарқона, ўзбекона юксак ахлоқий ҳислатларга эга инсонларни вояга етказиш республикамиз психологлари олдида турган асосий вазифаларидан биридир. Бунинг учун психологлар кўп тажрибаларда синалган тестлар, методлар, методикалар, муайян касбий малакалар, назарий ва амалий билимларни эгаллашлари, олинган натижаларни кўп қиррали таҳлил қила билишлари, чуқур талқин қила олишлари давр талаби бўлиши билан бир қаторда келажак авлод олдидаги вазифаларидир. Юқорида таъкидланганидек шахсни комил инсон сифатида шакллантириш, камол топтиришда иккиёклама ўзаро таъсирга бундай имконият яратиш зарур.



Тарихни қайси бир даврини тафаккуримизни анализ ва синтези асосида умумлаштириб кўрмайлик, унда ёшларда эътиқодни шакиллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрамиз. "Ахборот бўронлари даври" деб ном олган замонамизга келиб ёшларнинг эътиқодига нисбатан хуружлар кундан – кунга ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шу сабабли мазкур масала давлатимиз раҳбарияти диққат – эътиборидан бир сонияга бўлса ҳам четда қолмай келмоқда.

Ривожланишнинг янги босқичида шахдам қадамлар ташлаб бораётган халқимиз рухиятининг кўзгуси бўлган эътиқодни ҳар томонлама илмий асосда таҳлил этиш психологлар олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф, Абдурахмонова.З. Дин психологияси. – Тошкент: ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
2. Валиев Б.Н. Дин психологияси ва уни фанлар тизимидаги ўрни // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. 2012.
3. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик юз саволга – юз жавоб. – Тошкент: Тошкент ислом университети бирлашмаси нашр., 2017.
4. Расулов А.И, Турсунов Л.С. Диний бағрикенглик психодиагностикаси: назария ва амалиёт. – Тошкент, Мовароуннаҳр, 2017.
5. Ғозиев Э.Ғ., Тошимов Р.Ю. Психология. – Тошкент, 2005.



Ботирова Дилафруз Бозоровна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Дин психологияси ва педагогика"
кафедраси ўқитувчиси

ИЖОДКОР ТАЛАБАЛАР ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада ижодкорлик тушунчаси ҳамда ижодкор талабаларнинг эмоционал ҳолатларининг психологик хусусиятларини талабалар мисолида ўрганиш натижалари келтирилди. Тадқиқот давомида ижодкор талабаларнинг эмоционал ҳолатларини ўрганиш мақсадида янги усуллардан фойдаланилди.

Калит сўзлар: ижодкор, креативлик, эмоция, ижтимоийлашув, ижодий қобилият, қизиқиш, ҳайратланиш, интеллектуал, психокоррекция, ёш даврлари.

Аннотация: В данной статье представлены результаты исследования понимания творчества студентов и психологических характеристик эмоциональных состояний творческих студентов.

Ключевые слова: креативность, креативность, эмоция, социализация, творческие способности, любопытство, возбуждение, интеллектуальность, психокоррекция, возраст.

Abstract: The article deals with the tradition of matchmaking in the Uzbek culture. The ethnopsychological features of matchmaking have been disclosed by the author. The present state of this tradition and its role in the Uzbek culture have been analyzed. The issue of choosing a matchmaker has been discussed.

Key words: matchmaking, matchmaker, matchmaker women, matchmaker men, ethnopsychological features.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда тараққий этган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатяптики, ҳар қандай замонавий мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти халқ хўжалигининг барча соҳаларида инновацияларни қанчалик тез ва кенг жорий этилишига боғлиқдир. Мазкур мураккаб жараённинг муваффақиятини белгилаб берувчи асосий омил эса



тегишли тармоқ ва соҳада меҳнат қилувчи мутахассисларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятидир.

Ижодий фаолият маҳсулларини ўзлаштириш, уларнинг самарали қўлланишига эришиш ҳам албатта, одамдан муайян даражадаги креатив ёндашувни талаб қилади. Бироқ ўзгалар ижод намуналарини истеъмол қилиш билан чегараланиб, ўз касбий соҳасида шахсий ижодкорлик ҳисобига оригинал ғоялар ярата олмайдиган мутахассислар замон талабига жавоб бера олмайди. Назарий ва амалий ечимларни топишга қодир креативликка эга бўлмаган мутахассислардан ўзининг меҳнат фаолияти учун ҳам, умумдават миқёсидаги тараққиёт учун ҳам аҳамиятли янгича ёндашувлар, оригинал таклифлар, ностандарт муносабатга интилишни кутиш қийин. Бундай сифатларсиз замонавий дунёда мутахассис ўз касбининг ҳақиқий устаси, бетақрор услуб соҳиб янгиликни қабул қилишга ва ишлаб чиқаришга қобилиятли шахс сифатида шаклланиши мумкин эмас. Шу сабабли давлатимизнинг ёшлар сиёсатида ёшлар ижодий салоҳиятлар намоён этишлари учун зарур барча шарт-шароитларни яратиб беришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Баркамол авлод йили” давлат дастуридаги устувор йўналишлардан, унинг олдидаги вазифалардан бири ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат экани эътиборга лойиқ” [1: 80].

Умумий ўрта таълимда шахсни билимлар билан қуроллантириш, унинг интеллектуал тараққиёти, шу жумладан, ижодий тафаккурини ривожлантириш учун шароит яратилади. Мазкур таълим босқичида ёшларга нафақат тегишли билимларни бериш, балки уларда кутилмаган ҳулосалар чиқара олиш, ижодий фикр юритиш қобилиятини шакллантириш вазифаси бажарилади. Шунинг учун ўқувчиларда ижодий қобилиятни, креатив фикрлаш сифатини ривожлантириш умумий ўрта таълим муассасасидаги таълим тарбия жараёнининг асосий вазифаларидан бири сифатида долзарб аҳамият касб этади. Шундай экан, ижодкор талабалар эмоционал ҳолатларини психологик хусусиятларини ўрганишнинг самарали услубий, педагогик-психологик йўллари аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари ўзининг алоҳида долзарблиги ва ижтимоий қиймати билан ажралиб туради.

Методика. Тадқиқотнинг умумий методологик асосини детерминизм, умумий алоқадорлик, тараққиёт тамойиллари, психологиядаги шахс нуқтаи назаридан ёндашиш тамойили (С.Л.Рубинштейн) ҳамда Республика Президенти ва ҳукуматининг баркамол авлод тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўлида қабул қилган қарорлари, чиқарилган фармон ва фармойишлари ташкил этади [2: 121].

Тадқиқотимизда қуйидаги методлардан фойдаландик:

– кузатиш методи – ижодий қобилиятнинг турли даражасини намоён этувчи талабалар шахсига хос хусусиятларнинг ҳулқ-атвордаги ташқи ифодасини бевосита қайд этиш учун қўлланди;

– тест методи – “Таплар” тести, “Вартега тести” (Е.П.Ильин тавсифи бўйича), “Ниқобланган шакллар” тести (К.Готтшальд), Интеллектуал ҳиссиётларнинг ҳар хил турлари бўйича ўқувчилар кўрсаткичларидаги ўзгаришларда шакллантирувчи психологик таъсир натижасининг ифодаланиши (ўртача арифметик қийматлар асосида), Векслернинг ракамларни шифрлаш 7-субтести воситасида талабаларнинг ижодий тафаккури билан боғлиқ когнитив хусусиятлари текширилди;

– сўров методи – “Ижодий қобилиятни баҳолаш” (Е.Е.Туник) ўқувчилар ижодий тафаккури ривожланишига фаол таъсир кўрсатиш имкониятларини аниқлаш учун хизмат қилди;

– математик статистика методлари.

Эмпирик таҳлил. Тадқиқот материаллари ва натижалари ижодкор шахси, когнитив жараёнлар ҳамда шахс хусусиятларининг ўзаро муносабати ҳақидаги илмий тасаввурларни тўлдиради; креатив қобилиятлар ва уларнинг когнитив асослари ўқувчилик даврида ривожланишига хос хусусиятлар тўғрисидаги илмий билимларни бойитади. Тадқиқотда тўпланган материаллар ва қўлга киритилган натижалардан ижодий қобилиятлар психодиагностикаси тизимида фойдаланиш, унда синовдан ўтган услубий воситалар ўқувчилар билан ижодий қобилиятни ривожлантириш соҳасида амалга ошириладиган амалий ишда қўлланиши, умумий психология, ёш психологияси ва педагогик психология, иқтидорли болалар



психологияси, психодиагностика, психокоррекция фанларидан назарий ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин. "Торренс ҳалқачалари" методикаси расм чизиш орқали ижодий тафаккурнинг уч ажралмас хусусияти – тезлик, эгилувчанлик ва оригиналликни аниқлашга мўлжалланган. Ушбу методика воситасида текширув амалга оширилганда синалувчига 20 та бир хил доиранинг сурати тақдим этилиб, ажратилган вақт ичида ушбу доираларни асос қилиб олган ҳолда оригинал расмлар чизиш таклиф қилинади. Натижаларни текширишда чизилган расмлар, улар мансуб бўлган гуруҳлар ҳамда ноодатий расмлар миқдори ҳисобга олинади ва шу асосда ижодий тафаккур даражаси аниқланади.

Тадқиқотимизнинг бир қисмида талабалар шахсида интеллектуал ҳиссиётларнинг ривожланиши уларда ижодий ёндашувга нисбатан мойилликка қандай таъсир кўрсатишини текширишга йўналтирилади. Шунинг эътиборига олиб, тадқиқотнинг ушбу босқичида ижодий фаолликка майл билан юқори алоқадорликни намоён этувчи қизиқувчанлик, яхши ривожланган ҳаёл, мураккаб тушунчаларни хуш кўриш, таваккалчиликка мойиллик сингари хусусиятларни текширишга хизмат қилувчи Е.Е.Туник сўровномаси дан фойдаланишга қарор қилдик. Бунда тадқиқот ғояси бўйича фаолият маҳсули ёки жараёни эмас, айнан ижодий фаолликка мойилликнинг текширилиши кўзда тутилганини ҳисобга олиб, ушбу методиканинг психодиагностик имкониятлари бу вазифани бажаришга етарли, деган хулосага келинди. Сўровнома 50 та таъкиддан иборат бўлиб, синалувчидан уларга 4 хил жавоб варианты ("умуман олганда тўғри", "қисман тўғри", "умуман олганда нотўғри", "билмайман" каби вариантлар)дан фойдаланиб, ўз муносабатини билдириши талаб қилинади. Умумий натижалар 4 хил шкала – қизиқувчанлик, ҳаёл, мураккаблик, таваккалчилик шкаллари бўйича алоҳида ва умумлаштирилган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Жадвал № 1.

Ўқувчилар ижодий қобилияти ва ўрганишга ўқувчанлиги ўртасидаги алоқадорлик кўрсаткичлари (Ч.Спирмен ранг корреляцияси коэффиценти бўйича)

№	Таълим йўналиши	Таълим босқичи	Корреляцион алоқа объектлари	
			Ўрганишга уқувчанлик даражаси	Ижодий қобилият даражаси
1	Филология	2-курс (n=31)	0,73	p≤0,01
		4-курс (n=29)	0,68	p≤0,01
2	Тасвирий санъат	2-курс (n=33)	0,64	p≤0,01
		4-курс (n=31)	0,62	p≤0,01

Ҳақиқатдан ҳам, талабанинг яхши ривожланган ижодий қобилияти одатда барқарор диққат, муаммонинг ечимини топишга кучли йўналганлик, перцептив соҳада ўзини ўзи самарали бошқариш, фаолият давомида эмоционал кўтаринкилик билан уйғун бўлиши, унинг ўзи учун янги амалларни тез ўзлаштириб олишида қўл келади.



Қайд этилган ҳолатлар назаримизда, икки томондан тушунтирилиши мумкин: биринчидан, қатор тадқиқотларда исботланганидек, юқори мотивация суёт ривожланган интеллектуал қобилиятларни қисман компенсациялашга қодир айнан таълимга мотивациянинг шаклланиши сабабли ўзлаштириши паст ўқувчилар қаторига ақлий қобилиятлари юқори бўлган ўқувчилар тушиб қолиши мумкин; иккинчидан, баъзи муаллифлар маълумотида кўра ўқувчиларнинг $\frac{1}{3}$ қисми ижодий фаолиятга ҳалакат берувчи омил сифатида моддий эҳтиёжларнинг етарлича қондирилмаслигини таъкидлайдилар [3: 12].

Биринчи ҳолат бўйича, бизнингча, тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиқиб, юқори мотивация нафақат интеллектуал қобилиятлар ривожланишидаги салбий натижаларни, балки ижодий фаолиятни амалга ошириш учун ноқулай шароит таъсирини ҳам енгиб ўтишга, мослашиб фаолликни сусайтирмасликка хос бўлиши ҳақида хулосага келиш мумкин. Иккинчи



ҳолат юзасидан эса моддий таъминланмаганликни ижодий фаолиятнинг асосий тўсиғи деб билувчи талабадан ноқулай муҳит мавжуд бўлгунча ўз ижодий салоҳиятини ўстириш, ижод завқида ўз ҳаёти мазмунини топишга интилишни, шунга мувофиқ янгиликни ўрганишга эътиборли бўлишни кутиш кийин (1-жадвал).

Қизиқиш интеллектуал ҳисси вужудга келиши учун ҳам одамдан шахс даражасидаги муайян тайёргарлик талаб этилади. Негаки, узоқ муддатли қизиқиш қандайдир объектни билишга нисбатан ижобий эмоционал-мотивацион установкадан иборат бўлади [6: 215]. Одам бирор нарсага қизиқиш ҳис этиши учун уни билишга нисбатан ўзига хос сабрсизликни, якуний натижани билгунча қандайдир ички тажангликка эгаликни намоён этиши керак. Тадқиқотимизнинг шакллантирувчи босқичидан олинган натижалар шуни кўрсатаяптики, бу психик хусусиятнинг ривожланишини ҳам махсус уюштирилган психологик таъсир орқали стимуллаштириш мумкин. Бунинг учун одамни сунъий ҳосил қилинадиган номаълумлик қаршисига олиб келиш ҳамда унга ўзининг муайян ҳаракатлари билан маълумлик томон ўтиб бориши мумкинлигини аңлатиш йўли танланиши самаралидир.



1-расм. Интеллектуал ҳиссиётларнинг ҳар хил турлари бўйича ўқувчилар кўрсаткичларидаги ўзгаришларда шакллантирувчи психологик таъсир натижасининг ифодаланиши (ўртача арифметик қийматлар асосида)

Юқорида келтирилган натижалар орасида алоҳида эътиборга лойиқ жиҳат шакллантирувчи эксперимент орқали ўрганилган интеллектуал ҳиссиётларнинг барча турларида бир текис ўзаришнинг содир бўлмаганидан иборат. Қизиқиш ҳисси даражасидаги ўзгариш (ўртача 5,4 балл) ҳамда ҳайратланиш даражасидаги ўзгариш (ўртача 6,6 балл) га нисбатан шубҳаланиш ҳиссиётига мойиллик даражасидаги ўзгариш кичик микдорда (ўртача 4 балл) дир. Назаримизда бундай ҳолат шубҳаланиш ҳиссининг шахсдаги хавотирланиш, тафаккур танқидчанлиги каби барқарор шахсий ва когнитив сифатларга қаттиқ боғлиқлиги



шунинг учун кучли даражада ўзгариши одамнинг шахс сифатида катта ўзгаришларни бошидан ўтказишига боғлиқ бўлиб қолгани туфайлидир (1-расм).

Тадқиқотимизнинг шакллантирувчи босқичи олдидаги вазифаларни бажаришнинг навбатдаги босқичида тажриба гуруҳи аъзолари бўлган ҳамда интеллектуал ҳиссиётларга мойиллик даражасида ижобий динамика қайд этилган ўқувчиларда ижодий фаолликка интилиш билан боғлиқ сифатлар даражасида қандай ўзгаришлар рўй берганини ҳисоблаш амаллари бажарилди. Уларнинг натижаларига кўра ўқувчиларнинг интеллектуал ҳиссиётларга бўлган мойиллик даражасидаги ўзгариш уларнинг ижодий фаолликка муносабатига ҳам конструктив руҳда таъсир кўрсатишини тасдиқламоқда.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, талабалар ижодий тафаккурининг ривожланиши уларнинг таълим йўналиши ҳамда босқичдан қатъи назар билимларни ўрганишга нисбатан мойиллик ўқув эҳтиёжини ортишига таъсир кўрсатувчи муҳим психологик омилга айланади.

Ижодий тафаккур даражасининг талаба шахсидаги ҳолатини ўрганиш уқуви сифати билан алоқаси тўғридан тўғри чиқиқли шаклда бўлмай, унинг ўзаро таъсир йўналиши кўп жиҳатдан устувор эҳтиёжлар мазмунига боғлиқ бўлади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди. Талабалар ижодий тафаккурининг юқори даражасини уларда ҳурмат қозониш, шахсий салоҳиятни рўёбга чиқариш эҳтиёжлари устувор бўлганда ўрганиш уларнинг билим олишга интилиши, уқуви ривожланишига айниқса, кучли ижобий таъсир кўрсатади. Креативлик кўрсаткичлари паст бўлган вазиятда эса бу мотивацион омил муайян даражагача муҳит шахсга тақдим этмаётган шарт-шароитни компенсациялаш имкониятига эгаллиги билан характерланади..

Адабиётлар:

1. "Баркамол авлод йили" давлат дастури. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
2. Абакумова И.Б., Шкуратова И.П. Когнитивный стиль студента как фактор успешности его обучения // Когнитивные стили: Тез. науч.-практ. семинар. – Таллин, 1986. – С.120-122.
3. Абдалова С.Р. Талабанинг ижодий қобилиятини ривожлантиришда мустақил таълимнинг аҳамияти // Таълим технологиялари. – Тошкент, 2006. – №6. – Б.12-13.
4. Аганисьян В.М. Развитие творческого мышления студентов-педагогов // Вопросы психологии. – 1982. – № 6. – С. 97-100.



Расулов Абдимўмин Ибрагимович,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Дин психологияси ва педагогика" кафедраси доценти, психол.ф.н.

ПСИХОДИАГНОСТИК ТЕСТНИНГ АМАЛИЁТДА ТАТБИҚ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақола шахс хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган психодиагностик тестнинг татбиқ этиш хусусиятларига бағишланган. Унда психодиагностик тест шахсни тадқиқ этишининг усулларида бири эканлигига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: психодиагностика, психодиагностик тест, шахс, юқори шкала, қуйи шкала, невротизм, психотизм, депрессия, виждонлилик, турғунлашганлик, тобелик, умумий фаоллик, мулоқотмандлик, эстетик таасуротчанлик, назокатлилик, психик беқарорлик, асоциаллик, интроверсия, сензитивлик.

Аннотация: Статья посвящена психодиагностическому тесту, ориентированному на личностные качества. В нем основное внимание уделяется как психодиагностический тест является способ изучения личности.

Ключевые слова: психодиагностика, психодиагностический тест, личность, верхняя шкала, нижняя шкала, невротизм, психотизм, депрессия, совестливость, расторможенность, обобщая активность, робость, общительность, эстетическая впечатлительность,



женственность, психическая неуравновешенность, асоциальность, интроверсия, сензитивность.

Abstract: The article is devoted to a psycho-diagnostic test focused on personal qualities. It focuses on how a psychodiagnostic test is a way of studying personality.

Key words: psychodiagnostics, psychodiagnostic test, personality, upper scale, lower scale, neuroticism, psychotism, depression, conscientiousness, disinhibition, general activity, shyness, sociability, aesthetic impressionability, femininity, mental imbalance, asociality, introversion, sensitivity.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда психология фанининг ривожига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бораётганлиги ҳамда бу борада ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар соҳа мутахассислари олдида юксак масъулият юклади. 2019 – 2020 ўқув йилларида 5210200 – Психология (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши ва 5A210201 – Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги негизда амалий психология, оила психологияси, дин социопсихологияси, ёшлар психологияси, спорт психологияси бўйича бакалаврлар ҳамда умумий психология, ижтимоий психология, оилавий муносабатлар психологияси, дин психологиясидан магистрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таҳсил олаётган бакалавр ҳамда магистрларнинг ўқув жараёни билан илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш эса ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот воситаларига зарурат туғилади. Шунингдек, психологлар касбий тайёргарлиги психология фанининг амалий соҳалари бўйича методикалар билан таъминлаш муҳим масалалардан бири саналади. Шу боисдан ҳам юқоридан номлари келтирилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режаларида “Умумий психодиагностика”, “Психодиагностика ва психометрика асолари”, “Тестология” сингари фанларни ўқитиш режалаштирилган. Мазкур фанларни ўқитишда психологик ўлчов ишларини ташкил этиш қоидалари, психологик баҳолаш воситаларини шакллантириш, уларни ишончлилиқ, яроқлилиқ ҳамда стандартлаштириш тамойиллари асосида амалиётда қўллаш хусусиятлари инобатга олинган. Психологлар касбий тайёргарлиги жараёнида энг кўп маълумотга эга бўлишни талаб этадиган масала шахс ҳисобланади. Шахснинг тадқиқ этиш воситалари, уларни шакллантириш ва амалиётда татбиқ қилиш бу соҳанинг энг долзарб йўналиши саналади. Бу борадаги жаҳон психологиясидаги тажрибалар анчагина салмоқли ўринга эга. Муаммонинг ушбу жиҳатини инобатга олган ҳолда мазкур таҳлилий материалда шахснинг тадқиқот методикасининг тафсилотини, унинг маҳаллий муҳитга мослаштириш бўйича олиб борилган психометрик ўлчов ишлари хусусида сўз боради.

Методика. Шахсни ўрганиш сўровномаларининг илмий асосланган шакллари фанга кириб келганлигига ҳам бир асрдан ортиқроқ давр ўтди (Роберт Сессиян Вудвортс (1917). Кейинчалик Европа ва АҚШда қатор шахсни тадқиқ этиш методикалари шакллантирилдики, улар психологиянинг мумтоз тадқиқот воситалари сифатида эътироф этилади. Масалан, 20-асрнинг 40-80-йилларида ММРІ (Психиатр Старк Хатүэй ва клиник психолог Джон МакКинли) ва унинг модификациялари (Л.Н.Собчик, “Шахснинг тадқиқ этишнинг стандартлаштирилган кўп омилли методи (СМИЛ) [9], Ф.Б.Березин, “Шахснинг кенгқамровли тадқиқот методикаси (ММИЛ)” [2], Майерс-Бриггс шахс типлари индикатори [6], Р.Б.Кеттелнинг “Шахсни 16 омил ёрдамида ўргаиш сўровномаси (16 PF)” [4] шакллари, Г.Ю.Айзенкнинг экстраверсия-интроверсия ва нейротизмнинг ўрганиш сўровномалари (EPI, EPQ) [1], Калифорния шахс сўровномаси (Харрисон Джордж Гоух) [3], Невротиклик ва психопатия даражасини ўрганиш сўровномаси (Россия, Личко А.Е., В. М. Бехтерев номидаги илмий тадқиқот институти) [11], Постравматик стрессдаги бузилишлар Миссисипи шкаласи (Keane Т.М) [10], Тейлорнинг безовталиқни намоён бўлиш шахс шкаласи (Дж.Тейлор) [7], Депрессия ҳолати сўровномаси (Россия, В. М. Бехтерев номидаги илмий тадқиқот институти), Индивидуал типологик сўровнома (Россия, Л.Собчик) [9]. Ушбу тоифа методикалар доирасига В. А. Мельников, Л. Я. Ямпольскийларнинг “Психодиагностик тест” [5, 8] номли шахсни ўрганиш сўровномаси киритиш мумкин. Психодиагностик тестни амалиётда қўллаш билан боғлиқ изланишлар мамлакатимизда 1993 йил А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини малакасини ошириш марказий институти ҳузуридаги “Ўқитувчи психологияси” лабораториясида психология фанлари доктори, профессор Р.З.Гайнутдинов ва лаборатория ходимлари



Р.Тўрахонова, П.Г.Кулешов, Р.Абдуллаева, А.И.Расуловлар томонидан дастлабки мослаштирув ишлари амалга оширилган, аммо психометрик ўлчаш ишлари якунланмаган эди. Сўровноманинг ўзига хослиги шундаки, муаллифлар ММРІ ва Р.Б.Кеттелнинг "Шахсни 16 омил ёрдамида ўрғайиш сўровномаси (16 PF)"ни факторлари ўртасидаги корреляцион ва факторли боғлиқликларни аниқлаш асосида шакллантирилди. Бундан кўринадики, сўровнома илмий асос сифатида хизмат қилган методикалар ўлчаши мумкин бўлган шахс хусусиятларини аниқлаш имкониятини беради.

Эмпирик таҳлил. Юқоридаги ҳолатлардан ва олиб борган тажриба-синовимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда методиканинг шкалалари тузилмасини қуйидагича изохлаш мумкин. Психодиагностик тест таркибидаги саволлар 14 та шкалага мужассамлаштирилган бўлиб, улардан 10 таси қуйи тартибли шкала ва 4 таси юқори тартибли шкала ҳисобланади. Қуйи шкала таркибига невротизм (1) (*невротизм* – шахснинг эмоционал беқарорлиги, безовталаниши, ўзига паст назар билан қараши, вегетатив бузилишларини тавсифловчи ҳолатдир.), психотизм (2) (*психотизм шкаласи* эса шахснинг хулқ-атворида мутаносиблигини текширишга қаратилган.), депрессия (3) (*депрессия* шахсдаги салбий эмоционал фонни, мотивациясидаги ўзгаришларни, когнитив (билиш) тасаввурлари ва хулқидagi умумий пассивликни ифодалайди.), виждонлилик (4) (*виждонлилик шкаласи* шахснинг ижтимоий норма ва этика талабларига ҳурматини, ўзини ўзи назорат қилиши, виждони ва умуминсоний қадриятларга муносабатини ифодалайди), турғунлашув (5) (*турғунлашганлик шкаласи*да шахс хулқ-атворининг вазминлашганлиги ва ижтимоийлашганлиги мужассамлашган), умумий фаоллик (6) (*умумий фаоллик* шкаласи шахснинг кучи, қуввати ва умумий фаоллик даражасини ўлчайди), тобелик (7) (*тобелик шкаласи* бу журъатсизлик, кучлилик ва шахслараро муносабатдаги чекланганликни характерлайди), мулоқотмандлик (8) (*мулоқотмандлик шкаласи* шахснинг мулоқот жадаллиги ва кўламини белгилайди), эстетик таассуротчанлик (9) (*эстетик таассуротчанлик* эса шахснинг эстетик ва бадиий қадр-қимматларга сезгирлигини аниқлайди) ва назокатлиликлар (10) (*назокатлиликда* шахснинг маданият ва жамият кўрсатмаларига назокатлилик билан ёндашиши ўз ифодасини топади) киради. Юқори шкалани эса психик беқарорлик (11) (*психик беқарорлик шкаласи* шахсдаги невротизм, психотизм, депрессияни мужассамлаштириб, психик беқарорликни умумий тарзда баҳолашга ёрдам беради), асоциаллик (12) (*асоциаллик* ёрдамида шахснинг ижтимоий қўниқиши баҳоланади), интроверсия (13) (*интроверсия шахснинг* ижтимоий муносабатларга боғланишини) ва сензитивлик (14) (*сензитивлик* эса шахснинг эмоционал кечинмалардаги нозик томонларни тафсилотини аниқлашга мўлжалланган) ташкил этган.

Жадвал № 1.

**Психодиагностик тест шкалаларининг ишончлилик коэффиценти
(n=319)**

Но	Методика шкалалари	Ретест текширув натижаси
1	Невротизм	0,541**
2	Психотизм	-0,403*
3	Депрессия	0,391*
4	Виждонлилик	0,399*
5	Турғунлашганлик	-0,504**
6	Умумий фаолият	0,461*
7	Тобелик	0,411*
8	Мулоқотмандлик	0,791**
9	Эстетик таассуротчанлик	0,561**
10	Назокатлилик	0,483**
11	Психик беқарорлик	0,579**
12	Асоциаллик	0,455*
13	Интроверсия	0,408*
14	Сензитивлик	0,652**

Изох: *p≤0,05; **p≤0,01



Сўровномани ўзбек муҳитига мослаштириш жараёнида психометрик мезонлар бўйича кўрсаткичлари аниқланди. Бунинг учун методикаларнинг ишончилигини аниқлашнинг ретест қоидасига асосланиб бир ярим ойлик вақт оралиғида ретест ўтказилди. Тажиба-синов натижаларига кўра дастлабки ретест бўйича сўровнома шкалалари $r = -0,504 \div 0,652$ корреляция муносабат коэффицентлар оралиғини ташкил этди. Агар ушбу ишончилилик кўрсаткичларини методикалар илмийлик мезонлари меъёрийларга кўра баҳолайдиган бўлсак, ишончилилик коэффицентлари $r = 0,75 \div 0,8$ дан кам бўлмаслиги кераклиги таъкидланган. Шундай бўлса-да, мослаштириш жараёнининг дастлабки босқичида $0,45 \div 0,50$ оралиқдаги қийматлар олиш ҳам мумкинлиги таъкидланган [6,41]. Бу ҳолат дастлабки мослаштириш жараёни учун хос экан. Мазкур методиканинг мослаштириш жараёнида саволларнинг маданий муҳитга мослиги тўлақонли таъминлангандан сўнг, ишончилилик кўрсаткичлари юқори бўлишига эришилади. Дастлабки мослаштириш натижаларига таянган ҳолда бўлса, сўровноманинг ўзбек муҳити учун мўлжалланган шаклини тўлиқ тафсилотини қуйида келтириб ўтилади.

Психодиагностик тестнинг саволномаси (В.А. Мельников, Л.Я. Ямпольский). Қуйида тақдим қилинаётган тасдиқлар билан танишаётганингизда уни сизни яхши биладиган киши номидан (ота-онангиз, дўстларингиз ёки бошқа танишлар) ёзилган деб тасаввур қилинг. Қуйдагиларнинг айрим жойлари мос келади, яъни сиз шундай деб ҳисоблайсиз, айрим жойлари мос эмас, яъни сиз бундай деб қарамайсиз. Қуйдагиларнинг қайсилари мос келади қайси бирлари мос келмаслигини белгиланг:

1. Барча жавобларни махсус жавоблар бланкида қайд етинг. Саволлар варақасига белгилаб қўйманг.

2. Саволлар номери жавоб варақасидаги жавоб номерига мос келишига эътибор беринг.

3. Иложи борица ноаниқ жавоблар бермасликка ҳаракат қилинг. Қайсидир мулоҳаза сизга мақул келса энг қулай тахминий жавобни беринг.

4. Жавобни ўйлашга кўп вақт сарфламанг. Кўп ўйламасдан биринчи пайдо бўлган жавобни белгиланг.

5. Тасдиқларга “ҳа”, “йўқ” тарзда жавоб беришингиз мумкин. Жавобларни қуйдаги белгилар ёрдамида қайд этинг:

“ҳа” – “0”, “йўқ” ни “х” ва “жавоб бериш қийин” – “?”

Тест тасдиқлари рўйхати:

1. Ҳар доим эрталаб ўзимни енгил ва тетик ҳис этиб уйғонаман.
2. Вақти-вақти билан арзимаган нарсалардан ҳаяжонланаман.
3. Кўпинча ўзимни қаттиқ толиққандек ҳис қиламан.
4. Кўп қайғураман.
5. Кимдир менга қаршидек.
6. Кўпинча ҳар хил таомларнинг таъми бир хил туюлади.
7. Ўзларини алдашга йўл қўядиган кишиларни алдайдиган одамни қоралаш нотўғри.
8. Атрофимдагилар сохтага ўхшаб туюлади.
9. Мен режаларимни омад ва бахтли тасодифларни ҳисобга олиб тузаман.
10. Баъзан қийинчиликлар кўп ва уларни енгил мумкин эмасдек туюлади.
11. Баъзан менда қайғули ўйлар пайдо бўлади.
12. Кўпинча бир ишни бажараётганимда ўйлаб ўтирмасдан биридан иккинчисига ўтиб кетаман.
13. Барча, ҳатто яширин қилинган ҳатти-ҳаракатлар ҳам жазосиз қолмайди деб ўйлайман.
14. Ҳар кунги иш жонга теккандек, зарурат йўқдай бўлиб туюлса ҳам уни охиригача етказиш керак деб ҳисоблайман.
15. Мен қатъий эътиқодли одамман.
16. Мен нозик қарашмалар билан суҳбатлашишни ёқтираман.
17. Менга бир-бирларини устидан ҳазил қиладиганлар давраси ёқади.
18. Мен ҳаракатли ўйинларни ва ҳордиқ чиқаришни ёқтираман.
19. Менга отда юриш ёқади.
20. Кўпинча қатъиятсизлигим туфайли кўп нарсани бой бериб қўйман.
21. Мен нотаниш кишилар билан суҳбатлашишга қийналаман.
22. Мен тортинчоқлигимни қийинчилик билан яширишга муяссар бўламан.
23. Мен доимо ижтимоий тадбирлар ва мажлисларга қатнашаман.



24. Мен осон мулоқотга киришаман.
25. Мен зиёфатларда ва қувноқ давраларда бўлишни ёқтираман.
26. Мен санъат тўғрисидаги китобдан кўра ҳар хил мамлакатларнинг бошқаруви тўғрисидаги китобни сотиб оламан.
27. Мен доимо техникага қизиқаман (масалан, автомобил, самалёт, моцикил ва бошқалар).
28. Мен газетадаги "ишлаб чиқариш ва савдони такомиллаштириш" мавзусидаги мақоладан кўра "маданият ва санъатнинг замонавий муаммолари" мавзусидаги мақола кўпроқ қизиқтиради.
29. Мен тиббиёт хизматчиси (врач, тиббиёт ҳамшираси) бўлишни хоҳлар эдим.
30. Менга котиблик иши ёқади.
31. Мен вақти вақти билан сержаҳл ва ғазабкор бўлиб қоламан.
32. Менда нотинчлик ҳолати юз берса ўзимни бир жойга қўя олмайман.
33. Кўпинча менга жажлинг тез дейишади.
34. Мен кўпинча сержаҳл ва эзмалигимдан афсусланаман.
35. Мнинг жиддий зарар келтирадиган душманларим йўқ.
36. Менда ғалати ва ғаройиб фикрлар пайдо бўлади.
37. Деярли ҳар куни мени кўрқитадиган ҳодиса рўй беради.
38. Гоҳида ўзимга ёқадиган одамларнинг дилини оғритиб тургим келади.
39. Гоҳо ўзимни фойдасиздек ҳис қиламан.
40. Ота- оналарим кўпинча менинг танишларимга ёмон муносабатда бўладилар
41. Менда шундай ҳоллар бўладики ишдан осон диққатимни бўламан.
42. Вақти-вақти билан менда ўзим доимо севадиган оила азоларимга нисбатан нафрат ҳисси пайдо бўлади.
43. Мен ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий риоя қиламан.
44. Агар бирор кишига ёлғон гапиришга мажбур бўлсам, бошқа томонга қараб туришимга тўғри келади.
45. Адвокатнинг усталик билан қилган ҳимояси туфайли жиноятчини озод қилиниши мени ғазаблантиради.
46. Мактабда дарсларни кам қолдирганман.
47. Суҳбатда ўлим тўғрисида хазиллар қилишни ўринли деб ҳисоблайман.
48. Мен рақсга тушишни ёқтираман.
49. Мен боксчилардан кўра қиличбозлар мусобақасини мириқиб томоша қиламан
50. Мен балиқ овлашни ёқтираман (ёқтирар эдим).
51. Мен ўзимда тортинчоқлик ҳиссини янада камроқ бўлишини хоҳлайман.
52. Давраларда суҳбат мавзусини тополмай қийналаман.
53. Мен янги одамлар билан бажони дил танишаман.
54. Болалигимда бир- бирини қўллаб қуватлайдиган болалар даврасида эдим.
55. Ёлғизликда ўзимни бахтлироқ ҳис қиламан.
56. Менимча файласуфдан кўра инженер (муҳандис) бўлган қизиқарлироқ.
57. Мен ўзимни бошқаларга қараганда гўзалликка, ҳаётнинг естетик томонларига таъсирчанроқ деб ўйлайман.
58. Мени маънавий ва рухий бойликлардан кўра иш борасидаги ва моддий муваффақиятлар кўпроқ қизиқтиради.
59. Мен овқат тайёрлашни ёқтираман.
60. Рассом бўлганимда гулларни тасвирлашни ёқтирган бўлар эдим.
61. Менинг жаҳлим тез, лекин тез ўзимни қўлга оламан.
62. Баъзан мен шунчалик ҳаяжонланаманки, ҳаттоки ухлашим қийин бўлиб қолади.
63. Асабим жойида деб ўйлайман (атрофимдагилардан).
64. Мен доимо хотиржамман ва бу ҳолатимдан чиқариш осон эмас.
65. Мен жаладан кўрқаман.
66. Кўпчилик одамларни нопокликда айблаш мумкин.
67. Агар одамлар менга яхши муносабатда бўлганларида, мен анча кўпроқ муваффақиятга эришган бўлар эдим.
68. Менда ғалати мистик (сирли) ҳаёллар пайдо бўлади.
69. Одамлар орасида ҳам ўзимни ёлғиз ҳис қиламан.



70. Менинг ҳаётимда орзулар кўп ўрин олган.
71. Менинг режаларим баъзан амалга ошиши қийиндек туюлади, оқибатда улардан воз кечаман.
72. Кўпинча мен бир неча нарсага баравар қизиққанам сабабли, бир нарсага доимо қизиқиш ҳоллари жуда кам учрайди.
73. Мен доимо маъсулият ва жавобгарлик ҳисларига амал қиламан.
74. Ҳаёт мазмунининг фақат битта тўғри тушунчаси бор деб ўйлайман.
75. Мен жиддий мавзулардаги маърузаларни ёқтираман.
76. Баъзан бетайин одамларнинг чаққонлигига қойил қоламан, ҳатто уларга хайрихоҳлик қила бошлайман.
77. Мен атрофдагиларни хижолат қиладиган ғалати гапларни айтишдан ўзимни тийиб туришга ҳаракат қиламан.
78. Мен авто пойгачи бўлишни ёқтирган бўлар эдим.
79. Баъзан ҳайвонларнинг ғашини келтираман.
80. Мен шер ва йўлбарисларни овлашни ёқтирган бўлар эдим.
81. Мен болалар билан мулоқотда гапни биринчи бўлиб бошлайман.
82. Ўқувчилик пайтимда бутун синф олдида гапириш мен учун қийин эди.
83. Мен нотаниш кишилар билан ҳамма қатори тез тил топишаман.
84. Мен ишдан бўш вақтларда дўстларим билан учрашишни ёқтираман.
85. Мени одамлар билан бирга бўлишимга имкон берганлиги боис жамоатчилик ишлари ёқади.
86. Мен меҳнат таътилимни гавжум оромгоҳли шаҳарлардан кўра одамлардан узоқда жойлашган тинч уйда ўтказган бўлар эдим.
87. Менга дунё ресурсларини очилиши ва ишлатилиши ҳақидаги илмий маълумотлардан кўра тарихий романни ўқиш ёқади.
88. Менга шеърят ёқади.
89. Менга гулчилик билан шуғулланиш маъқул.
90. Мен болаларни севаман.
91. Мен кўнгилсизликларимдан шунчалик азобланаманки, уларни анча вақтгача унутолмайман.
92. Менда ҳаяжон туфайли ухлай олмайдиган ҳоллар ҳам бўлади.
93. Мени хафа қилиш қийин.
94. Айрим масалалар шунчалик ўйлантириб қўядики, улар ҳақида гапириш ҳам қийин.
95. Кўнгилсизликлардан қутилиш учун ҳамма ёлғон гапира олади деб ўйлайман.
96. Ҳеч кимга ишонмаслик хатарсизроқдир.
97. Мен кўпчилик кишиларни бу ҳақда олдин ўйлаб кўрмаганликлари сабабли менга яхши ғояларимга ишончсизлик ва ғаразгўйлик билан қарашларини ҳис этаман.
98. Мен учун хатарсиз бўлса ҳам айрим нарса ва одамлардан ҳайиқаман.
99. Менда тез-тез муваффақиятдан умидсизланиш ҳоллари бўлиб туради.
100. Баъзан мен ўзим яхши билмайдиган одамларга мактайман.
101. Мен тез ўзимни йўқотиб қўяман.
102. Менда узоқ вақтгача ўзимни ишлашга мажбурлай олмаганлигим боис ҳеч нарса қила олмаслик ҳолати бўлади.
103. Баъзан ўзимни ҳеч нарсага қодир эмасдек ҳис қиламан.
104. Мен кимдир кўполлик ёки нодонлик қилса уни тузатаман.
105. Мен ахлоқ одоб мавзулардаги китоблар, мақолалар ўқишни ёқтираман.
106. Мен мактабда ҳуқим учун қониқарсиз баҳолар олардим.
107. Мен одамлар устидан ҳазил қилишни ёқтираман.
108. Мен спорт ўйинлари ва мусобақалардан гаров ўйнасам улардан кўпроқ ҳузур оламан.
109. Мен одамлар гавжум бўлишидан ҳаяжонланишни ёқтираман.
110. Мен ов қилишни ёқтираман.
111. Мен одамлар йиғилган ва гаплашаётган хонага тортинмасдан кираман.
112. Баъзан ўзимнинг камчиликларим туфайли ҳуқуқларимни ҳимоя қилишим қийин бўлиб қолади.
113. Янги жамоага тез киришиб кетаман.



114. Мен давралар, ўйин ва бошқа жамоат ишларини уюштиришда фаол иштирок этаман.
115. Иложи борица одамлар гавжум бўлган жойлардан қочишга ҳаракат қиламан
116. Менга одамлар билан ишлашдан кўра техника билан боғлиқ ишлаб чиқариш соҳасида ишлаш қизиқарлироқ.
117. Менга анъанавий таомлардан кўра ғаройиб, экзотик маҳсулотлардан тайёрланган таомлар ёқади.
118. Журналист бўлганимда театир ҳақида ёзишни маъқул кўрадим.
119. Мени кўғирчоқлар билан ўйнаш кам қизиқтиради.
120. Менга хотин- қизлар кийимини тикиш фаолияти ёқади деб ўйлайман.
121. Мен ҳамма нарсани кўнглимга яқин оламан.
122. Кутиш менинг асабимга тегади.
123. Менда ҳафтасига бир ёки ундан кўпроқ ҳаяжонли ва кайфиятим бузиладиган ҳоллар бўлади.
124. Мен ҳамма нарсани бошқалардан кўра кучлироқ ҳис қиламан.
125. Мени кузатиб турибдилар деб ўйлайман.
126. Бошим ва бурнимни узок вақт давомида нима биландир тўладек ҳис қиламан.
127. Баъзан озимга ёки кимгадир зиён етказгим келади.
128. Одамлар бошқалар билан содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларга бепарво.
129. Баъзан ҳаёлимга ёмон фикрлар келади, улардан қутила олмай қийналаман.
130. Баъзан уйимдан бутунлай кетиб қолгим келади.
131. Менинг хулқ- атворим атрофдагиларнинг урф-одатларига боғлиқ.
132. Мен бу ҳолат кейинчалик қийинчилик туғдирса ҳам лаҳзали, ғайри-шурурли ҳаракат қилишни ёқтираман.
133. Кўнгилсиз ҳолатдан қутилиш учун касалликни баҳона қилиш мумкин.
134. Мен одамларни спиртли ичимлик истеъмол қилишдан сақланиши керак деб ҳисоблайман.
135. Ифлос нарсалардан жирканамаман ва кўрқаман.
136. Мен севги-муҳаббат мавзусида суҳбатлашишни ёқтираман.
137. Мен беозор хазиллар қилишдан роҳатланаман.
138. Мен ахлоқсиз латифалар айтишдан уяламан.
139. Зарур бўлганда мен дўстларимни бирлаштириб, ортимдан эргаштира оламан.
140. Дам олиш учун фаол ҳаракатли ўйинлар ва кўнгилхушлиқдан кўра китоб ўқиш ва ақлий машғулотлар билан машғул бўлишни афзал кўраман
141. Даврада ўзимни бироз ноқулай сезаман, шунинг учун ёмонроқ таассурот қолдираман.
142. Агар дўконда ёки кўчада одамлар кузатиб турсалар мен ўзимни ноқулай ҳис қиламан.
143. Мен учун фикримни сўзлар орқали баён этиш қийин шунинг учун бошқалар каби суҳбатга тайёргарлик билан кириша олмайман.
144. Одамлар орасида бўлиш менга ёқмай қолди.
145. Агар жамоа бўлиб бирор жойга, ёки тадбир режалаштирилаётган бўлса даврага жон деб қўшилган бўлар эдим.
146. Ёлғиз ўзим ўрмон ва тоғлар орасидаги кулбада яшаганимда бахтли бўлар эдим.
147. Телевизорда концертдан кўра янги ихтирони кўрган бўлар эдим.
148. Баъзан ўзимга аҳамиятлилигидан эмас балкий принцип учун қайсар ва ўжар бўлиб қоламан.
149. Мен ашулачи бўлишни ҳоҳлайман.
150. Мен гуллар теришни ва уй ўсимликларини парвариш қилишни ёқтираман
151. Мен кўпчилик одамларга нисбатан ҳиссиётга берилувчанман
152. Одамлар билан мулоқотда сабрим чидамайди
153. Баъзида арзимаган нарса менинг ҳаёлимни олади ва бир неча кун қийнайди
154. Менга қаратилган танқид ва баҳолар кам таъсир қилади.
155. Баъзан асабим зўриқиш арафасида тургандек бўлади.
156. Кўпинча менинг хатти- ҳаракатларимни атрофдагилар нотўғри тушунади.
157. Кўпинча одамлар фойда учун нопок ишдан қайтмайдилар деб ҳисоблайман.



158. Мени сабабсиз кам жазолаганлар.
 159. Менга қарши нимадир ташкил қилинапти.
 160. Айрим оиламиз аъзоларининг одатлари менинг жаҳлимни чиқаради.
 161. Менда кайфият бузилиши камдан-кам юз беради.
 162. Шундай ҳам бўладики мен ўз кучимга ишонмаганимдан бошлаган ишимни ташлаб қўяман.
 163. Оиламизда сержаҳл одамлар бор.
 164. Аёлларнинг чекишини кўрсам жаҳлим чиқади.
 165. Қонунга риоя қилиш шарт деб ҳисоблайман.
 166. Деярли доимо кучли эҳтиросларга эҳтиёж сезаман.
 167. Бошқа жинс вакиллари билан суҳбатда уялтириш мумкин бўлган қалтис мавзулардан йироқ бўламан.
 168. Мен пулга карта, домино ва бошқаларни ўйнашни ёқтираман.
 169. Журналист бўлганимда спорт тўғрисида ёзган бўлар эдим.
 170. Баъзан дўстларим уйда қолгилари келса ҳам бирор жойга боришга мажбур қиламан.
 171. Агар кўпчилик олдида сўзга чиқиш ва ўз фикримни билдиришим зарур бўлса, одамлар кўплиги мени ҳаяжонлантирмайди.
 172. Мен мўъжизага ишонаман.
 173. Мен тезда ўзимни йўқотиб қўяман.
 174. Саволларга жавоб бериш мен учун осон ва қизиқарли.
 Сўровноманинг татбиқ этгандан кейинги босқич бирламчи натижаларни қайта ишлашдан иборат. Сўровномдан фойдаланувчилар қуйидаги сўровнома калитидан фойдаланадилар.
Сўровнома калити. Сўровноманинг калитига мос келган ҳар бир жавобларга 1 баллдан берилади ва шкалалар бўйича барча жавоблар йиғиндиси ҳисоблаб топилади.
 1. Невротизм: Ҳа: 2, 3, 4, 31, 32, 33, 34, 61, 32, 91, 92, 94, 121, 122, 123, 124, 151, 152, 153, 154, 155; Йўқ: 1, 63, 64, 93
 2. Психотизм: Ҳа: 5, 6, 7, 8, 36, 37, 38, 65, 66, 67, 68, 95, 96, 97, 98, 125, 126, 127, 128, 156, 157, 158, 159; Йўқ: 35
 3. Депрессия: Ҳа: 9, 10, 12, 39, 40, 41, 42, 69, 70, 71, 7299, 100, 101, 102, 103, 131, 132, 133, 160, 162, 163; Йўқ: 11, 161.
 4. Виждонлилиқ: Ҳа: 13, 14, 15, 43, 44, 45, 73, 74, 75, 104, 105, 134, 135, 164, 165.
 5. Турғунлашганлик: Ҳа: 16, 17, 46, 47, 76, 106, 107, 108, 136, 137, 166, 168; Йўқ: 77, 138, 167.
 6. Умумий фаоллик: Ҳа: 18, 19, 48, 50, 78, 79, 80, 108, 109, 110, 139, 140, 169, 170; Йўқ: 49
 7. Тобелиқ: Ҳа: 20, 21, 22, 51, 52, 81, 82, 101, 141, 142, 143; Йўқ: 53, 83, 111, 113
 8. Мулоқотмандлик: Ҳа: 23, 24, 25, 53, 54, 84, 85, 86, 114, 145; Йўқ: 55, 115, 116, 144, 146.
 9. Эстетик таассуротчанлик: Ҳа: 26, 28, 56, 57, 58, 87, 88, 89, 11, 118, 147, 148, 149; Йўқ: 27, 119.
 10. Назокатлилиқ: Ҳа: 29, 30, 59, 60, 89, 90, 120, 149, 150; Йўқ: 119.
 11. Психик беқарорлик: Ҳа: 2, 4, 10, 11, 32, 39, 41, 69, 71, 99, 121, 124, 151, 153, 154, 155, 162, 173; Йўқ: 161.
 12. Асоциаллик: Ҳа: 16, 17, 106, 107, 166; Йўқ: 13, 15, 43, 44, 45, 73, 77, 136, 165, 167;
 13. Интроверсия: Ҳа: 21, 22, 51, 52, 81, 82, 112, 115, 141, 142, 143; Йўқ: 24, 25, 53, 83, 84, 111, 113, 114, 172.
 14. Сензитивлик: Ҳа: 26, 28, 29, 56, 88, 89, 117, 118, 120, 147, 150, 171; Йўқ: 27, 58, 119.

Сўровнома натижаларини қайта ишлашдан олинган эмпирик кўрсаткичлар методиканинг баҳолаш шкалаларидаги стандарт меъёрларга таяниб талқин этилади.

Натижалар талқини. Психодиагностик тест инсоннинг психологик портретини тасвирлайди. Унинг натижаларини таҳлил қилишда сўровноманинг меъёрий кўрсаткичлари билан стандарт меъёрларининг ўзаро мослигини инобатга олиш муҳим (*хом баллар/ стенлар бўйича баллар*). *Дастлаб натижалар қуйи тартибли шкалалар бўйича талқин этилади.*

А. Қуйи тартибли шкалалар

1. Невротизм шкаласи. Ушбу шкала невроти́змнинг даражасини ўлчаш учун мўлжалланган. Невротизм психиатрияда астеник инсонлар тушунчасига яқин бўлиб, хавотирланиш даражаси, қўзғалувчанлиги ва таъсирчанлиги ҳолатларини ифодалайди. Мазкур



хусусиятнинг ёш болаларга хос астеник типи қуйидагиларни ўз ичига олади: хавфсизлик, беқарорлик, ақлий чарчоқ. Шу билан бир қаторда ўсмирларга хос невротизм ипохондрия, жирканиш, руҳий тушқунликка мойилликни тафсифлайди Шкаланинг стенлар ва балл кўрсаткичлари қуйидагича тафсифланади:

1-2 / 0-4 балл – одатда тинч хотиржам, лекин баъзи ҳолларда (низолар, текширувлар) хавотирланиш ва қўрқув ҳисси мавжудлигини, ўз қобилиятларига нисбатан шубҳа билан қараш хосдир. Одатда мулоқотда киришимли бўлса-да, ҳар доим ҳам хушмуомалаликни сақлай олмайди.

3-6 / 5-13 балл – характер жиҳатда фаол, ташаббускор, ғайратли, тинчлик ва қулайликни, рақобатлашиш ва мусобоқалашишни ёқтиради. Улар жиддий ва реалист, ўзига нисбатан юқори талабчанлиги билан ажралиб туради.

7-10 / 14-25 – хавотирланиши юқорилиги, безоталаниши ва қўрқоқлиги, шубҳа-гумон қилиши, ҳаддан ташқари бетартиблик билан ажралиб туради. Ўта таъсирчан, тез хафа бўлади, осон кўнглига олади. Ўз кучи ва имкониятларига ишонмайди, изчил ҳаракат қилишга интилади, стереотиплашга ҳаёт тарзига эга, ҳатдан ортиқ аниқлик ва батартибликни ёқтиради. Бурч ва масъулият ҳисси юқорилиги билан ажралиб туради. Батартиб ва мажубиятларни бажаришга ҳаракат қилади.

2. Психотизм.

Бу шкала шхснинг психик мослигини (адекватлик) даражасини ўлчашга мўлжалланган. Ушбу шкала, бошқалар билан муносабатда киришимли эмас, атрофдагилардан ўзини олиб қочадиган, тунд характердаги аутизмлик хос шахсни тавсифлайди. Психотик шахс доими ўзи билан ўзи ички низолашади, воқеликдаги вазиятларнинг таъсирига кўра доимо зўриқишда ва асабий ҳолатда бўлади. Бундай сурункали зўриқишлар ташқи сабабларсиз ачиниш, ғазаб, қўрқув ва ҳоказоларнинг кутилмаган аффектив реакцияларида пайдо бўлиши мумкин.

1-2 / 0-5 – батартиблик, мажбуриятларга ҳозиржавоб, виждонлилик, хотиржамликни ёқтиришни ифодалайди. Ҳасад қилиш ва рақобатлашишга мойил эмас, Қизиқиш ва рақобат қилишга тайёр эмас, ўздан юқори турувчилар ва нуфузли кишиларга бажонидил бўйсунувчан, ўзининг ҳис-туйғулари ва шуҳратпарастлигини намоён қилмайди. Одатда ташаббуссиз ва мустақил эмас. Доимо эътибор, қўллаб-қувватлаш ва назоратга зарурат сезади;

3-6 / 6-12 – мувозанатли, ва ўз ҳис-туйғуларини "ошкор" қилмайди. Ҳатдан ортиқ бўлмаган танқид ва танбеҳларни хотиржамлик билан қабул қилади. Кўпгина масалаларда ўзининг нуқтаи назари бўлиб, ўшанга таянишга ҳаракат қилади. Аксинча, рақобатлашишдан кўра ҳамкорлик ва муроа қилишга мойил.

7-10 / 13-25 – юқори зўриқш ва қўзғалувчанлик хос. Шахсий нуфузи ҳақида ҳатдан ортиқ қайғуради, танқид ва танбеҳларни оғриниб қабул қилади. Худбинлиги, ўз-ўздан мағрур ва ўзини катта олиши билан фарқ қилади.

3. Депрессия

Ушбу шкала кайфиятнинг ўзгаришига кўра вужудга келадиган субъектив кечинмаларнинг чуқурлигини ўлчаш учун мўлжалланган. "Депрессия" шкаласидаги мулоҳазалар мазмунида кайфиятнинг устувор ҳолатига кўра ўзини ўзи баҳолаш, фаолиятни ташкил этишдаги қийинчиликларда ўзини ўзи айблаш, фрустрацияга нисбатан толерантликнинг пастлиги мужассамлашаган.

1-2 / 0-6 – хушчакчалик, ғайратлилик ва уddaбуронлик хослилигини ифодалайди. Ўзининг кучига ишонган. Фаоллик ва қатъиятлиликини талаб этувчи фаолиятида бажонидил иштирок этади. Бироқ ваъдасига турмаслик, изчилликни етишмаслиги ва бепарволикка каби кутилмаган ҳаракатларни амалга ошириш билан ажралиб туради.

3-6 / 7-14 – жуда кучли иродали шахс, аммо у жиддий қийинчиликларга дуч келганда умидсизликка тушади, ўз-ўзига ишончини йўқотади. Ташаббускорлик ва қатъиятлиликини намоён қилинганда ўзини кўрсата олади. Ваъдасини бажаришга тиришади ва ўз сўзига туради.

7-10 / 15-25 – тиришқоқлик, виждонлилик ва масъулиятлиликини ифодалайди. Жуда қатъиятсиз, масъулиятли қарор қабул қилишга қобилиятсиз, ўзига ишонмадиган ҳоллар ҳам бўлади. Ўжарлик, руҳий тушқунлик, кўнгилсизлик ва хиралик ўзига хос хусусиятларидир. Шу билан бирга ташқаридан қараганда бегоналашишгандек кўринади ва ноқулайликини кучли ҳис қилади.

4. Виждонлилик



Бу шкала шахснинг ижтимоий меъёрлар ва ахлоқий талабларга муносабати даражасини аниқлашга мўлжалланган. Ушбу шкала масъулиятлилик, виждонлилик, адолатлилик, поклик, ахлоқий тамойилларга қатъий риоя қилишни ўрганади.

1-2 / 0-4 – бемулоҳаза, бепарво ва масъулиятсизликни ифодалайди. Тез-тез ўзининг мажбуриятларини бажаришдан бўйинтовлайди, қонун ва ахлоқ-одоб меъёрларига бепарволик билан қарайди.

3-7 / 5-10 – батартиб, ўзига ва атрофдигиларга талабчан. Ўзининг поклиги ва виждонига мос ҳаракат қилишга интилади. Бироқ, умумий қабул қилинган ахлоқ- меъёрларидан оғишлар ҳам мавжуд

Бурч туйғуси кўра иш кўради, ахлоқ-одоб меъёрларига ҳурмат билан қарайди. Доимо ўз ишига аниқ ва батартиб, ҳамма ишда тартиблиликни ёқтиради, масъулият ва виждонлилиги билан ажралиб туради

8-10 / 11-15 – Бурч туйғуси кўра иш кўради, ахлоқ-одоб меъёрларига ҳурмат билан қарайди. Доимо ўз ишига аниқ ва батартиб, ҳамма ишда тартиблиликни ёқтиради, масъулият ва виждонлилиги билан ажралиб туради.

5. Турғунлашганлик.

Ўзини тута билиш, хулқ-атворнинг ижтимоийлашганлик даражасини ўлчайди. Бу шкала ижтимоий низолар даражасини, ўз-ўзини назорат қилиш ва импульсивликни ифодалайди.

1-3 / 0-4 – ёнберувчан, ўзини тутиб олган, эҳтиёткор. Ижтимоий муҳитга йўналган, янги таассуротларга интилмайди. Унинг севимли машғулоти деярли йўқ;

4-7 / 5-10 – одатда хотиржам ва мулоҳазали. Ҳаммага қизиқиш билан янгидек ва ноодатий ёндашади, бироқ бу ҳолатни табиий деб бўлмайди. Баъзан ўжар ва қайсар бўлиб қолади.

8-10 / 11-15 – импульсив ва ўзини тутаолмайдиган, ўзини истакларини қондиришни чеклай олмайди ёки хоҳламайди. Майллари эмоционал кечинмаларга яққол ифодаланган. Сўзамол, жамоавий тадбирларга бажонидил иштирок этади, ҳар қандай содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга жонли муносабат билдиради.

6. Умумий фаоллик

Фаолик, ғайратлилик ва астеникликнинг умумий даражасини ўлчаш учун мўлжалланган. Шкала темпераментни ўрганишга мўлжалланган кўпчилик тестлардаги аналогик мазмунга эга. Ўсмирлардаги етакчилик (лидерлик) қобилиятини, қанчалик фаолликка эгалликни, жамоа билан бирлашиб кетиши, мажбуриятларни тўғри тақсимлашини диганостика қилишга мўлжалланган. Бу тоифа инсонлар тингловчан, уларга бўйсундилар ва талаблар билан ҳисоблашишади.

1-2 / 0-5 – фаол ва ғайратли эмас. Нутқининг секинлиги ва секин ҳаракат қилиш хос. Ўтириб бажариладиган ва бир хил мазмундаги ишларни афзал биладилар. Муваффақиятлар ва ютуқларга сушт ҳаракат билан интиладилар. Кўпинча ўз қўшича масъулиятларни бажаришдан ўзини четга оладилар, ўзларининг мажбурият ва ишларини бошқаларнинг елкасига бажонидил юклайдилар.

3-7 / 6-10 – ғайратли ва серҳаракат. Етарлича ишга қобилиятли. Бироқ ҳар хил ҳаёт фаолияти шароитлари ва иш турларига яхши мослаша олади. Яхши ижрочилик қобилиятига эга.

8-10 / 11-15 – чексиз қувватга эга, удабурон, серҳаракат, қўйилган мақсадларга эришишда фаол интилади. Фаол фаолиятга, ўзини кўрсатишга интилади ва ҳамма нарсага аралашади. Ташкилотчилик қобилияти ва етакчилик (лидерлик) сифатларига қобилиятига эга .

7. Тобелик

Ушбу шкала шахслараро муносабатлардаги тобелик, уятчанглик ва чекланганлик даражасини аниқлашга мўлжалланган. Шкала шахслараро муносабатлардаги қатъийлик – пассивлик, ўзига нисбатан ишонч – ўзига нисбатан ишончнинг йўқлиги, жасоратлик – тобелик каби шахснинг қутбли фазилатларни аниқлайди.

1-3 / 0-4 – жасур, қатъиятли, таваккал қилишга мойил, одатда тез қарор қабул қилади ва тезда уларни амалга оширишга киришади. Мулоқотда эркин ва мустақилдир. У ҳамма нарсага аралашини, ҳар доим эътиборда бўлишни ёқтиради, кўплаб танишлари ва дўстлари бор, дўстлар давраси кенг;

4-6 / 5-8 – кўпинча жасоратли ва қатъиятли, аммо саргузаштларга тайёр эмас. Одатда, қарор қабул қилишдан олдин, ҳамма нарсанинг ҳар жиҳатдан "яхши" ва "ёмон" томонларини солиштириб кўради. У мулоқотда ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмайди, ҳар қандай



нотаниш киши билан ҳам мулоқотга осонгина киришиб кета олади, жамоада "ўртача олтин оралик"нинг тарафдори.

7-10 / 9-15 – уятчанг, кутилмаган вазиятлардан қочади. Кутилмаган вазиятларда ўзини ноқулай ҳис қилади. Мулоқотда кам гап ва уятчан, одатда эътибордан четга олади ва ҳеч нарсага аралашмайди. Танишлар ва дўстлар доирасини тор бўлишини афзал билади.

8. Мулоқотмандлик

Ушбу шкала мулоқотнинг кенглиги ва жадаллигини ўлчашга мўлжалланган. Мазкур фактор одамлар билан муносабатда эмоционал кечинмаларнинг бойлиги ва яқоллиги, хулқ-атворнинг табиий ва эркинлиги, ҳамкорликка шайлиги, одамларга муносабатининг аниқлиги.

1-2 / 0-3 – одамлар билан ҳиссий жиҳатдан яқинлашишдан қочади. Шахслараро муносабатларда расмий. Ёлғизликни ёқтиради, одамлар билан мулоқот қилишда қийналади. Яқин дўстлари деярли йўқ.

3-8 / 4-13 – барчага тенг муносабатда бўлиши билан ажралиб туради. Одатда меҳнатсевар, меҳрибон ва ғамхўр, ҳаммани бир хил кўрувчи, катта шовқунли даврларда ва ёлғизликда ҳам ўзини бир хилда ҳис қилади. Танишлар доирасини кенгайтиришга интилади, бироқ катта бўлмаган дўстлар давраси билан жипсликни қўллаб-қувватлайди.

9-10 / 14-15 – тугамас энергияга эга, уddaбурон, қўйилган мақсадларга эришишда фаол интилиши билан ажралиб туради. Фаол фаолият юритишни, олдига қўйган мақсадларга эришишга интилади. Фаол фаолиятга, ўзини кўрсатишга интилади ва ҳамма нарсага аралашади. Ташкилотчилик қобилияти ва етакчилик (лидерлик) сифатларига қобилиятига эга.

9. Эстетик таассуротчанлик

Бу шкала эстетик ва бадий қадриятларни аниқлайди. Ушбу омилнинг юқори кўрсаткичи бадий типнинг сезгирлиги, яққол-образли тафаккурли, воқеликни ифодали идрок этишини, қуйи кўрсаткичи эса иккинчи сигналлар тизимининг нисбатан эгаллаган фикрловчи типга мансублигини ифодалайди.

1-2/0-5 – мулоҳалилик, мавҳум тафаккурли ва идрок соҳиби эканлиги билан ажралиб туради. Ҳаётдаги ҳамма нарса мантикий мезонларга таяниб ёндашади, ҳаммага мантикий, рационал тушунтириш йўлини танлашга интилади. Одатда ўта устакор, амалий тажрибага эга, одамларни ва ҳолатларни ҳушёрлик билан муносабат билдиради ва баҳолайди.

3-7 / 6-10 – танқидий тафаккури билан ажралиб туради, ўзидан юқорига турувчилар, нуфузли кишилар ва ностандарт вазиятларга эҳтиёткорлик билан ёндашади. Сезгир ва нозик, яхши бадий дидга эга Ҳаётда мантикий ва ақлга таяниб иш кўради, ўз ўрнида эмоцияга ҳам таянади.

8-10 / 11-15 – бой ҳаёл, фантазияси кучли, қизиқувчан ва табиатан эмоционал. Хулқ-атворида масъулият ҳисси ва реализм етишмайди, мулоҳазалари пишшиқлиги ва соғлом фикрлиги билан ажралиб туради. Воқеаларга нисбатан мантиқ ва ҳисоб китобдан кўра ўзининг шахсий симпатияси ва ўрганганларига кўпроқ ишонади.

10. Назокатлилик.

Ушбу шкала шахснинг маданият ва жамиятда белгиланган аёллик роли билан боғлиқ хусусиятларни идентификациялаш даражасини ўлчашга хизмат қилади. Шунингдек, шкала ёрдамида руҳий тўлқинланишга, ўзига муносабатига ва ўзини ўзи таҳлил қилишга ва мойиллигини, хулқ-атвордаги вазминликни, шахсий муаммоларга ўрлашиб қолганликни қайд этади. Бироқ шахсий муаммолар ва кечинмаларга ўралашиб қолганлик невротиклик ва инфантил табиатни ўз зиммасига олмайди.

0-1 / 0-1 – жасур, уddaбурон, ўзини эътироф эттиришга интилувчан, таваккалчиликка мойил, атрофлича ўйламасдан ва асосламасдан кескин ҳаракат қилишга мойил. Ҳиссий қониқиш олишни ёқтиради, таваккал қилишга мойил, аммо бу санъатда эмас, ўзининг ожизлигига юқори талаб билан ёндашади.

2-5 / 2-5 – одатда амалий тажрибага эга, ҳушёр ва реалист, аммо ўзининг фантазиялари билан уйғунлашмаган, ўзи ва атрофдагилар ҳақида, ҳаёт ва воқеа-ҳодисалар ҳақида мулоҳаловчи, баъзан фалсафий мулоҳалашга мойил. Ҳар доим ҳам жулқ-атворида жасурлик, қатъият ва барқарорлик етишмайди. Агар унинг қизиқтириб қолса, ёнберувчан, мулоийм бўлиб қолади. Баъзида ўзининг хатти-ҳаракатларини атрофлича ўйлаб, оқибатини инобатга олиб, таваккал қилади.



6-10 / 6-10 – хулқ-атвори сезгир, ҳаяжонланишга мойил, мулойим, ёнберувчан, вазмин. Фантазияга ва эстетик машғулотларга қийинликни ҳис қилади. Шахсий муаммоларни ҳал этишга ғамхўр, ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини танқид қилишга мойил. Фаол эмас, тобе, рақобатлашишдан қўрқади, енгилгина ёнбериб қўяди, бўйсунувчан, қўллаб-қувватлаш ва қўмақларни бажонидил қабул қилади.

Б. Юқори тартибли шкалалар

11. Психик беқарорлик. Психик барқарорликни умумлаштирган ҳолда баҳолаш учун мўлжалланган. Қуйи шкаланинг невротизм, психотизм, депрессия шкалалари унинг умумий қийматини ўзида ифодалайди. "Психик беқарорлик" омили дезадаптация, хавотирланиш, майллар назоратининг издан чиққанлиги, психик беқарорликни, психик барқарорлик даражаси хулқ-атвордаги тенглик, изчиллик ва мақсадга йўналганликни баҳолайди.

12. Асоциаллик. Социал мослашувчанликни баҳолайди. Шкала қуйи шкаланинг икки даражасини, яъни виждонлилик ва турғунлашганликни ўзида мужассамлаштирган. "Асоциаллик" омили социал мослашувчанликка қийналувчи, социал талабларга салбий муносабат билдирувчи, асоциал реакцияларни такрорловчи ва уларни тузатишга қийналувчи "социопатик шахс"га хосликни, ифодалайди.

13. Интроверсия. Шахснинг социал муносабатларга киришимлилик даражани ўлчашга хизмат қилади. Мазмунан у Г.Ю.Айзенк ва Р.Б.Кеттелл шахс моделларидаги омилларнинг аналогик ҳисобланади. Мазкур сўровномада интроверсия "умумий фаоллик", "тобелик", ва "мулоқотмандлик" дан иборат қуйи даражаларни ўлчаётганлиги асосида баҳолайди. "Интроверсия" омили шахснинг жамоадаги фаоллик даражаси, ижтимоий фаолият турларидаги иштироки даражасини ўлчайди.

14. Сензитивлик. Шкала эмоционал кечинмаларни нозиклигини баҳолаш учун мўлжалланган. У "эстетик тассуротчанлик" ва "назокатлилик" каби қуйи шкалаларнинг интеграциясидан иборат. Ушбу шкала сезгирлик, азобаланган, артистиклик, атрофдагиларни бадий идрок қилиш, назокатлилик, хушмуомалалик, мулойимлик, эмоционал етуклик каби шкалаларни қайд этади. Қизиқишлар кенглиги ва маънавий қадриятларни диагностика қилади.

Шундай қилиб, юқори даражадаги тўртта омилнинг ҳаммаси "ички шароитлар мажмуаси"ни, индивиднинг ички хулқ-атвор модефикациясини ифодалайди.

Агар уларнинг схематик кўринишини келтириб ўтадиган бўлсак қуйидаги кўринишни олади:

Юқори шкаланинг ташкил этувчилар ўз таркибига қуйи шкаланинг бир қатор шкалаларини ўзида қамраб олади. Психологик тестларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларда назорат шкаласи, яъни текширилувчиларнинг жавобларини объективлигини баҳолаш характериға эгалидир. Мазкур психодиагностик тестнинг назорат шкаласини юқори шкала бажаради. Агар қуйи шкала натижалари билан юқори шкала натижалари орасида мутаносиблик бўлмаса натижаларнинг ҳаққонийлиги пастлигидан далолат беради.

Хулоса. Психодиагностик тестнинг маҳаллий муҳитга мослаштириш ва уларнинг психометрик мезонлари, хусусан, ишончлилик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқотларнинг якуни хулосаси тўлақонли таъминлангандан сўнгра ПТДни амалиётга татбиқ этиш юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мақсадга мувофиқ.

1. Сўровноманинг татбиқ этиш орқали унинг шкалаларини барчаси ёки алоҳида ҳолатлари бўйича тадқиқот натижалари олиш мумкин.

2. Биринчи тартибли шкалалари билан иккинчи тартибли шкалаларини ўзаро қиёсий таҳлил қилиш имкониятига эга бўлинади.

3. Сўровноманинг мавжуд шкалалари шахсдаги руҳий барқарорлик ва беқарорликни ўрганишга мўлжалланган бўлиб, улар орқали шахсдаги психик фаоллик даражасидаги ўзгаришларни баҳолашга эришилади.

4. Психодиагностик тест ёрдамида социал муносабатларга киришимлилиги, ижтимоий фаоллиги ва эстетик таассуротчанлик даражасини баҳолаш мумкин.

5. Психодиагностик тестни ММПИ ва 16 омилли шахс сўровномаларини қўллаш мумкин бўлган контингентларда шубҳасиз фойдаланиш имкониятига эга.

Адабиётлар:

1. Айзенк Г., Вильсон Г. Как измерить личность. – М., Когито-Центр. – 2000. – 289 с.



2. Березин Ф.Б., Мирошников М.П., Соколова Е.Д. Методика многостороннего исследования личности. Структура, основы интерпретации, некоторые области применения / Предисл. Т.Барлас. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательство “БЕРЕЗИН ФЕЛИКС БОРИСОВИЧ”, 2011. – 320 с.
3. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. – СПб.: “Издательский дом “Питер”, 2014.
4. Жабборов А.М. Ўзбек мактаби ўқитувчисининг этник хусусиятлари: Психолог. фан док. дисс... – Тошкент: ЎЗМУ, 2000. – 317 в.
5. Мельников В. М., Ямпольский Л.Т. Введение в экспериментальную психологию личности: Учеб. пособие для слушателей ИПК преподавателей пед. дисциплин ун-тов и пед. ин-тов. – М.: Просвещение, 1985. – 319 с.
6. Психологическая диагностика / Учебное пособие / Под П 86 ред. К.М. Гуревича и Е.М.Борисовой. – М.: Изд-во УРАО. – 1997. – 182 с.
7. Расулов А.И. Шахс типларини ўрганиш сўровномаси. – Psixologiya. – 2017, 3-сон. – Б. 88-98.
8. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога. – М.: Владос, 1996 – 529 с.
9. Сапаров Ш.Б. Личности-профессиональные особенности преподавателей специальных дисциплин средних специальных профессиональных учебных заведений: Диссер. канд. психол. наук.. – Тошкент: ТГПИ, 1999. – 136 л.
10. Собчик Л.Н. Стандартизированный многофакторный метод исследования личности СМИЛ. – СПб.: Речь, 2000. – 219 с.
11. Тарабрина Н. В. Практикум по психологии посттравматического стресса. – СПб: Питер, 2001. – С.140-146.
12. Шкала для экспресс психологической диагностики слабоструктурированных депрессивных расстройств / Пособие для психологов и врачей. Автор-составитель: к.м.н., старший научный сотрудник И.Г.Беспалько. – Санкт-Петербургский научно-исследовательский психоневрологический институт им. В.М.Бехтерева, 2004. – 26 с.



Алимов Хўжагелди Мустафоевич,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика”
кафедраси катта ўқитувчиси, психология фанлари номзоди*

СОХТА ТАРИҚАТЛАР: ШАХСГА ТАЪСИРИ ВА ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада сохта тариқат йўналишларининг мазмун моҳияти ва уларнинг шахсга, унинг эътиқодига таъсири ҳамда мазкур таъсирнинг психологик механизмлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: тариқат, сохта тариқат, шахс, эътиқод, психология, психологик таъсир, психологик механизм, бидъат, ақида, манипуляция, экзистенциал бўшлиқ, хатти-ҳаракатлар, маълумот, тафаккур, ҳиссиёт.

Аннотация: В этой статье речь идёт о сущности деструктивных суфийских направлений и их воздействие на личность, на её веру, а также о психологических механизмах данного воздействия.

Ключевые слова: тарикат, ложный тарикат, личность, вера, психология, психологическое воздействие, психологический механизм, бидъат, акида, манипуляция, экзистенциальный вакуум, дествия, информация, мышление, чувство.

Abstract: This article is about the essence of destructive sufi trends and their influence on the personal faith as well as on the psychological mechanisms of this impact.



Key words: *tarikat, false tarikat, personality, faith, psychology, psychological impact, psychological mechanism, bidat, akida, manipulation, existential vacuum, actions, information, thinking, feeling.*

Мавзунинг долзарблиги. Тасаввуф тарихи силлиқ кечмаган. Бу йўлда хатолар бошдан кечирилди, нотўғри даъволар билан чиқилди, тўғри эътиқодга зид бўлган қарашлар ўз ифодасини топди. Шу нуқтаи назардан Шайх Саййид Абдулқодир Жийлоний ўзининг “Сиррул асрор” китобида тасаввуф аҳлини икки тоифага ажратади. У биринчи тоифага “суннийлар” деб, иккинчи тоифага эса “бидъатчилар” деб ном беради. Суннийлар ҳақида у шундай деб ёзади: “Бу тоифа сўзда, амалда, шариат ва унинг маъноси бўлган тариқатда тамоман қоимдир” [6: 45]. Мазкур тоифадаги тариқат аҳли биринчи навбатда ақоиднинг тўғри қоидаларига тўлиқ амал қиладиган ва “шариатсиз тариқат бўлмайди” деган тамойилига таянган ҳолда унинг талабларини мукаммал бажарадиган кишилардир. Улар “аҳли суннат вал-жамоат” эътиқоди ичидадилар.

“Бидъат аҳли” деб таърифланган иккинчи тоифадагилар эса ақоид ва шариат қоидаларидан бутунлай четга оғиб кетганлар бўлиб, улар турли-туман масалаларда суннийлар тугган амалларни инкор этадилар ва оқибатда бидъат аҳлидан бўлиб қоладилар. Мақсадимиз мана шу бидъат аҳли илгари сурган ғояларни таҳлил қилишдан иборат.

Методика. Биз назарий тадқиқотимизда иккита методдан фойдаландик. Уларнинг биринчиси, тарихий-генетик метод бўлиб, унинг ёрдамида тасаввуф таълимоти ва амалиёти мавжуд ижтимоий-тарихий вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўраганилди. Иккинчиси, қиёсий-тарихий таҳлил методи бўлиб, бу метод ёрдамида тасаввуфнинг ривожланиши динамикаси турли хил даврлар кесимида қиёсий таҳлил қилинди.

Назарий таҳлил. “Бидъат аҳли” деб таърифланган тоифадагиларга Шайх Саййид Абдулқодир Жийлоний қуйидаги “тариқат” йўналишларини киритган: “хулулия, ҳолия, авлиёия, шамурония, хуббия, ҳурия, ибҳоия, мутақосима, мутажоҳила, воқифия, илҳомия” [6: 45-46]. Қуйида уларнинг нотўғри жиҳатларига қисқача тўхталиб ўтамиз:

1. Хулулия тариқати таълимотида ким бўлишидан қатъий назар, қизми у эркакми, чиройли бадани ва гўзал чехрасига қараш ҳалол деб даъво қиладилар. Эрак ва аёллар маҳрами бўлмасда бирга бўлишлари мувоҳ деган эътиқодни тўғри деб ҳисоблайдилар. Бу албатта таълимотни тўғридан тўғри қуфрга олиб боровчи йўлдир.

2. Ҳолия. Бу тариқат аҳли сўфийда шундай бир ҳол борки, у шариат қоидаларидан устун туради, деган ғояни илгари суради. Улар ўша ҳолга кирган одам шариат қоидаларига бўйсинмаса бўлади, дейишади.

3. Авлиёия. Уларнинг фикрига кўра, валийлик мақомига етган кишилардан диний ҳукмлар соқит бўлади. Валийлик пайғамбарликдан устун туради, чунки пайғамбарлар Жаброил (а.с.) воситасида илм олсалар, валийлар воситасиз илмга етишадилар, деган сохта эътиқодда бўлишади. Бу даъволар уларни тўғридан тўғри қуфрга етаклайди.

4. Шамурония. Буларнинг фикрига кўра, “суҳбат қадимдир ва суҳбат килувчидан (шаръий) ҳукм ва таъқиқлар масаласи кўтарилади” [6: 45].

5. Хуббия. Аллоҳ билан бандаси ўртасидаги муносабатлар муҳаббат даражасига етгандан сўнг диний (шаръий) ҳукмлар улардан соқит бўлади ва энди банда одоб сақламаса ҳам ёки аврат жойларини беркитиб юрмаса ҳам бўлади, деган ғоя илгари сурилади.

6. Ҳурия. Булар рақс тушишни ва рақсда ҳушидан кетиб беҳуш ҳолларида хурлар билан қовушагини даъво қиладилар. Шунинг учун улар рақсдан кейин ғусл қилиш лозим деб ҳисоблайдилар.

7. Ибҳоия. Булар амру маъруф ва наҳй мункарни инкор қиладилар ва ҳалолни ҳаром деб иддао қиладилар. Шунингдек, аёллар билан бирга бўлишни мувоҳ деб ҳисоблашади.

8. Мутақосима. Бу тоифа кишилар меҳнат қилиш шарт эмас, деб ҳисоблайди ва уйма-уй кириб, тиланчилик қилиш уларнинг дунё муҳаббатини тарк этганларига гувоҳ эмиш.

9. Мутажоҳила. Булар фосиқ кишилар киядиган либосларни кийиш мумкин, деб айтишади.



10. Воқифия. Улар билим фақат Аллоҳга хос, бандаси маърифатга эриша олмайди, дея илм йўлини банда учун шарт эмас қилиб қўяди.

11. Илҳомия. Бу тоифа ҳам илм ўрганмайди ва илм ўрганмоқчи бўлган ёшларга таъқиқлар қўяди. Улар Қуръондан кўра шоиру донишлар сўзларини афзал кўрадилар. Улар ҳаддан ошиб, ҳатто “Қуръон бизга пардадир, тариқатнинг Қуръони шеърдир” деган фикрни айтишади ва Қуръонни тарк этишади. Бу билан ўзларига дўзахни нақд қилиб қўйишади.

Юқорида номлари зикр қилинган ботил тариқатлар Шайх Саййид Абдулқодир Жийлоний давридаги тариқатлар ҳисобланади. Ундан кейин ҳам бир қанча ботил тариқатлар пайдо бўлди ва уларнинг барчаси аҳли суннат вал жамоат эътиқоди бўйича кескин танқид остига олинди. Нотўғри бўлганлиги боис уларнинг аксарияти тарих саҳнасидан тушиб қолди. Бироқ Нақшбандия тариқати бугунги кунда ҳам яшамоқда ва инсонларга маънавий озуқа бермоқда.

Нақшбандия тариқати бутун дунёга тарқалди ва кўплаб мамлакатларда ҳали ҳамон яшамоқда. Бугунги кунга келиб ҳам бу буюк тасаввуфий таълимотнинг халқлар ичидаги тарбиявий таъсири давом этмоқда. Бироқ сўнгги пайтларда нақшбандия тариқатини бузиб талкин қиладиган сохта тариқатлар пайдо бўлмоқдаки, улар тариқатнинг обрўсига соя солмоқда. Уларнинг таълимотида баъзи тариқатчилар маълум мақомга етгандан кейин шариат талаблари соқит бўлади, узлатда яшаганлари боис уларнинг турли-туман ижтимоий мажбуриятларни бажариши шарт эмас, анъанавий ислом тамойилларини инкор этиш сингари ҳолатлар учрайди. Сохта шайхлар, илмсиз, ақалли шариатнинг оддийгина талабларини билмайдиган жоҳил кишилар тасаввуфнинг асл мақсадларини тушунмаган сохта пирлар бугунги кунда пайдо бўлмоқдаки, улардан бирлари ўзларига маърифатчилар деб ном берганлар. Маърифатчиларнинг Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида ва Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида пайдо бўлганлиги кузатилади. Мазкур жамоанинг ақидаси тўғрисида А.Туленов шундай деб ёзади: “Маърифатчилар” Қуръон оятлари ва номозни ўзбек тилида ўқиб, араб тилида ўқиганларни мусулмон эмас, деб ҳисоблайди, наша чекишни таъқиқламайди. Жамоа ақидасига кўра: а) исталган вақтда икки ракат номоз ўқийди, солих амаллар намоз ҳисобига ўтади, б) ароқ ичишни ҳаром ҳисобламайди, в) фақат Маккадаги “Масжидул Ҳаром”да намоз ўқиш керак, бошқа масжидларда ўқиш мумкин эмас, г) жума намози фақат Макка аҳлига фарз этилган, д) маййитни кафанлаш ва “жаноза” ўқиш исломда йўқ амаллар, деб ҳисоблайди” [4: 422].

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги маърифатчилар ўзларини “девоналар” деб аташади ва уларнинг бирламчи диний саводи ҳам йўқ. Бу тоифа тарки дунё қилишни, ҳеч қаерда ишламасликни, ризкни Аллоҳ бергандан кейин оила таъминоти учун меҳнат қилиш лозим эмаслигини тарғиб қиладилар. Бу таълимот оилани боқишдан бўйин товлаганлар ва дангасаларга айниқса маъкул келади. Ўз оилаларининг таъминотини бутунлай ташлаб қўйган ва ўзларининг қорнини турли-туман издиҳомларда тўйдириб юришади. Мазкур таълимот Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг “Дил ба ёр-у, даст ба кор” шиорига мутлақо тўғри келмайди. Ислом динимизнинг асосий талабларини ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суннатини инкор қилган бундай таълимотнинг умри қисқа бўлади.

Бу тоифадан айримлари Аллоҳнинг суйган бандаларидан ибодат соқит бўлади, деган сохта иддао билан чиқишади. Бу албатта жуда хатарли йўл. Замонавий тариқатчиларнинг бундай хатти-ҳаракатларига нисбатан Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий ҳазратлари шундай деб ўз муносабатини билдирган: “Аллоҳни севган бандалардан (Аллоҳнинг ошиқларидан) ибодат соқит бўлади”. Бу ҳусус билан боғлиқ ояти жалила ушбudir:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

“Айтинг, (Эй ҳабибим!): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга (яъни Расулуллоҳга) эргашингизлар. Шунда Аллоҳ сизларни севгайдир. Аллоҳ (жуда) мағфиратли ва беҳад меҳрибондир” (“Оли имрон” сураси (3), 31-оят). Агар бирор кишидан ибодат соқит бўлса, Иброҳим (а.с.) – Халилуллоҳдан соқит бўлар эди. У зот намоз ўқиётганларида Аллоҳнинг ҳайбатидан қалбидаги титроқлар бир миллик масофадан эшитилар эди”[1.82].



Кўриниб турибдики, тариқат номи билан иш юритаётганлар анъанавий ислом ақидаларини инкор этган ҳолда халқнинг бошини айлантериши, уларни гуноҳ ишларга бошлаши ақл бовар қилмайдиган ҳолатдир. Очигини айтиш лозимки, мазкур тариқат таълимотларини илгари суриб, халқни ботил ишларга бошлаётганлар аслида шариат илмидан мутлақо беҳабар, биздан олдин ўтган улуғларимизнинг буюк асарларини ўқиб кўрмаган кишилардир.

Ҳ.Йўлдошхўжаев ўзининг «Тариқатчиликнинг замонавий кўриниш-лари» рисоласида нурсафардия деб аталган сохта тариқатчилик таълимоти тўғрисида ёзади. Бунда Жиззах вилоятида яшайдиган ва ўз таълимотини тариқатнинг янги кўриниши деб ҳисоблайдиган Сафар Кушаровнинг тариқат йўли назарда тутилаяпти. У ўзининг «Мукаммаллик сари ўн тўрт қадам» китобида Қуръоннинг ҳарфлар билан бошланадиган сураларидаги ҳарфларни тафсир қилишга уриниши ҳақида ёзади. Бу албатта жоҳилликнинг бир кўриниши эканлигини асослаб, шундай деб ёзади: "...ислом илмларидан тўлиқ хабардор бўлмаган шахслар ўтмишдаги улуғ уламолар ва ҳатто Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) қўл урмаган ишни бошлаб, Қуръон оятларини ҳеч ким билмаган тарзда тафсир қиламиз, деб чикса. Улар бу оятларни қандай тафсир қилади-ю, уламолар ва бошқа мусулмонлар буни қандай қабул қиладилар? Бундан янги ихтилоф (фирқаланиш) юзага келмасмикин!?" [3: 78]. Пирман деганнинг ўзи ислом илмидан беҳабар бўлса, унинг ортидан эргашганлар унданда саводсиз бўлсалар, бу ҳолат нима билан яқун топишини тасаввур қилиш мумкин. Атрофга жаҳолат тарқалади ва халқимиз маънавиятига салбий таъсир кўрсатади.

Қуйида сохта диний таълимотларнинг инсон онгига сингдирилишининг психологик механизмларига тўхталиб ўтамыз.

Танлаш эркинлиги ва мажбурлаш, англаганлик ва ҳатти-ҳаракатларнинг автоматизми, индивидуаллик ва шахсисизланиш. Бир қараганда бу тушунчалар оддий фалсафий зиддий категорияларга ўхшаб туюлади. Бироқ бугунги кундаги маълум сохта диний таълимотларнинг одамлар шахсини манипуляция қилиши ва уларнинг ҳулқ-атворини яширин ҳолда бошқариш усуллари ривожланаётганлиги юқорида зикр қилинган фалсафий тушунчаларга ўзгача маънолар юклайди.

Дарҳақиқат, ботил диний фирқалар ўз сохта таълимотларини одамлар онгига сингдиришнинг ва улар шахсини тубдан ўзгартириб юборишнинг мукаммал тизимини ишлаб чиққанларки, оқибатда мазкур таълимотлар (масалан, ваҳхобийлик, хизбут-таҳрир, ИШИД ва ҳ.) дунё миқёсида катта миқдорда ўз тарафдорларига эга.

Ғайридиний ташкилотлар вакиллари тамонидан шахс онгини манипуляция қилиниши масаласининг ўта долзарблиги аён бўлмоқда. Чунки бу масаланинг замирида маълум ғайридиний ташкилот ёки гуруҳнинг ўз манфаатлари йўлида ўзгалар фикри, ҳислари, ҳатти-ҳаракатларининг умумий назорат қилиниши ва бошқарилиши ётади. Инсон онгининг манипуляцияси ҳақида Е.Л.Доценконинг фикри қуйидагича: манипуляция – ўзганинг маълум бир ҳаракатларни амалга оширишга яширинча ундаши ёрдамида бир томонлама ютукқа эришиш учун қўлланиладиган психологик таъсирнинг объекти унинг субъекти томонидан ўз шахсий мақсадларини амалга ошириш ёки уларга эришиш воситаси сифатида қабул қилинади. Манипулятив таъсирнинг оқибатида инсон маънавий таназзулга учрайди, шахснинг яхлитлигига путур етади, нормал кадрятлар тизими инқирозга юз тутаяди.

"Большой психологический словарь"да манипуляция ҳақида қуйидагича ёзилади: Манипуляция бу "таъсир объектининг маълум мотивацион ҳолатларини (шу билан бирга ҳис-туйғуларини, аттитюдларини, стереотипларини) фаоллаштиришга олиб келадиган, уни фаолият субъекти томонидан исталган, унинг учун фойдали бўлган ҳатти-ҳаракатга ундовчи коммуникатив таъсирдир; бунда фаолият объекти учун албатта фойдасиз бўлишлиги инобатга олинади" [2: 274].

Одамлар ўртасидаги мулоқот жараёнида кузатиладиган таъсирга манипулятив таъсир дейилади ва бунда бир томон ўзининг фойдасини кўзлаб бошқасининг зарарига бўлсада ўз айтганини қилдиради. Энди бу таъсир диний нуктаи назардан бўлиши масаланинг мавқеини ошириб юборади.



Одамларнинг, айниқса, ёшларнинг манипулятив таъсирга берилишида бир қанча сабаблар бор. Шундай сабаблардан бири – бугунги кунда Ғарб олимлари томонидан тушунтирилаётган “экзистенциал бўшлиқ”. Экзистенциал бўшлиқ деганда одамларнинг ҳаётдан маъно-мазмун тополмаслиги, уларнинг ахлоқий ва ижтимоий қадриятларини йўқотганлиги, эртанги кунга умидсизлик, одамлар ичида ёлғизланиш ҳолати тушунилади.

Яна бир сабаблардан бири мафкуравий ёки ғоявий бўшлиқнинг мавжудлиги. Бундай бўшлиқ одамларимизда коммунистик ғоянинг парчаланиши ва илмий атеизмнинг инкирози натижасида пайдо бўлди. Бугунги куннинг энг долзарб масаласи одамларимиз онгидаги “ғоявий бўшлиқни” йўқотиб, уни “миллий истиқлол ғояси” билан тўлдириш. Биз бу вазифани амалга ошира билсак, ёшларимизни турли-туман ғайридиний оқимларнинг манипулятив таъсирларидан сақлаб қолган бўлар эдик.

Шу билан бирга, турли ғайридиний таълимотлар одамларга улардаги руҳий-маънавий муаммоларини ҳал этишнинг энг содда, аниқ, ўйлаб бошини қотириши шарт бўлмаган ва масъулиятини ҳам бўйнига олмайдиган йўллари таклиф этмоқдалар. Аксинча, шахсий фикр, масъулият ҳақида мулоҳаза юритиш бундай ботил диний фирқаларда энг исталмаган ҳолат ҳисобланади. Шахсий фикр билдириш ва масъулиятни бўйнига олиш ғайридиний ташкилотларнинг сардорларигагина хос сифат ҳисобланар эмиш.

Манипулятив таъсир тўғри диний таълимот заифлашган, жаҳолат ва бидъат кучайган ёхуд тўғри диний таълимотни чуқур билувчи олимларнинг йўқлиги муҳитида ҳам самарали кечади. Чунки сохта диний таълимотга ҳақиқий диний таълимотни асосли ҳолда қарши қўя оладиган, маълумотларни халқ орасида тарқатадиган олимлар манипулятив таъсирни кучсизлантиради. Шу маънода мамлакатимизда Мотурудия таълимотининг ривожига кенг ўл очиб берилиши, диний масаладаги сиёсатимизнинг тўғри олиб борилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Куйида ботил диний фирқаларда шахс онгини манипуляция қилишнинг баъзи механизмларига тўхталиб ўтамыз.

Одатда фирқага аъзо бўлган одам фирқанинг мафкурасига илгарилари қарши бўлган бўлсада, жуда қисқа муддат ичида ўша диний таълимотнинг ашаддий тарафдорига айланиб қолади. Бу ботил диний фирқа вакиллари томонидан қандай қилиб амалга оширилади? Шахснинг бундай кескин ва чуқур ресоциализацияси фавқулодда гуруҳий босимнинг, шахсининг ўта комформлигининг ва шахс онгининг доимий назорат қилинишлигининг маҳсули бўлиши мумкин. Шахс онгининг назорати эса ўз ўрнида хатти-ҳаракатлар, маълумотлар, тафаккур ва эмоциялар назорати орқали амалга оширилади. Куйида шу назорат турларига алоҳида тўхталиб ўтамыз.

Хатти-ҳаракатлар назорати биринчи навбатда одамнинг индивидуал физик воқеълигини бошқариш (ким билан яшашлиги қатъий аниқлаштирилади, қандай кийим кийиш, қандай овқат ейиш, қанча ухлаш ва ҳ.) ни, кейин эса одамни вақт жиҳатдан бўш қўймаслик (одам қатъий вақт жадвалига риоя қилади, иложи борица, у жисмоний ва ҳиссий жиҳатдан доимий фаолиятда бўлади, токи мустақил фикрлаш учун унда вақт қолмасин) ни ва ниҳоят фирқа талабларига доимий бўйсунуш ҳамда уларга боғлиқ ҳолда яшаш (рағбатлантириш ва жазолаш тизими, озодликдан маҳрум қилиш, доимий кузатиш ёки назоратда ушлаш учун “устоз” га боғлаб қўйиш, фирқа таълимотига зид бўлган иш ва фикрларни раҳбарга етказиш) ни ўз ичига қамраб олади.

Маълумотлар назорати фирқа аъзоларига ёлғон - яшиқларни айтиш, фирқа таълимотига зид бўлган таълимотни яшириш, фирқа таълимотини тарғиб қиладиган информацион манбаларни яратиш билан амалга оширилади.

Тафаккурнинг назорати деганда гуруҳ нормаларининг ҳақиқат сифатида мажбурий қабул қилдирилиши, фирқа таълимотига мос фикрларнинг рағбатлантирилиши, фирқа раҳбари ёки унинг қарашлари ҳақида салбий ва танкидий фикрларнинг бўлмаслиги назарда тутилади.

Ҳиссиётлар назорати ўзида шахс ҳис-туйғулари торайтирилишини, айбдорлик ва уят туйғуларининг ишлаб чиқилганлигини, ўз айб ва нуқсонлари, хатоларини одатда ҳамманинг олдида тан олинлигини, доимий қўрқувда ушлаб турилишлигини ўзида мужассам этади.



Хулоса. Ботил диний фирқаларидан ўз аъзоларини доимий ҳолда таълимоти ва назорати доирасида ушлаб туриш тизими ишлаб чиқилган. Бу тизимни йўқ қилишнинг йўли битта - у ҳам бўлса унга қарши тура оладиган ва уни синдира оладиган аксий тизимни дунёга келтириш. Фақат бу аксий тизим мажбурлашга эмас, танлаш эркинлигига; ҳаракатлар автоматизмига эмас, англашга; шахсни шахсизлантиришга эмас, балки шахсдаги индивидуалликни шакллантиришга қаратилган тизим бўлмоғи даркор.

Адабиётлар:

1. Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий. Жомеъ ул-мутун. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2000. – 313 б.
2. Большой психологический словарь / Сост. И общ. ред. Б. Мещеряков, В. Зинченко. – СПб. Прайн – ЕВРОЗНАК, 2004. – 672 с.
3. Ёўлдошхўжаев Ҳ. Тарикатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Тошкент: “Тошкент Ислом университети”, 2010. – 78 б.
4. Тулепов Айдарбек. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2017. – 422 б.
5. Шайх Сайид Абдулқодир Жийлоний. “Сиррул-асрор”, “Мактубот”. – Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2005. – 127 б.
6. Шайх Сайид Абдулқодир Жийлоний. “Сиррул-асрор”, “Мактубот”. – Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2005. – 45 б.



Расулова Зиёдахон Абдубориевна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси, психология фанлари доктори,

Гулматов Умарали Хабибулла ўғли,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти академик лицейи
катта ўқитувчиси



ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИНИНГ ОИЛА-НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла фаолларининг оила-никоҳ муносабатларини мустаҳкамлашдаги ўрни ўрганилиб, маҳалланинг бугунги кундаги оилага таъсири ва ўзбеклар ҳаётидаги ўрни этнопсихологик жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: маҳалла, оила, никоҳ, никоҳ тўйи, “яраштириш комиссияси”, этнопсихологик хусусият.

Аннотация: В статье исследуется роль органов самоуправления граждан и активистов махалли в упрочнение семейно-брачных отношений, сделан этнопсихологический анализ нынешнего состояния и роль махалли в жизни узбеков.

Ключевые слова: махалля, семья, брак, свадьба, примирительная комиссия, этнопсихологические особенности.

Abstract: In article is investigated the role of self-government bodies of citizens and mahalla activists in strengthening family and marriage relations, made an ethnopsychological analysed of the current state and the role of the mahalla in the life of Uzbeks.

Key words: mahalla, family, marriage, wedding, “Conciliating commission” ethno-psychological features.



Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликдан сўнг аجدодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган маънавий меросимизни, ўтмиш тарихимизни, хусусан, миллий анъана ва маросимларимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш каби вазифалар давлат сиёсати даражасидаги устувор масала қилиб белгиланди. Айнан мустақиллик йилларида ижтимоий фанларда бўлгани каби ўзбек этнологиясида ҳам маънавийтимизнинг тарихий илдизларини ва миллий анъаналаримизни ўрганиш учун зарур бўлган шароитлар яратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов оиланинг туб моҳияти ҳақида гапириб: “Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор” [3: 116] деган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдириш” [5: 43] устувор вазифалардан эканлигини таъкидлаб ўтган.

Ўзбек халқида бир накл бор: “Бир фарзандга етти маҳалла ота-она”. Бундан кўриниб турибдики, айнан оила ва никоҳ муносабатларининг мустаҳкамлигида маҳалланинг ўрни бекиёс. Бугунги кунда жамият томонидан оилани мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбир ва ислохотларнинг ўтказилиши айни дамда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Хусусан, мазкур фаолиятда маҳалланинг ўрни ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буни биз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бу борада амалга ошираётган турли хил ислохотларидан кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мавзунинг долзарблигини қуйидаги омиллар билан белгиласак бўлади:

- никоҳнинг ижтимоий-психологик моҳияти ёшларга маҳалла фаоллари томонидан етарлича тушунтирилмаётганлиги, тушунтирилган тақдирда ҳам, таъсирчанлик ҳолати қуйи даражада эканлиги;
- эрта никоҳнинг олдини олиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддиларида зарур бўлган ваколатларнинг камлиги;
- баъзи ҳудудларда “яраштириш” комиссиялари фаолиятининг шунчаки тадбирбозликка айланиб қолаётганлиги, бунинг оқибатида керакли натижаларга эришилмаётганлиги;
- оила ажримларининг кўпайиб кетишига ўзаро низоларнинг келиб чиқиш сабаблари етарли даражада аниқланмаётганлиги, аниқланган тақдирда ҳам уларга керакли чоралар қўлланилмаётганлиги.

Оила эркак ва аёлнинг никоҳдан ўтиб, бир ёстикқа бош қўйган кундан бошланади. Унинг энг муҳим вазифаси наслни давом эттириш, шунингдек, ота-боболарнинг энг яхши анъана ва удувларини давом эттириш, турмушни мустаҳкамлашдан иборатдир [7: 9].

Ўзбек оиласидаги болажонлик, фарзандлар томонидан ота-оналарни ҳурмат қилиш, оилалар асосан қўп сонли бўлиб, уларда турли авлод вакиллариининг бирга яшашлари ва бирга ҳўжалик юритишлари, меҳнатсеварлик ва саҳий меҳмондўстлик каби яхши хусусиятлар сақланиб қолинмоқда [7: 8].

Оила ва никоҳ масалалари доимо ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари диққат-этиборини ўзига тортиб келган. Оила омилининг илмий, фалсафий, педагогик, этнопсихологик тавсифи мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ривожланишини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Жамият ҳаётининг ўзгариши, маълум жиҳатдан оилага, унинг аъзоларига боғлиқ бўлганлиги боис, бу муаммони ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб жараён ҳисобланади. Ҳар бир миллат оила ва у билан боғлиқ жараёнга алоҳида этибор қаратиб, оила ҳақидаги билимларни, тасаввурларни ва қадриятларни авлоддан авлодга етказиб келмоқда. Бу ҳолатда маҳалланинг ўрни ўзига хос эканлигини таъкидлаш жоиз.

Давлатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар жараёнида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш” тизими янада такомиллашиб бормоқда. Бундан ташқари соҳага оид ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий қонунлар асосида маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз фаолиятларини юритишлари учун барча имкониятлар яратилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) асосан жойларда тўй ва маърака маросималрини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш,



оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ва бошқа фаолиятлар билан шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бу конституциявий нормалар эса 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунда ўз аксини топди. Мазкур қонун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида туб бурилиш ясади.

Ижтимоий, жамоат институти ҳисобланган ушбу ташкилот вазифаларига маҳаллаларнинг ижтимоий-маънавий даражасини юксалтириш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни сақлаш ҳамда тарғиб қилиш, шунингдек, фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш каби долзарб муаммолар киради.

Мамлакатимизда 2019 йилда ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг ҳар бирида 10 га яқин комиссиялар фаолият юритиб келмоқда. Ташкил этилган комиссияларнинг аксарияти маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг мустаҳкамланишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шундай комиссиялардан бири “Яраштириш” комиссияси бўлиб, ушбу комиссиянинг асосий мақсади фуқароларнинг оила ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашига қўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларига таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қўмаклашишдан иборат [10]. Бу борада ишлар самарадорлиги ташкил этилган комиссия аъзоларининг мамлакат қонунчилигини яхши билиши, ҳуқуқий маданияти юксак бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролар йиғинлари қошида фаолият юритаётган Яраштириш комиссиялари оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш билан биргаликда жамиятда ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, тўй-маъракаларни ихчамлаштириш каби турли вазифаларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифалар белгиланди:

– *оилавий низоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.* Оила ажримларининг кўпайиб кетишига ўзаро низоларнинг келиб чиқиш сабаблари етарли даражада аниқланмаётганлиги ёки уларга керакли чоралар қўлланилмаётганлиги асосий сабаблардан бири бўлиб келмоқда. Ташкил этилган “Яраштириш” комиссияларининг асосий вазифаси, биринчи навбатда, муаммолар келиб чиқишининг олдини олишдан иборат. Бу борада, энг аввало, нафақат ёш оилалар билан, қолаверса, турли низоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа объектив ва субъектив омилларга айланиши мумкин бўлган қариндошлар (асосан, ота-она, қайнота-қайнона) билан ҳам турли тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Бундан ташқари маънавий тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда амалий натижадорликка эришиш ҳам муҳим масалалардан биридир.

– *ёшларнинг оила қуришига руҳий ва маънавий жиҳатдан тайёрлиги, эрта никоҳнинг оқибатлари ҳамда оиланинг муқаддаслиги бўйича ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш.* Бунда икки ёшнинг янги ҳаётга илк қадамларини қўйишларидан аввал, уларга оиланинг муқаддас эканлигини, оилага нафақат жисмоний томондан, балки руҳий томондан ҳам тайёргарлик зарурлигини, эрта никоҳнинг салбий томонларини дунёвий ва диний нуқтаи назардан тушунтириш каби ишларни олиб бориш лозим. Бу вазифани амалга ошириш учун амалий психолог, малакали шифокорлар ҳамда дин уламолари ва отин ойилар жалб қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, бундай жараёнларда нафақат икки ёш, балки уларнинг ота-оналарининг қатнашишлари фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки бу борада ёшларга таъсирли чораларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

– *эр-хотин, қайнона ва келин, яқин қариндошлар, қўни-қўнилар ўртасида келиб чиққан низоларни бартараф этиш ҳамда бузилган муносабатларни тиклашга доир тушунтириш ишлари ва амалий чоралар қўриш.* Одатда, тўй вақтида ва оилавий ҳаётнинг бошланишида келин-куёвнинг яқинлари, куёв жўралар, келин янгилар уларга қандай қилиб умр йўлдошини “гаҳ деса, қўлга қўнадиган қилиб олиш” каби гаплардан иборат бўлган маслаҳатларини берадилар. Бундай маслаҳатлар кўпинча маслаҳатгўйнинг ўта тор, тубан тажрибаларига ҳамда



шакланган стереотипларга асосланган бўлади. Ўзбек мақолида айтилганидек: “Ўзига енг бўлолмаган бошқа бировга ёқа бўлгиси келади”. Аслида, “Эр оилада қандай бўлиши керак?” деган саволларга мазкур маслаҳатлар ҳеч қачон жавоб бера олмайди. Аксинча, улар оилада алоқаларнинг кескинлашувига сабаб бўлади, холос [9: 122].

–*оилавий низоларни ижобий ҳал этиш, оилаларнинг ажралишига йўл қўймаслик.* Комиссия фаолияти шунчаки тадбирбозликдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Қачонки, ҳамма чин юракдан иш олиб борар экан, шундагина сезиларли натижага эришиш мумкин. Бунинг учун, аввало, комиссия ишида таъсирчанликни ошириб бориш керак. Ўз навбатида, комиссия аъзоларига керакли ваколатлар берилса, улар шунчаки маслаҳат бериш билан чекланиб қолмайди. Оила бузилмаслиги учун албатта оила қуриш ёки тўйдан кейин уни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу масалани ёш авлоднинг онгига унинг ўсмирлик давридан бошлаб мунтазам суҳбат орқали сингдириш лозим.

Шу ўринда Абдурауф Фитратнинг қуйидаги маълумотларини келтириб ўтамиз: “Уйланиш учун тўрт нарсага эътибор бериш лозим: мол, насаб, ҳусн ва имон-эътиқод. Уйланиш орзусида бўлган эр билан хотиннинг мол (бойлик)лари ва насаблари тақрибан бир хил бўлиши лозим. Акс ҳолда эр билан хотин бир-бирларига тенг бўлмай, бири бой ва калонзода бўлса, иккинчи томонни фақирлик ва зоти пастликда айблаб, ҳаётини мудом азобга қўяди... Жамол (ҳусн) бу кўриниш демакдир, яъни қараётган киши назарига чиройли кўриниб, унинг қалбини ўзига мойил қилиш демакдир. Қалбда пайдо бўлган бу мойилликни муҳаббат дейиш мумкин... Мазкур бўлган тўртинчи сифат шулким, ҳар бир эркак ва аёл диндор бўлиши лозим... Диндорлик ва ҳушаҳлоқ бўлмоқ ҳар бобда, ҳусусан, уйланиш бобида жуда зарурдир. Табиийки, эр-хотин агар диндор, диёнатли ва ахлоқи ҳамидга эга бўлсалар, шу аҳду паймонларига бир умр содиқ қоладилар” [1: 24].

Бундан англашилиб турибдики, юқоридаги шартлар нафақат оила тузишда, балки кейинчалик оиланинг мустаҳкамлигида ҳам муҳим ўрин тутди.

Методика. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла фаолларининг оила-никоҳ муносабатларини мустаҳкамлашдаги ўрнини ўрганиш учун биз 2018 йили махсус тадқиқот ўтказдик. Тадқиқот Наманган вилояти Уйчи туманидаги Уйчи, Ўнҳаёт, Соқу, Бўёғон, Гулзор, Гулбоғ ҳудудларида ўтказилди. Тадқиқотда қатнашган респондентлар сони (2 та ҳудуд бўйича): жами – 100 та, шундан аёллар – 50 та, эркаклар – 50 та. Унда қуйидаги методлардан фойдаландик: *кузатув* методи – ташки, ички; *бевосита сўров* – оғзаки сўров, суҳбат; *билвосита сўров* – ёзма сўров – мазкур тадқиқот учун махсус ишлаб чиқилган ярим очиқ ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС); *экспедиция*.

Эмпирик таҳлил. Психологлар ўзбек оилаларида ажралишларнинг асосий сабаблари сифатида “турмуш ўртоғининг қўполлиги”, “ота-она ва бошқа қариндошларнинг аралашuvi”, “бир-бирига нисбатан бефарқлик”, “эр-хотиндан бирининг оилавий масалаларга нисбатан бефарқлиги” кабиларни кўрсатиб ўтадилар [6: 189]. Диний уламолар инсон никоҳ одобларига, эр-хотинлик ҳақларига риоя қилмаса, номаҳрамдан сақланмаса, ўзини ҳам, аҳлу аёлини ҳам ҳалокат гирдобига ташлаши муқаррар деб қайд қиладилар [8: 2].

Оилани мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли бекиёс бўлиб, энг аввало, оиланинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий билимларини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалла орқали оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муаммоларини бартараф этишда уларга зарур кўмак ва ёрдам бериш, оиланинг маънавий ва тарбиявий масалаларига алоҳида аҳамият қаратиш ва оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

“Яраштириш” комиссияси фаолияти ташкил этилганидан буён маълум бир ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Ҳусусан, Наманган вилояти Уйчи туманининг бир қатор маҳаллаларида ўтказилган эмпирик тадқиқотлар давомида бунга гувоҳ бўлдик. Ҳусусан, “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинида 724 та хонадонда 1302 та оила бўлиб, уларда жами аҳоли сони 4782 нафар кишини (2018 йил сентябрь ойигача) ташкил этади. Шулардан ёш оилалар сони – 54 та. 2018 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра жами 18 та оила вакиллари ажрим масаласида ариза мурожаат қилган бўлса, шулардан 14 таси “Яраштириш” комиссияси



томонидан ўзаро муроасага келтирилди. 4 та оила эса туман оила марказига ажрим ишини кўриш учун юборилган.

Бундан ташқари, "Соку" МФЙ да 362 та хонадонда жами оилалар сони 795 та бўлиб, уларда истикомат қилаётган фуқаролар сони 2711 кишини ташкил этади. 2018 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра 5 та оила вакиллари ажрим масаласида ариза билан мурожаат қилишган бўлса, шулардан 3 таси "Яраштириш" комиссияси томонидан муроасага келтирилди. 2 таси эса туман оила марказига ажрим ишини кўриш учун юборилган.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотларга кўра, ажрашиш истагини билдирган аксарият оила вакилларининг ёш чегараси 30 – 40 ёшларни ташкил қилди. Лекин ажрашиш истагини билдирганлар қаторида 30 ёшдан кичик бўлган ёш оилалар ҳам мавжуд.

Тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиқиб, оилаларнинг ажралиб кетишига асосий сабаблардан бири сифатида қайнона ва келин ўртасидаги оилавий муносабатларнинг кескинлашуви, улар ўртасидаги келишмовчиликлар, келинларнинг янги оилавий шароитларга кўника олмасликлари, уларнинг сабрсизликлари, ёш келин-куёвларнинг бир-бирларини ҳали яхши билмай туриб никоҳ қуришлари кабиларни келтиришимиз мумкин.

Бугунги кунда никоҳнинг узоқ давом этмаётганлигига оилада ёшларга тарбия беришдага камчиликлар, уларнинг онгига никоҳ муқаддас эканлиги етарлича сингдирилмаётганлиги, қолаверса, эрта никоҳларнинг тузилиши, яқин қариндошларнинг ўзаро қудда-андачилик алоқаларини ўрнатишлари кабилар ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар, жамиятдаги етакчи доираларнинг ёш авлодни оилали қилиш борасидаги бурчлари уларни никоҳлаб қўйиш билан чекланмайди. Балки келинлик ва куёвликка номзод ёшларга никоҳ, оила ва оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, оила тутиш сирлари, эр-хотинлик муносабатлари каби нарсаларни ўргатиш ҳам зарур.

Ҳозирги кунда оилавий муаммолар ичида энг кўп учрайдигани ва муҳимини аниқлаш мақсадида Наманган вилояти Уйчи туманида респондентларга худди шу савол билан мурожаат қилдик (1-жадвал: У – умумий, А – аёллар, Э – эркеклар, Ў – ўрни). Тадқиқотимиз натижаси шуни кўрсатдики, бугунги кунда кўп учрайдиган муаммолар сифатида аёллар (42%) асосан "қайнона-келин муаммолари"ни биринчи ўринда деб билишса, эркеклар (42%) учун эса, "эр ва хотин ўртасидаги муаммолар" биринчи ўриндадир. Лекин "умуман оилавий муаммолар" аёллар (20%) учун ҳам, эркеклар (20%) учун ҳам бир хил кўрсаткичдадир.

Жадвал № 1.

Ҳозирги кунда оилавий муаммолар ичида энг кўп учрайдигани ва муҳимлигига муносабати (фоиз ҳисобида)

№	Ҳозирги кунда оилавий муаммолар ичида энг кўп учрайдигани ва муҳими деб қайсини биласиз?	Ў	У	Ў	А	Ў	Э
1	Қайнона ва келин ўртасидаги муаммолар	1	38	1	42	2	36
2	Эр ва хотин ўртасидаги муаммолар	2	34	2	24	1	42
3	Умуман оилавий муаммолар	3	20	3	20	3	20
4	Она ва фарзанд ўртасидаги муаммолар	-	2	-	4	-	-
5	Қиз ва ота-она ўртасидаги муаммолар	-	-	-	-	-	-
6	Қайнота ва келин ўртасидаги муаммолар	-	2	-	4	-	-
7	Бошқа жавоб: буларнинг ҳаммаси		4	-	6	-	2




Бундан кўриниб турибдики, Уйчи тумани ўзбек аёллари учун қайнона-келин муаммоси эр-хотин ўртасида вужудга келадиган муаммоларнинг асосий сабабчисидир. Шунингдек, оилаларнинг бузилиши ва ажримларнинг сабаби асосан қайнона-келин муаммоси билан боғлиқлиги куйидаги сўров натижаси асосида ўз тасдиғини топди. Хусусан, респондентларга “Ҳозирги кунда ажримларга кўпроқ нима сабаб бўлмоқда” деган савол билан мурожаат қилганимизда аёллар (37%) қайнона-келин ўртасидаги муаммоларнинг кўпайиши, бунинг оқибатида эр-хотин муносабатларининг ёмонлашиши деб билишса, эркеклар (35%) эр ва хотин ўртасидаги кейинчалик вужудга келадиган турли тушунмовчиликларни асосий сабаб сифатида кўрсатишган (2-жадвал). Гарчи кам миқдорда бўлса-да, бугунги кунда ажримларга сабаб бўлувчи омилардан бири сифатида эр ёки хотиннинг ўз оиласига хиёнатини ҳам таъкидлашган (умумий – 13%). Эътиборлиси, буни аёлларга (9%) нисбатан эркеклар (16%) кўпроқ қайд қилганлар.


Жадвал № 2.

Ҳозирги кунда ажримларга кўпроқ нима сабаб бўлишига муносабат (фоиз ҳисобида)

№	Ҳозирги кунда ажримларга кўпроқ нима сабаб бўлмоқда?	Ў	У	Ў	А	Ў	Э
1	Эр ва хотин ўртасидаги кейинчалик вужудга келадиган турли тушунмовчиликлар	1	26	3	13	1	35
2	Қайнона-келин ўртасидаги муаммоларнинг кўпайиши, бунинг оқибатида эр- хотин муносабатларининг ёмонлашиши	2	21	1	37	2	19
3	Қариндошларнинг эр-хотин муносабатларига тез-тез аралашуви	3	20	2	27	3	12
4	Эр ёки хотиннинг ўз оиласига хиёнати	-	13	-	9	-	16
5	Фарзанд кўролмаслик	-	10	2	8	1	9
6	Бошқа жавоб: буларнинг барчаси; ҳозирги ёшларнинг ҳаётга енгил қараши ва бир-бирини яхши билмаганлиги	-	10	-	6	-	9



Уйчи тумани ўзбеклари оиласида эр ва хотин ўртасидаги низоларнинг келиб чиқиш сабабларини билиш мақсадида уларга худди шундай савол билан юзландик (3-расм). Маълум бўлдики, Уйчи тумани ўзбекларининг кўпчилиги (умумий ҳисобда – 33%) эр-хотин муносабатларидаги низоларнинг асосий сабабини оиланинг моддий таъминотиغا боғлашади. Лекин эркекларнинг кўпчилиги (32%) низоларнинг келиб чиқишининг асосий сабаби сифатида эр-хотин характерларининг бир-бирига тўғри келмаслигини эътироф этадилар. Аёлларнинг аксарияти эса (24%) эрнинг хотинини “паст”га уриши ва уни менсимаслигини 2-ўринга қўйишади. Қариндошларнинг эр-хотин муносабатларига аралашувини эса (16%) 3-ўринга қўйишади.



1-расм. Оилада эр ва хотин ўртасидаги низоларнинг келиб чиқишига асосан қандай сабабларни келтириш мумкин масаласига муносабати (фоиз ҳисобида)

Хулоса. Демак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла фаоллари оила ва никоҳ мустаҳкамлигида муҳим ўрин тутаяди, ушбу жараёнда маҳалланинг иштироки оилада келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчиликларнинг олдини олишда катта самара бермоқда.

Оиланинг етарлича моддий таъминланганлиги, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг бўлиши, оила аъзоларининг бир-бирларини яхши тушунишлари, уй-жой билан таъминланганлик, оила аъзоларининг маънавий даражаси, қайнота ва қайнонанинг оиланинг бошқаришга аралашуви, қайни ака, қайни ука, қайни опа, қайни сингилларнинг оилавий муносабатлардаги иштироки албатта никоҳ ва оила муносабатларида етарлича ўрин эгаллайди.

Наманган вилоятининг Уйчи тумани Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таркибидаги “Яраштириш” комиссиялари фаолияти самарадорлиги анча юқори.



Бундан кейин шу каби тузилмаларнинг сифатини янада кўтариш, уларнинг фаолиятлари изчил давом этиши учун имконият даражасида қўллаб қувватлаш зарур. Шундагани биз бугунги кунда яшаётган демократик жамият янада гуллаб яшнайди десак муболаға бўлмайди.

Маҳаллаларда ўзаро ҳамжиҳатликни ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясига кўмаклашиш орқали улар фаолиятини янада такомиллаштириш, маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада биз куйидаги тавсияларимизни тақдим этамиз:

– ёшларнинг турмуш қуришларидан аввал оила ва никоҳнинг муқаддаслиги ҳақидаги тасаввурлар оила, маҳалла, мактаб, АЛ, КХК, ОТМ лар томонидан болаларнинг ёшига мос равишда илмий асосда шакллантирилиб, таълим, тарбия жараёнига турли тарзда сингдириб борилиши керак;

– маҳалла ва оиланинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали оиладаги юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

– ОАВ орқали тарғибот-ташвиқотни кучайтириш, бунда оилавий тарбия жараёнида миллий кадриятлар, анъаналарнинг аҳамиятига кенг эътибор беришга қаратилган маърифий эшиттириш ва кўрсатувларни изчил уюштириш билан боғлиқ ишлар кўламини кенгайтириш;

– қиз болаларни эрта турмуш қуришларига чек қўйиш, ота-оналарга эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатларини кўпроқ тушунтириш, оилаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга доир мажмуавий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш даркор.

Адабиётлар:

1. Абдуаруф Фитрат. Оила. – Тошкент: Маънавият, 2000.
2. Бўриев О. Ўзбек оиласи тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. Москва, Ленинград: Изд-во АН СССР, 1959.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
6. Отахўжаев Ф.М., Йўлдошева Ш.Р. Оила ҳуқуқи. – Тошкент: Адолат, 2007.
7. Фазлидин Икромуддин. Никоҳ ва оила рисоласи. – Тошкент: Маворауннаҳр, 2004.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Бахтиёр оила. – Тошкент: Ҳилол нашр, 2013.
9. Шоумаров Ғ.Б. таҳрири остида. Оила психологияси. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 189 б.
10. Яраштириш комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги намунавий Низом, Вазирлар Маҳкамаси – 274 сонли қ. – Т.: 2013.



Ганиева Гулрух Валижон кизи,
Преподователь кафедры «Психология религии и педагогика»
Международной исламской академии Узбекистана

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ДИАГНОСТИКИ КОМПЕТЕНЦИИ МАГИСТРА

Аннотация: В статье описывается роль магистра в обществе, формирование его компетенции, измерение знаний, умений и навыков, а также, их диагностика..

Ключевые слова: диагностика, компетенция, компетентность магистра, психологические тесты, методика, измерения ЗУН.

Аннотация: Мақолада магистрантнинг жамиятда тутган ўрни, ундаги компетентлик сифатининг шаклланиши, билим, кўникма ва малакаларини ўлчаши ҳамда ташиxis қилиши масалалари ёритилган.



Калим сўзлар: диагностика, компетентлик, магистр компетентлиги, психологик тестлар, методика, БКМ ўлчови.

Abstract: The article describes the role of the master in society, the formation of his competence, the measurement of knowledge, skills and diagnostics.

Key words: diagnostics, competence, magister competence, psychological tests, methods, a measure of cognitive skills skill.

Актуальность. Экономическое развитие любой страны во многом зависит от качества подготовки специалистов в системе образования. В системе образования многих передовых странах мира происходит переход от «знаниевой» модели подготовки к «компетентности». Это особенно актуально для подготовки магистров, так как магистры являются тем важным звеном в экономике, способствующее развитию общества и государства.

Главные аспекты компетенции представляет собой интегрированный результат овладения содержанием образования, выражаемый в готовности магистра применять усвоенные знания, навыки и умения, а также способы деятельности в определенных жизненных ситуациях с целью решения теоретических и практических задач. Компетентность — способность к осуществлению реального, жизненного действия и квалификационная характеристика индивида, взятая в момент его включения в деятельность; поскольку у любого действия существуют два аспекта — ресурсный и продуктивный, то именно развитие компетентности определяет превращение ресурса в продукт [12]. А еще потенциальная готовность решать задачи предполагает знание существа проблемы и умение её решать; постоянное обновление знаний, владение новой информацией для успешного применения этих знаний в конкретных условиях, то есть обладание оперативным и мобильным знанием [11].

Обеспечение усвоения магистрами основ методологического мышления является необходимой предпосылкой для успешности последующей научно-исследовательской и практической деятельности [9]. Сейчас переходят от измерения знаний, умений и навыков (ЗУН) к измерению компетентности. Компетентность в самом простом её составляющем состоит из ЗУНов и умений эффективно использовать эти ЗУНы в своей деятельности. Первая составляющая компетентности (ЗУН)ы имеют педагогическую сущность, а вторая составляющая, в большей степени является психологической.

Это означает, что при измерениях компетентности магистра необходимо учитывать и психологические моменты. Следовательно, для объективной оценки компетентности необходимо использовать психологические диагностические средства.

Раскроем, что из себя представляет вторая составляющая компетентности — умение эффективно использовать ЗУНы.

В ходе проведенного опроса в числе необходимых компетенций респондентами были названы:

- фундаментальная общая подготовка (универсальность, общий уровень развития, базовые знания);
- способность системно мыслить (главное — «выпускники с мозгами»; самостоятельно мыслящие);
- умение перерабатывать большие объемы информации и вычленять главное (анализ информации);
- умение применять знания на практике;
- способности к критическому мышлению;
- способность к самоуправлению деятельностью;
- умение и желание постоянно учиться (обучаемость);
- способности к нестандартным решениям;
- личностные качества, личная эффективность («личность первична; профессионализм вторичен»);
- умение работать в команде (командный дух, навыки командной работы);
- коммуникабельность, коммуникационные навыки;
- высокая мотивация к работе;
- желание совершенствоваться в любой области.



Также были выделены интеллектуальные действия, присущие научной работе и необходимые для развития: анализировать, синтезировать; сопоставлять, сравнивать; систематизировать; обобщать; генерировать идеи; приобретать новые знания [9]. Значит в основе второй составляющей компетентности тоже находятся знания. Остановимся на теоретических аспектах оценивания знаний, умений, навыков и учебных достижений [2].

Знание – это теоретически обобщенный общественно-исторический опыт, результат овладения человеком действительности, ее познания [13]. Цель учета и контроля знаний, умений и навыков – формирование у обучаемых ответственности за результаты своего труда, критического отношения к успехам и недостаткам в работе, а также развитие способности к творчеству и привычки к самоконтролю. Проверка и оценка знаний, умений и навыков неотъемлемый компонент учебно-воспитательного процесса. Основной целью контроля является определение качества усвоения обучаемыми изученного материала и повышение ответственности к учёбе. В процессе контроля происходит окончательное осмысление, систематизация и обобщение приобретенных магистрами знаний.

Контроль и оценка результатов учебной деятельности побуждает магистров своевременно и старательно выполнять порученные задания, совершенствовать свои знания, умения и навыки, т.е. проверка, стимулирует обучающихся к самостоятельной деятельности, предупреждает пробелы в знаниях, способствует выявлению путей повышения эффективности обучения. Результаты контроля помогают наметить, что необходимо сделать для того, чтобы каждый магистр действительно усвоил требуемый учебной программой материал.

Переработка чувственных данных в сознании приводит к образованию представлений и понятий. Именно в этих двух формах знания сохраняются в памяти. Главное назначение знаний – организовывать и регулировать практическую деятельность.

Знание и действие тесно переплетены. Действия с предметами дают одновременно знания об их свойствах и о возможности использования этих предметов. Встречаясь с новыми предметами, мы стремимся прежде всего получить знания о том, как с ними обходиться, как их использовать. Если мы имеем дело с новым техническим устройством, то прежде всего знакомимся с инструкцией по его использованию. На основании инструкции движения откладываются в виде двигательных представлений. Однако движений обычно бывает недостаточно для правильного обращения с предметом. Необходимы определенные теоретические знания о некоторых свойствах устройства, о закономерности и особенности явлений, связанных с ним. Эти знания можно приобрести с специальной литературы и использовать их, работая с устройством [13].

Знание поднимают деятельность на более высокий уровень осознанности, повышают уверенность человека в правильности ее выполнения. Выполнение деятельности невозможно без знаний.

Кроме знаний, необходимыми компонентами деятельности являются умения и навыки. Соотношение этих компонентов объясняется психологами неоднозначно: одни исследователи считают, что навыки предшествуют умениям, другие считают, что умения возникают раньше навыков.

Кроме того, неоднозначно толкуется и понятия умения. Так, умение иногда сводят к знанию конкретного дела, понимание последовательности ее выполнения. Однако это еще не является умение, а только предпосылка для его возникновения. Да, и первоклассник, и старшеклассник умеют читать, но это качественно отличные умения по их психологической структуре. Поэтому следует различать элементарные умения, которые идут сразу за знаниями и первым опытом действий, и умения, которые проявляются как мастерство в выполнении деятельности, которая возникает после выработки навыка. Элементарные умения – это действия, возникающие на почве знаний в результате подражания действиям или самостоятельных проб и ошибок в обращении с предметом. Они могут возникать на основе подражания, из случайных знаний. Умение – мастерство возникает на основе уже выработанных навыков и широкого круга знаний. Таким образом, необходимым внутренним условием умения есть определенная сноровка в выполнении тех действий, из которых состоит данная деятельность. Итак, умение – это основанная на знаниях и навыках готовность человека успешно выполнять определенную деятельность. Умения представляют собой сознательно контролируемые части деятельности, по меньшей мере в главных промежуточных пунктах и



конечной цели. В психологической науке существует множество инструментов (тесты, ситуации, вопросники, задачи) которые служат для измерения тех или иных компетенции [13].

Из них психологический тест – стандартизированная методика, направленная на измерение индивидуальных свойств и качеств респондента (психофизиологических и личностных характеристик, способностей, знаний и навыков состояний).

Методика оценки может называться тестом при одновременном наличии у нее следующих признаков:

- стандартизированный набор вопросов или заданий иного типа;
- одна или несколько измерительных шкал, позволяющих выразить результаты количественно;
- связь каждого ответа на каждое задание с одной или несколькими измерительными шкалами (наличие «ключей к тесту»);
- стандартизированная процедура проведения, включающая однозначную (стандартную) инструкцию для тестируемого, правила использования вспомогательной информации, правила завершения или приостановки тестирования и т.п.;
- возможность автоматической (без участия человека) обработки результатов, то есть формализованная процедура подсчета баллов по шкалам с помощью весовых коэффициентов (ключей);
- тестовые нормы – фиксированные границы перевода тестовых баллов в оценочные категории;
- формализованная модель интерпретации результатов и/или рекомендации по принятию тех или иных решений, связанные с определенными интервалами значений на шкале (шкалах) и сочетаниями значений шкал (при наличии двух шкал и более);
- направленность на индивидуальную количественную оценку какой-либо характеристики одного человека (а не группы, коллектива и т.п.) [10].
- качество теста обеспечивается многоступенчатой процедурой проверки и стандартизации его шкал.

Тестирование в работе с персоналом используется как один из методов отбора и развития сотрудников. различаются две категории тестов:

- тесты, созданные для оценки эффективности исполнения работы, профессиональных знаний и умений;
- тесты, созданные для оценки черт характера и свойств (специальных способностей), которые способствуют эффективному исполнению работы.

Психологический тест с четко определенными неизменным списком вопросов, инструкцией, методами обработки результатов и подсчета баллов.

Тесты Личности (Психология) (*personality tests*) – тесты психологического тестирования, направленные на изучение характера, способностей, эмоций, потребностей и других свойств человеческой личности.

Личностные тесты подразделяются на:

- проективные тесты;
- личностные опросники;
- тесты деятельности (ситуационные тесты) [3].

Какие психологические инструменты можно использовать, чтобы измерить «Умение эффективно использовать ЗУНы»? Рассмотрим наиболее распространенные в психологии методики.

В настоящее время известно большое число разнообразных тестовых методик, рассматривать которые по психологии нецелесообразно. Исследование интеллекта, как уже отмечалось, связано с именем французского психолога А.Бине, создавшего для этих целей тестовые задачи различной степени трудности. Один из первых его тестов состоял из 30 таких задач, предназначенных для изучения рассудительности и понятливости ребенка. Эти качества ученый считал главными составляющими интеллекта. В последующем для оценки интеллекта им было введено понятие умственного возраста.

Последняя редакция шкалы А. Бине (1911 г.) была доработана в США, где испытуемых начали классифицировать по степени умственного развития, используя в этих целях понятие



intelligent quotient (IQ), переводимое как коэффициент умственного развития, с помощью которого стали оценивать отношение между умственным и хронологическим возрастами.

Это отношение (а не разницу между ними) назвали коэффициентом интеллекта, который является постоянной величиной. В последующем результаты обследования испытуемого стали сравнивать со средним результатом его возрастной группы. Созданная методика стала инструментом измерения интеллектуальных способностей, а также использовалась в качестве критерия валидности новых интеллектуальных тестов.

Этим в значительной степени объясняется тот факт, что IQ стал представляться символом интеллекта. Среди различных тестовых методик, которые начали появляться и которые стали использовать IQ, следует прежде всего назвать тест американского клинического психолога Д. Векслера «Шкала Векслера для измерения интеллекта взрослых» (WA/S). Тестовая батарея Векслера состоит из 11 различных заданий — субтестов, из которых первые шесть являются вербальными.

Так же существуют и проективные методики. Один из методов исследования личности, основан на выявлении проекций в данных эксперимента с последующей интерпретацией.

Проективный метод характеризуется созданием экспериментальной ситуации, допускающей множественность возможных интерпретаций при восприятии ее испытуемыми. Проективные методики основаны на выявлении различных проекций в данных эксперимента с последующей их интерпретацией. Понятие проекции для обозначения метода исследования ввел Л. Франк. Проективный метод характеризуется созданием экспериментальной ситуации, допускающей множественность возможных интерпретаций при восприятии её испытуемыми. Наиболее существенным признаком проективных методик является использование в них неопределенных стимулов, которые испытуемый должен сам дополнять, интерпретировать, развивать и т. д.

Так, испытуемым предлагается интерпретировать содержание сюжетных картинок, завершать незаконченные предложения, давать толкование неопределенных очертаний и т. п. В этой группе методик ответы на задания также не могут быть правильными или неправильными; возможен широкий диапазон разнообразных решений. При этом предполагается, что характер ответов обследуемого определяется особенностями его личности, которые «проецируются» в его ответах.

Цель проективных методик относительно замаскирована, что уменьшает возможность испытуемого давать такие ответы, которые позволяют произвести желательное о себе впечатление. За каждой такой интерпретацией вырисовывается уникальная система личностных смыслов и особенностей когнитивного стиля субъекта. Метод обеспечивается совокупностью проективных методик (называемых также проективными тестами), среди которых различают: ассоциативные (например, Тест Роршаха, тест Хольцмана, в которых испытуемые создают образы по стимулам — пятнам; тест завершения неоконченных предложений); интерпретационные (например, тематический апперцепционный текст, в котором требуется истолковать социальную ситуацию, изображенную на картине); экспрессивные (психодрама, тест рисунка человека, тест рисунка несуществующего животного М. З. Дукаревич. Совокупность использования проективных методик называется проективной психологией [4].

Проективные методики:

- Тест Сонди
- Тест Роршаха
- Брейнсторм
- Фастрек
- Сценарно
- психологические цветовой тест Люшера, цветоаналитический тест Фрилинга,
- психология образа: тест Маркерта - «В каком Вы настроении?»
- Тест фрустрационных реакций Розенцвейга
- Тематический апперцептивный тест
- Тест «Дом Дерево Человек»
- Тест «Несуществующее животное»
- Тест «Куб»



- Тест руки

Конструктивные проективные методики. Предлагаются оформленные детали (фигурки людей и животных, модели их жилищ и пр.), из которых нужно создать осмысленное целое и объяснить его. «Тест мира», напр., состоит из 232 моделей объектов, распределенных в разных пропорциях по 15 категориям (дома, деревья, самолеты, люди, животные и т.д.). Испытуемые конструируют «малый мир», а по множеству его особенностей, учитываемых исследователями, делаются заключения о личности «конструктора».

Интерпретативные методики. Необходимо истолковать, интерпретировать какое-либо событие, ситуацию. Тест тематической апперцепции является хорошей иллюстрацией этого вида методик. Испытуемому предлагаются таблицы-картины, на которых изображены относительно неопределенные ситуации, допускающие неоднозначную интерпретацию. В ходе обследования испытуемым составляется небольшой рассказ, в котором необходимо указать, что привело к изображенной ситуации, что происходит в настоящее время, о чем думают, что чувствуют действующие лица, чем эта ситуация завершится. Предполагается, что испытуемый идентифицирует себя с «героем» рассказа, что дает возможность раскрытия внутреннего мира обследуемого, его чувств, интересов и побуждений.

Катартические. Предлагается осуществление игровой деятельности в особо организованных условиях. Например, психодрама, осуществляемая в виде импровизированного театрального представления, позволяет субъекту не только аффективно отреагировать (игровой катарсис) — а тем самым добиваются терапевтического эффекта, — но и дает исследователю возможность обнаружить выносимые во вне конфликты, проблемы, другую личностно насыщенную продукцию. Рефрактивные. Личностные особенности, скрытые мотивы исследователь стремится диагностировать по тем произвольным изменениям, которые вносятся в общепринятые средства коммуникации, например, речь, почерк. Экспрессивные. Осуществление испытуемым изобразительной деятельности, рисунок на свободную или заданную тему, например, методика «Дом-дерево-человек». Предлагается нарисовать дом, дерево и человека.

Импрессивные. Эти проективные методики основываются на изучении результатов выбора стимулов из ряда предложенных. Испытуемый выбирает наиболее желательные, предпочитаемые им стимулы. Например, тест Люшера, состоящий из 8 цветных квадратов (неполный набор). Предъявляются все квадраты с просьбой выбрать наиболее приятный. Процедура повторяется, и в итоге образуется ряд, в котором цвета располагаются по их привлекательности. Психологическая интерпретация исходит из символического значения цвета. В качестве стимулов могут выступать фактически любые объекты живой и неживой природы. Аддитивные. В этих проективных методиках от обследуемого требуется завершение имеющего начало предложения, рассказа или истории. Например, предлагается серия незаконченных предложений типа: «Будущее кажется мне...», «Думаю, что настоящий друг...» и т.п. Эти методики предназначены для диагностики разнообразных личностных переменных — от мотивов тех или иных поступков до отношения к половому воспитанию молодежи. Значит нужно сказать и о том, что использование понятия проекции для обозначения обсуждаемых методик у некоторых известных психологов вызывает возражения. Например, Р. Кэттелл предпочитает называть их «тестами ошибочного восприятия». Л. Беллак пишет об «апперцептивном искажении». Однако попытки заменить название этой группы методик не увенчались успехом, и большинство исследователей принимает их исторически сложившееся обозначение как проективных [8].

Опросники:

- анализ почерка (графология),
- диагностика межличностных отношений лири,
- индикатор типов майерс и бриггс (mbti),
- интерактивная психодиагностика,
- комплекс программ келли,
- методика изучения внутрисемейных отношений,
- опросник структуры темперамента русалова,
- опросник шмишека,



- полиграф (детектор лжи),
- психогеометрия,
- репертуарные методики,
- тест исследование тревожности спилбергера,
- тест кэттелла (16 pf-опросник),
- тест равена,
- шкала самооценки (спилбергер-ханин),
- шкала депрессии,
- уровень субъективного контроля [10].

К числу преимуществ КП можно отнести: универсальность оборудования, возможность генерации заданий, настройку условий эксперимента, автоматизацию и стандартизацию тестирования, использование анимации, возможность фиксации дополнительных параметров, оперативную обработку данных и расширенные возможности представления результатов. А к основным недостаткам – зависимость результатов тестирования от оборудования и необходимость умения работы с компьютером. Современные исследования в области искусственного интеллекта и опыт, накопленный исследователями в области нейроинформатики, открывают новые возможности в области психодиагностики. В частности, М.Г. Доррер с соавторами показали, что при помощи аппарата нейронных сетей возможно удовлетворение потребности практикующих психологов и исследователей в создании психодиагностических методик на базе их опыта, минуя стадию формализации и построения диагностической модели.

Выводы. Подводя итоги нашего обзора, мы с уверенностью можем сказать, что диагностика компетентности магистра считается сложным процессом. Как мы видим, здесь необходимо учитывать, как педагогические, так и психологические составляющие. Поэтому до сих пор нет универсальных, готовых инструментов. Есть попытки измерить компетентность, но в основном они направлены на измерение ЗУНов (тесты, задачи, вопросники и т.д.).

Предлагаемая нами методика отличается от существующих следующими особенностями:

- построена на комбинации педагогических и психологических инструментарий;
- использованием количественных показателей;
- комбинацией различных задач (простых и сложных);
- интеграция различных областей знаний.

Практическое использование, предлагаемой методики, позволит более объективно подойти к решению задачи диагностики компетентности магистра.

Литература:

1. Анастаси А. Психологическое тестирование: пер. с англ. / А. Анастаси, С. Урбина. СПб.: Питер, 2001. – 688 с.
2. Бурлачук Л. Ф. Психодиагностика: учебник для ВУЗов. – СПб.: Питер, 2006. – 351 с.
3. Батулин Н.А., Вучетич Е.В., Костромина С.Н. и др. Российский стандарт тестирования персонала (временная версия, созданная для широкого обсуждения в 2015 году) (рус.) // Организационная психология. – 2015. – Июнь (т. 5, вып. 2). – С. 67–138.
4. Дюк В. А., Компьютерная психодиагностика. – СПб.: Братство, 1994. – 363 с.
- Знание, умения и навыки // https://studbooks.net/16195/psihologiya/znaniya_umeniya_navyki
5. Анцупов А. Я., Ковалев В. В. Социально-психологическая оценка персонала. 2-е изд. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 391 с.
6. Gorban A.N., Rossiyev D.A., Dorrer M.G., MultiNeuron — Neural Networks Simulator For Medical, Physiological, and Psychological Applications, Wcnn'95, Washington, D.C.: World Congress on Neural Networks 1995 International Neural Network Society Annual Meeting : Renaissance Hotel, Washington, D.C., USA, July 17-21, 1995.
7. Доррер М.Г. Психологическая интуиция искусственных нейронных сетей. Диссертация 1998.
8. Джураев Р.Х., Махмудов А.Х., Абдуазимова В.А., Фефелов В.С. Метод оценки уровня взаимодействия креативных качеств личности при решении творческих задач / Uzluksiz ta'lim. – Ташкент, 2018. – №2. – С. 38-43.
9. Формирование научно-исследовательской компетентности магистров // <https://science-education.ru/ru/article/view?id=25888>



10. Психологическая диагностика старших школьников // <https://www.chitalnya.ru/work/379747>
11. Некомпетентность по Л.Дж. Питеру. Синдром конечной остановки. (Принцип Питера) // <http://www.actually.pro/incompetence.html>
12. Что такое компетентность // <https://stirling-engines.ru/chto-takoe-kompetentnost/>
13. Знание, умения и навыки // https://studbooks.net/16195/psihologiya/znaniya_umeniya_navyki



Алимова Умида Рахматиллаевна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика”
кафедраси ўқитувчиси

АЁЛЛАРДА ЖАРОҲАТДАН КЕЙИНГИ СТРЕССНИНГ ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада аёллардаги жароҳатдан кейинги стресснинг ўзига хос психологик хусусиятлари ва унинг инсоннинг психологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи жиҳатлари назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Психологик депривация ҳолати ва унинг психологик хусусиятлари очиқ берилган.

Калим сўзлар: стресс, жароҳат, меҳр, қўрқув, долзарб эмоционал кечинмалар, нумбинг, депривация.

Аннотация: В статье анализируется с теоритической точки зрения психологические особенности посттравматического стресса и его негативное психологическое воздействие на человека. Раскрывается состояние депривации и его психологические особенности.

Ключевые слова: стресс, травма, любовь, страх, актуальные эмоциональные переживания, нумбинг, депривация.

Abstract: The article analyzes from a theoretical point of view the psychological characteristics of post-traumatic stress and its negative psychological impact on humans. The state of deprivation and its psychological characteristics are revealed.

Key words: stress, trauma, love, fear, relevant emotional experiences, numbing, deprivation.

Мавзунинг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, шахс камолоти учун яратилаётган шарт-шароитлар унинг ўзлигини англаб боришига Ватан тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилиши учун иқтидори, ақли ва шуурини сафарбар этишга ундайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича “Ҳаракатлар Стратегияси”нинг тўртинчи йуналишида жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, катъий ҳаётий нуктаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ юзага келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантирилиши кераклиги таъкидланган.

Ҳозирги кунга келиб, давлатимиз раҳбарияти томонидан кўплаб саъий ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан муҳтарам юртбошимиз ташаббуслари билан Сурия давлати ҳудудидан 156 нафар Ватандошларимиз она юртимизга қайтарилди, уларнинг ижтимоий реабилитацияси амалга оширилмоқда. Бу аёлларнинг аксарият қисми психологик жароҳатдан кейинги стрессга тушган аёллар сирасига киради. Айнан шу аёлларга мўлжалланган “Меҳр” дастури ишлаб чиқилди ва психологик жароҳат олган аёлларни қўллаб-қувватлаш, тақдирлаш амалга оширилмоқда. Бундай аёлларга психологик ёрдам кўрсатиш ва улар билан психологик



реабилитацияни олиб бориш анча меҳнат талаб қилади Шу нуқтаи назардан қараганда мазкур мавзу бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги англатилади.

Назарий таҳлил. Бугунги кунда “Стресс” илмий термини аллақачон кундалик ҳаётимизда кўп қўлланиладиган сўзга айланди. Стресс ҳақида оммабоп, илмий ва бадиий адабиётларда ёзилмоқда. Бу ҳолатдан қандай чиқиш йўллари қидирилмоқда. Психологик татқиқотларга кўра, инсон мослашувиға халал бермайдиган “нормал” стресс ҳамда жароҳатловчи стресс мавжуд бўлиб, унинг натижасида инсон психологик сферасида ўзгариш кузатилади.

Жароҳатловчи стресс ўзига алоқадор бўлган шахсга ўлим ҳавфи, оғир яраланиш ёки жисмоний жароҳат олиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда руҳий жароҳат ўзига бутунлай бегона бўлган киши ҳаётининг ҳавф остида қолиши, жароҳатланиши ёки ўлими туфайли юзага келиши мумкин. Бундай воқеа-ҳодисалар туб маънода индивиднинг ҳавфсизлик ҳиссиға зарар етказади, унда жароҳатловчи стресс туйғу (қайғу)сини чакиради [1:44].

Шахс руҳиятни жароҳатловчи стресс – бу ўзига хос кечинма(туйғу) бўлиб, инсон ва ташқи олам ўзаро таъсирининг натижасидир. Бу мураккаб ва оғир бўлган жароҳатловчи шароит, ҳолатға оддий киши ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, берган нормал жавоб реакциясидир.

Шахсни руҳий жароҳатловчи стресс бир қатор ўзига хос хусусиятларға эға:

- бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг анланганлиги яъни, киши ўз психологик ҳолати нима сабабдан ёмонлашганини билиши;
- бу ҳолатни юзага келтирувчи ташқи сабабларнинг мавжудлиги;
- бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг кундалик ҳаёт тарзига таъсир этиши;
- бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг даҳшат ва нажодсизлик ҳиссини чакириши; бирор хатти-ҳаракатни амалға оширишда ёки қарор қабул қилишдаги ожизлик.

Бошдан кечирилган психологик жароҳат туфайли юзага келган бузилиш инсоннинг барча функционал соҳалари (жисмоний, шахсий, шахслараро ва ижтимоий ҳамкорлик даражаси)ға таъсир ўтказади. У нафақат стрессни бошдан кечирган инсонларда, балки унинг оила аъзоларида ҳам барқарор шахсий ўзгаришни юзага келтиради.

Жароҳатловчи стрессни бошдан кечириш натижасида баъзи инсонларда келажакда жароҳатдан кейинги стресс (ПТСР) юзага келади.

Аёлларни руҳий жароҳатдан кейинги стресс – бу жароҳатловчи стресс нопсихотик тезкор реакция бўлиб, ҳар қандай инсонда юзага келиши мумкин бўлган психологик бузилишдир. Жароҳатдан кейинги стресс уни бошдан кечирганларда кузатилган симптомлар комплекси билан белгиланади [2:110].

ДСМ – ИВ (Диагностика Статистик Мануалоф Ментал Дисордер – Америка психиатрия ассоциацияси томонидан тайёрланган психиатрик стандарт классификацияси)ға мувофиқ бу симптомлар комплекси куйидагилардан иборат:

А. Жароҳатловчи воқеа-ҳодиса иштирокчисига айланган индивид куйидаги 2 пунктни бажарган бўлиши керак:

1. Индивид ўлим ҳавфи, жиддий жароҳатланиш ҳавфи ёки жисмоний саломатликка зарар этиши иштикорчиси бўлиши ёки гувоҳи бўлиши.

2. Индивид реакциясининг интенсив қўркув, иложсизлик ёки даҳшатдан иборатлиги.

Б. Жароҳатловчи воқеа-ҳодисанинг бир ёки бир неча ҳолатларда қайтарилиши:

1. Жароҳатловчи воқеа-ҳодисаға хос образ, фикр ва идрок этилган нарсаларнинг оғир эмоционал кечинмаларни чакириши.

2. Воқеа-ҳодиса билан боғлиқ такрорланувчи оғир тушлар.

3. Жароҳатловчи воқеа-ҳодиса яна такрорлангандек ҳаракатланиш ёки ўзини шундай ҳис этиш.

4. Жароҳатловчи воқеа-ҳодисани эслатувчи ёки рамзийлаштирувчи ташқи ёки ички вазиятларни интенсив оғир кечинмаларни чакириши.

5. Жароҳатловчи воқеа-ҳодиса аспектларини ташқи ёки ички рамзийлаштирувчи вазиятларда физиологик реактивлик.

С. Жароҳат билан боғлиқ стимуллардан доимий қочиш ва “караҳт қилиш” (нумбинг) - эмоционал реакцияларни блоклаш (жароҳатгача кузатилмаган). Бундай ҳолат куйида санаб ўтилган хусусиятларнинг уч ёки ундан ортиғи билан белгиланади:



1. Жароҳат билан боғлиқ ўй-ҳаёллар, туйғулар ёки суҳбатлардан қочишнинг кучайиши.
2. Жароҳатни эслатувчи хатти-ҳаракат, жой ёки одамлардан қочишнинг кучайиши.
3. Жароҳатнинг муҳим аспектларини эслаб олмаслик (психоген амнезия).
4. Олдин муҳим бўлган фаолиятларда иштирок этишга қизиқишнинг сезиларли даражада пасайиши.

5. Бошқалардан фарқ қилиш ёки ажралиб қолиш туйғуси.

6. Аффект ифодаланишининг пасайиши.

7. Келажакдан умидсизлик туйғуси.

Д. Кўзғалишни кучайтирувчи доимий симптомлар (жароҳатгача кузатилмаган). Бунда куйида келтирилган камида иккита симптом билан белгиланади:

1. Уйкуга кетишга қийналиш ёки ёмон ухлаш (эрта уйғониш).

2. Асабийлашиш ёки жаҳлдорлик.

3. Дикқатни жамлашга қийналиш.

4. Юқори даражада эҳтиёткорлик, огоҳлик, доимий хавф-хатарни кутиш.

5. Гипертрофик қўрқув реакцияси.

Е. Ўзгаришларнинг 1 ойдан узоқ давом этиши (В, С ва Д пунктлардаги симптомлар).

Ф. Психологик ўзгариш ижтимоий, касбий ёхуд ҳаёт фаолиятининг бошқа муҳим соҳаларида клиник жиҳатдан мураккаб оғир эмоционал ҳолатни чақиради.

Симптомлар жароҳатловчи вазиятдан кейин дарҳол ёки бир неча йил ўтиб ҳам юзага келиши мумкин.

Бугунги кунда ҳорижлик муаллифлар томонидан жароҳатдан кейинги стресс ташҳисига қўшимча равишда яна бир категория – жароҳатдан кейинги шахслиликдаги тартибсизлик (ПТПД - пост травматик персональ дисордер) таклиф этилди. Бундай жароҳат инсон руҳиятида ўчмас из қолдириб, бу унинг шахсида патологик трансформацияни юзага келтириши мумкин.

Жароҳатдан кейинги стресс қўлаб стрессли вазиятларнинг асорати бўлиши мумкин. Турли сабабларга кўра (жароҳат хусусияти, индивидуал шахс хусусиятлари, ижтимоий муҳит қўллаб-қувватлаши ва ҳ.к.) жароҳатловчи кечинмалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ҳар доим психологик жароҳат руҳий азоб беради. Киши бу азобли кечинмалардан қутилишни истайди, лекин камдан-кам ҳолларда ўзини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Бундай вазиятларда ўз устида ишлаш узоқ ва азобли кечади. Жароҳатловчи кечинмалар ҳаддан ташқари оғир ва чидаб бўлмас даражага етганда онгдан сиқиб чиқарилади. Киши уни онгдан сиқиб чиқариб, ўзидан ажратади. Шартли равишда жароҳатловчи кечинма билан боғлиқ ғазаб, айбдорлик ҳисси, қўрқув ва ҳ.к.ларни “контейнер”га инкапсуляция қилади яъни жойлаштиради.

Жароҳатланган аёл ҳаддан ташқари кучли эмоционал ҳолатни бошдан кечиргани учун ўша ҳолатнинг такрорланишидан қўрқади. Жароҳатловчи воқеа-ҳодиса билан боғлиқ эмоциялардан қочиш учун барча имкониятларни ишга солади. Ҳаддан ташқари кучли азобларни эсга туширувчи эмоциялар ташқарига чиқиб кетмаслиги учун “контейнер” (сақловчи) ни янада маҳкамлашга мажбур бўлади. Жароҳатловчи вазиятни эсга туширадиган ҳар қандай стимул (ҳид, товуш ва ҳ.к.) барча ҳиссиётларни уйғотади ҳамда киши такрор ва такрор жароҳатловчи воқеа-ҳодиса вақтида ҳис этган кечинмаларини бошдан кечиришига тўғри келади. Шунинг учун киши ўз “контейнер”ини бирор стимул беҳосдан очиб юбормаслиги учун доимо огоҳ туриши, жароҳатловчи вазиятни эсга туширувчи ҳамма нарсадан қочиши керак. “Контейнер”ни сақлаш кишидан борган сари кўпроқ куч талаб қилади. Натижада тушқунлик, уйқусизлик, сезгирликнинг ортиши, дикқат, хотира ва бошқаларнинг бузилиши юзага келади. Киши ўз-ўзи билан курашдан чарчайди.

Психологик тадқиқотлар натижасига кўра, аёлларнинг сурункали эмоционал зўриқиши жисмоний саломатлигининг ҳам ёмонлашувига олиб келади. Бу ҳолат ўз навбатида психосоматик бузилишга олиб келади [3:205].

Деструктив кечинмалар, психологик ҳимоя физиологик механизмлар мушаклардаги тортишиш ва зўриқиш кўринишида шахс физио-анатомиясида ўз аксини топади. Стрессли вазият ёки психологик жароҳат “мушак брони”ни юзага келтиради. В.Райхнинг таъкидлашича, психологик ҳимоя механизмларидан “актуал эмоционал кечинмалар”ни яширишда фойдаланилади ва турли гуруҳга оид мушаклар зўриқиши, тортинчқоқлик билан нафас олиш каби белгилар билан ифодаланадиган “мушак брони”ни шакллантиради. Характер ва “мушак



брони" шаклланиши ўзаро алоқадор бўлиб, тана ва психика бу жараёнда узлуксиз равишда биргаликда ҳаракатланади. Шунинг учун психологик жароҳатни бошидан кечирган аёлларнинг кўпчилигида жисмоний саломатлигида муаммолар пайдо бўлади.

Аёл бир ёки бир неча жароҳатловчи воқеа-ҳодисаларни бошдан кечиргач, унинг психикаси чуқур зарар кўради. Бу воқеа-ҳодисалар унинг ҳаётий тажрибасидан тубдан фарқ қилгани учун кучли азоб чекади ва инсон салбий реакциялар билан жавоб қайтаради. Бундай вазиятда нормал психика табиийки, дискомфортни юмшатишга ҳаракат қилади: киши ҳаётини озгина бўлсада енгиллаштириш учун атроф-оламга муносабатини тубдан ўзгартиради. Бу ўз навбатида психологик зўриқишни чақиради ҳамда психологик ҳимоя механизмларини шаклланишига шароит яратади. Бу ҳолатда психологик ҳимоя аёлларнинг стрессли вазиятни бошдан кечиришига жавобан ривожланади. Шу сабабли руҳий жароҳатланган аёл бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса, ҳиссиётларни қабул қила олмайди ва англай олмайди.

Аёлларнинг муҳим хусусиятларидан бири – бу унинг эмоционаллигидир. Улар ўз атрофидаги ҳар қандай ўзгаришга сергаклик билан жавоб қайтаради – хоҳ у ижобий бўлсин, хоҳ у салбий айнан аёллар стрессли вазиятлар таъсирига нисбатан заиф ва беқарор категорияга мансуб ҳисобланади.

Д.Н. Исаев дезадаптация реакциясини юзага келтирувчи психологик травматизация хавфи юқори бўлган вазиятларни ажратиш кўрсатади. Улар қуйидагича:

1. Хавфсизлик ва ҳимояланганлик ҳиссини йўқотиш ёки умуман йўқлиги:

- душманлик кайфияти юқори қаттиққўл оила;
- ҳиссиётларни инкор этувчи оила;
- назорат ва эътиборни таъминламайдиган оила;
- яқин кишисини йўқотиш ёки унинг касал бўлиши;
- баркамол бўлмаган оила (инқирозга ёқасидаги, инқирозга юз тутган, ригид, юзаки ғамхўрлик);

- ҳаддан ташқари талабчан оила;
- янги оила аъзосининг пайдо бўлиши (ўғай ота, ўғай она, ука, сингил);
- қарши тарбия ёки тарбия типини ўзгартириш;
- оиладаги бегона муҳит (тил, маданият).

Оиладан ажралиш сабабли ҳимояланмаганлик:

- бегона оилага жойлаштирилиши
- госпитализация.
- мактаб ёши:
- оила аъзоларининг кутилган натижаларни қўлга киритилмаслиги (аълочи, рекордчи бўлишини кутиш);

– оиланинг бошқа аъзоларига ҳаддан ташқари масъулият билан қайғуриш;

- ёқимсиз оила, болалар жамоаси ёки педагоглар;
- фанларни ўзлаштира олмаслик;
- ота-она, педагогларнинг қаттиққўл муносабати;
- оиладан ажралиш, мактаб жамоасини, яшаш жойини ўзгартириш;
- саломатлик учун хавфли вазият (соматик касалликка чалиниш);
- аёлларда яна бир психологик травматизациянинг салбий факторларидан бири психологик депривация ҳисобланади. В.А.Гурева классификациясига кўра психологик депривациянинг пайдо бўлиши сурункали психологик жароҳат билан боғлиқ.

Психологик депривация – бу психологик ҳолат бўлиб, етарли миқдорда ва етарли вақт оралигида субъектда ҳаёт учун бир қатор муҳим психологик эҳтиёжларни қондиришнинг имкони бўлмаган ҳаёт вазиятлар натижасида юзага келади.

Шахсда психологик депривацияни келтириб чиқарувчи асосий ҳаёт эҳтиёжларни Й. Лангмеер ва З. Матейчек қуйидагича атайди [4:86]:

- маълум бир миқдордаги, ўзгарувчанликдаги ва тур(модаллик)даги стимулларга бўлган эҳтиёж;
- ҳаракатли ўрганишда асосий шарт-шароитга бўлган эҳтиёж;
- ҳаракатли асосий шахс интеграциясини таъминловчи бирламчи жамоавий алоқалар(асосан она шахси)га бўлган эҳтиёж;
- ажратилган жамоавий роллар ва қимматли мақсадларга эга бўлиш;



– имконини берувчи жамоавий ўз-ўзини реализация этишга бўлган эҳтиёж.

Оғир ва узок давом этган депривация кучли стрессоген фактор бўлиб, аёллар психологик структурасида чуқур ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ҳатто кўзга ташланмас ўзгаришлар билан ўтган қисқа депривацион тажриба ҳам яширин из қолдиради ва шунга ўхшаш воқеанинг такрорланиши ёки бошқа ёқимсиз ҳаётий вазият туфайли кучаяди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аёл ҳаёти давомида қанчалик кўп психик стрессларни бошидан кечирса, жароҳатдан кейинги стресс пайдо бўлишининг эҳтимоли ҳам шунча юқори бўлади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўта оғир сурункали психик жароҳатлар организмда ҳамда психикада кучли ўзгаришлар ва паталогияларни юзага келтиради. Шунинг учун диагностика вақтида анамнезни тўғри олиб бориш, оилавий муносабатларнинг характери, ҳақоратлаш, шунингдек болалик давридаги жароҳатловчи ҳолатлар, жисмоний ва жинсий зўравонлик ҳолатлари шу қаторида инцест, ҳаёт давомидаги рўй берган жароҳатловчи ҳолатларнинг миқдори чуқур ўрганилиши муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Адамчук А.В. Технология повышения психической стрессоустойчивости на основе БОС-тренинга // Известия ЮФУ. Технические науки, том 4, 2014.
2. Анцыферова Л.И. Личность в трудных жизненных условиях: переосмысление, преобразование жизненных ситуаций и психологическая защита // Психологический журнал. 1994. Т.15. № 1. – С. 3-18.
3. Апчел В.Я., Цыган В.Н Стресс и стрессоустойчивость человека. – СПб.: ВМА, 1999.
4. Аракелов Г.Г. Стресс и его механизмы // Вестн. Моск. ун-та. Сер.14. Психология. 1995. № 4. – С.45-53.

Ulmasova Dildoraxon Xikmat qizi,

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi "Din psixologiyasi va pedagogika" kafedrası o'qituvchisi

PSIXOLOGIK MUAMMONING MAZMUN-MOHİYATI VA UNI HAL ETISHDA KONSULTANT PSIXOLOG SHAXSIGA QO'YILADIGAN TALABLAR

Annotatsiya: Ushbu maqolada konsultativ psixologiyaning asosiy o'rganish obyekti sanalgan psixologik muammo mazmun-mohiyati, turlari, shu bilan birga uni hal etishda psixolog konsultantning qanday malakaviy va shaxsiy sifatlarga ega bo'lishi lozimligi bayon etiladi.

Kalit so'zlar: psixologik muammo, konsultant- psixolog, patsient, psixologik konsultatsiya, refleksivlik, noverbal signallar, psixologik yordam, psixoterapevt.

Аннотация: В этой статье описывается характер и типы психологических проблем, которые являются предметом серьезного изучения консульской психологии, а также профессиональные и личные качества, которыми должен обладать психолог при решении этой проблемы.

Ключевые слова: психологическая проблема, консультант психолог, пациент, психологическая консультация, рефлексивизм, невербальные сигналы, психотерапевт.

Abstract: This article describes the nature and types of psychological issues that are the subject of a major study of consular psychology, as well as the professional and personal qualities that a psychologist should possess in solving this problem.

Key words: psychological problem, psychologist consultant, patient, psychological consultation, reflexism, un verbal signals, psychotherapist.

Mavzuning dolzarbligi. Bugungi globallashgan axborot asrida shaxsni stressga tushiradigan omillar bisyordir. Shaxs stressini boshqarish, o'zini qiynayotgan psixologik muammolar mohiyatini anglash hamda ularni yengib o'tishida psixolog, psixokonsultant, psixoterapevt kabi mutaxassislarning



roli yuqori. Ushbu maqolada psixokonsultant qanday shaxsiy hamda malakaviy sifatlarga ega bo'lishi lozimligi ochib berilishi bilan ahamiyatlidir.

Ma'lumki, so'nggi yillarda mamlakat miqyosida psixologiya sohasida pedagog kadrlarni tayyorlash psixologlar faoliyatini qo'llab-quvvatlashga oid bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Fikrimizning dalili sifatida Vazirlar Mahkamasining «Psixologiya sohasida kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va jamiyatda huquqbuzarliklarni oldini olish chora-tadbirlari to'g'risida» hamda "O'quvchilarni psixologik-pedagogik qo'llab-quvvatlash ishlarini yanada takomillashtirish to'g'risidagi" qarorlari hamda ular ijrosini ta'minlashdagi olib borilayotgan ishlarni e'tirof etish mumkin. Bugungi fan texnologiyalar jadal rivojlanayotgan, axborotlar sekundlarga yetmay uzatilayotgan, insonlar orasidagi munosabatlar, ularning ruhiy holatiga virtual muloqotlar, kompyuter o'yinlari kabi turli omillar o'z ta'sirini ko'rsatayotgan bir pallada shaxs psixologik muammolarini hal qilishida konsultant psixologga odatdagidan ko'ra ko'proq ehtiyoj sezilmoqda. Shuning uchun ham konsultativ psixologiya vujudga kelganidan uzoq vaqt o'tmay butun dunyo miqyosida psixologiyaning eng muhim va ko'p tadqiq etilayotgan sohalaridan biriga aylandi. Konsultativ psixologiya ilk bora mustaqil ilmiy soha sifatida Amerika amaliyotiga XX asrning 50-yillarida kirib keldi. 1990-yildan boshlab esa psixologiyaga oid ilmiy adabiyotlarda alohida termin sifatida foydalanila boshlangan. Psixologik xizmat-ijtimoiy psixologik muammo sifatida talqin qilinar ekan, barcha rivojlangan mamlakatlardagi kabi, O'zbekistonda ham mazkur psixologik xizmat muammosining qay tariqa va qanday ilmiy-tashkiliy asoslarda bartaraf etilayotganligini organish, tahlil qilish va talqin qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki Respublikada psixologik xizmatga oid olib borilayotgan nazariy-ilmiy va amaliy-uslubiy tadqiqotlar ko'lamiga ma'lum tartibda baho bermay turib, O'zbekistonda psixologik xizmatni yanada takomillashtirish va rivojlantirish masalasi haqida fikr mulohaza yuritib bo'lmaydi.

O'zbekistondagi umumta'lim tizimi bilan bog'liq izlanishlar va tadqiqotlar to'xtab qolgani yo'q. Ayniqsa, P.I.Ivanov, V.E.Chudnovskiy, M.G.Davletshin, M.Vohidovlar tomonidan ishlab chiqilgan qator ilmiy va metodik tavsiyalar maktabda psixologik xizmat tatbiqini yaratish uchun ma'lum darajada asos bo'ldi. Binobarin, 70-80-yillarda Respublikamizda ilk bor qator mehnat va ishlab chiqarish jamoalarida inson va mehnat faoliyati, shaxs va shaxslararo munosabatlar, ishchi va rahbar, ruhiyat, rahbar va jamoa psixologiyasi bilan bog'liq ilmiy-amaliy ishlar olib borildi.

Patsient konsultant psixologga hayotiy qiyinchiliklarni yengib o'tish, psixologik faolligini oshirish, o'ziga bo'lgan bahoni ko'tarish kabi masalalarni yechishda murojaat qiladi. Konsultant psixologning asosiy vazifasi patsientni qiynayotgan psixologik muammoni aniqlash va unga muqobil yechim modelini yaratish bilan belgilanadi. Shu o'rinda konsultativ psixologiyaning asosiy tadqiqot mavzusi sanalmish psixologik muammoga kengroq to'xtalib o'tishga harakat qilamiz. Ma'lumki, muammo - muayyan yechim talab qiladigan chigallik. U grekcha "problema" so'zidan olingan bo'lib, (zadacha) vazifa degan ma'noni anglatib, muammoli vaziyat orqali subyekt faoliyatida o'zgarishlarga olib kelgan natijalardan biri bo'lib, mavjud tajribalar orqali uni hal etish imkoniyati yo'qligini anglatadi. N.Kazlov amaliy psixologiya ensiklopediyasida "Psixologik muammo ichki muammolar sanalib, ular ro'y-rost ratsional asosga ega bo'lmaydi", deya tarif beradi [3].

Bugungi kunda psixologik muammoni xarakterlovchi 3 ta asosiy belgi mavjud:

1. Normal hayot faoliyatidagi qiyinchiliklarning jiddiy manbai yoki noadekvat xulq-atvor sababli muammoning mavjud bo'lishi.
2. Muammoning mohiyatini tashkil etuvchi jarayon ratsional asosga ega emaslik.
3. Muammoning manbai tashqi shart-sharoitlarga emas, balki insonning ichki holatiga qaratilgan.

Bugungi kunda psixologik muammolarning bir qator turlari sanab o'tiladi. Ushbu muammolar birinchi navbatda insonning ruhiy holati bilan bog'liq bo'lib, uning boshqa insonlar bilan munosabati, psixik holati, ish samaradorligiga o'z salbiy ta'sirini ko'rsatadi. Psixologik muammolar mazmuniga ko'ra konsultativ psixologiyada quyidagicha tasniflanadi:

- erkaklar va ayollar o'zaro munosabatidagi muammolar ularga
- xiyonat va rashk;
- yaqin kishisiga emotsional tobe bo'lib qolish;
- sevgi uchburchagi;
- tanlagan insonini yoqimsiz xulq-atvorga ega bo'lishi;
- shaxslararo munosabatlarning umumiy masalalari kabilarni kiritish mumkin;
- psixologik travmalar va yo'qotishlar;



– o'lim.

Ota-ona va bolalar orasida yuzaga keladigan muammolar:

- bolaning qaysarligi natijasida bola tarbiyasida yuzaga keladigan qiyinchiliklar;
- ona bilan farzand o'rtasidagi tushunmovchiliklar kiradi;
- jinsiy faoliyat bilan bog'liq muammolar;
- o'smir va o'spirinlar muammosi;
- o'smir va o'spirinlarning oila azolari bilan til topisha olmasligi;
- o'smirlik davrida xulq-atvorida yuzaga keladigan salbiy odatlar v.h.;
- shaxslilik muammolari;
- qo'rquv;
- depressiya;
- yo'lg'izlik (guruhdan ajralish, baxti ochilmaslik);
- o'z o'rnini aniqlash;
- yaqinlarining psixologik muammolari;
- ta'lim jarayonidagi muammolar;
- karera, marketing bilan bog'liq muammolar;
- profkonsultatsiya masalalari (kasb tanlash bilan bog'liq muammo).

Psixologik muammolar turlicha yo'nalgan bo'lishiga qaramay uning qanday asosga egaligiga qarab, bir necha modellari ajratilgan. Ushbu modellardan biri N.I.Kazlov modelidir. Unga ko'ra muammolar sababi 3ga bo'linadi:

1. Sababi ochiq oydin ko'rinib turgan muammolar;
2. Noaniq sababli muammolar;
3. Chuqur sababli muammolardir.

Sababi ochiq-oydin ko'rinib turgan muammolarni yechimini topish psixologga u qadar qiyinchilik tug'dirmaydi. Masalan, yaqin kishini yo'qotish natijasida depressiyaga tushgan patsient muammosi sababli ekani yaqqol ayon bo'lib turishi mumkin. lekin, doimo yig'lovchi bolada yuzaga kelgan psixologik muammoning asl negizini aniqlash psixologdan malaka va kasbiy ko'nikmalar talab etadi. Shuning uchun psixologik muammolarni mohirona hal etishi uchun psixolog konsultantni patsient bilan to'g'ri kontaktga kirisha olishi va talab etiladigan kasbiy sifatlarga ega bo'lishi kerak. Konsultant-psixolog uchun konsultatsiya jarayoni majoziy ma'noda uning kasbiy mahoratini namoyish qiladigan sahna deyish mumkin. shu o'rinda psixologik konsultatsiya nima degan savolga javob berishimiz darkor. Psixologik konsultatsiya – psixologik yordamning nisbatan yangi professional sohasi bo'lib, u psixologik yordam turi hisoblanadi. Ushbu tendentsiya psixoterapiyadan kelib chiqadi va kundalik qiyinchiliklarni mustaqil ravishda bartaraf eta olmaydigan klinik jihatdan sog'lom shaxsga qaratilgan. Boshqacha qilib aytganda, ushbu metodikaning asosiy vazifasi, odamlarga tashqi yordamisiz g'olib kelolmaydigan mavjud muammoli vaziyatlardan chiqish, mazmunli qarorlar qabul qilish, mavjud hayotiy qiyinchiliklarni bartaraf etish, maqsadlariga erishish uchun samarasiz xatti-harakatlarning xususiyatlarini o'zgartirish va o'zgartirish uchun yordam beradi. . Mo'ljallangan sohada psixologik konsultatsiya vazifalari tuzatuv ta'siriga va shaxsiy o'sish, o'z-o'zini rivojlantirish va mijozlar hayotida muvaffaqiyatga erishishga qaratilgan vazifalarga aylanadi. Konsultatsiya oldiga qo'yilgan maqsadga erishishi uchun psixolog uning mazmuniy jihatlariga alohida e'tibor qaratishi lozim.

Psixologik konsultatsiya muvaffaqiyatli o'tishi psixologning kasbiy hamda xarakter xususiyatlariga bevosita bog'liq. Psixolog konsultant qanday ijobiy hislatlarga ega bo'lishi lozim degan savolga ko'plab psixolog tadqiqotchilar javob topishga intilgan. Xususan, H.Strap yaxshi konsultant sifatlarini patsientlar fikrini o'rgangan holda e'tiborlilik, eshita olishlik, mehribonlik hamda do'stona maslahat bera olish layoqatiga egalik deya belgilaydi [4: 280].

J.Bugental esa psixolog konsultant va psixoterapevt quyidagi 3 layoqatga ega bo'lishi lozim deya ta'kidlaydi: ular quyidagilar:

- hozirgi vaqtni to'la anglaganlik;
- ayni vaqtda hayotiy tanloviga egalik;
- o'z tanlovlariga javobgarlik hissini mavjudligidir [1].

Haqiqatan ham psixolog o'z boshqalarga maslahat bera oladigan, empatiya hissiga ega bo'lishi uchun ham u, avvalo, xotirjam, mustaqil, o'z hayotini bir maromga solib olgan bo'lishi darkor.



A.Stor ideal konsultant ochiq, turli odamlar bilan til topisha oladigan, o'zini ko'rsatishga intilmaydigan, o'z fikriga ega va uni himoya qila oladigan, patsientga ruhiy jihatdan ko'mak bera oladigan bo'lish kerak degan fikrni ilgari suradi [4].

Psixolog konsultant qanday bo'lishi sifatlariga ega bo'lishi lozimligi haqidagi turli tadqiqotchilar fikr hamda qarashlarini AQSh psixolog-konsultantlarni tayyorlash uyushmasi birlashtirib, quyidagi 6 asosiy sifatni ajratdi:

- odamlarga bo'lgan ishonch;
- boshqalar qadriyatlarini hurmat qilish;
- uzoqni ko'ra biluvchi;
- xurofot fikrlarga ega emaslik;
- o'zini tushuna olish;
- kasbiga mas'uliyat bilan yondashish [4:125].

K.Schneider malakali psixolog konsultant shaxsiy hamda ijtimoiy yetuklik qobiliyatiga ega bo'lishi kerak deya hisoblaydi [6]. Shaxsiy va ijtimoiy yetuklikni esa o'z muammolarini mustaqil hal qila olish, xatolarini tan olib to'g'irlay olish, sabrlilik, turli xil xarakterdagi insonlar bilan samimiy muloqotga kirisha olish hamda ularga ko'mak berish layoqatini tushunadi.

N.V.Somokina psixolog konsultant faoliyatida uchrashi mumkin tipik xatolarga quyidagilarni kiritadi:

- konsultatsiya jarayonida psixolog konsultant o'zini ko'rsatishga intilishi;
- haddan ortiq tabiiylik yoki sun'iylikka yo'l qo'ymasligi;
- psixologning foydali maslahatlar berishga intilishi;
- psixologik konsultatsiya psixologning monologiga aylanib qolmasligi;
- psixolog shaxsiy qiyinchiliklarini mijozga ko'chirishi;
- psixolog tomonidan patsientni baholanishi;
- psixolog mijozning muammolarini o'z shaxsiy qiyinchilikari sifatida kechirishi;
- juda uzoq davom etgan konsultatsiya;
- psixolog mijoz tomonidan manipulyatsiya obyektiga aylanib qolishi.

Psixolog-konsultant konsultatsiya jarayonida uning qay tarzda samarali kechayotganini bilishi uchun noverbal signallarga e'tibor beriladi. Noverbal signallarga shartli ravishda quyidagilarni kiritish mumkin:

- ovoz toni (muloyim, qattiq);
- yuz ifodasi (tabassum qiziquvchanlik);
- o'zini tutishi – poza (tananing mijozga egilganligi hamda gavdaning vazmin holatda turganligi, mijozning o'zini olib qochganligi);
- ko'z kontaktlari (ko'zlarning to'g'ri yo'nalganligi, ko'zni olib qochish);
- imo-ishoralar (ochiqlik, xayrixohlik hamda yopiqlik, himoyalanih);
- masofa (yaqin, uzoq).

Karl Rodjers gumanistik psixologiyaning vakillari psixologik yordam ko'rsatish jarayonida psixolog bir qator faoliyatini amalga oshirishga ko'maklashuvchi tafakkur predmetiga ega bo'lishi kerakdegan fikrni ilgari surgan [5:43]. Ular quyidagilar:

1. E'tibor qaratish.
2. Strukturalashganlik.
3. Refleksivlik (tasdiqlash) (o'zini muammosini mustaqil hal qilish darajasiga olib chiqish kerak).
4. Reaktivlik programmani o'zgartirish.

Psixologik konsultatsiya jarayonida psixolog konsultant amal qilishi lozim bo'lgan qator etikaviy prinsip hamda talablar mavjuddir. Yu.E.Alishina psixologik konsultatsiyaning etikaviy tamoyillariga quyidagilarni kiritadi [2].

Patsientni baholamasdan, muloyim munosabatda bo'lish. konsultant klientni diqqat bilan eshitishi, tushunishga harakat qilishi hamda kerakli psixologik yordamni ko'rsata olishi muhimdir.

Psixolog orientatsiyani patsientning norma hamda qadriyatlariga qaratishi. Tabiiyki, har bir inson individual shaxs. Shunday ekan, ularning o'z tanlovlar, to'g'rilik mezonlari, shu bilan birga o'z qadriyatlari bo'ladi. psixolog ham klient bilan munosabatda shu kabi mezonlarga alohida e'tibor qaratishi lozim. Klientning qadriyatlari jamiyat qabul qilgan normalarga mos kelmasa-da, ularni kamsitib qo'ymasligi zarur.



Maslahat bermaslik. Psixolog professional ham hamda hayotiy tajribalari borligiga qaramay patsientga maslahat bermasligi shart. Chunki psixolog maslahat berish orqali patsientning hayot yo'li uchun javobgarlikni olgan bo'ladi.

Anonimlik (mahfiylik). patsient tomonidan psixologga aytilgan ma'lumot o'zining roziligisiz hech kimga aytilmasligi lozim. agar biror mustasnoli holat (masalan. Psixolog kitob yozayotgan bo'lib, misol sifatida patsient vaziyatini keltirmoqchi) bo'lsa ham bu haqida uni oldindan ogohlantirib, roziligini olib, so'ng kiritishi mumkin.

Patsient bilan shaxsiy hamda ish bo'yicha munosabatlarni cheklash.

Psixolog olimlar Foster va Guy konsultant shaxsiga qo'yiladigan talablarni quyidagilarga ajratadi:

- bilimga chanqoqlik, harakatchanlik;
- eshita olish qobiliyati;
- muloqatga kirishishda yengillik fikr almashishda qoniqish hissi his qildira olish;
- empatiya va tushunish psixolog patsient o'rniga hatto boshqa jinsdagi bo'lsa ham o'zini qo'ya olishi;
- introspeksiya har bir konsultant o'zining ichki holatini his qila olishi;
- fidoyilik kerakli vaqtda patsient boshqa insonni eshita olish hamda uning muammolarini hal qila olish;
- emotsionallik;
- iliq munosabat o'rnatish konsultant uchun patsient bilan emotsional yaqinlik munosabatini o'rnatish muhimdir;
- boshqarishdagi komfortlik konsultant boshqalarning mustaqilligini saqlagan holda konsultatsiya jarayonini boshqarib turishi muhim.

Halil-mutoyiba hissi. Hayotda sodir bo'lgan ba'zi bir voqealarni kulgili tomonini ko'rsata olish ham psixolog konsultantning malaka talablariga kiradi.

Bundan tashqari Pattersen va Velfel (1994) psixolog konsultant faoliyatining muvaffaqiyatli bo'lishida unda quyidagi sifatlar: stressga chidamlilik, maqsadga intiluvchanlik bo'lishi lozimligini ta'kidlagan [4].

Kormier (1998) muvaffaqiyatli konsultantda quyidagi shaxsiy sifatlar borligini bildiradi:

- intellektual (aqliy kompetentlik) ya'ni o'rganishga bo'lgan xohish va o'z ustida ishlash layoqati;
- g'ayratlilik;
- moslashuvchanlik (konsultatsiya jarayonida patsientning to'satdan berilgan savollariga javob bera olish layoqati);
- jonbozlik ko'rsata olish layoqati ya'ni konsultantning patsient qaror qabul turtki bo'la olishi kerakli yordam va o'ziga bo'lhan ishonchni bera olishi;
- irodalilik;
- o'ziga bo'lgan ishonch.

Imkon boricha psixolog patsient bilan shaxsiy munosabatlarda yaqin bo'lib ketishdan o'zini cheklashi maqsadga muvofiqdir. Chunki psixolog bilan klient munosabatida masofani saqlash konsultatsiyaningning muhim etikaviy tamoyillaridan biridir [2, 4].

Maslahatlar psixolog-maslahatchining mijoz bilan shaxsan uchrashuvidan boshlanadi. Maslahatchi yoki uning yordamchisi mijozni maslahat o'tkaziladigan xonaga kirishda, turib kutib olinishi tavsiya etiladi. Kutib oluvchi birinchi bo'lib mijozga o'zini tanishtirishi, agarda zarur bo'lsa uni kuzatib olib kirishi va maslahat paytida o'tirishi kerak bo'lgan joyga o'tqazishi kerak.[2] Mijoz bilan gaplashish, psixologik maslahat so'rab kelgan muammosi bo'yicha gap boshlashdan avval, mijozning yonida biroz sukut saqlab turish kerak. Chunki bu vaqt davomida mijoz biroz tinchlanishi, bo'lajak suhbatga tayyor bo'lishi kerak. Mijoz tinchlanganidan va maslahatchini tinglashga psixologik tayyor bo'lganidan keyin mijozning muammosi haqida suhbatni boshlash mumkin. Mijoz bilan suhbatni, u bilan inson sifatida tanishish bilan, maslahatlar uchun muhim, lekin mijoz kartotekasida qayd etilmagan ma'lumotlardan boshlash kerak. Agar zarurat tug'ilib qolsa, maslahatchi o'zi haqida biroz so'zlab berishi ham mumkin. Umumiy tanishish yakunlanganidan keyin maslahatchi mijozga uni nimalar tashvishlantirayotganligi to'g'risida gapirib berishni taklif etadi va diqqat hamda chidam bilan uning gaplarini tinglaydi. Vaqti-vaqti bilan maslahatchi mijozga savol berishi, o'ziga kerakli narsani



aniqlab olishi mumkin, lekin mijozning fikrini iloji boricha bo'lmaslik kerak. Chunki u o'z dardini to'liq aytib berishi kerak. Psixolog-maslahatchining savollari albatta, mijozga yomon ta'sir qilmasligi, ya'ni uning xayolini, fikrini buzmasligi, jahlini chiqarmasligi, keskin vaziyatga olib kelmasligi, hattoki suhbatni to'xtatish istagi paydo bo'lmasligini kuzatib borishi yoki boshqa mavzuda gaplashishi kerak bo'ladi. Mijozni tinglayotgan maslahatchi ismlar, kun, hodisa, faktlarni eslab qolishi kerak. Bu mijozning shaxsini tushunib olish, uning muammosini hal etish uchun to'g'ri yo'lni tanlash, samarali xulosalar va tavsiyalar ishlab chiqishga yordam beradi. Eng yaxshi usul, bu mijozdan olinayotgan ma'lumotlarni yozib bormasdan eslab qolish hisoblanadi. Biroq maslahatchida eslab qolish xususiyati sust bo'lsa, mijozdan ruxsat so'rab eshitgan gaplarini yozib borishi mumkin. Mijoz chin ko'ngildan gaplarini aytib bo'lgandan keyin psixolog-maslahatchida mijozning muammosi mazmuni to'g'risida ma'lum tushuncha yuzaga kelishi kerak hamda muammoning mumkin bo'lgan sabablari va uni hal qilish usullari to'g'risida tasavur paydo bo'lishi kerak. Maslahatchi fikrini jamlab olishi, mijoz esa maslahatchini diqqat bilan tinglashga tayyor bo'lishi uchun zarur bo'lgan kichik bir tanaffusdan so'ng, barchasini psixolog-maslahatchi unga tushuntirib aytishi kerak. Keyin suhbatni psixolog-maslahatchi davom ettiradi. Mijoz endi maslahatchini tinglashi va agar xohlasa o'zini qiziqtiruvchi savollar berishi, o'zining gaplariga qo'shimchalar kiritishi mumkin. Bundan tashqari maslahatning bu qismida mijoz psixolog-maslahatchidan eshitgan gaplar to'g'risida o'z fikrini aytishi mumkin. Ba'zida mijoz o'zi va o'z muammosi to'g'risida aytib berganlari psixolog-maslahatchi uchun yetarli bo'lmasligi mumkin. Mijozning muammosi mohiyati va yechimiga nisbatan to'g'ri xulosa chiqarish va asosli tavsiyalarni ifoda etish uchun psixolog-maslahatchiga qo'shimcha ma'lumotlar kerak bo'ladi. Bunday hollarda o'z fikr va xulosalarini ifoda etishdan avval psixolog-maslahatchi mijoz bilan yoki mijozda yuzaga kelgan muammoga aloqasi bo'lgan boshqa, ya'ni maslahat uchun foydali ma'lumot bera oladigan shaxslar bilan qo'shimcha suhbatlar o'tkazadi. Maslahatchi mijozning muammosi to'g'risida boshqa shaxslar bilan suhbatlashmoqchi ekanligi to'g'risida oldindan unga aytishi va undan ruxsat so'rashi kerak. Ba'zida mijozning muammosi bo'yicha qaror qabul qilishi uchun psixolog-maslahatchiga qator psixologik testlar yordamida mijozni qo'shimcha o'rganishi kerak bo'ladi. Bunday holatda u mijozga psixologik test nimalardan iborat bo'lishi, qancha vaqt kerak bo'lishi, qanday o'tkazilishi va qanday natijalar berishi mumkinligini tushuntirib, shunday tekshirish o'tkazish zarurligini aytish kerak. Psixologik tekshirish natijalari qayerda va kim tomonidan yoki qanday foydalanishi mumkinligi to'g'risida oldindan aytish ham muhim hisoblanadi. Agarda mijoz psixologik testlar o'tkazishga rozilik bermasa, psixolog-maslahatchi uni majburlashi kerak emas. Shu bilan birga agarda, haqiqatan ham shunday bo'lsa, u mijozga psixologik testlardan voz kechishi, muammoni tushunib yetishi va uni hal etish to'g'ri yo'lni topishni qiyinlashtirishi mumkinligi to'g'risida ogohlantirib qo'yishi kerak.

Xulosa. Umuman olganda, hech kim yaxshi konsultant yoki mohir psixoterapevt bo'lib dunyoga kelmaydi. Yaxshi konsultant, psixoterapevt bo'lish uchun vaqt, tajriba, sabr, bilim kerak. Muhimi, konsultant asosiy maqsadini yaxshi anglashi, o'z ustida tinimsiz ishlashi, nutqi ravon, empatiya hissiga ega va sohasiga oid nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llay olishi talab etiladi. Psixolog konsultant faoliyatining samadarorligini, uning malakaviy imkoniyatlarini quyidagi omillar:

- mijozning yanada samarali hayoti uchun xatti-harakatlar reaksiyalarini o'zgartirishga ko'maklashish, hatto ba'zi muhim ijtimoiy cheklovlar mavjud bo'lganda ham hayotni qondirish darajasini oshirish;
- yangi turmush sharoitlari bilan qarama-qarshiliklarda qiyinchiliklarni bartaraf etish qobiliyatini rivojlantirish;
- muhim qarorlarni samarali qabul qilishni ta'minlash;
- aloqalar o'rnatish va shaxslararo munosabatlarni saqlab turish qobiliyatini rivojlantirish;
- shaxsiy salohiyatni va o'z-o'zini anglashni oshirishga salohiyatiga egaligi bilan baholash mumkin ekan.

Adabiyotlar:

1. Bugental J.F.T. The art of psychotherapist. – N.Y.: Norton 1987.
2. Джордж Р., Кристиани Т. Консультирование: теория и практика. – М.: Эксмо, 2002.
3. Казлов Н.И. Психологос. Энциклопедия практической психологии. – М.: Изд. Эксмо, 2015.
4. Кочюнас Р. Основы психологического консультирования. – М.: Академический проект, 1999.
5. Nishonova Z., Asomuddinova Sh. Psixologik maslahat. – T.: O'zb. Faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2010.



6. Роджерс К. Консультирование и психотерапия. Новейшие подходы в области практической работы. – М.: ЭКСМО-пресс, 2000.

7. Schneider K. Therapist's personal maturity and therapeutic success' how strong is the link // the psychotherapy Patient. – 1992. Vol. 8. N 3-4.



Xudoyqulova Dinobod Baxtiyor qizi

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi, "Din psixologiyasi" ta'lim yo'nalishi
magistranti*

GLOBALLASHUV SHAROITIDA DINIY ONG SHAKLLANISHINING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Maqolada diniy ong shakllanishi o'rganilib uning psixologik-pedagogik xususiyatlari ochib berilgan. Diniy ong shakllanishiga ta'sir qiluvchi omillar asoslangan.

Kalit so'zlar: diniy ong, oila, ta'lim-tarbiya, yoshlar, ommaviy madaniyat, globallashuv jarayonlari, individuallik, transformatsiyalashish.

Аннотация: Данной статье исследуется психолого-педагогические особенности и определены формы формирования религиозного сознания.

Ключевые слова: религиозное сознание, семья, образование и обучение, молодежь, массовая культура, процессы глобализации, индивидуальность, трансформация.

Abstract: The article explores the formation of religious consciousness and explains its psychopedagogical features. Factors influencing the formation of religious consciousness are based.

Key words: religious consciousness, family, education, youth, popular culture, processes of globalization, individuality, transformation.

Mavzuning dolzarbligi. Hozirgi kunda butun dunyoda yuz berayotgan globallashuv har bir soha va yo'nalishga o'z ta'sirini ko'rsatmoqda. Yurtimizning ma'naviy hayoti va uning o'ziga xos tomonlari muttasil rivojlanmoqda. Jumladan, siyosiy, ma'naviy, iqtisodiy, ijtimoiy va diniy-ma'rifiy sohalarda transformatsiyalashuvni kuzatishimiz mumkin. Transformatsiya jarayoni jamiyatimizning ko'p qismini tashkil qiluvchi yoshlar hayotiga ham kirib bormoqda. Bu jarayon ba'zi yoshlar xulq-atvorida ijobiy, ba'zilarida salbiy namoyon bo'layotganini ko'rmoqdamiz. Shaxs shakllanishida psixologlar tomonidan oila, ta'lim muassasalari va jamiyat a'zolarining ta'siri katta ekanligi ta'kidlangan. Globallashuv sharoitida diniy masalalarda ham transformatsiyalash jarayoni kuchaymoqda. Hozirgi kundagi turli buzg'unchi g'oyalarga asoslangan diniy ekstremistik tashkilotlar diniy tushunchalarni noto'g'ri talqin qilishi natijasida mutaassib guruhlar ko'payib ketmoqda. Shu sababli yoshlarda diniy ong darajasini o'stirishni davr taqazo etadi. Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev "Diniy ekstremizm, terrorism, giyohvandlik, odam savdosi, noqonuniy migratsiya, "ommaviy madaniyat" kabi tahdidlar qancha-qancha oilalar, mamalakatlar boshiga og'ir kulfatlar olib kelmoqda; g'arazli kuchlar hali ongu tafakkuri to'la shakllanib ulgurmagan bolalarni o'z ota-onasi, Vataniga qarshi qo'yib, ularning hayotiga zomin bo'lmoqda. Shuning uchun biz ota-onalar, ustoz-murabbiylar, jamoatchilik, mahalla-ko'y bu masalada xushyorlik va ogohlikni yanada oshirib, buyuk ma'rifatparvar bobomiz Abdurauf Fitrat aytganidek: "Bu dunyo haqiqatan ham kurash maydoniga, sog'lom tan, o'tkir aql va yaxshi axloq esa bu kurashning quroliga aylanib borayotganini chuqur anglab, shu borada jaholatga qarshi ma'rifat asosida ish olib borishimiz zarur", – deb ta'kidlaganlar [1: 496]. Jamiyatimizning ma'naviy negizlarini yanada rivojlantirish, azaliy milliy qadriyatlarni asrab-avaylash va mushtakmlash, jamiyatimizda yuksak ma'naviy muhitni keng qaror toptirish, milliy mentalitetimizga mutlaqo yot bo'lgan va kuchayib borayotgan turli xil zararli ta'sirlarga qarshi turishda oila va ta'lim maskanlari o'rni va ahamiyatini oshirishni taqazo etadi. Chunki dunyoni anglayotgan bola birinchi axborotni oila va ta'lim jarayonida oladi. Psixologlarning fikricha, inson ruhiyatiga birinchi yetkazilgan axborotning ta'siri kuchliroq bo'ladi. Shunday ekan biz ongning rivojlanish poydevorini ishonchli ma'lumotlar bilan mustahkamlashimiz kerak bo'ladi.



Psixologiyaning asosiy kategoriyalari ichida ong borliqda insonning ma'naviy yuksak darajani egallashiga imkon yaratsa, pedagogikada esa onga ta'lim – tarbiya mahsuli sifatida qaraladi. Psixologiyada ong va faoliyat birligi tamoyiliga yondashgan holda Ong insonni qurshab turgan tabiiy va ijtimoiy muhit bilan chambarchas bog'langan va shu muhitning ta'sirida faoliyat ko'rsata oladi.

Ta'lim va tarbiya tamoyillaridan onglilik va ixtiyoriylik o'quvchi talabalarning bilimlarini ongli ehtiyoj sifatida o'zlashtirishlarini, nazariy bilimlarini amalda qo'llash ko'nikma va malakalarini shakllantirishni ko'zda tutadi. Tarbiyaning ixtiyoriylik tamoyili esa tarbiyaviy ta'sirlarni pedagogik jarayonda ixtiyoriy qabul qilishni anglatadi. Pedagogik jarayonda o'quvchi talabalar bilimlarni ongli ravishda o'zlari uchun zarur ehtiyoj sifatida o'zlashtirsalar, bu jarayon samara keltiradi. Yaxlit pedagogik jarayonda ta'lim oluvchi va tarbiyalanuvchilar o'qituvchi pedagog bilan hamkorlikda faoliyat yuritadilar. Ta'lim va tarbiya maqsadlariga birgalikdagi, hamkorlikdagi faoliyatlari orqali yetib boradilar. O'quvchi talabaning ongi yosh xususiyatlariga mutanosib rivojlangan bo'lsa, ta'lim va tarbiya natijasida u bilim oladi, tarbiyalanadi hamda rivojlanadi. Binobarin, ta'lim jarayoni ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlarni ko'zda tutadi. O'z faoliyatiga ongli yondashuv natijasida o'quvchi bilimlarni o'zlashtiradi, ma'naviy-axloqiy sifatlarini takomillashtiradi, shaxs sifatida shakllanib boradi. Ayni damda o'z burchi va vazifalariga mas'uliyat bilan yondoshishda uning onglilik darajasi namoyon bo'ladi. Onglilik darajasi eng avvalo oilada tarkib toptiriladi. Ta'lim-tarbiya jarayonida onglilik darajasi o'sib borishi kerak. Shu sababdan ta'lim-tarbiya muassasalarida tashkil qilinadigan pedagogik jarayon o'quvchilarning qiziqish va ehtiyojlarini, yosh va individual xususiyatlarini hisobga olgan holda tashkil qilinadi. Bu tamoyillar o'quvchi yoshlar ongining muntazam o'sib borishiga ta'sir ko'rsatadi. Yoshlarimiz ongida diniylikni biz ta'lim-tarbiya orqali shakllantirishimiz mumkin. **Diniy ong** ijtimoiy ong shakllaridan biri bo'lib, muayyan diniy tasavvurlar, tizimlar obyektiv va subyektiv omillar asosida shakllanadi [3: 42]. Biz yoshlar ongida sof islomiy bilimlarni va diniy tarbiyani shakllantirish jamiyatning ustuvor vazifalaridan biri hisoblanadi. Ma'lumki diniy ong - diniy ishonch va diniy e'tiqod mustahkamligining muhim omilidir. Shaxs, guruh, jamoa, millatlarning diniy ongi ijtimoiylashuv jarayonida odamlarning o'zlashtirgan ayrim afsonlari, tasvirlari, g'oyalari avlodlar avlodga o'tib kelayotgan diniy ibodatlar va marosimlari tashqarisida mavjud bo'lmaydi. Diniy ong individning ontogenetik davrida bosqichma-bosqich shakllanib boradi. Shaxsda diniy ongni shakllanishi ijtimoiy faoliyat davomida "soddalikdan murakkablikka" qarab rivojlanish konsepsiyasiga tayangan holda ta'lim-tarbiya orqali diniy e'tiqod, diniy ong va diniy tajriba rivojlantirib boriladi.

Ontogenez shaxsning ona qornidagi embrional davridan boshlab to umrining oxirigacha yoki individual hayoti tugaguncha bo'lgan jismoniy hamda psixik rivojlanish davridir [5: 227]. Bu davrni psixologlar turli bosqichlarga bo'lganlar. Har bir bosqich shaxs kamolotida muhim hisoblanadi. Biz tadqiqotimizda yoshlar qatlamini o'rganar ekanmiz, albatta yoshlarda diniy ong shakllanish jarayonini tadqiq qilishda ontogenetik davrlarni psixologik xususiyatlarini e'tiborga olishimiz kerak bo'ladi. Bu davrlar: bolalik, o'smirlik, o'spirinlik va yoshlikdir.

Inson ongida u yoki bu dinga e'tiqod qanday paydo bo'lishi haqida turli bahs munozaralar uchratishimiz mumkin Asosan unga 3 xil qarash mavjud:

1. Individning diniy e'tiqodi immanent (ichki sabab), xususiyat bilan uning ruhida mavjud bo'ladi, ya'ni ilohiy yo'l bilan berilgan bo'ladi.
2. Diniy e'tiqodga individuallik ayrim shaxslardagi dinga nisbatan ichki ruhiy, ya'ni biologik ehtiyoj bilan belgilanadi. Bu xil qarash chet eldagi din psixologiyasini o'rganuvchilar va freydzizm yo'nalishida uchraydi.
3. Marksizm nazariyasi bo'lib, unga ko'ra, individ ruhiyati o'z-o'zidan diniy e'tiqodni tug'dirmaydi, balki ma'lum hayotiy sharoitlar ta'sirida tashqi muhitda individga diniy e'tiqodlarni o'zlashtirib olishi uchun qulay vaziyat yaratiladi [4: 76].

Islomiy manbalarga ko'radigan bo'lsak birinchi qarash isbotini ko'rgan bo'lamiz. Xususan, insonning fitratida dinga e'tiqod qilish borligi ya'ni e'tiqod ilohiy berilganligi haqida shunday hadis kelgan: Abu Hurayra roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: **"Nabiy sollallohu alayhi vassallam: "Har bir tug'ilgan bola faqat fitrat (sof tabiat) ila tug'iladi. Bas, ota-onasi uni yahudiy yoki nasroniy, yoki majusiy qiladi",** – dedilar [6: 354]. Bunda har bir bola islom dini tavhidida tug'ilishi aytib o'tilgan. Insonning fitratida diniylik bor bo'lib, lekin u tashqi ta'sirlar ta'sirida namoyon bo'ladi. Insoniyat dinga qiziqib keladi uni bilishga o'rganishga harakat qiladi. Shunda uning tafakkurida tog'ri bilimlar shakllantirsa, unda haqiqiy diniy e'tiqod va diniy ong namoyon bo'ladi. Bola bu shaxs bo'lib



shakllanayotgan yosh individdir. Uning mukammal ya'ni individual bo'lishida jamiyatning oilaning ayniqsa ota-onaning o'rni beqiyosdir. Binobarin, bola ilk dunyo haqida tushunchalarini uni bu yorug' dunyoga keltirgan ota-onasida ko'radi o'rganadi va biladi, Shu sababli hukumatimiz tomonidan oilalarda sog'lom ijtimoiy muhitni ta'minlash uchun juda ko'p ishlar qilinmoqda. Ota-ona bu jamiyatning muhim ishtirokchisi hisoblanadi. Ular bola shaxsini tarbiyalashda muhim vazifani bajaradi.

Islomda tarbiya masalalari keng va qat'iy tarzda o'rganilgan. Ayni vaqtda, islomiy ma'naviyatda ta'lim-tarbiya bilan uzviy birgalikda talqin etilgan. Bu o'rinda, zamonamizda yashayotgan olim Usmonxon Alimovning islom dinining muqaddas manbaalari bo'lmish, Qur'oni karim va Hadisi sharifga shuningdek, islomiy axloqning nazariyasi va amaliyotiga suyanib yozilgan "Oilada farzand tarbiyasi" nomli asarining islomda oila va oilaviy munosabatlarga bag'ishlanganligini ko'rsatib o'tish zarur. Bu bevosita, oilada o'smir yoshidagi yoshlarda sog'lom diniy ongni shakllantirishda muhim dasturul amal vazifasini o'taydi.

Oila muhiti bola shaxsining shakllanishi va kamol topishida tabiiy shart-sharoit yaratadi. Oila nafasot, go'zallik, turmush va tarbiyaning boshlang'ich maktabi. Shuning uchun oilada ota-ona va boshqa a'zolarining yagona birligi bolaning estetik rivojlanishiga kuchli ta'sir etuvchi go'zallik tushunchasining asosini tashkil etadi. Oila turli xil estetik kechinmalarning asosi bo'lib, bu har bir insonning tabiatan ta'sirlanishiga imkoniyat beradi.

Ota-onaning bola tarbiyasidagi mas'uliyati va farzandning ota-ona oldidagi burchlari ham o'zbek millatida oliy qadriyat hisoblanadi. Bu kabi masalalarga bizning ma'naviyatimiz xazinalari bo'lmish "Qur'oni karim", "Hadislar", ajdodlarimiz merosi bo'lmish "Qobusnoma", Husayn Voiz Koshifiyning "Axloqi Muxsinii" Alisher Navoiyning "Hayratul Abror", "Farhod va Shirin", "Mahbub ul-qulub", Sa'diy Sheroziyning "Guliston", va boshqa bir qator didaktik asarlarda katta e'tibor qaratilgan. Bunday asarlar yoshlarda oilaga e'tiqod va mas'uliyatni tarbiyalashda katta ahamiyat kasb etadi.

Ota-ona farzandining tarbiyasini yaxshilashi, unga Qur'on va hadis ta'limotlarini o'rgatishi, yaxshi axloqli bo'lishiga undashi lozim. Yomon kimsalardan farzandini uzoq tutishi kerak. Eng asosiysi farzandu zurriyotlarini solih bo'lishlarini Allohdan duo qilib so'rashi lozim. Ota-ona farzandlariga o'zining ota-onasiga yaxshilik qilish bilan o'rnak bo'lishi, ularni o'z jonidan ham aziz ko'rishi lozim. Shundagina farzand ota-onasining tutgan yo'lidan yuradi, undan ta'sirlanadi, shu holatda katta bo'ladi. Oilada bolalarga juda kichik yoshdan boshlab barkamollik sifatleri tarbiyalanib boradi. Bola avvalo oila muhiti asosida tarbiyalanib, shakllanib boradi. Shuning uchun ham oilada bolaning har bir harakati, uning do'stlari, odamlarga muomalasi kabilar kuzatilib, undagi o'zgarishlar, xulqidagi kamchiliklar bartaraf etilib borishi lozim.

Insonda barkamollik sifatleri birdaniga shakllanib qolmaydi. U qadamba-qadam bola qalbiga singdirib boriladi. Bolaning sog'lom, baquvvat bo'lib o'sishi, bilimli zukko, ma'nan yuksak bo'lib o'sishiga dastlab oilada zamin yaratiladi. Ota-onalar, oiladagi bobo va buvilarning bolalar bilan tez-tez suhbatlashishlari, nasihat qilishlari, ularga turli ertaklar, rivoyatlar va hikoyatlarni aytib berishlari bolaning ma'naviy shakllanishiga samarali ta'sir ko'rsatadi. Muqaddas dinimiz ta'limotida aytilganidek, farzand Alloh taolo insonga bergan eng ulug' ne'mat bo'lishi barobarida omonat hamdir. Payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v) hadislarida bunday marhamat etiladi: "Farzandlaringizga shar'an amr etilgan va qaytarilgan narsalarga rioya qilishni buyuringlar, shu ishlaring ularni do'zaxdan saqlaganlarning bo'ladi." (Imom Ibn Jarir rivoyati). "Hech bir ota bolasiga go'zal odobdan yaxshiroq narsani berolmaydi." (Imom Termiziy rivoyati) [2: 27]. Ruhiy tarbiyaning vazifasi yosh avlodda diniy ong, e'tiqod, diyonat, imonni shakllantirish, chin insoniy fazilatlarini kamol toptirish, hissiyotga beriluvchan va ta'sirchan bolalarda haqiqatni ko'ra bilish, jasurlik, matonat kabi xislatlarni shakllantirishdan, aksincha, diydasi qattiq bolalarni qalbni yumshatuvchi omillar yordamida mayin hissiyotli qilib tarbiyalashdan iborat. Bolani ruhiy tushkunlikka tushish va qiyinchiliklar oldida esankirab qolishdan himoyalashda bunday tarbiyaning ahamiyati nihoyatda katta. Bolaning tili chiqishi bilanoq unga eng oldin Toyyiba kalimasi – "La ilaha illallohu Muhammadur Rasululloh", keyin "Bismillahir rohmanir rohim", "Assalamu alaykum" kalimalari o'rgatiladi. Namoz buyurilgan yoshga yetgan farzandiga ota-ona namoz o'qishni o'rgatadi. Chunki namoz – ibodatlarining eng ulug'i, musulmonlik belgisidir. Ulg'ayib, aqlini tanigach esa, unga Qur'oni Karim, farz, sunnat, halol va



harom kabi din ilmlaridan saboq berish, odob qoidalarini o'rgatish lozim. Agar bunga o'zi qodir bo'lmasa, biror ustozga beriladi.

Diniy ongning rivojlanishida ta'limning diniylikka ma'lum darajada bog'liqligi ta'sirini kuzatish mumkin. Ta'lim berish maktab, akademik litsey, kasb-hunar kolleji, oliy o'quv yurtlarida katta yoki kichik guruhlarga bo'lingan tarzda olib boriladi. Yoshlarda diniy bilimlarni ta'lim tizimidagi darsliklar orqali mavzularga bog'lagan tarzda Qur'oni karim oyatlari sharhi, Hadisi shariflardan, sahobalarning ibratli hayoti diniy ulamolarning hikmatlari so'zlarini keltirib o'tish ham ongda diniy bilimlarni rivojlantirishga ta'sir qiladi. Jamiyatda diniy bilimlarni shakllantirish davlat tomonidan qaror va farmonlar bilan mustahkamlanmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2018-yil 16-aprelda "Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" farmonida diniy va dunyoviy bilimlar uyg'unligini ta'minlash asosida ta'lim sifatini oshirish, diniy-ma'rifiy sohada malakali kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishning yaxlit tizimini yaratishga qaratilgan. O'zbekistonda diniy ta'lim tizimini o'zining ko'p asrlik va boy an'analarga ega. Musulmon renessansi, ya'ni ilmiy-ma'rifiy uyg'unlash davriga asos solgan ulug' ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan va bugungi kunda ham ma'rifatli dunyoni hayratga solib kelayotgan ilmiy merosni o'rganish, ilmiy-tadqiqot ishlari olib borish, bular yaratgan ilmiy yo'nalishlar va maktablar an'analarni davom ettirish bugungi avlod oldida turgan dolzarb vazifalar sirasiga kiradi.

Ayni paytda shiddat bilan o'zgarib borayotgan zamon muqaddas islom dini ahkomlarini noto'g'ri talqin qilish, ularni soxtalashtirish yo'li bilan turli fitna va buzg'unchiliklar sodir etilayotgani dinimizning sofliqini saqlash, uning tinchlik va insonparvarlikdan iborat asl mohiyatini jamiyat a'zolari va ayniqsa yoshlarga yetkazishga qodir, yuqori darajada ilmiy va diniy salohiyatga ega mutaxassislarini tayyorlashni taqazo qilmoqda.

Ta'lim tizimida insonning diniy ong bilan bog'liq salohiyatini psixologik diagnostika qilish muammosi Respublikamizda muhim o'rin tutadigan psixologik tadqiqot vazifalaridan biri ekanligini tadqiqotimizning nazariy jihatdan o'rganilgan holatini tahlil etgan vaqtimizda ta'kidlab o'tgan edik. Shunday bo'lsada bu yo'nalishdagi muammolarni tadqiq etish uchun ahamiyatga ega bo'lgan metodikalarni tanlash va ularni tatbiq etishning o'zi ham tadqiqotni amalga oshiruvchining oldiga ancha murakkab vazifalarni yuklashi tabiiy.

Metodika. Diniy ong shakllanishining amaliy qismini A. Rasulov, L.Tursunovlarning "Diniy e'tiqod darajasini baholash testi" metodikasidan foydalanildi. E'tiqodning ong bilan bog'liq shkalalaridan 20 ta savolnoma tayyorlandi. Quyidagi shkalalarni savolnomaga kiritildi.

1. Dinning falsafiy konsepsiya sifatida (dindorlikning gnoseologik ildizlari va idealistik falsafaga moyilligi).

2. Din qo'llab-quvvatlash va taskin olish manbayi.

3. Olamni yaratgan Buyuk zot va yaratuvchiga ishonish.


4. Diniy ongning shakllanganligi.

Diniy ongning sof va tabiiylik holati shaxs individual qobiliyatining umumiy mahsuli sanaladi. Tadqiqot davomida nafaqat o'quvchilarning yosh xususiyatlariga, balki ularning jins xususiyatlariga ham e'tiborimizni qaratdik. Tadqiqotimiz obyekti O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi litseyining 40 nafar (18 dan 19 yoshgacha bo'lgan) o'quvchilarni tashkil etdi. Quyida tadqiqot natijalari tahlili xususida so'z boradi.

Empirik tahlil. Tadqiqotdan olingan natijalar shuni ko'rsatdiki, o'quvchilarda diniy e'tiqod darajasini baholash ko'rsatkichi, (1-rasm) birinchi shkala ya'ni "dinning falsafiy konsepsiya sifati" bo'yicha daraja erkaklarda 96% nisbatni, ayollarda esa, 94% ni tashkil etdi. Bu daraja miqdoriy ko'rsatkichga asosan normada ekanligidan dalolat beradi. Ikkinchi shkala "din qo'llab-quvvatlash va taskin olish manbayiga" ko'ra, erkaklar 97% ayollarda esa bu ko'rsatkich 95% ni namoyon etgan. Erkaklarda bu shkala ayollarga qaraganda ozgina farq bilan yuqori ekanligini tashkil etdi. Uchinchi shkala bo'yicha ya'ni "olamni yaratgan buyuk zot va yaratuvchiga ishonish" darajasi erkaklarda 93,5% va ayollarda 94% ni tashkil etgan. Bu shkala ham standart normaga ko'ra, o'rtacha ekanligini ko'rsatgan. Keyingi shkala ya'ni "diniy ong shakllanishi" bo'yicha miqdoriy ko'rsatkichlar erkaklarda 67,5% ko'rsatkichni, ayollarda esa, 66% qiymatdagi natijani aks ettirgan. Bu shkala boshqa shkalaga qaraganda, nisbatan pastroq natijani namoyon qilgan. Umumiy qiymatda erkaklarda 88% ko'rsatkich bilan ayollarda esa, 87,2% darajadagi ko'rsatkich bilan farqlandi. Shu jihatdan olib qaralganda, diniy ongning o'smir yoshdagi o'quvchilarda shakllanganlik darajasi shkalalar bo'yicha me'yoriy o'rta



darjada shakllanganligini aks ettirdi. Bu esa, ta'lim jarayonida o'quvchilarga fanlarni o'qitilishida, din bilan bog'liq fanlar va predmetlarning qo'shib o'qitilishi ham o'zining ta'sirini ko'rsatmasdan qolmasligini ham nazarda tutishga olib keladi.



1-rasm: Diniy e'tiqod darajasini baholash so'rovnomasi ko'rsatkichlari (foiz hisobida)

O'quvchi yoshlar diniy ongini shakllantirishning pedagogik-psixologik xususiyatlari ko'rsatkichlarini o'rganishning umumiy natijalarida ularning xususiyatlarini ifodalovchi shkalalar va umumiy ko'rsatkichlari o'rtasida o'zaro o'rta darajada ijobiy bog'lanishga ega bo'lgan korrelyatsiya koeffitsientlari mavjud ekan. 2-jadvaldagi o'quvchilarning diniy ongi va ular o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni aks ettirgan korrelyatsion bog'lanishlar „dinning falsafiy konsepsiyasini tushunish“ shkalasi bilan „diniy ong shakllanishi“ omili o'rtasida ($r=0,544$, $p \leq 0,01$) ahamiyatli darajada, „dinning falsafiy konsepsiyasini tushunish“ shkalasi bilan, „yaratganga ishonish“ ($r=-0,147$) faktori esa teskari darajada bog'lanayotganligi va o'zaro ta'sirlashuv natijasida shakllanayotganligini ko'rish mumkin.

O'quvchilardagi diniy ong va shkalalar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik, ya'ni diniy ongning yaxshi ko'rsatkichi, diniy e'tiqod va bilimlarni o'stirishga, shu bilan birgalikda ijtimoiylashuv jarayonida ularni o'z-o'zini boshqara olishiga ta'sirini ko'rishimiz mumkin.

Jadval № 2.

**Diniy e'tiqod darajasini baholash so'rovnomasi ko'rsatkichlari orasidagi korrelyatsion munosabat
(K.Pirson korrelatsiya koeffitsiyenti asosida)**

	Dinning falsafiy Konsep	Din qo'llab-quvvatlash manbayi	Yaratganga ishonish	Diniy ong shakllanishi
Dinning falsafiy konsepsiyasi	1	,101	-,147	,544**
Din qo'llab-quvvatlash va taskin olish manbayi	,101	1	,062	,145
Olamni yaratgan Buyuk zot yaratuvchiga ishonish	-,147	,062	1	-,003
Diniy ong shakllanishi	,544**	,145	-,003	1

Izoh: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$



Xulosa. Bundan kelib chiqadiki, o'quvchilar diniy ongi nafaqat umumiy individual qobiliyatlarga bog'liq bo'lib qolmasdan, balki ta'lim jarayonida o'zlashtirgan bilim, malaka va ko'nikmalar orqali diniy ongni shakllantirishga yordam berish ehtimoli mavjudligini taqazo qiladi; Diniy ong shakllanishi ham yosh davrlari bilan bog'liq deb qarash mumkin. Sodda-likdan murakkablikka yo'nalgan. Diniy ong diniy faoliyat bilan rivojlanib, oilaviy muhit, ta'lim-tarbiya jarayoni va jamiyat ta'sirida yuqori yoki past darajada namoyon bo'lishi aniqlandi; Diniy e'tiqodi yoshlikdan tarkib toptirilgan yoshlarda e'tiqod boshqalarga nisbatan mustahkam ekanligi kuzatildi; Voyaga yetgan yoshlarda imon-e'tiqodni shakllanganlik darajasi ularning kelajakda axloqli, odobli, jamiyat uchun foydali insonlar bo'lib yetishishlarida ijobiy ta'sir ko'rsatishi kuzatildi; E'tiqodli yoshlar e'tiqodsiz yoshlarga nisbatan axloq-odob jihatidan ham ajralib turishlari aniqlandi; Tajriba sinov natijalarida diniy ongning shakllanishida oila va ta'lim muassalaridagi ta'lim-tarbiya uzviyligi muhim ahamiyatga ega ekanligi; diniy hamda dunyoviy bilimlar uyg'un tarzda berilsa, yoshlarda diniy ong va e'tiqod insonparvar g'oyalar asosida mustahkamlinishi kuzatildi. Olingan natijalarga ko'ra O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi litseyi o'quvchilarida ayni omillar asosida diniy ongning shakllanganlik darajasi normada ekanligi aniqlandi.

Adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. – Toshkent; O'zbekiston. 2018. – 512 b.
2. Алимов У. Оилада фарзанд тарбияси. - Тошкент: Мовароуннахр, 2017. – 460 б.
3. Din falsafasi: o'quv qo'llanma / A.Ochildiyev (va boshqa.). – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2015. – 172 b.
4. Дин психологияси: ўқув қўлланма / Б.Валиев [ва бошқ.]. – Тошкент: Мовароуннахр, 2014. – 312 б.
5. Psixologik atamalar ruscha-o'zbekcha izohli lug'ati / Shoumarov G'.B. tahriri ostida. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2019. – 400 b.
6. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2016. – 504 б.



ИЛМИЙ МУШОҲАДА



Турсунов Қаҳрамон,
БухДТИ, Ижтимоий фанлар кафедраси доценти
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик
палатасига сайлов ўтказувчи 23-Бухоро округ сайлов
комиссияси раиси,



Мухамедов Тўлқинжон Джураевич,
БухДУ санъатишунослик факультети мусиқа таълими
йўналиши кафедраси ўқитувчиси

САЙЛОВЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Сайловлар - демократиянинг энг муҳим кўринишларидан бири бўлиб, демократик тамойиллар сайлов тизими ва уни амалга ошириш механизмлари орқали намоён бўлади. Ҳар бир мамлакатнинг ўз сайлов тизими мавжуд бўлиб, бу тизим орқали вакиллик демократияси амалга оширилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, сайловларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказиш тамойили демократик сайлов принципи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади¹.

Демократик сайловлар ҳар бир фуқаронинг сайловларда эркин иштирок этиши, ўз фикрини эркин баён этиши, номзодлар билан бевосита танишиш имконияти, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган сиёсий партияларнинг бу жараёнга иштирок этиши, сайлов кампаниясининг молиявий таъминоти, сайлов ўтказувчи органлар тизими, сайловларни ўтказиш тартиблари ва муддатлари тегишли қонунлар билан мустаҳкамланиб, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ва уни бузганликлари учун жавобгарлик чоралари белгиланади.

Давлат органлари халқ томонидан сайланадиган бошқарув шакли Республика бўлиб - Президентлик ва Парламент турларига бўлинади. Президентлик Республикаларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, Президент ва Парламент алоҳида ўтказиладиган сайловлар орқали сайланадилар.

Жамоат ташкилотларининг ҳар бир аъзоси мамлакат фуқароси сифатида барча турдаги сайловларда фаол иштирок этиш орқали жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларнинг боришига у ёки бу даражада муносабат билдирмоқдалар. Бу ҳолат Парламент ҳамда Президент сайловида яққол намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнида энг юқори демократик стандартларга жавоб берадиган замонавий сайлов тизими яратилди. Миллий сайлов қонунчилигимиз умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ҳуқуқий жиҳатдан янада ривожлантирилди, либераллаштирилди ва сайлов амалиётини модернизациялаш йўлида янги босқич бошланди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

“Шу ўринда сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Бу борада қабул қилинган 6 та қонун ва бир қатор қонуности ҳужжатлари, афсуски, ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаган. Шу сабабли

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти 2017 й.



халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган **ягона Сайлов кодексини** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.”¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мамлакатимиз тарихида биринчи марта бир нечта қонунларнинг ўрнига тизимлаштирилган, конкрет ва яхлит қонун ҳужжати – 18 та боб ҳамда 103 та моддадан иборат “Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси” тайёрланди. Кодекс Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқуллангач, мамлакатимиз Президенти томонидан жорий йилнинг 25 июнь куни “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Марказий сайлов комиссиясининг 913-сонли қарори билан “2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловида тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар Дастури” қабул қилинди.

Сайлов кодекси кучга киритилиши муносабати билан 30 га яқин қонун ҳамда қонунларга кейинчалик киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек, қонуности ҳужжатлари ўз кучини йўқотди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Айтиш жоизки, уларнинг барчасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига доир деярли бир хил нормалар тақдорланарди. Сайловга оид қонунлар кўплиги уларни қўллашда муайян қийинчиликлар туғдирганлиги ҳам ўз-ўзидан тушунарли. Сайлов кодексидан шу пайтгача миллий сайловчилигимизда бўлмаган ўнлаб янги норма ва қоидалар жой олди, амалда бўлган айрим тартиб-қоидалар бекор қилинди.

Мазкур кодексда Ўзбекистон Республикасида сайлов ўтказишнинг асосий ва муҳим принциплари белгилаб берилди.

“Ўзбекистон Республикасида сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилади. Сайлов очиқ ва ошқора ўтказилади.”²

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ҳамда “Инсон манфаатлари — ҳар нарсадан устун!” деган ҳаётбахш демократик ғояни ўзида мужассам этган Сайлов кодекси юртимизда сайловлар соҳасидаги ислохотларнинг янги, янада юксалиш ва самарали даврини бошлаб бериши, шубҳасиз. Кодекс сайловларимизнинг ошқоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик тартиб-тамойиллар асосида ўтишида муҳим омил бўлиши баробарида, сайловчи ва сайланувчилар учун кенг имкониятлар ва қулайликлар яратиб беради³.

Сайловлар кишилиқ жамиятининг бир неча асрлик тарихий ривожланиш маҳсули бўлиб, давлат ва жамиятнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадида пайдо бўлган институтдир. Ҳозирги даврга келиб, дунёнинг аксарият мамлакатларида давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган демократик сайловлар сиёсий тизимининг ажралмас таркибий қисмига айланиб бўлди. Турли мамлакатлардаги ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасини уларда ўтказиладиган сайловларга, сайловлардаги аҳолининг иштирокига, сайловларнинг савиясига кўра белгиланади⁴. Бундан ташқари мамлакатдаги тинчлик, барқарорлик ҳукм суриши ва шахс, жамият, давлат хавфсизлигининг таъминланиши демократик сайлов тамойилларининг қай даражада рўёбга чиқишига ҳам бевосита боғлиқдир.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда алоҳида таъкидланган.

Фуқароларнинг бевосита сайлов жараёнида, ўзлари эркин сайлайдиган вакиллари орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқининг амалга оширилиши учун яратилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабр 2017 йил uza.uz.

² Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 03/19/544/3337-сон.

³ М. Абдусаломов Сайловлар соҳасидаги ислохотларнинг янги даври “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 2 июль

⁴ Жўраев Қ.А. Сайлов тизimini эркинлаштириш – демократик тараққиёт омили. Адолат. 2011 йил 6 май № 825



имкониятга қараб, у ёки бу давлат қай даражада демократик тамойиллар асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Умумхалқ сайловлари орқали давлат ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Демократик давлатларда сайловлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги шундаки, улар мамлакат парламенти қандай сиёсий кучлардан ташкил топишини аниқлаб беради. Сайловлар мамлакат аҳолисининг қайфияти ва кимни афзал билишини намоён этувчи кўрсаткич сифатида ҳам катта аҳамият касб этади.

Сайловлар фуқароларга ҳокимият учун курашаётган сиёсий партияларнинг дастурларини ҳақиқий мазмун-моҳиятини англашга имконият беради. Фақатгина сайловлар орқали халқнинг кўпчилигининг иродаси аниқланади, унинг асосида эса демократик ҳокимият яратилади.

Сайловлар давлат ҳокимияти органларининг бутун тузилмасига олий бошланғич легитимликни беради¹. Ўзбекистонда бевосита сайловлар йўли билан Олий Мажлисининг битта палатаси – Қонунчилик палатаси ва давлат бошлиғи – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайланадилар. Сайланиш йўли билан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳам шакллантирилади. Шу тариқа сайладиган давлат ҳокимияти вакиллик органлари ваколатига давлат ва жамият ҳаётидаги энг муҳим масалаларни ҳа элтиш киритилган. Бу барча даражадаги сайловларнинг ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Сайловлар, референдум каби, халқ иродасини тўғридан-тўғри намоён этилишининг қонунлаштирилган шаклидир. Сайловлар орқали фуқаролар давлат ҳокимияти органларининг шаклланишида иштирок этадилар ва бу билан давлат бошқарувидаги ўзининг конституциявий ҳуқуқини амалга оширадилар.

Демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бирини вакиллик демократияси ташкил этади. Вакиллик демократияси фуқароларнинг манфаатларини бирлаштириб, қонунлар ва қарорлар қабул қилишга мутлоқ ҳуқуқ берилган сайладиган муассасалар орқали халқ ҳокимиятини амалга оширишидир. Бундан келиб чиқадики, том маънодаги вакиллик демократиясининг амалга оширилиши сайлов жараёнининг демократик тамойилларга амал қилишлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, демократия ва сайловлар бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир.

Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда эркин ва адолатли сайловларнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳамда янада ривожлантириш борасида катта амалий тажриба тўпланди.

Маълумки, жорий йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

Юртбошимиз ушбу сайловлар мамлакатимизда муҳим ижтимоий-сиёсий жараён эканлигини алоҳида эътибор қаратди. “Бу сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтаришда яна бир муҳим амалий қадам бўлади. Бу сайловлар бутун халқимиз, айниқса,

¹ Конституциявий ҳуқуқда легитимлик деб (лотинчадан *legitimus* – қонуний) давлат ҳокимияти органининг ёки олий мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини қонуний деб топилиши уларни конституцияга ва халқни қонуний билдирилган иродасига аниқ мос келиши тушунилади.



ёшларимизнинг орзу-интилишларини ифода этиб, улар учун янги имкониятлар очиб беради, деб ишонаман.”¹

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ҳар бир ҳудуддан сайланадиган депутатлар сони жами 6719 нафарни ташкил этади. Шундан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси 150 нафар, Қорақолпоғистон Жўқорғи Кенгес ва халқ депутатлари вилоят Кенгашларига 831 нафар ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашларига 5738 нафардан иборат.

Айни пайтда, 4 босқичли сайлов комиссияларимиз томонидан (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссиялари ҳамда участка сайлов комиссиялари) мамлакатимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларига пухта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ушбу сиёсий компанияни юқори савияда ташкил этилиши ва ўтказилишида жами 170 мингдан ортиқ комиссия аъзолари ўз билим ва тажрибаларини шубҳасиз намоён этадилар. Ўз ўрнида мавжуд 5 та сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар соғлом рақобат муҳитида ўзларини муносиб кўрсата оладилар.

Мухтасар қилиб айтганда, Фуқароларнинг сайловларда ва бошқа сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан биридир. Бу йилги сайловларнинг мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон янги сайловлар” шиори остида ўтаётганлиги ҳам барчамизга алоҳида масъулият юклайди. Зеро, давлатимиз ва жамиятимизнинг эртанги куни, уни ёруғ истикболи, халқимиз фаровонлиги фуқароларимизнинг фаол ва муносиб танловига бевосита боғлиқдир.



¹ Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи. 31 август 2019 йил uza.uz



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ “ДИН ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

“Дин психологияси ва педагогика” кафедраси дастлаб ОЎМТВ хайъатининг 2011 йил 14 майдаги 3/2-сонли Қарорига биноан, Тошкент ислом университети Илмий кенгашининг 2011 йил 29 ноябрдаги қарори (4-сонли баённомаси)га мувофиқ “Психология ва фалсафий фанлар”

кафедраси сифатида ташкил этилган. 2018 йил апрель ойида Тошкент ислом университети тугатилиб, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб қуватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 466-сон қарорига мувофиқ “Психология ва



фалсафий фанлар” кафедраси “Дин психологияси ва педагогика” номи билан қайта ташкил этилди.

Кафедра 5210200 – Психология (Дин социопсихологияси) бакалаврият таълим йўналиши ва 5A210201 – Психология (Дин психологияси) ҳамда 5A210102 – Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик

хавфсизлиги бўйича магистратура мутахассислиги бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

Ҳозирги кунда кафедрада жами 17 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб бормокда. Хусусан, кафедра мудири педагогика фанлари номзоди, доцент Касимова Зебо Хамидовна, иккита профессор ва тўртта фан докторлари: психология фанлари доктори, профессор Умаров



Бахриддин Менгбоевич, педагогика фанлари доктори, профессор Миркосимова Марғуба Мирқобиловна, психология фанлари доктори, доцент Эргашев Пўлат Собирович, психология фанлари доктори Расулова Зиёдахон Абдубориевна, 5 нафар доцент – фан номзодлари: психология фанлари номзоди Турсунов

Лутфулла Сайфуллаевич, психология фанлари номзоди Алимов Хўжакелди, психология



фанлари номзоди Расулов Абдумўмин Ибрагимович, психология фанлари номзоди Расулова Феруза Файзуллаевна, педагогика фанлари номзоди Маҳкамова Саида Хафизовна ҳамда етти нафар ўқитувчилар: Расулова Нилуфар Тулкуновна, Назаров Азамат Саттарович, Ганиева Гулрух Валижон кизи, Тойирова Лайло Изатовна, Насимджанова Махсума Мажидовна, Ботирова Дилафруз Бозоровна, Абдуллаева Дилбар Зоиржон кизи фаолият олиб бордилар.



Кафедра профессор-ўқитувчиларининг назарий ва амалий машғулоти замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳамда хорижий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва улардан унумли фойдаланиш асосида олиб борилади.

Кафедра қошида иккита лаборатория хоналари мавжуд. Хусусан, илк бор *ижтимоий-психологик лаборатория* ҳамда семинар-тренинг *ўқув-психологик лабораториялари* ташкил этилган.



2019 йил 25 апрель кунини илк бор Ўзбекистон халқаро ислом академиясида дин психологияси йўналишида «Ўзбекистонда дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари» мавзусида дин психологияси соҳасида олиб борилаётган илмий

изланишларнинг долзарб муаммолари, эришилган ютуқлар ва қўйилган вазифаларни бажариш механизмларини муҳокама қилиш мақсадида Республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.



“Дин психологияси ва педагогика” кафедрасида 2019 йилдан таянч докторантура ташкил этилди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ҳар ой илмий семинар ўтказиб борилади.



Кафедранинг маънавий-маърифий ишлари

“Дин психологияси ва педагогика” кафедраси томонидан мунтазам равишда Ўзбекистон халқаро ислом академиясидан ташқари Республика бўйича турли ташкилотларда қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинади.



TAHRIR HAY'ATI



ХАМИДОВ О.Х.
Бухоро давлат
университети ректори,
иктисодиёт фанлари
доктори



БАРОТОВ Ш. Р.
БОШ МУҲАРРИР
Халқаро Психология Фанлари
Академиясининг хакикий аъзоси.
Психология фанлари доктори, профессор.



КОЗЛОВ В.В.
Халқаро Психология Фанлари
Академияси президенти.
Психология фанлари доктори,
профессор.



МАЛЫХ С.Б.
Россия Таълим
Академиясининг
хакикий аъзоси.
Психология фанлари
доктори, профессор.



ШОУМАРОВ Ғ.Б.
Бош муҳаррир
ўринбосари.
Психология фанлари
доктори, профессор.



УМАРОВ Б.М.
Бош муҳаррир
ўринбосари.
Психология фанлари
доктори, профессор.



КАРИМОВА В.М.
Психология фанлари
доктори, профессор.



ҒОЗИЕВ Э.Ғ.
Психология фанлари
доктори, профессор.



КОДИРОВ Б.Р.
Психология фанлари
доктори, профессор.



САФОЕВ Н.С.
Психология фанлари
доктори, профессор.



НИШОНОВА З.Т.
Психология фанлари
доктори, профессор.



ЖАББОРОВ А.М.
Психология фанлари
доктори, профессор.



ИБДУЛЛАЕВ З.Р.
Тиббиёт фанлари
доктори, профессор.



БЕГМАТОВ А.С.
Фалсафа фанлари
доктори, профессор.



БЕКМУРОДОВ М.Б
Социология фанлари
доктори, профессор.



АБДУРАХМАНОВ Ф.Р.
Фалсафа фанлари
доктори, профессор.



ҚАҲҲОРОВ О.С.
БухДУ, Илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректор.
Иктисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент.



МУҲАРРИРЛАР – РЕДАКТОРЫ:



УСМАНОВА М.Н.
Халқаро Психология
Фанлари Академиясининг
муҳбир аъзоси
Психология фанлари
номзоди, доцент.



МУХТОРОВ Э.М.
Халқаро Психология
Фанлари Академиясининг
муҳбир аъзоси.
Психология фанлари
номзоди, доцент.




БАРОТОВА Д.Ш.
Халқаро Психология
Фанлари Академиясининг
муҳбир аъзоси.
Психология фанлари
номзоди, доцент.



СОБИРОВА Д.А
Халқаро Психология
Фанлари Академиясининг
муҳбир аъзоси.
Психология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент,

ТЕХНИК МУҲАРРИРЛАР - ТЕХ.РЕДАКТОРЫ



ХУДОЙҚУЛОВА Г.Б.
БухДУ, Психология
кафедраси катта
ўқитувчиси.



ОСТАНОВ Ш.Ш.
БухДУ, Психология
кафедраси ўқитувчиси.



ВОҲИДОВА Н.Н.
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети,
инглиз тили кафедраси
ўқитувчиси.



РУСТАМОВ Ш.Ш.
БухДУ, Психология
кафедраси ўқитувчиси.



Журналдан ўрин олган мақолалар психология фанлари доктори Расулова Зиёдахон Абдубориевна ва педагогика фанлари номзоди, доцент, “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси мудири Қосимова Зебо Хамидовналар томонидан таҳрир қилинган ва нашрга тавсия этилган.